





АРТУР КОНАН ДОЙЛ

ЙЎҚОЛГАН ДУНЁ

Русчадан Маҳмуд ЯҲЁЕВ таржимаси

Тошкент

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«ЁШ ГВАРДИЯ» нашриёти

1983

Машхур инглиз ёзувчиси, ҳаммага таниш изқувар Шерлок Холмс образининг ижодкори Артур Конан Дойл (1859—1930) турли жанрлардаги етмиш жилдлик адабий мерос қолдирган. Унинг илмий тафаккур билан сугорилган ғаройиб воқеаларга бой саргузашт асарлари турли мамлакатларда севилиб ўқилади. Улар орасида адабининг «Йўқолган дунё» романи жаҳон илмий-фантастикасининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Жанубий Америка чанталзорлари орасида, Амазонка дарёсининг юқориладидаги одам оёги етмаган ясситоғ бағрида сақланиб қолган бир гурӯҳ одамсимон маймунлар ва баҳайбат йиртқич махлуклар билан учрашган, кўп қийинчиликларни енгуб, неча-неча ўлимдан қолиб, фанни янгиликлар билан бойитган фидойи кишиларнинг саргузаштлари ҳақида ма-роқли ҳикоя қилинади.

70304—88
К 356(04)—83 139—83 4703000000

f

© «Ёш гвардия» нәшриёти, 1983, таржима.

«ИНСОН — ЎЗ ШУҲРАТИНИНГ ИЖОДКОРИ»

Глэдисимнинг отаси, мистер Хангертон, ўтакетган бендиша, аммо ниҳоятда хушфеъл одам бўлса-да, ўзига бино қўйгац, патларин ҳурпайтириб юрадиган тўтиқушга ўхшарди. Глэдисдан қўнглимни қолдирадиган бирор кимса мавжуд бўлса, ана шундай кишининг қайнотам бўлишини асло хоҳламаслигимдир. Аминманки, «Каштана»га ҳафтада уч кун келиб туришимни мистер Хангертон ўзича, унинг суҳбатига, айниқса, биметаллизм¹ тўғрисидаги гапларига ишқибозлигим туфайли деб ўйлади. У киши биметаллизм бобида ўзини зўр билимдон деб ҳисоблайди-да.

Ўша куни кечқурун мен у кишининг кумуш нархи арzonлашгани, пулнинг қадрсизланәётгани, рупия² курси тушуб бораётгани, бинобарин, пул сиёсатини тўғри йўлга солиб юбориш зарурати туғилгани ҳақидаги сийқаси чиққан сафсаталарини эшитиб ўтиrdim.

— Фараз қилинг-а, тўсатдан, бутун дунёда ҳамма пулларни бир вақтнинг ўзида тўлаш зарур бўлиб қолди, дейлик!— хитоб қилди у заифона, аммо ваҳимали товуш билан.— Пул системаси ҳозиргидек аҳволда қолаверса, нималар бўлар экан?!

Табиники, у ҳолда дастлаб мен хонавайрои бўлур эдим, дедим, лекин бу жавобим мистер Хангертонни қониғирмади, у киши курсидан дик этиб турди-ю, енгилтаклигим учун мени коғиб, шу қилиғингиз сиз билан

¹ Биметаллизм ёки икки хил металлдан ясалган танга — тўлов қонунига кўра, икки хил металлдан, масалан, олтин ва кумушдан ясалған тангалар воситаси билан қонуний тўловлар амалга ошириладиган пул системаси.

² Рупия — Ҳиндисондаги кумуш танга.

жиддийроқ бирор масалани муҳокама қилиш имкониятини йўққа чиқарди-да, деди. Сўнгра хонадан югуриб чиқиб, массонлар¹ йиғинига бориш учун отлана бошлади.

Ниҳоят, мен Глэдис билан ёлғиз қолдим! Менинг бундан бўёнги тақдиримни ҳал қиласидиган дақиқа келди. Шу оқшом мен ўзимни шиддатли жангга чоғланган, қалбини ғалаба нашидаси-ю, мағлубият ваҳимаси кемираётган солдатдек ҳис қилдим.

Глэдис дераза олдида ўтирас, унинг мағруона ниҳолдек қомати тўқ-қизил дарпарда орқасидан аниқ кўриниб турарди. Мунча ҳам гўзал бўлмаса! Айни чогда мендан шақадар узоқда-я! Биз у билан дўст эдик, жуда қадрдон дўст эдик, аммо-лекин уни, айтайлик, ҳамкасб мухбирларим билан қиласидиган ўртоқларча муносабатлар доирасидан олиб чиқиб кетишига асло муюссар бўла олмаяпман-да.

Глэдис биз эркакларни мафтун эта оладиган аёлларга хос ҳамма фазилатлар соҳибаси. Баъзилар уни совуқ, қўрс дейишар, аммо бундай хаёлга бориш мен учун хоинликдек туюларди. Нозикбаданлиги, шарқ аёллариники сингари қарға қанотидек тим-қора сочи, хумор кўзлари, дўрдоқ, аммо хушбичим лаблари — буларнинг барчаси уни эҳтиросли нозанин қилиб қўйган эди. Шунга қарамай, шу чоғгача унинг муҳабатига сазовор бўла олмаёттапимга иқорор бўлишдан ўзга чорам ўйқлигини ўйлаб эзилардим. Бас, етар, эзилиб юргандан кўра, таваккал қилиб, шартта юрагимни очиб соламан — вассалом! Шу оқшом унинг жавобини олишга эришаман! Балки рад этар, лекин мажбуран ака-сингил тутиниб, кўнглингни овутиб юргандан кўра рад этилган ошиқ бўлганинг афзал-да!

Мен ана шу қарорга келиб, орамиздаги ноқулай сукунатни бузишга жазм этган ҳам эдимки, ул қаро кўзларнинг менга синчковлик билан тикилаётганини сезиб, Глэдиснинг мағрур бошини ёзғирганнамо сарак-сарак қилиб турганини кўриб қолдим.

— Сезиб турибман, Нэд, сиз менга уйланмоқчи бўлганингизни изҳор қилиб, кўнглимни сўрамоқчисиз. Керак эмас. Ҳаммаси эскича қолаверсин, шунда яхши бўлади.

Мен унга яқинроқ сурилдим.

— Қаёқдан билдингиз буни? — ҳайратимнинг чинлигига ишонмаслик мумкин эмасди.

— Бу нарсани олдиндан билмайдиган аёл зоти бўлар-

¹ Массонлар ёки «озод гишчилар биродарлиги» — XVIII аср охирида Англияда пайдо бўлиб, Европага ёйилган диний-ахлоқий оқим.

миккин?! Наҳотки сиз билаларни ғафлатда қолдираман деб ўйласангиз? Оҳ, Нэд! Сиз билан шундай юрганимиз менга қанчалар яхши ва ёкимли эканлигини билсангиз эди! Дўстлигимизни бузишнинг нима кераги бор? Навқирон йигит билан бокира қизнинг шундай очиқ, самимий дилкашлик қилиб юришлари қандай соз, лекин сиз буни ҳечам қадрламайсиз.

— Рост, Глэдис, билмайман. Гап шундаки... инчунун, мени бунақа очиқ суҳбатни, айтайлик, темир йўл бекати бошлиғи билан ҳам қиласвераман.— Бекат бошлиғи миямга қандай келиб қолганига ўзим ҳам ҳайронман, лекин бўлар иш бўлди: бу мансабдор шахс чақиртиканакдек орамизга тушиб қолиб, икковимизни кулдириб юборди.— Йўқ, Глэдис, менинг умидларим катта. Мен сизни қучмоқчиман, бошингизни сийнамга босмоқчиман. Глэдис, мен хоҳлаймәнки...

Глэдис ниятимни амалга оширмоқчи бўлганимни кўриб, дик этиб ўрнидан туриб кетди.

— Нэд, ҳаммасини расво қилдингиз!— деди у.— Шунарса бўлмаса қандай яхши, қандай соз, а! Наҳотки, ўзингизни боса олмасангиз?

— Лекин бу нарсани биринчи бўлиб мен ўйлаб топган эмасман-ку!— илтижо қилдим унга.— Инсоннинг табиати шунақа ўзи. Муҳаббат шунақа бўларкан.

— Ҳа, муҳаббат икки томонлама бўлса, эҳтимол, ҳаммаси бошқача бўлармиди. Лекин мен ҳеч қачон севги нималигини билган эмасман.

— Наҳотки сиз шундай ҳуснингиз, шундай қалбингиз билан севги нималигини билмасангиз! Глэдис, ахир, ўзингиз севги учун яратилгансиз-ку! Сиз севиб қолишингиз керак!

— Унда севгининг ўзи қалбимни ром этишини кутиши лозим.

— Лекин нима учун мени севмайсиз, Глэдис? Сизга нима халақит беряпти ўзи — менинг ташқи қиёфамми ёки бошқа бирон нарсами?

Шу гапдан кейин Глэдис бир оз юмшади. У қўлини узатди — о, бу ҳаракатда қанчалар латофат, қанчалар назокат зоҳир бўлганини билсангиз эди!— шу ҳаракати билан бошимни орқага итарди. Кейин ғамгин табассум билан юзимга боқди.

— Йўқ, гап бунда эмас,— деди у.— Сиз кеккайган бола эмассиз, шунинг учун ҳам бемалол иқрор бўлиб айтаманки, гап бунда эмас. Гап сиз ўйлагандан жиддийроқ масала устида.

— Менинг характерим хусусидами?

У жиддий қиёфага кириб, бошини эгди.

— Мен тузаламан, фақат нимани истаётганингизни айтсангиз бўлгани. Ўтириңг, ҳаммасини муҳокама қилиб чиқамиз. Хўп, майли, ҳеч нарса қилмайман, жим ўтираман, фақат ўтирангиз бўлди!

Глэдис менга тикилди, ҳойнаҳой, менинг самимиyllи-гимга шубҳа қилаётгандир, лекин мен учун ана шу гумо-ни тўла ишончидан қимматлироқ эди. Бу ҳолатни қофоз-да баён қилиш нақадар жўн ва аҳмоқона бир нарса бў-либ чиқишини билсангиз эди! Балким, менга шундай туюлаётгандир? Ҳайҳот, нима бўлгандаям, Глэдис курси-га ўтириди.

— Қани, хўш, айтинг-чи, нимадан норозисиз?

— Мен бошқани севаман.

Энди мен дик этиб туриб кетдим.

— Қўрқманг, мен хаёлимдаги маҳбубни айтаямсан,— тушунтира бошлади Глэдис ўзгариб кетган юзимга тики-либ.— Ҳаётда бунақа одамга ҳали дуч келганим йўқ.

— Айта қолсангиз-чи, ким у ўзи? Афт-ангари қанақа?

— Уми, эҳтимол, сизга жудаям ўҳшаган одамдир.

— Мунчалар саҳоватлисиз, а? Ундан бўлса, нега менга ёпишиб олмаяпсиз? Бир оғиз сўзингиз кифоя-ку! Ким у — ичкилик ичмайдиган, гўшт емайдиган одамми, самога учадиган аэронаутми, фариштами ё? Мен ҳамма-сига розиман, Глэдис, фақат сиз нима кераклигини айт-сангиз бас!

Бунчалик тантлигим кулгисини келтириб юборди.

— Аввало, менинг хаёлимдаги одам, ҳар ҳолда, бун-дай демаган бўларди. У одам қаттиққўл, пишиқ-пухта бўлиб, хотинларнинг бемаъни саркашликларига жон деб кўнавермайди. Аммо энг муҳими — у ҳаракат кишиси, ўлимнинг кўзига тик боқишдан қўрқмайди, тажрибаси бой, жасорат кўрсатишга тайёр турувчи, ғайритабии тажриба орттирган киши. Мен унинг ўзини эмас, шуҳратини севаман, чунки шон-шавкатининг нури менга ҳам тушади-да. Ричард Бертон¹ни эсланг. Бу сайёҳнинг хоти-ни ёзган таржимаи ҳолини ўқиганимда у хоним уни нима учун яхши кўрганини англадим. Леди Стенли²-чи? Унинг

¹ Бертон Ричард Френсис — Африкага саёҳат қилиб, унда Танганьика кўлини кашф этган, Шарқни ўрганган ва ўз саргу-заштлари ҳақида бир неча китоб ёзган сайёҳ.

² Леди Стенли — Африкада бедарак кетган Ливингстон экспедициясини қидириб топган машҳур инглиз сайёҳи Генри Мортон Стенлининг рафиқаси.

эри ҳақида ёзган китобининг охирги бобини эслайсизми? Хотин' киши ана шундай эрқакларга қуллуқ қилиши керак! Мана бундай муҳаббат аёлни ерга урмайди, балки улуглайди, чунки бутун олам буюк ишларга илҳомлантирувчи бундай аёлларни эъзозлайди!

Шу онларда Глэдис бирам гўзал бўлиб кетдики, мен сұхбатимизнинг кўтарилик руҳини бузиб юборишинга оз қолди, ҳайриятки, вақтида ўзимни тўхтатиб қолдим-у, баҳсимизни давом эттиравердим.

— Ҳаммаям Бертон, Стенли бўлавермайди-да,— дедим мен.— Бунақа имкониятлар қаёқда дейсиз. Агар шундай имкониятлар туғилиб қолса, мен улардан фойдаланган бўлур эдим!

— Йўқ, бундай имкониятлар ҳар қадамда учрайди. Менинг орзуим моҳияти ҳам шунда-да, унинг ўзи жасоратга пешвоз боради. Ҳеч қандай тўсиқ унга ғов бўла олмайди. Мен ҳали бунақа қаҳрамонни топганимча йўқ. Лекин уни тирик кишидек шундоққина кўриб турибман. Ҳа, инсон ўз шуҳратининг ижодкоридир. Эрқаклар жасорат кўрсатишлиари, керак, хотинлар эса уларни ўз муҳабатлари билан мукофотлашлари лозим. Бир неча кунгина муқаддам ҳаво шаридаги самога кўтарилган француз йигитининг жасоратини эсланг. Ўша тонг палласида бўрон бўлаётганди, лекин парвози эълон қилинган эди, шунинг учун ниятини амалга оширишни асло кечиктирмади. Бир кечаю кундуз ичидаги шамол ҳаво шарини бир ярим минг миль масофага суринб кетиб, аллақаерга, Россиянинг марказига олиб бориб ташлабди. Мен ана шундай одам ҳақида гапирияпман. Уни севадиган хотинни ўйланг. Бу аёл бошқаларнинг ҳавасини келтирмайди дейсизми! Сенинг эринг қаҳрамон дея менга ҳам ҳавас қилишсин-да!

— Сиз учун мен ҳар нарса қилишга тайёрман!

— Фақат мен^{*} учунми? Йўқ, бунақаси кетмайди! Сиз бошқача иш қила олмаслигинги туфайли жасоратга қўл уришинигиз керак, чунки ўзингизнинг табнатингиз шунақа, чунки баданингиздаги эрқаклик ғурури ўзимни кўрсатам деб турибди. Мана, масалан, сиз Киган тошкўмир шахтасидаги портлаш ҳақида ёзгансиз. Лекин нима учун ўзингиз шахтанинг ичига тушиб, заҳарли газ ютиб, бўрияётганларга ёрдам бермадингиз?

— Мен тушганман.

— Сиз менга буни айтмовдингиз-ку.

— Булинг нимаси жасорат?

— Мен буни билмовдим.— Глэдис менга мароқ билан тикилди.— Ҷасурлик қилибсиз-да!

— Бошқа нимаям қила олардим. Яхши очерк ёзмоқчи бўлсанг, ҳодиса юз берган жойда ўзинг бўлишинг керак.

— Жасорат сабабини бунча жўн талқин қилмасан-гиз! Бу гапингиз ниятингизнинг латофатини йўққа чиқаради. Лекин, ҳар қалай, шахтага тушганингиздан жуда хурсандман.

Мен узатилган қўлни ўпишдан ўзимни тия олмадим — бу ҳаракатда олам-олам назокат, ифтихор ифода этилган эди-да.

— Балки сиз, мени болалик орзулади ҳалиям қолмаган тентак экан, деб ўйларсиз. Лекин бу орзулади мен учун амалга ошадиган нарсалар бари! Мен уларсиз яшай олмайман — улар қон-қонимга сингиб кетган. Мен қачонлардир турмуш қуришни ихтиёр этгудек бўлсам, фақат машҳур одамга тегаман.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да! — хитоб қилдим мен. — Эркакларни жасоратга илҳомлантирадиган хотинлар сиздақа бўлмай, қандай бўлади яна! Қани, менга бир имконият келиб қолсин-чи, ўшанда кўрасиз, ундан фойдалана оламанми, йўқми?! Сиз инсон ўз шуҳратини ўзи бунёд этиши керак, у қўлимга шуҳратининг ўзи, келиб тушади, деб кутиб туриши лозим эмас, деяпсиз. Масалац, жилла қурса Клайв¹ни олниг Шу камтаргина хизматкор — клерк Ҳиндистонни забт этди-я! Йўқ, сизга қасам-ёд қилиб айтаманки, менинг пималарга қодир эканлигими ни олам билади ҳали!

Менинг ирландияликларга хос эҳтиросим жўшиб кетганини қўриб, Глэдис кулиб юборди.

— Хўп, бўлмаса, ҳаракатингизни қилаверинг. Бунинг учун сизда ҳамма нарса бор — ёшсиз, соғлиғингиз жойида, кучингиз, билимингиз, гайрат-шижоатингиз барқ уриб турибди. Сиз бу гапни бошлаганингизда қўнглим ғам-андуҳга тўлган эди. Энди хурсандман, чунки суҳбатимиз сизда ажойиб фикрларни уйғотди.

— Бордӣ-ю...

Унинг қўли бамисоли дуҳобадек лабларимни силади.

— Энди бир оғиз ҳам гапирманг, сэр. Сиз шундоқ ҳам редакцияга ярим соат кечикиб қолдингиз. Сизга буни эслатишдан ийманиб турувдим. Насиб этса, ҳаётдаги ўз ўрнингизни топиб қолгудек бўлсангиз, шу бугунги суҳбатимиз давом эттиармиз балки.

Шу сабабдан ҳам мен ўша туманли ноябрь оқшомида

¹ К л а й в Р о б е р т — инглизларнинг Ост-Индия ширкаги арбоби. Меҳнат фаолиятини клерк (котиб)ликдан бошлаган.

бахт нашидаси билан маст бўлиб, гўзал маҳбубамга муносиб улуғ ишни амалга ошириш учун бирор кунни ҳам беҳудага ўтказмасликка қатъий қарор қилиб, Кемберуэл трамвайи ортидан қувар эдим. Лекин бу ниятга эришишм учун қандай сир-синоатларга дуч келишимни, унга қандай йўллар билан етишимни бир худонинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмас эди-да!

Муҳтарам китобхон, бу кириш боби мен баён қилмоқчи бўлган қиссага ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку, дейишм мумкин, аммо бусис ҳикоямнинг ўзи ҳам бўлмас эди, чунки инсон шуҳратининг бунёдкори унинг ўзиdir деган ғоядан илҳомланган кишигина ҳар қандай жасоратга тайёрdir, оддий турмуш икир-чикирлари билан алоқасини батамом узib, сирли воқеалар ўлкасига, ғаройиб саргузаштлар ва буюк мукофотлар кутаётган мамлакатга бош олиб кетишга қодирдир!

Мен итнинг кейинги оёғи бўлиб, «Дейли газетт» редакциясида ишлаб юрган кезларимдаги ўша оқшом калламни азизам Глэдисга муносиб жасорат кўрсатиш имкониятини шу кунлардаёқ топишим лозим деган қатъий қарор чўлғаб олганини тасаввур қилиб кўринг-а! Менинг ҳаётимни таҳликалар гирдобига рўбарў қилиб шуҳрат орттиришдан маҳбубамнинг мақсади нима экан? Шафқатсизликми, худбинликми? Бундай фикрлар камолга етган кишиларни чўчитиши мумкин, лекин энди йигирма уч ёшга тўлган, илк севги шаробидан маст бўлган йигитни асло иккилантира олмайди.

ИККИНЧИ БОБ

«БАХТИНГИЗГА ЭРИШМОҚ УЧУН ПРОФЕССОР ЧЕЛЛЕНЖЕРДАН МАДАД ИЗЛАНГ»

Мен газетамизнинг «Сўнгги ахборот» бўлими муҳаррири, малла, вайсақи Мак-Ардлни ҳамиша севардим, ўйлашимча, у ҳам менга яхши муомаласини дариф тутмасди. Биз ҳаммамиз, албатта, Бомонтга қойил қолиб юрардик, лекин у нуқул олимпия чўққиларидағи сийраклашган ҳаво қўйнидан тушмас, ўша ердан унинг нигоҳига халқаро кризислар ёки министрлар кабинетининг қулаши каби воқеалар яхши кўринарди. Биз уни баъзан ўзининг муқаддас қароргоҳида улуғворлик билан қадам ташлаб, нигоҳини уфққа тикканича хаёлан Болқон ярим оролидами, Форс кўрфазидами — кезиб юрганини кўриб қолардик.

Бомонт билан ҳамсуҳбат бўлиш бизга қайдა, шунинг учун ҳам биз одатда унинг ўнг қўли бўлган Мак-Ардл билан ишимизни битириб кетаверардик.

Мен редакцияга кирганимда, қария мени боши билан имлади-да, кўзойнагини кал жойига суриб қўйди.

— Э, келинг, мистер Мелоун, ҳар тарафдан сиз ҳақиниздаги гапларни эшитаяпман. Муваффақиятларингиз чакки эмас,— деди у ҳуштакаллуфлик билан.

Мен унга ташаккур айтдим.

— Сизнинг шахтадаги портлаш ҳақидаги очеркингиз жуда зўр. Сауторкда бўлган ёнғин тўғрисида ёзган мақолангиз ҳам ажойиб, дейишим мумкин. Яхши журналист бўлиш учун сизда ҳамма фазилатлар бор. Бирор иш билан келдингизми?

— Ҳа. Бир яхшилик қилсангиз, дея илтимос билан келдим.

Мак-Ардлнинг кўзлари безовталаниб жавдиради.

— Ҳм! Ҳм! Ҳўш, хизмат?

— Сэр, сиз мени газетамизнинг топшириги билан бирор ёққа юбора олмайсизми? Мен бутун куч-қувватими ни ишга солиб, сизга қизиқарли хабарлар олиб келардим.

— Қандай топшириқни назарда тутасиз, мистер Мелоун?

— Хоҳлаган топшириғингизни бераверинг, сэр, фақат ғаройиб саргузашт ва хавф-хатарлар билан боғлиқ бўлсин. Мен газетани доғда қолдирмайман, сэр. Менга қанча қийин бўлса, шунча яхши.

— Чамамда, ҳаётингиз билан хайрлашмоқчисиз шекилли?

— Йўқ, менинг ниятим — ҳаёт беҳуда ўтмаса бас, сэр.

— Азизим мистер Мелоун, сиз жудаям... жудаям баландпарвоз бўлиб кетибсизми, а?! У замонлар ўтиб кетган. Махсус мухбирларга қилинадиган ҳаражатлар ўзини оқламапти. Ҳар қалай, бунақа топшириқлар номи чиққан, ҳалқ ишончини қозона оладиган кишиларга берилади. Харитадаги «оқ доғлар» аллақачон аниқланган, сиз бўлсангиз ҳе йўқ, бе йўқ, романтик саргузашларга чоғланниб қолибсиз! Ҳа, айтгандай, тўхтанг-чи,— қўшиб қўйди ва қўққисдан жилмайди.— Ҳа, айтганча, «оқ доғлар» масаласида... Бир шарлатан, ҳозирги замон Мюнхгаузени бор, ана ўшанинг шармандасини чиқариб, устидан бир кулмаймизми? У тарқатган ёлғон яшиқларни фош қилмаймизми, а? Зўр иш бўларди-да. Ҳўш, розимисиз?

— Нима десангиз ҳам, қаерга йўлласангиз ҳам — мен ҳаммасига тайёрман!

Мак-Ардл ўйга толди.

— Бир' одам бор,— деди у ўйлаб-ўйлаб.— Билмадим, у билан танишиб олиш, жилла қурса икки оғиз сұхбатини ёзіб олиш мүмкін бўлармикин? Ҳа, айтганча, сизда одамларни ром қилиш қобилияти бор-ку. Бунинг сири нимада, ҳеч билолмайман; ё сиз ёқимли йигитсиз, ё ҳайвоний магнетизмнинг иши бу, ёки сизниң дилкаш, ҳушчақчақ киши эканлигингизмикин, ҳар қалай, мен ўзим ҳам буни ҳис қиласман.

— Менга жудаям меҳрибонсиз-да, сэр.

— Хўш, нима учун энди биз профессор Челленжердан баҳтимизга эришиш учун мадад сўрамас эканмиз? У Энмор-паркда истиқомат қиласми.

Ростины айтсан, мен бу таклифни эшитиб, бошим қотиб қолди.

— Челленжер? Машхур зоолог, профессор Челленжерми? «Тёлеграф»лик Бланделлнинг миясини ёрган олим эмасми?

«Сўнгги хабарлар» бўлимининг муҳаррири қовоғини солиб иржайди.

— Нима, ёқмадими? Ахир сиз ҳар қандай жасоратга тайёр эдингиз-ку!

— Йўқ, нега энди? Бизнинг ишимизда ҳар нарса ҳам бўлиши мумкин-да, сэр,— жавоб бердим мен.

— Жуда тўғри. Мен сизга айтсан, у ҳаммавақт ҳам унақа баджаҳл бўлавермайди, чамамда. Афтидан, Бланделл вақтини топмай олдига кирган ё бўлмаса, қўполлик қилиб қўйгандир. Сизга омад ёр бўлса ажаб эмас, деб умид қиласман. Сизга хос хушмуомалалик иш бериб қолишига ишонаман. Бу мавзу худди ўзингиз қилиб юрган иш, бундай сұхбатни газета жон деб босиб чиқаради.

— Мен ўша Челленжер ҳақида ҳеч нарса билмайман десам бўлади. Бланделлни дўппослаганида судлангани учун номи эсимда қолган, холос,— дедим.

— Баъзи маълумотлар мендан топилади, мистер Мелоун. Бир вақтлар мен бу нусха билан қизиққандим.— У стол фалладонидан бир варақ қофоз олди.— Мана, унинг ҳақидаги қисқача маълумот. «Челленжер Жорж Эдуард. Ларгсда 1863 йилда туғилган. Маълумоти: Ларгсдаги мактабни, Эдинбург университетини битирган. 1892 йилда — Британия музейида илмий ходим. 1893 йилда — Музей қиёсий антропология бўлими хазинадорининг ёрдамчisi. Ўша йили музей директори билан аччиқ-чучук ёзишмалар қиласидан кейин бу жойни тарк этган. Зоология соҳасидаги илмий тадқиқотлари учун медалга сазовор

бўлган. Хорижий мамлакатлар илмий жамиятларининг аъзоси... Шу ерда майда ҳарф билан терилган узундан узоқ рўйхат келади: «Бельгия жамияти, Америка академияси, Ла-Плата ва ҳоказо ва ҳоказо, Палеонтология жамиятининг экс-президенти, Британия олимлар уюшмаси... ва бошқалар». Эълон қилинган асарлари: «Қалмоқлар бош сугли тузилиши масаласига доир», «Умуртқалилар эволюцияси ҳақида очерклар»— ва шу каби жуда кўп мақолалар, жумладан, Венадаги зоологлар конгрессида қизғин баҳсларга сабаб бўлган «Вейсманнинг сохта назарияси» сарлавҳали мақола. Севимли эрмаклари: пиёда сайд қилиш, альпинизм. Адреси: «Энмор-парк. Кенсингтон». Мана буни олиб қўйинг. Бугун сизга бошқа ҳеч қандай ёрдам бера олмайман.

Мен қофозни чўнтағимга солиб қўйдим-да, Мак-Ардлнинг қизил ёноқли чеҳраси ўрнига пуштиранг кал жойи менга боқиб турганини кўриб, дедим:

— Бир минут, сэр. Бу жентельмендан қайси масала юзасидан интервью оламан, шунисини билмай турибман. Нима ишлар қилган у ўзи?

Нигоҳим қаршисида яна унинг қизил ёноқли чеҳраси пайдо бўлди.

— Нима қилди, дейсизми? Икки йил мұқаддам бир ўзи Жанубий Америкага экспедицияга жўнаган эди. У ердан ўтган йили қайтиб келган. У Жанубий Америкада шубҳасиз бўлган, лекин қаерида бўлганлигини аниқ кўрсатиб беришдан бўйин товлади. Ўзининг саргузаشتларини энди бошлиши билан, битта-яримта синчков савол тушиши ҳамоно тутилиб, мум тишлагандек жим бўлиб қолади. Аллақандай мўжизалар юз бермаган бўлса, афтидан, роса ёлғонни тўқиб, бизни чиппа-чин ишонтираётганлиги ҳам эҳтимолга жуда яқин. Бу гапларни эскирган фотосуратлар билан исботламоқчи бўлади, одамларнинг айтишларича, улар сохта фотолар эмиш. Бечорани ёлғончига чиқариб, шу даражага олиб келишиди, савол билан мурожаат қилувчи ҳар қандай одамга ташланадиган бўлиб қолди, мухбирлардан бир нечасини нақ зинанинг тепасидан итариб юборган. Менимча, у фирт савдои, ҳатто бирорни ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайдиган хавфли одам. Сиз ана шундай киши билан муомала қилишингиз керак бўлади, мистер Мелоун. Қани, энди түёғингизни бир шиқиллатиб қолинг-да, мумкин қадар ундан кўпроқ нарсани билиб олишнинг иложини қилинг. Сиз кап-катта одамсиз, бўш келмассиз, деб ўйлайман. Гапнинг пўст калласини айтсан, иш берувчи масъулияти ҳақидаги қонунни назар-

да тутадигаң бўлсак, таваккал қилиб, омадингизни сикаб кўраверинг.

Яна тиржайгаң қип-қизил башара кўз олдимдан ғойиб бўлиб, сарфимтири пўстак жиякли, пуштиранг ясси калла намоён бўлди. Суҳбатимиз тугаган эди.

Мен ўзимнинг «Ёввойи» клубимга равона бўлдим, лекин йўл-йўлакай Адельфи-Террас панжараси олдида тўхтаб, пастда кўл-кўл мойлари жимир-жимир қилиб оқастгаң қоп-қора сув бетига тикилганча узоқ хаёл суриб қолдим. Тоза ҳавода бўлганимда ҳамиша миямга яхши, ёрқин фикрлар келарди. Чўнтағимдан профессор Челленжерниг ҳамма жасорати битилган қоғозни олдим-да, кўча фонари ёргугига солиб қарай бошладим. Шу пайт ил-ҳом париси кўнглимга фулгула солиб қолди, ҳа, буни ил-ҳомим келди, дейишдан ўзга иложим йўқ. Бу мижғов профессор ҳақида билганларимга таяниб ҳукм чиқарадиган бўлсан, шу нарса аниқки, у ҳеч қанақа мухбирни яқинига йўлатмайди. Унинг қисқача таржиман ҳолида зикр этилган икки жанжал шундан далолат берадики, у илм-фаннинг фидойиси. Унинг ана шу жиҳатидан фойдаланса бўлмасмикин? Уриниб кўраман?

Мен клубга кирдим. Соат ўн бирдан салгина ошган эди, ҳамма йигиладиган вақтга анча бор бўлса ҳам, меҳмонхона одамга тўлиб кетибди. Қамин печка ёнидаги курсида баланд бўйли, ориққина бир одам ўтирибди. Мен кресломни оловга яқинроқ сурганимда, у киши мен томон ўгирилиб олди. Бундай учрашувни мен орзу қилишим мумкин эди. Бу одам «Табиёт» журналининг ходими — мурдадек ориқ, аммо хотамликда жаҳонда тенги йўқ Тарп Генри эди. Мен дарҳол ишга киришдим:

— Сиз профессор Челленжер ҳақида нималарни биласиз?

— Челленжер ҳақида? — Тарп совуқ гап эшигандек хўмрайиб олди. — Челленжер. Э, авави Жанубий Америкага бориб келдим деб, ҳар хил ёлгон-яшиқларни тарқатиб юрган одамми?

— Қанақа ёлғон-яшиқлар?

— Гўё у ўша ерларда аллақандай ғаройиб махлуқларни кашф этган эмиш. Кейинги пайтларда уни бу сўзларидан воз кечишга мажбур қилишган чоги. Ҳар қалай, чурқ этмай қолди. Унинг охирги валақлаши — Рейтер мухбири саволларига берган жавоблари бўлди. Лекин бу сұхбати шунаقا шов-шуввлар бўронини қўзғадики, иши чаппасидан кетганини ўзи ҳам англаб қолди. Бу воқеа жанжалга айланди. Бирорлар унинг гапларига чиппа-чин

ишонган эди, лекин ана шу бир ҳовуч хомийларини ҳам ўзидан тезда узоқлаштириб юборди.

— Қандай қилиб?

— Қўпполлиги, номатлуб ҳулқ-автори билан-да. Зоология институтидаги ишлайдиган бечора Ўэдли ҳам унга якшилик қиласман деб балога қолди-я! Ўэдли унга «Зоология институтининг директори профессор Челленжерга ўз ҳурматини изҳор этади ва институтнинг навбатдаги мажлисida лутфан иштирок этишларини ўтиниб сўрайди», деган хатни юбориб қолармиди. Жавоби қўпполдан қўпол бўлиди.

— Бе, ундаи бўлиши мумкин эмас!

— Жуда пардалироқ қилиб айтадиган бўлсак, тахминан шу мазмунда жавоб ёзибди: «Профессор Челленжер Зоология институтининг директорига ўз ҳурматини изҳор қилиш билан бирга ўз томонидан шуни маълум қиласадики, у келган жойига туёғини шиқиллатиб қолса, лутфан матлуб иш қилган бўлур эди».

— Ё раббим, оллоҳ!

— Ҳа, қария Ўэдли ҳам бўш келмаган бўлиши керак. Уша мажлиснинг ўзида унинг бўғилиб: «Фан арбоблари билан эллик йил мулоқотда бўлиб, бунақасини кўрганим йўқ...» дегани эсімда. Қария жиғи-бийрони чиқиб, ўзини қўярга жой топмаганди ўшанда.

— Хўш, ана шу Челленжер ҳақида менга яна нималарни гапириб бера оласиз?

— Ҳа, айтгандек, маълумотингиз учун мен бактериологман-ку, ахир. Мен тўққиз юз марта катта қилиб кўрсатадиган микроскоп ёрдамида кўринадиган оламда яшайман, шундоқ ҳам кўзга чалинадиган нарсалар мени кам қизиқтиради. Мен билиш мумкин бўлган оламнинг энг чеккасида посбонлик қиласман ва ҳар сафар кабинетидан чиқиб, беўхшов, қўпол маҳлуқлар бўлмиш одамлар билан тўқнашганимда мувозанатимни йўқотиб қўяман. Мен одамовиман, фийбатга тобим йўқ, шунга қарамай, Челленжер ҳақидағи миш-мисларнинг баъзилари менинг ҳам қулоғимга чалинган, чунки бу унча-мунча одамлардан эмас-да. Челленжер — донишманд одам. У инсон куч-қудрати, барҳаётлигининг тимсоли, лекин айни чоғда у бориб турган мутаассиб, бунинг устига ўз мақсадига эришиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайди. Бу одам ҳатто алла-қандай сохталиги яққол билиниб турган фотосуратларни рўйач қилиб, уларни Жанубий Америкадан олиб келгашман, деб таъкидлашгача бориб етди.

— Сиз уни ўтакетган мутаассиб дедиигиз, а? Унинг мутаассиблиги нимада кўринади?

— Хамма нарсада! Унинг сўнгги қилигини олинг — Вейсманнинг эволюцион ривожланиш назариясига хуружларини. Айтишларича, Челленжер Венада шу хусусда катта жанжал кўтарган эмиш.

— Бу жанжалнинг моҳияти ҳақида батафсилоқ гапириб бера олмайсизми?

— Йўқ, ҳозир гапириб бера олмайман, лекин редакциямизда Вена конгресси протоколларининг таржимаси бор. Хоҳласангиз танишиб чиқишингиз мумкин, мен уларни сизга кўрсатиб қўяман.

— Бу айни муддао бўлур эди. Менга ўша нусхадан интервью олиш вазифаси топширилган, шунинг учун унинг тилини топиш имкони керак-да. Бераётган ёрдамингиз учун катта раҳмат. Агар кечикмаган бўлсак, юра қолинг.

Орадан ярим соат ўтгач, мен журнал редакциясида ўтирадим, олдимда каттакон китобдек тўпламнинг «Вейсман Дарвинга қарши» мақоласи очилган. Сарлавҳа остига «Венадаги қизғин эътиrozлар. Жўшқин муноzaрапар» деб ёзиб қўйилган. Менинг билимим уччалик чуқур бўлмагани учун мунозарапарни моҳиятини илғаб ололмасдим, лекин шунга қарамай, инглиз профессор муҳокамани кескин олиб бориб, европалик барча ҳамкасларини ғазаблантирганини пайқадим. Кўзим даставвал «Жойлардан норозилик садолари эшитилади», «Залда тўполон», «Ҳамма ғазабланади», деган қавс ичига олинган жумлаларга тушди. Ҳисботнииг қолган қисмидан бамисоли хитойча ёзувни кўргандек ҳеч вақо тушунмадим. Мен биология масалаларида гирт саводсиз бўлганим учун ҳеч нимани англамадим.

— Манавиларни жилла қурса инсон тилига таржима қилиб берсангиз бўларди! — илтико билан ёлвордим ҳамкасабамга мурожаат қилиб.

— Ие, ўзи таржима қилинган-ку!

— Ундей бўлса аслига мурожаат қилганим маъқул экан.

— Ҳақиқатан ҳам тушунмаган одам баҳснинг маъносига бориб етолмаслиги аниқ.

— Мен бу абракадабра¹дан бирор маънони англатадиган қоидани билдирувчи ягона маънодор тушунчани ажратиб олсан кифоя эди-я! Ҳа, манави жумла мос кела-диганга ўхшайди. Унинг маъносини қарийб англаяпман.

¹ Абракадабра — маъносизлик, чалкашлик.

Хозир күчириб оламиз. Бу жумла мени олабўжи професорингиз билан боғловчи восита бўла қолсин.

— Мендан сизга бошқа ҳеч нарса керак эмасми?

— Йўқ, йўқ, тўхтанг-чи! Мен унга хат билан мурожаат қилмоқчиман. Шу мактубимни редакциянгизда ёзиша ҳамда адресингиздан фойдаланишимга рухсат берсангиз соз бўларди-да, номамнинг обруси кўтарилиган бўларди.

— Унда Челленжер дарҳол редакциямизга босиб келиб, барча жиҳозларимизни синдириб ташлайди-да.

— Йўғ-е, бўлмаган гап! Хатни сизга кўрсатаман. Унда ҳақоратомуз бирор оғиз ҳам сўз бўлмайди.

— Хайр, майли, ундоқ бўлса, менинг столимга ўти-ринг. Қоғозни манави ердан оласиз. Мактубни юборишдан олдин назорат қилиш учун менга кўрсатиб олинг.

Мен росаям меҳнат қилиб, хатни ёздим, чоғимда, на-тижаси ёмон бўлмади. Үз асаримдан мағуруланиб, ҳеч нарсани ёқтирамайдиган бактериологга ўқиб бердим.

— «Муҳтарам профессор Челленжер! Каминаи камтарин бир табиатшунос сифатида Сизнинг Дарвин ҳамда Вейсман низариялари ўргасидаги зиддиятларга онд фарзларингизни зўр қизиқиши билан кузатиб бордим. Яқинда мен сизнинг қимматли фикрингизни эслаш шарафига муюссар бўлдим...»

— Беномус ёлғончи! — тўнғиллади Тарп Генри.

— «...Яъни Сизнинг конгрессдаги ажойиб нутқингиз ўдимга тушиб кетди. Фикрлари аниқ ифода қилинганди бу докладни табиатшунослик бобидаги фаннинг энг зўр ютуғи деса бўлади. Аммо у ерда мана бундай дейилган: «Мен кўплаб авлодлар давомида аста-секин шаклланувчи ҳар бири алоҳида индивид тарихидан таркиби топгани тузилишга эга бўлувчи микроқисмидир, деган мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган ва қуруқ ақиданамо таъкидлашларга қатъяян қаршиман». Сиз сўнгги йилларда олиб борилган изланишларга суюниб, ўз нуқтаи назарингизга баъзи бир ўзгартишлар киритиш лозиммикин деб ҳисобламайсизми? Бу назариянгизда бирор қусур йўқмикин? Мени қабул этишдек лутфу карамингизни дариф тутмассиз деган умиддаман, чунки бу масалани ҳал қилиб олиш жуда муҳим, миямда туғилган баъзи фикрларни эса фақат шахсан қиласидиган суҳбатимиз чоғида ривожлантириш мумкиндир. Сизнинг ижозатингиз билан ҳузурингизга индинга (чоршанбада), эрталаб соат ўн бирда ташриф бюриш шарафига муюссар бўлурман. Қамина камтарин қулингиз, сэр, Сизга чексиз ҳурмат эҳтиром билан Д. Мелоун». Хўш, қалай? — тантанавор оҳангда сўрадим.

— Нима ҳам дердим модомики, виждонингиз шунга йўл қўйса...

— Виждоним ҳеч қачон менга панд берган эмас.

— Хўш, кейин нима қилмоқчисиз?

— Унинг олдига бораман. Бир амаллаб хонасига кириб олсан, бас, ўёғига вазиятга қараб ҳаракат қиласман. Эҳтимол, чин юракдан тавба-тазарру қилиш керак бўлиб қолар. Баданида мусобақалашишга жиндеқ иштиёқ бўлса, бас, дидига ўтиришиб қолишим нақд.

— Еқармикинсиз? Эҳтиёт бўлинг, тагин сизни ҳам бирор нарса билан тушириб қолмасин. Маслаҳатим шуки, совут ёки америкача футбол ўйинчилари кийимини кийиб олинг. Хўп, яхши боринг. Мабодо лутфу карамай алаб жавоб ёзгудек бўлса, мактубини чоршанба куни эрталаб манави ердан оласиз. Бу ғаламис, хавфли маҳлуқдан ҳамма жирканади, унинг жигига тегишдан қўрқмайдиган студентлар калака қилганлари қилган. Лекин, сиз, ҳар қалай, у ҳақда умуман эшитмаганипгиз маъқулроқ эди.

УЧИНЧИ БОБ

«МУНЧА ҲАМ БАДФЕЪЛ БЎЛМАСА, ҚУРҒУР»

Дўстимнинг гумонлариям, ниятлариям рўёбга чиқмади. Чоршанба куни унинг хонасига келганимда мени Қенсингтон почтаси муҳри босилган хат кутарди. Адреси тиконли симга ўхшатиб ажи-бужи қилиб, тирнаб ёзилганди. Мактубнинг мазмуни қуйидагича эди:

Энмор-парк, Қенсингтон.

«Сэр!

Хатингизни олдим. Сиз унда ҳеч кимнинг қўллаб-қувватлашига муҳтоҷ бўлмаган нуқтаи назаримни ёқламоқчи бўлганингизни изҳор қилиб, мени ишонтиromoқчи бўласиз. Менинг дарвинизм тўгрисидаги фикрларим ҳақида гапириб, Сиз «фараз» деган сўэни ишлатишга журъат этибсиз. Шуни таъкидлашни лозим деб ҳисоблайманки, мазкур сўз ўша жумлада бир қадар тахқирона маъно касб этади. Ҳа, айтгандай, Сиз ёзган мактубнинг мазмунини мени шу нарсага амин қилдики, Сизни подонлик ва бетамизлика айблаш мумкин, холос, илло Сизда ёмон ниятлар йўқ, шунинг учун ҳам жазодан ҳолисиз. Сиз менинг докладимдан бир жумлани юлиб олгансиз-у, аммо, назаримда, унинг маъносига асло тушунмагансиз. Фикримча,

мазкур жумланинг маъноси ривожланиш даражаси энг паст поғонада бўлган махлуқларгагина аниқ бўлиши мумкин, илло шу фикрни қўшимча шархлар билан тушунтириб беришм ҳақиқатан ҳам зарур экан. Сиз тайинлаган вақтда ўзингизни қабул қилишим мумкин, гарчи ҳар қандай ташрифни, ҳар қандай меҳмонни жиним сўймаса ҳам. Менинг назариямга «баъзи тузатишлар киритиш» масаласига келсак, маълумингиз бўлсинким, ўз қарашларимни пишиб етилган фикрларда баён қилган эканман, уларни ўзгартириш одатим йўқ. Келганингизда, марҳамат қилиб, мазкур мактубнинг конвертини хизматчим Остинга кўрсатсангиз, чунки унинг зиммасига ўзларини мухбир деб атайдиган хира-хандон абллаҳлардан мени муҳофаза қилиш вазифаси юклатилган.

Сизга ҳурмат билан

Жорж Эдуард Челленжер.

Мен олган жавобнинг мазмунни ана шундай эди. Жасуона уринишимнинг натижасини билиш учун редакцияга атайлаб барвақт келган Тарп Генрига уни виқор билан ўқиб бердим. Тарп қўйидаги изоҳ билан кифояланди:

— Кон оқишини тўхтатувчи аллақаидай янги дори — кутикурами-ей, шунга ўшаган нарса бор дейишади. У арникадан ҳам кучли таъсир қиласди.

Баъзи одамлар хўп ғалати, қизиқчи бўлишади-да!

Мен хатни ўн яримда олган эдим, аммо кеб — извозчи мени учрашув манзилига кечиктирмай етказиб олиб борди. Биз остонасида тўхтаган бино жуда савлатли бўлиб, бош дарвозаси равоқининг катталиги, дәразаларидағи дарпардалар оғирлиги бу қутқули профессорнинг бадавлатлигидан далолат берарди. Менга эшикни қорачадан келган, қотмагина, ёшини билиб бўлмайдиган, матросча қора камзул, жигарранг чарм гетра кийган киши очди. Кейинчалик билсам, бу киши шоғёр бўлиб, хонадонга хизматчи чидамагани учун ҳар хил юмушларни бажара-верар экан. Унинг синчков, тиник мовий кўзлари оёғимдан бошимгacha кузатиб, чамалаб чиқди.

— Сизни кутишяптими? — сўради у.

— Ха, мени қабул қилишлари белгиланган.

— Хат ёнингиздами?

Мен конвертни кўрсатдим.

— Тўғри,

Афтидан, бу одам беҳуда гапиришни ёқтираса кепрак. Мен унга эргашиб, коридорда кетаётган эдим, тўса-

дан ошхона эшиги очилиб, рўпарамда лоп этиб бир хотин чиқиб келди. Бу серҳаракат, кўзлари қоп-қора жувон инглиздан кўра француз аёлларига кўпроқ ўхшаб кетарди.

— Бир минутга,— деди бу хоним.— Тўхтаб туринг, Остин. Бүёққа ўтиинг, сэр. Сиздан сўрашга ижозат этсангиз, сиз илгари у билан учрашганимидингиз?

— Иўқ, хоним, бундай шарафга мусассар бўлмагандим.

— Ундай бўлса, олдиндан кечирим сўрайман сиздан. Сизни огоҳлантириб қўйяки, бу жуда бўлмағур одам, ҳа, ҳа, том маънодаги бўлмағур одам! Шуни билганингиздан сўнг ўзингиз билиб муомала қиласиз.

— Бундай эътиборингизни қадрлайман, хоним.

— Жаҳли чиқиши биланоқ хопадан қочиб чиқаверинг. Аччиқ-қуттуқ гапларни айтманг. Бундай эҳтиётсизлик учун кўплар адабини ейишиди. Кейин бу жанжал ошкор бўлиб, оқибати мен учун ҳам, ҳаммаларинг учун ҳам ёмон бўлади. Сиз у билан нима ҳақида гаплашмоқчи эдингиз? Жанубий Америка тўғрисида эмасми?

— Мен аёлларга ёлғон гапира олмас эдим.

— Вой, худойим-е! Бу жуда хавфли мавзу-ку. Сиз унинг бирор оғиз ҳам сўзига ишонмайсиз, бу мени асло ҳайратлантиримайди. Фақат ишонмаётганингизни айтиб юборманг, бамисоли қутуриб кетади. Ўзингизни гўлликка солиб ишонаётгандек эшитаверинг, шунда ишингиз ўнгидан келаверади. Шуни эсингиздан чиқармангки, у ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонади. Бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлади. Ўзи — покликнинг тимсоли. Энди боринг, бунчалик ушланиб қолишингиздан шубҳаланиб юрмасин, у хавфли бўла бошлаганини, чинакамига хавфли бўла Сораётганини кўришингиз биланоқ қўнғироқчани чалингда, мен етиб боргунимча алаҳаситиб туринг. Мен ҳатто энг оғир онларда ҳам уни эпақага солиб оламан.

Хоним мана шу дадиллантирувчи сўзлар билан мени камган Остин ихтиёрига топширди. Остин бўлса қисқа суҳбатимиз давомида бамисоли буюк осойишталик тимсолидек, худди жез ҳайкалдай чурқ этмай турган эди. Остин мени ичкарига бошлади. Эшик тиқиллашига жавобан ичкаридан қутурган буқанинг бўкиришига ўхшаган наърани эшитдим-у, хонанинг ўртасида профессорга рўбарў бўлдим.

Ў устига китоблар, хариталар, диаграммалар қалаштириб ташланган кенг стол қаршисидаги айланма кресло-да ўтиради. Остонадан ўтишим биланоқ айланма курси шартта бурилди. Бу одамни кўрган заҳотим жоним ҳал-

Қумимга келди. Мен ҳар қандай ғайритабиий одамга рұ-
барұ бўлишга тайёр эдим, лекин бундай баҳайбат одамни
кўриш хаёлимга ҳам келмаган эди. Айниқса, унинг баҳай-
батлиги ақлимни шоширади. Қадамининг катталиги-ю,
улуғвор юришини айтмайсизми! Бундай катта бошни мен
умримда кўрмаганман. Агар унинг цилиндр қалпоғини
кийиб кўрганимда балки елкамга тушармиди. Профессор-
нинг юзи билан соқолига қараган киши Суря буқасини
кўргандек бўларди. Юзи баркашдек, сергўшт, тўртбурчак
соқоли эса қоп-қора бўлиб, селкиллаб кўкрагига тушиб
турарди. Сочлари ҳам ғайритабиий таассурот қолдиради —
узун бир тутам кокил бамисоли баланд дўнг пешонасига
ёпиштириб қўйилгандек. Ерқин кулранг-мовий кўзлари
қоп-қора қалин қошлари остидан менга ташқидий, ҳокимо-
на назар ташлади. Мен кенг яғринларини, дум-думалоқ
қудратли кўкрагини, узун қора жун босган улкан икки
қўлини кўрдим. Шуларнинг устига унинг момақалдироқ-
дек гумбурлайдиган овози ҳам борлингини айтадиган бўл-
сам, машҳур профессор Челленжер ҳақидаги дастлабки
таассуротим нақадар ваҳимали эканлигига ишонч ҳосил
қиласиз.

— Хўш? — дағаллик билан деди у. — Нима керак сиз-
га?

Менга шу нарса аён бўлдики, бор гапни дарҳол тўкиб
солсам, интервью ололмайман.

— Муҳтарам сэр, мени қабул қилишга илтифот қилиб,
катта саҳоватингиздан баҳраманд этдингиз, — мўмин-қоби-
лиллик билан шу сўзларни айта туриб, унга конвертни
узатдим.

У стол ғаладонидан менинг хатимни олди-да, олдига
қўйди.

— Э, анави оддий ҳақиқатларни ҳам билмайдиган йи-
гит сизмидингиз? Аммо-лекин, фикримча, менинг умумий
хуносаларим сизнинг мақтовингизга сазовор бўлипти-
да, а?

— Шубҳасиз, сэр, шак-шубҳасиз! — Мен бу сўзларни
имкони борича ишончли қилиб айтдим.

— Марҳамат қилиб айтинг-чи! Бу фикрлар менинг
позициямни қанчалик мустаҳкамлайди! Сизнинг навқи-
ронлигингиз билан ташқи қиёғангиз бундай асосни янада
кучайтиради. Хайр, майли, менга Венада хуруж қилган
чўчқалар подаси билан мулоқотда бўлгандан кўра, сиз
билан сухбатлашганим яхши, аслида у бетавфиқларнинг
чўчқадек чийиллашлари инглиз тўнғизининг хуриллашидек
тахқирина бир нарса эди, холос. — Шу он ғазабга тўлиб,

кўзларини шундай чақчайтирдики, афти ҳозир эслатилган махлуққа ўхшаб кетди.

— Ўлар, афтидан, ўзларини аблақона тутишганга ўхшайди,— дедим мен.

— Ҳамдардлигингиз ўринсиз! Сизни ишонтиришга журъат этиб айтаманки, мухолифларимни бир ёқлик қилишга ўзим қодирман. Сэр, сиз Жорж Эдуард Челленжерни деворга тақашга интилинг, шунда уни жуда хурсанд қиласиз. Қелинг, энди, сэр, сизнинг ташрифларингизни камайтириш учун ҳамма ишни қилайлик. Бу келишларингиз сизни баҳтиёр қилишига шубҳам бор, менинг бўлса инчунун. Фикру ожизимча, сиз менинг докладимда олға сурилган ўша тезислар ҳақида ўзингизнинг аллақандай мулоҳазаларингизни изҳор қилмоқчи эдингиз чоғи.

Унинг суҳбатлашув тарзида бенболарча тўғрилик ҳукмрон бўлгани учун ҳийла ишлатиш осон эмасди. Шунга қарамай, мен бу ўйинни зора-мора яхши йўл топилиб қолса, деган умидда чўзишига ҳаракат қилдим. Сиртдан қараганда, ҳаммаси жуда жўндек туюларди! Эй менинг ирландларга хос топқирилгим, сенга жуда муҳтож бўлиб турган шундай пайтимда наҳотки кўмак бермасанг? Пўлат кўзларнинг ўткир тиғлари мадоримни қуритган эди.

— X-хўш-ш! Ўзингизни кутдиришга мажбур қилмангда!— бўкирди профессор.

— Мен, албатта, фан оламига энди кириб келаётган одамман,— дедим тентакона жилмайиб,— камтарона тадқиқотчи унвонидан бошқасига даъво қилмайман. Шунга қарамай, фикримча, бу масалада сиз Вейсманга нисбатан ҳаддан ташқари қаттиқ кетганга ўхшайсиз. Ахир ўшандан бери тўплланган далиллар унинг нуқтаи-назарларини... Фикрларини мустаҳкамламайдими?

— Қанақа далиллар?— бу гапни хавфли бир сокинлик билан айтди у.

— Албатта, фикру ожизимча, бевосита далиллар ҳали йўқ. Агар таъбир жоиз бўлса, мен ҳозирги замон илмий фикрининг йўналишига таянаман.

Профессор бутун дикқат-эътиборини менга тикканича стол узра энгашди.

— Сизга маълум бўлиши керакки,— деди у чап қўлининг бармоқларини навбатма-навбат букар экан,— биринчидан, бош чаноги кўрсаткичи доимий фактор ҳисобланади.

— Шубҳасиз!— жавоб бердим мен.

- Телегония¹ ҳам ҳали *sub judice*².
- Шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас!
- Ҳомила плазмаси ҳам партеногенетик³ тухумдан фарқ қиласди.
- Бўлмасам-чи!— хитоб қилдим ўзимнинг беорлигимдан ҳузурланиб.
- Булар нимани исботлайди?— сўради у майин, муғамбирана товуш билан.
- Ниманиям исботларди?— минғиллаб сўрадим,— нимани исботлайди?
- Сизга айтайми?— деди профессор ҳамон ўша муғамбирана товушда.
- Ҳимматингизни дариф тутманг.
- Бу шуни исботлайдики,— кутилмаган газаб билан бўкирди у,— бунақа шарлатанинг иккинчиси бутун Лондонда топилмайди! Сиз илм-фандан узоқ бўлган, оддий инсоний фазилатлардан тамомила мәҳрум бўлган ғаламис, сурбет мухбирваччасиз!

У дик этиб ўрнидан турди. Кўзларида тентаконағазаб учқунлари чақнади. Ана шу даҳшатли дақиқаларда ҳам мен профессор Челленжернинг бўйи пастилигини кўриб ҳайратланишдан ўзимни тия олмадим. У менинг елкамдан келарди — худди эзиб қўйилгаги Геркулеснинг ўзи, борлиқ ҳаётий куч-қудрати гўё яғришиларининг кенглигига, сеп-семиз танасигаю ақл-заковатига сингиб кетгандек эди.— Нимага энди сиз билан чаппакилашиб ўтирибман, сэр!— бўкириб деди у иккила қўлини столга тираб, бўйини чўзиб.— Бемаъни гаплар билан овора бўлиб ўтирибман, а? Сиз бўлсангиз менга тенг келмоқчисиз — мана шу кичкинагина ёнғоқдек каллангиз билан, а! Бу лаънати ёзғувчилар ўзларини ҳамма нарсага қодирмиз, зўрмиз, деб ўйлашади! Улар бирорвни улуғлаш ёки лойга қориш учун бир оғиз сўзимиз кифоя, деб ўйлашади-да. Биз ҳаммамиз уларнинг бир оғиз мақтovларига сазовор бўлиш учун сажда қилиб ялинишимиз керак. Манавинисини арши-аълога кўтарасиз, анависини ерга қорасиз... Сизларнинг қабихона қилиқларингни мен биламан! Жудаям ҳаддан ошиб кетдиларинг! Илгарилари думларингни қисиб, мўминтой бўлиб юардиларинг, энди бўлса, думларингни

² Телегония — ирсият назариясидаги сохта таълимотларидан бири.

² Шубҳа остида (лотинча).

³ Партеногенез — уруғнинг бачадондаги жинсий алоқасиз ривожланиш ҳолати. Айрим ҳашаротлар ва ўсимликларда учрайди.

тутқизмайсанлар. Ярамас сағсатабозлар! Сенларнинг адаблариңни бериб құйман ҳали! Ҳа, сәр, Жорж Эдуард Челленжер сизнинг тенгингиз эмас. Бу одам буйруққа итоат қилишни ёмон күради. У сизни огохлантириб қўйган эди, шунга қарамасдан сурбетларча суқилаверсангиз, ўзингиздан кўринг. Таслим бўлинг, мурувватли мистер Мелоун! Таслим бўлинг! Сиз хавфли ўйин бошлагансиз, фикримча, ютқаздингиз!

— Қулоқ солинг, ахир, сәр,— дедим мен эшик томон тисарилиб, уни очарканмап,— сиз кўнглингизга сиққанича сўкинавернингиз мумкин, лекин ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор. Мен мушт кўтариб бошимга келишингизга йўл қўймайман!

— Ие! Ҳали шундоқми?— У вазмин, даҳшатли қиёфада менга хуруж қила бошлади, кейин бирдан тўхтади-да, улкан қўлларини кап-катта кишидан кўра ёш болага ярашадиган калта камзулининг чўнтакларига суқди. — Мен уйимдан бунақа шўртумшуқларнинг кўпини улоқтирганман. Сиз тўртинчиси ёки бешинчиси бўласиз. Ҳар бир учун ўрта ҳисобда уч фунту¹ ўн беш шиллингдан² жарима ҳам тўлаганман. Қимматликка қиммат, лекин керак бўлгандан кейин иложим қанча! Энди, сәр, нима учун ҳамкасабаларнингиз изидан туёгинизни шиқиллатиб кетавермаяпсиз? Шахсан мен буни муқаррар деб биламан. — У яна менга жудаям нохуш бўлган хуружини бошлади, моҳир рақс муаллимидек оёқларининг учини унда-мунда қўйиб мен томон келарди.

Мен юргурилаб меҳмонхонага қочиб қолишим мумкин эди, лекин бунақа қочоқликни шаънимга муносиб кўрмадим, номус деб билдим. Бундан ташқари, менинг ҳам дилимда адолатли қаҳру ғазаб учқунлари алангланиб бормоқда эди. Шу чоққача ўзимни босиб турганим ўтакетган даражада ножӯя иш бўлган экан, лекин бу одамнинг дўқ-пўписалари тезда ҳамиятимга тегиб, жаҳлимни қўзғади.

— Қўллингизни тортиңг, сәр! Мен бунга йўл қўймайман!

— Буни қаранг, а!— Унинг қоп-қора мўйлабининг учлари силкинди, қаҳрли иржайиши натижасида лаблари очилиб, оппоқ қөзиқ тишлари ялтираб кетди.— Сиз бунга тоқат қилолмайсизми ҳали?

— Жиннилик қилманг, профессор!— қичқирдим мен. — Нимангизга чиранасиз? Тошим икки юз қадоқдан ортиқ

^{1,2} Буюк Британия империясининг бир қатор мамлакатларида қабул қиллинган пул бирлиги. Бир фунт стерлинг 20 шиллингга тенг,

бүлс. Мен чайирмàn, ҳар шанба куни регби ўйнайман, Ирландия терма комондасида. Мен билан тенглашишга йўл бўлсин...

Лекин шу чоғ у менга ташланди. Яхшиямки, эшикни очишга улгурган эканман, йўқса у дабдала бўлиб кетарди. Иккаламиз коридор бўйлаб ўмбалоқ ошиб, думалашшиб борарканмиз, йўл-йўлакай нимаям бўлиб битта стулни ҳам илаштириб кетдик. Профессорнинг соқоли оғзимга кириб кетипти, иккаламиз маҳкам қуchoқлашиб олганча баданларимиз айқаш-уйқаш ҳолатда думалашарканмиз, лаънати стулнинг битта оёғи устимизда чир айланарди. Ҳушёр Остин чиқиши эшигини ланг очиб юборди. Биз зинапоялардан ўмбалоқ ошиб, коптоқдек бўлиб пастга қуладик. Мюзик-холл артистлари ака-ука Мэклар ана шундай ўмбалоқ ошишларини кўрганман, аммо бундай томоша кўрсатиш учун улар озмунча машқ қилишмаган, ҳеч қандай тажрибага эга бўлмай, бундай ҳайратомуз ҳаракатлар қилишда бирор аъзоинг шикастланмай иложи йўқ. Стул зинанинг охирги поясига урилиб, чил-чил бўлди, биз бўлсан, ажралишиб, тарнов тагидаги ариқчага шалоплаб тушибимиз. Профессор дик этиб турди-ю, бўғма одамнинг касали тутгандек хириллаб, муштларини ўйнатиб ўдагайлай бошлади.

— Таъзирингизни егандирсиз? — қичқирди у зўрға нафас олиб.

— Безори! — жавоб бердим мен ердан бир амаллаб туришга интилиб. Биз яна ёқалашиб кётай дедик, чунки профессорнинг жангарилиги ҳали босилмаганди, аммо тақдирнинг ўзи мени бу аянчли аҳволдан қутқарди. Ўртамиизда чўнтақ дафтарини очиб олган полициячи турарди.

— Бу нима деган гап? Уялмайсизми? Уят! — деди у. Энмор-паркда мен эшитган энг ақлли сўзлар мана шулар эди. — Хўш.— Полициячи мени тергай кетди,— тушунтириб беринг-чи, нима гап ўзи?

— У менга биринчи бўлиб ҳужум қилди,— дедим мен.

— Шу тўғрими, биринчи бўлиб сиз ҳужум қилдингизми? — сўради полициячи.

Профессор жавоб ўрнига мишигини тортиб қўйди, холос.

— Бу неchanчи воқеа ўзи? — деди полициячи бошини жаҳл билан сарак-сарак қилиб.— Ўтган ойда ҳам худди шунга ўхшаш бир жанжал кўтарувдингиз. Йигитнинг кўзи шикастланибди. Даъвоингиз борми, сэр?

Мен дарҳол ғазабимин шафқатга бурдим.

— Йўқ, даъвойим йўқ.

— Бу қанақаси энди? — сўради полициячи.

— Бунда менинг ҳам бир оз айбим бор. Мен ўзим сабабчи бўлдим. У мени огоҳлантирган эди.

Полициячи дафтарчасини шартта ёпди.

— Бунақа бемаънигарчиликлар энди такрорланмасин, — деди у. — Хўп майли, зиёни йўқ, тарқалинглар, тарқалинглар!

Бу гап қассоблик дўконида дастёрлик қиладиган болага, чўри хотинга ва атрофимиизга тўпланган икки-уч томошаталаб бекорчига тааллуқли эди. Полициячи бу кичкина подани олдига солиб, йўлакдан одим ташлаб кетди. Профессор менга қараган эди, кўзларида истеҳзо учқуnlари чақнади.

— Киринг! — деди у. — Мен сиз билан суҳбатни ҳали тамомлаганим йўқ.

Бу сўзлар қаҳр оҳангида айтилган бўлса-да, мен унинг орқасидан уйга кирдим. Ёғоч ҳайкалдек қотиб турган хизматкор Остин орқамиздан эшикни ёпди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

«ОЛАМДАГИ ЭНГ БУЮҚ ҚАШФИЁТ»

Кўча эшик ёпилиши биланоқ ошхонадан миссис Челленжер югуриб чиқди. Бу ушоқина хотин қаҳр-ғазабга тўлганди. У бамисоли жўжаларини кўпракдан кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилган курк товуқдек эрининг йўлини тўси. Афтидан, миссис Челленжер менинг ҳайдаб чиқарилишимни кўрган-у, қайтиб келганимдан бехабар эди.

— Жорж! Бу ҳайвонлик-ку! — қичқириб деди у. — Шундай ўқтам йигитни майиб қилдинг-ку, ахир!

— Мана ўзи, соппа-соғ, жин ҳам ургани йўқ.

Миссис Челленжер хижолатдан довдираб бир қарди-ю, лекин тезда ўзига келди.

— Кечирасиз, мен сизни кўрмабман.

— Ташвишланманг, хоним, зиён-заҳмат етгани йўқ.

— Лекин у кўзингизнинг тагини кўкартириб қўйипти-ку! Жуда хунук бўлди-да! Бу уйда бирор ҳафта йўқки, жанжалсиз ўтган бўлсин! Сени ҳамма ёмон кўради, Жорж, ҳамма сени калака, тахқир қилади! Йўқ, мен энди чидолмайман! Сабр-тоқатим тугади!

— Одамларга кир кўйлакни кўз-кўз қиляпсанми! — гўлдиради профессор.

— Бу энди ҳеч кимга сир эмас! — қичқирди хоним. — Гап шундоқ экан, айтганим бўлсин, бу шармандаликлар

кўчамизгагина эмас, бутун Лондонга машҳур бўлганини наҳотки фаҳмламаган бўлсанг!.. Остин, сиз бизга керак эмассиз, бораверинг. Ҳар ким келиб, суякларингни синдириб кетаверади. Сен ўз шаънингни, нафсониятингни ерга уриб юбординг. Катта университетнинг профессори бўладиган сендеқ одам студентларнинг ҳурматини қозонишинг керак эди. Ҳамиятинг қани, Жорж!

— Ўзингники қани, азизам?

— Худо билсин, сен мени не кўйларга солмадинг! Безори, учига чиққан безори! Фирт безори бўлиб кетдинг!

— Жесси, ўзингни босиб ол.

— Беномус жанжалкаш!

— Бас! Бунақа сўзлар учун шармандалик дорига осадилар!— деди профессор.

Мен•шу чоғ бир нарсага жуда ҳайрон бўлиб қолдим: профессор эгилди, хотинини азот кўтарди-да, меҳмонхона бурчагида турган қора мармарнинг баланд шоҳсупасига қўйди. Камида етти фут¹ келадиган бу шоҳсупа шу қадар тор эдикки, миссис Челленжер унда йиқилиб тушай-йиқилиб тушай деб зўрға ўтиради. Бундан ўзга кулгили машзарани қидириб топиш амримаҳол: бояқиш йиқилиб кетишидан қўрқиб, тошдек қотиб, қимир этмай турарди, ғазабидан юзи бужмайиб кетганди, фақат оёқларини ликиллатарди, холос.

— Мени тушириб қўй!— ниҳоят, ялина бошлади миссис Челленжер.

— Жон эр, тушириб қўйинг, десанг.

— Бу бемаънилик, Жорж! Мени ҳозироқ тушириб қўй!

— Мистер Мелоун, юринг, менинг хонамга.

— Шафқат қила қолинг, сэр!— дедим мен унинг хотинига тикилиб.

— Эшитяпсанми, Жесси? Мистер Мелоун сен учун илтимос қиласапти, «Жон эр» дея илтимос қил, тушириб қўяман.

— Бемаънилик? Хўп майли, жон эр, илтимос, тушириб қўйинг!

Профессор хотинини бамисоли читтакдек енгил нарсани кўтаргандек мармардан узиб, тушириб қўйди.

— Ўзингни яхши тут, азизам. Мистер Мелоун — матбуот вакили. Эртагаёқ у мана шу машмашаларни ифлос газетасида дўмбира қилиб, жуда кўп нусхасини қўшни-

Фут — инглиз ўлчови. Бир фут 12 дюймга
төнг.

ларимизга сотади. «Арши-аълодаги бир оймтилланинг ғалати қилиқлари», деб ёзади. Оймтилла дегани — бу сен бўласан, Жесси; эсингдами, бир неча минут сени арши-аълого миндириб қуювдим, а? Сарлавҳачаси ҳам антиқа бўлади: «Бир турфа эр-хотин турмушидан». Бу мистер Мелоун ҳеч нарсадан тап тортмайди, ўзининг ҳамкарабаларидек егани ўлакса,— *rogusèx grege diaboli*— иблислар тўдасининг чўчқаси. Тўғри айтаяпманми, мистер Мелоун?

— Сиз ҳақиқатан ҳам бадфесъл экансиз,— дедим мен жаҳл билан.

Профессор қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Сизлар, икковларинг менга қарши иттифоқ тузинглар,— тўнгиллади у бақувват кўксини кўпчишиб, дам мен томон, дам хотини томон кўз қирини ташлаб. Кейин тамомила бошқача оҳангда деди:— Бу арзимас, беозор оиласий машмашаларимиз учун бизни кечирасиз-да, мистер Мелоун. Мен жўнаб қўя қолинг, деб таклиф қилганимда, асло мана шу беозор ҳангомаларнинг гувоҳи бўла кўрманг демоқчидим. Қани, хўш, оймтилла, жўнаб қолингуғазабланниб юрманг, тағин.— У ўзининг улкан қўлларини хотинининг елкасига қўйди.— Ҳар доимгидек, сен ҳақсан. Агарда Жорж Эдуард Челленжер сенинг маслаҳатларингга кирганида борми, у бообрў одам бўлиб кетармиди, лекин ўзи эмас, бошқа кишига айланиб қоларди. Ҳурматли одамлар жуда кўп, азизам, лекин Жорж Эдуард Челленжер дунёда ягона. Шундай экан, у билан муросаю мадора қилиб яшашга уринавер.— У хотинини чўлпиллатиб шундай ўпдики, бояги қилиқлари ҳолва бўлиб қолди, баттар жаҳлим чиқиб кетди.— Энди, мистер Мелоун,— давом этди профессор яна улуғворлик қиёфасига кириб,— буёқа марҳамат қиласиз.

Биз ўн минутгина илгари гурсиллаб, ўмбалоқ ошибчиқиб кетган хонанинг ўзига кирдик. Профессор эшикни яхшилаб беркитди-да, мени креслога ўтқизиб, нах тумшуминга сигаралар солинган қутичани рўбарў қилди.

— Энг зўр «Сан-Хуан Колорадо» сигараси,— деди у.— Сизга ўшаган салга пов этиб кетадиган жиззакиларга бунаقا наркотиклар яҳши таъсир қиласди. Вой худо-ей! Бунинг думини ким тишлаб узади! Кесиб ташланг— сигарани ҳурмат қилиш лозим! Мана энди креслонинг суянчиғига ўзингизни бемалол ташланг-да, мен сизга из-ҳор қилишни лозим топган гапларни диққат билан тингланг. Бирор савол-павол чиқиб қолгудек бўлса, қулай фурсат келгунча ўйлаб туришга ҳаракат қилинг. Дастав-

вал — тамомила ҳақли равища ҳайдалганингиздан ке-йин уйимга қайтганингиз хусусида.— У соқолини чўччайтириб, гўё яна баҳсга киришишимни кутгандек, еўдайганича менга тикилди.— Демак, қайтараман: мутлақо ҳақли равища ҳайдалганингиздан сўнг. Нима учун сизни қайтиб киришга таклиф қилдим? Чунки сизнинг ўша сурбет полициячига берган жавобингиз менга маъқул бўлди. Бу жавобда жирканч касбингизга хос бўлмаган одамшавандалик, ҳалоллик учқунлари ялт этгандек бўлди. Айб ўзингизда эканлигини тан олиб, сиз маълум даражада объективлик ва билимларингиз доираси кенглигини намойиш қилдингизки, бу фазилатларингиз раҳму шафқатимга сазовор. Инсон ирқларининг энг тубан табақалари, афсуски, сиз ҳам шулар жумласидансиз, менинг ақлу зakovatim доирасидан четда турадилар. Сизнинг полициячига берган жавобингиз ўзингизни дарҳол менинг нуқтаи назарим доирасига олиб кирди. Сиз билан яқиндан танишиш истаги туғилди менда ва уйга қайтиб киришингизни таклиф этдим. Хув авави бамбуқ столча устида турган япон кулдонига сигаранинг кулини лутфан тўксангиз, ана, олдингизда туриби.

Профессор бу сўзларнинг ҳаммасини бамисоли студентларга лекция ўқигандек, тўхтамай, тутилмай, тез айтди. У улкан чўлқурбақадек шишинган ҳолда менга юзма-юз ўтириб, бошини орқасига ташлаб, кўзларини қисиб олганди. Кейин ёнига бурилиб, қип-қизил динг қулоқлари узра тиккайган бир тутам сочини менга намойиш қилаётгандек бир алфозда столи устидаги уюм-уюм қоғозлар орасини титкилаб, анчагина уринган бир дафтарни топиб, қўлига олди.

— Мен сизга Жанубий Америка тўғрисида баъзи бир нарсаларни гапириб бермоқчиман,— бошлади у сўзини.— Фикру мулоҳазаларингиз ўзингизда тураверсин. Аввал марҳамат қилиб, эшитиб олинг: ҳозир сиз эшитадиган нарсаларни бирор бир шаклда ошкор қилишингизни токи бунга мендан тегишли рухсат олмагунингизча ман этаман! Аслида бунаقا рухсат берилмаса керак ҳам. Тушунарлимми?

— Бунчалик ҳаддан ташқари қатъийликнинг боиси нима?— сўрадим.— Менимча, холисона баён қилиб бериш...

У дафтарчасини стол устига қўйди.

— Ундей бўлса, сиз билан гаплашадиган нарса қолмади. Хайр, яхши боринг.

← Йўқ, йўқ, мен ҳар қандай шартга ҳам розиман!—

қичқирдим.—Ахир танлаб олиш имкониятига эга эмас-ман-ку.

— Танлаб олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас,—тасдиқлади у.

— Ундан бўлса, чурқ этмасликка сўз бераман.

— Чин сўзингизми?

— Чин сўзим.

Унинг сурбетларча, ишончсизлик билан боққан нигоҳи менга қадалди.

— Гапларингизнинг чин-ночинлигини мен қаёқдан биламан?

— Жудаям ҳаддингиздан ошяпсиз шекилли, сэр,— дедим жаҳл билан.—Мен ҳалигача бунақа ҳақоратларни эшитмагандим!

Менинг жаҳлим чиққани профессорнинг ғазабини қайнатиб юбориш ўрнига унда қизиқсиниш ҳисси уйғотди.

— Калтабош типи,—ғўлдиради у.—Брахицефал¹, кулранг кўз, қора соч, негрсимонларнинг баъзи белгилари... Кельт² бўлсангиз керак, а?

— Мен ирландман, сэр.

— Асл ирландмисиз?

— Ҳа, сэр.

— Унда ҳаммаси тушунарли. Демак, сизга маълум қиласиган маълумотларни сир сақлашга сўз бердингиз. Бу маълумотлар, албатта, жуда оз. Лекин баъзи бир қизиқарли маълумотларни сиз билан баҳам кўраман. Сизга маълум бўлса керакки, мен икки йил муқаддам Жанубий Америкага саёҳат қилгандим — бу саёҳат жаҳон фанининг олтин фондига киради. Саёҳатдан мақсад — Уоллес³ билан Бейтс⁴нинг баъзи хulosаларини текшириб кўриш эди, бу ишни улар ўз кузатишларини олиб боришган жойнинг ўзида текшириб кўриш керак эди. Менинг саёҳатим натижалари ана шу билангина чегараланган бўлгандаям, баридар муносиб диққат-эътиборга сазовор бўлиши аниқ эди, бироқ қўққисдан тадқиқотларимни бутунлай бошқа йўлдан олиб боришимга мени мажбур қилган бир ҳолат юз бериб қолди.

¹ Брахицефал — калтабош ёки юмалоқ бош.

² Кельтлар — эрамизнинг мингинчи йилидан сўнг Европада истиқомат қиласиган ва кейинчалик ҳозирги Франция, Бельгия, Британия ва Ирландияни эгаллаган қабилалар группаси.

³ Уоллес Альфред Рессель (1823—1913) — инглиз табиатшуноси.

⁴ Бейтс Генри Уолтер (1825—1892) инглиз сайёҳи ва табиатшуноси.

Эҳтимол, сизга маълумдир, яна ким билади дейсиз: бизнинг нодонлик асримизда ҳеч нимага ҳам ажабланмай қўяр экансан, Амазонка дарёси оқадиган жойларнинг баъзи ерлари тўла тадқиқ қилинмаган, унга қўйиладиган ирмоқларнинг кўпи харитага туширилмаган. Мана шунинг учун ҳам мен ўз олдимга ана шу кам ўрганилган жойларга саёҳат қилиш, у ерларнинг фаунаси ни — ҳайвонлар оламини ўрганиш вазифасини қўйдим, бу эса менга шунчалик кўп материал бердики, мен бутун умримни бахшида қилган зоологиядан жуда катта, монументал асар ёзишимга етиб ортади. Экспедицияни тугаллаб, мен уйга келаётганимда, йўл-йўлакай Амазонкага қўйиладиган ирмоқлардан бири бўйидаги Америка ҳиндуларининг қишлоқчасида тунашимга тўғри келди. Бу ирмоқнинг номиниям, географик ўрининям айтмайман. Қишлоқчада ҳиндуларнинг кўкама деган қабиласи яшаркан — мўмин-қобил ҳалқ, аммо насли айний бошлаган, ақлизаковат савиясининг дарражаси ўртамиёна, лондонликникидан салгина баландроқ, бўлса бордир. Мен биринчи марта бориб, дарё бўйлаб юқорига юрганимда, ўша ерлик аҳолидан бир неча кишини даволаган, умуман ҳиндуларда катта таассурот қолдирган эдим-да, шунинг учун ҳам менинги орзиқиб кутишаётганига шубҳаланмаса ҳам бўларди. Улар дарҳол имо-ишоралар билан қишлоқда менинг ёрдамимга муҳтоҷ киши борлигини тушунтиришди ва менинг қабила йўлбошчиси кетидан бир ҳужрага кириб бордим. Қулбага киришим биланоқ менинг муолажамга муҳтоҷ бўлиб ётган беморнинг ҳозиргина жони узилганини пайқадим. Унинг ҳинду эмас, балки оқ одамлигини кўриб ҳайратда қолдим. Оқ бўлганда ҳам қанақа денг, ҳаммаёғи оппоқ, таъбир жоиз бўлса, оқларнинг оқи эди у, соchlариmallarang, ўзида альбиноснинг¹ ҳамма белгилари мужассам. Унинг кийим-бошидан жулдур-жуздур парчаларгина қолибди, узоқ вақт кераклича сув, овқат истеъмол қишлоқмагани учун озиб, чўп бўлиб кетибди. Ҳиндуларнинг ўзларини тутишларидан, улар бу одамни илгари ҳечам кўрмаганлар, деган хуносага келдим; бу одам қишлоққа ўрмонзордан бир ўзи, ҳамроҳсиз келган, дармонсизлигидан оёғида зўрға турарди. Нотаниш кишининг халтаси ёнида ётарди, уни очиб, ичидағи нарсаларни кўздан кечирдим.

¹ Альбинизм — ҳайвоннинг терисида рангнинг бўлмаслиги (қизил кўзли, ҳаммаёғи оппоқ қуёнлар ва сичқонлар). Тўла альбинизм одамларда ҳам учрайди.

Халтанинг ич томонига кичкинагина ёрлиқча тиқилған бүліб, унда әгасининг исми ва адреси ёзилған экан: «Мепл-Уайт, Лейк-авеню, Детройт, Мичиган штаты». Бу одамга мен ҳар дәйм құллуқ қилишга тайёрман. Мен очган кашфиётнинг муҳимлиги ҳамманинг эътиборини қозонға, унинг исми менинг номим билан ёнма-ён туради, десам, муболаға бўлмайди.

Халтадаги нарсалар Мепл-Уайтнинг рассом ва шоирлигидан, бу ерларга янги, ёрқин таассуротлар излаб келиб қолганидан далолат берарди. Унда шоир шеърларининг қораламаси сақланарди. Бундан ташқари, мен халтадан дарё манзараларининг анчайин, ўртамиёна чизилған расмларини, бир қутыча бўёқларни, пастали қаламлар ва мўйқаламлар солинган довотдонни, сиёҳдонда ётган манави эгик сувякни, Бекстернинг «Парвоналар ва игначилар» китобини, жуда арzon турадиган тўптоңча билан унга мос талайгина ўқни олдим. Шахсий зарурат буюмларини сарсон-саргардонликда юрганларида йўқотиб қўйган бўлса керак, балки бунақа нарсалари умуман бўлмагандир. Америкалик қашшоқ зиёлиларнинг бу ғалати вакили бисотида бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

Энди кетаман деб турсам, йиртиқ камзулининг чўнтағида бир нарсанинг учи чиқиб турганига кўзим тушиб қолди. Бу этюдлар чизадиган альбом эди — мана, бу олдингизда турибди, ўша пайтдагидек титилиб кетган. Гапимга ишонаверинг, ана шу обида қўлимга тушганидан бери уни, бамисоли Шекспирнинг биринчи ардоқли нашридек, эъзозлаб юраман. Энди бу альбомни сизнинг қўлингизга топшираман ва илтимос қиласанки, саҳифама-саҳифа кўриб чиқинг, расмларнинг мазмунига эътибор қилиб, мағзини чақинг.

У сигарани тортиб, стулнинг суюнчиғига ястаниб олдида, қаҳрли, шу билан бирга синовчан нигоҳини юзимга тикиб, бу расмларнинг менга қандай таъсир қилаётганини кузата бошлади.

Мен альбомни очиб, аллақандай кашфиётларни излай бошладим — қанақа кашфиётлар излаганимни ўзим ҳам билмайман. Бироқ биринчи саҳифа ҳафсаламни пир қилди, чунки унда денгизчилар курткасини кийган давангирдеск бир йигитнинг сурати чизилған бўлиб, тагига «Жимми Колвер почта кемасида» деб ёзилганди. Кейин ҳиндулар турмушидан олиб чизилған бир неча кичик-кичик лавҳа. Яна бир расмда диний хизмат унвонидаги хуштабиат сөмиз киши акс эттирилган, бошида соябони кенг шляпа, жуда ориқ европалик билан гаплашиб ўтирибди. Тагига

«Росариолик фра¹ Кристоферо ҳузурида нонушта» сүзләри битилган. Шундан кейинги саҳифалар аёллар ва болаларнинг бошлари билан тўлдирилган, ундан сўнг эса ҳайвонларнинг тасвиirlари туркуми берилган. Уларнинг тагига «Ламантин»² саёз қўмлоқда», «Тошибақа ва тошибақа тухумлари», «Қора агути³ палма тагида» қабилидаги жумлалар ёзилганди. Агути дегани чўчқанинг худди ўзи экан. Ниҳоят, кейинги икки саҳифа аллақандай хунук, бурни узун калтакесакларнинг қоралама тасвиirlари билан тўлган эди. Мен бу расмлар ҳақида қандай фикр юритишни билмай гаранг эдим, шунинг учун, тушунтириб берсангиз, деган маънода профессорга мурожаат қилдим.

— Манавилар тимсоҳлар бўлса керак, а?

— Аллигаторлар! Аллигаторлар! Ҳақиқий тимсоҳлар Жанубий Америкада яшамайди. У ва бу тур орасидаги тафовут...

— Мен фақат шуни айтмоқчиманки, бу ерда сизнинг сўзларингизни тасдиқловчи ҳеч нимани кўрмаяпман.

У беозор табассум билан жавоб берди:

— Яна бир саҳифа очинг.

Лекин кейинги саҳифа ҳам мени ҳеч нарсага ишонтира олмади. Бу — акварель билан наридан бери тус берилган манзара — рассом мавзуни чуқур ёритиш учун тайёрлаб қўядиган тугалланмаган этюдларнинг бири эди. Этюднинг олдинги қисмини оқимтир-кўкиш тусдаги патсимон ўсимликлар эгаллаган бўлиб, улар базалът қатламларига ўхшаган қоянинг тўқ-қизил рангдаги ёнбағрини қоплаб, кўкка бўй чўзгандилар. Кейинги планда эса бу қоялар сидирға девордек салобатли кўринади. Ўнгроқда пирамида шаклидаги қоя юксалган бўлиб, у асосий тоғ тизмасидан чуқур жар билан ажралган; унинг чўққисида — улкан дараҳт. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси узра тропик ложувард осмон файз сочиб турибди. Торгина ям-яшил ҳошия қизил қояларга жиякдек ярашганди. Кейинги саҳифада яна битта акварелда чизилган расмнинг хомакисини кўрдим, бу ҳам ўша манзарага ўхшайди-ку, лекин яқин жойдан олингани учун тафсилотлари яққолроқ кўринади.

— Х-хўш, қалай? — деди профессор.

— Бу формация ҳақиқатан ҳам мароқли экан,— жа-

¹ Фра — oғa, католик дини мансебдори исмидан олдин келувчи ҳурматни билдирувчи сўз.

² Ламантин — ўтхўр китлар тўдасига мэнсуб сутэмарлар оиласига кирадиган, бўйи икки ярим-уч метрлик денгиз ҳайвони.

³ Агути — Жанубий ва Марказий Америка ўрмонларида яшайдиган кемирувчилар.

воб бердим мен,— лекин мен унга баҳо бера олмаймак, ахир мен геолог эмасман-ку.

— Мароқли формация?— такроран сўради у.— Ахир, бу ўхшалий йўқ ягона хушмазара — географик манзара-ку! У ғайритабий туюлади! Бунақасини тушингда ҳам кўрмайсан! Янги саҳифани очинг-чи.

Мен саҳифанинг орқасини ўгирган эдим, ҳайратимни яшира олмай қичқириб юбордим. Альбомнинг бу саҳифа-сидан менга аллақандай бир маҳлуқ қараб туради. Бундай даҳшатли маҳлуқ ё бангининг хаёлхонасида, ёхуд безгак тутган кишининг алаҳсирашида намоён бўлиши мумкин. Унинг боши қушники, танаси ҳаддан ташқари шишириб юборилган тимсоҳники, ерда судралиб юрувчи думи ўткир игналар билан қопланган, яласқи белига эса йирик тиканлар қадаб қўйилгандек бўлиб, хўроznинг то-жисига ўхшайди. Бу маҳлуқ ёнида паканағина, митти одам турибди.

— Х-хўш, бунисига нима дейсиз?— хитоб қилди профессор ғолибона қиёфада қўлларини артар экан.

— Бу аллақандай баҳайбат маҳлуқ, қандайдир мубо-лағага ўхшайди.

— Бундай маҳлуқни тасвирлашга рассомни нима маж-бур қилганикин?

— Майни кўп ичиб қўйганида чизгандир-да.

— Дурустроқ тушунтириб бера олмайсизми?

— Яхши, сэр, лекин ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Жуда оддий: шундай ҳайвон мавжуд. Жуда аёнки, рассом уни ўз кўзлари билан кўриб туриб чизган.

Мен боя иккаламиз коптоқдек коридорда думалашиб кетганимизни эслаб, кулиб юоришдан ўзимни тийиб қолдим.

— Шубҳасиз, шубҳасиз,— дедим мен овсарлар билан суҳбатлашилганда ишлатиладиган хушомадгўйлик билан.— Бироқ мана шу митти одамчанинг қадди-қомати мени ажаблантиради. Бу ерга ҳиндунинг расми солингган бўлганда, Америкада пакана одамларнинг аллақандай қабиласи бор экан, деб ўйлаш мумкин эди, аммо, бу — европалик, унинг бошида пўқақдан ясалган шлем бор.

Профессор бамисоли қутурган қўтосдек пишқирди.

— Сиз мулоҳазаларингиз билан мени бойитаяксиз,— қичқириди у.— Инсон нодонлигининг чегараси мен ўйла-гандан ҳам кенг экан! Сизнинг фикрлаш иқтидорингиз турғун бўлиб қолибди. Ажабо!

Профессорнинг бу хуружи жуда ҳам аҳмоқона бўлгани учун мен хафа ҳам бўлмадим. Ҳа, арзимаган нарсаларга-

ям асабни бузишнинг нима кераги бор? Бу одамдан хафа бўлиш керак бўлса, унинг ҳар бир сўзига, ҳар минутда жаҳлинг чиқиши лозим. Ҳорғин бир жилмайиш билан кийфояландим.

— Бу митти одамнинг кичкиналиги мени ҳайратда қолдирди,— дедим мен.

— Мундоқ қарасангиз-чи, ахир!— қичқири профессор эгилиб, ҳасипдек семиз, жундор бармоғини альбомга нуқиб.— Ҳайвоннинг орқасидаги манави ўсимликни кўрояпсизми? Сиз уни қоқи ўт ёки брюссель карами деб ўйлаган бўлсангиз керак ҳойнаҳой. Шундоқ, а? Йўқ, афандим, бу «фил суюги» деб аталадиган жанубий америка пальмаси, унинг бўйи эллик, олтмиш футдан ошади. Наҳотки, инсон бўй-басти бу ерда бекорга солинмаганини фаҳмламаган бўлсангиз? Рассом шундай махлуққа рӯбарў келганида расм чизиш ўёқда турсин, ўзи тирик қолмасди. У ўсимликнинг ва махлуқнинг катталигини кўрсатиш учун ўзининг суратини чизган. Унинг бўйи, айтайлик, беш футдан салгина ошади. Дараҳт эса ўн марта баланд десак бўлади.

— Э, худо!— қичқириб юбордим.— Демак, сизнингча, бу жонивор... Унга ин қидирадиган бўлсак, Чаринг-Кросс вокзали ҳам кичиклик қиласди!

— Бунда, албатта, муболаға бор, лекин жонивор нусхаси ҳақиқатан ҳам йирик,— мағрурона деди профессор.

— Ахир, мумкин эмас-ку,— хитоб қилдим мен,— битта расмга қараб бутун инсониятнинг тажрибасини бир чеккага суриб қўйиш мумкин эмас-ку, ахир!— Мен бошқа саҳифаларни ҳам варақлаган эдим, бошқа ҳеч нарса чизилмаганига ишонч ҳосил қилдим.— Аллақандай саёқ рассомнинг наша чекиб туриб, кайфда чизган якка ягона сурати далил бўлармиди?! Сиз фан кишиси сифатида шундай фикрни қувватлай олмаймиз.

Профессор жавоб ўнига жавондан аллақандай бир китобни суғуриб олди.

— Мана, талантли дўстим Рей Ланкастернинг ажойиб монографияси,— деди у.— Бу ерда битта расм бор, у сизни қизиқтираслиги мумкин эмасдир. Ҳа, мана! Мана. Тагидаги ёзувни ўқинг, а: «Юра даври¹нинг динозаври — стегозавр²нинг таҳминий ташки кўриниши. Кейинги оёқ-

¹ Юра даври — мезаой (ўрта ҳаёт эраси)нинг ўрта даври, геология ҳисобларига кўра, 730 миллион йилга яқин илгариги замонни ўз ичига олади.

² Стегозавр — (юра ва бўр даврларида қуруқликда яшаган динозаврлар (даҳшатли калтакесаклар)нинг катта гуруҳига мансуб бўлиб, ҳозирда ўлиб битган махлуқнинг бир тури.

ларининг ҳар бири икки одам бўйи келади». Хўш, энди нима дейсиз бунга?

У менга очиқ китобни узатди. Мен расмга нигоҳ ташлаб титраб кетдим. Номаълум рассом хаёлан чизган хомаки сурат билан аллақаҷон йўқ бўлиб кетган оламнинг бу вакили ўртасида, шубҳасиз, катта ўхшашик бор эди.

— Ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз! — дедим мен.

— Ҳалиям қайсаrlик қилишда давом этасизми?

— Эҳтимол, бу оддий бир ўхшашик бўлса-чи, ёхуд ўша америкалик кишингиз бир вақтлар бу суратни кўргагу кейин кайфига эсига келиб қолиб чизгандир.

— Жуда соз,— сабр-тоқат билан деди профессор,— майли, шундай бўла қолсин. Энди марҳамат қилиб, мана-ви нарсани кўринг.

Профессор менга, унинг сўзларига қараганда, вафот этган кишининг халтасидан топилган суюкни узатди. Суюкнинг узунлиги олти дюйм, йўғонлиги бош бармоғимдек келади, унинг бир учидаги эса, қуриб-қақшаб кетган тоғай қолдиги.

— Бу суюк биз бўлган қайси ҳайвонники бўлиши мумкин? — сўради профессор.

Мен ҳали миямдан чиқиб кетишга улгурмаган бор билимимни тўплаб, суюкни диққат билан кузата бошладим.

— Бу жуда ҳам баланд одамнинг ўмров суюги бўлса керак,— дедим.

Сұхбатдошим жирканиб, қўлини силтаб қўйди:

— Одамнинг ўмрови эгилганроқ бўлади, бу суюк эса тўппа-тўғри-ку. Унинг сиртида чуқурча бор, бу чуқурча ундан йўғон томир ўтганидан далолат беради. Ўмровда бунга ўхшашик нарса бўлмайди.

— Унда сизга жавоб беришга қийналаман.

— Ўзингизнинг нодонлигингизни ошкор қилиб қўйишдан қўрқманг. Ўйлашимча, Жанубий Кенсингтон¹ зоологлари орасида бу суюкни аниқлаб бера оладиган битта ҳам олим топилмаса керак,— у доридан бўшаган қутичани олди-да, унинг ичидан худди ловиядек келадиган кичкинагина суюкчани олди.— Фикру ожизимча, мана шу суюкча сиз қўлингизда ушлаб турган ўша одам скелети таркибидаги суюклар сирасидан жой олади. Ўша жониворнинг нақадар катта эканлигини энди тасаввур қилгандирсиз?

Жанубий Кенсингтон — Лондон яқинидаги жой, Британия музеининг табиий-тарихий бўлими шу ерда,

Анави төғай қолдигини ҳам унутманг — улар мазкур жонивор қазилмада топилгани эмас, балки янги нусха эканлигидан далолат беради. Хүш, энди нима дейсиз?

— Балки филницидир...

У худди бир ерига санчиқ тургандек алланечук бўлиб кетди.

— Бўлди! Бас қилинг! Жанубий Америкада фил нима қиласди! Бу ҳақда оғиз ҳам оча кўрманг! Ҳатто ҳозирги бошланғич мактабларимизда ҳам...

— Хўп, майли,— унинг сўзини бўлдим.— Фил бўлмаса, бошқа бирор Жанубий Америка жонивори, масалан тапиридир¹.

— Ҳой йигитча, шунга амин бўлингки, фаннинг бу соҳасида энг оддий тушунчалардан хабарим бор. Бу суюк тапириники ёки зоологларга маълум бўлган бирор жониворларницидир, деган фикрни хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас. Бу жуда кучли, жуда йиртқич ҳайвонники бўлиб, ҳозир ҳам ер юзида яшайди, аммо ҳалигача фанга маълум эмас. Сиз ҳали ҳам шубҳаланяпсизми?

— Ҳар қалай, жуда мароқли экан, қизиқиб қолдим.

— Демак, сиздан ҳам умидни узмаса бўларкан-да. Сезишимча, миянгизда аллақандай учқунлар ялт-юлт қиласпти, шекилли, келинг, шу чўғни сабот билан пуфлайлик. Энди марҳум америкаликни тинч қўйиб, менинг ҳикоямга қайтайлик. Сиз, албатта, менинг бу сирни билмагунимча Амазонкани тарк этмаганимни фаҳмлагандирсиз. Бу рассом қаердан келиб қолганлиги ҳақидаги баъзи бир маълумотлар менда бор эди. Сирасини айтганда, мен ҳиндуларнинг айрим афсоналаридан фойдаланишим ҳам мумкин эди, чунки номаълум мамлакат тўғрисидаги мотив дарё соҳилларида яшовчи қабилаларнинг ҳамма риоятларида нақл қилинади. Сиз, албатта, Курупури ҳақида эшигтан бўлсангиз керак, а?

— Йўқ, эшигтан эмасман.

— Курупури — ўрмон опаласи, қаҳри қаттиқ, даҳшатли рӯё бўлиб, у билан учрашганинг ажали етмай қолмайди. Ҳеч ким Курупурининг қиёғасини тасвиirlаб бера олмайди, лекин унинг номини эшигтан ҳиндуни даҳшат босади. Бироқ Амазонка соҳилларида яшовчи ҳамма қабилалар бирдек Курупурининг қаерда яшашини аниқ айтадилар. Америкалик ҳам ўша ерлардан келган. У ерда аллақандай, ақл бовар қилмайдиган даҳшатли бир нарса

¹ Гапир — қисқа хартумли, сутэмизувчи ҳайвон.

борга ўхшайди. Мен ана шу сирнинг тагига етишга қарор қилдим.

— Хўш, нима қилдингиз?

Менинг енгилтаклигимдан, ҳафтафаҳмлигимдан асар ҳам қолмади. Бу алпона одам диққат-эътибор ва ҳурмат қозониш йўлини биларди.

— Мен ҳиндуларнинг қаршилигини, шу мавзуда гап очилганда кўрсатишадиган ашаддий қаршиликларини ҳам бартараф қилишга муваффақ бўлдим. Турли-туман панду насиҳатлар, совға-саломлар билан, ҳатто иқрор бўлишим керакки, дўқ-пўписалар ишлатиб, икки йўл кўрсатувчини ҳамроҳ қилиб олдим. Жуда кўп саргузаштлардан сўнг — уларни тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ,— кўп қунлик йўлни босиб — қаерлардан юрганим, қанча йўл босганим ҳақида лом-мим демасликни маъқул кўраман,— биз, ниҳоят, ҳанузгача ҳеч ким томонидан тасвирланмаган, менинг омадсиз ўтмишдошимни ҳисобга олмасак, ҳеч ким бўлмаган жойларга етиб бордик. Энди марҳамат қилиб, манави нарсани кўринг.

У менга кичикроқ фотосуратни узатди.

— Унинг ёмон ҳолатда бўлишига сабаб шуки, биз дарё бўйлаб паст томонга сузиб борарканмиз, қайиғимиз тўнтарилиб кетганида, ишлов берилмаган негативлар солинган ғилоф синиб қолган эди. Бу фалокатнинг натижасини кўриб турипсиз. Ҳамма негативлар бузилди — бу йўқотишнинг ўрнини асло тўлатиб бўлмайди. Манави суратга қаранг — омон қолган фотоларнинг сал дурустроғи шу. Унинг яхши чиқмаганига шу изоҳим билан қаноатла-насиз-да энди. Фотолари соҳта деган миш-мишлар юрипти, лекин унақалар билан баҳслашиб ўтиришга ҳозир майлым йўқ.

Фотосурат ҳақиқатан ҳам хира эди. Фаразгўй танқидчи ундоқ экан, бундоқ экан дея айбситиши мумкин. Мен хира тасвирдаги воҳага, унинг тафсилотларига диққат билан тикилар эканман, улкан шаршарани эслатувчи жуда баланд қоялар қаторини кўрдим, олдинги томонда эса дарахтлар билан қопланган қия текислик кўзга ташла-нади.

— Агар янгишмасам, бу манзара альбомда ҳам бор эди шекилли,— дедим.

— Мутлақо тўғри,— жавоб берди профессор.— Мен у ерда манзилгоҳ изларини кўрдим. Энди яна битта фотосуратни кўринг.

Бу ҳам ўша воҳа бўлиб, фақат анча йирик планда олинган эди. Сурат жудаям бузилган эди. Шунга қара-

май, мен ундаги чўққисида дарахт кўкка юксалган ёлғиз-гина қояни кўрдим; у тоғ тизмасини дарадан ажратиб туради.

— Энди менда ҳеч қандай шак-шубҳа қолмади,— тан олдим мен.

— Демак, уринишларимиз зое кетмаяпти,— деди профессор.— Катта муваффақият бу! Энди, марҳамат қилиб, бу қоянинг чўққисига боқинг. Ўнда бирор нарсани кўралисизми?

— Улкан дарахтни.

— Дарахт устида-чи?

— Каттакон қушни.

У менга лупани узатди.

— Ҳа,— дедим лупадан қарап эканман,— дарахтга каттакон бир қуш қўнган. Тумшуғи жудаям катта-я, балки бу соқақушдилр?

— Кўзингизнинг мазаси йўқ экан-ку,— деди профессор.— Бу соқақуш эмас, умуман қуш эмас. Сизга маълум бўлғайким, мен ана шу махлукни отиб туширишга муваффақ бўлдим. Бу — мен ўша ерлардан олиб келган яккаю ягона рад этиб бўлмайдиган далил вазифасини бажаарди.

— У шу ердами, ёншингиздами?

Ниҳоят, мен бу ҳикояларнинг ашёйи далилини кўрадиган бўлдим!

— У менда эди. Бахтга қарши, дарёдаги фалокат негативларнигина эмас, ана шу ўлжани ҳам нес-нобуд этганди. Ў гирдобга тушиб қолди, ҳар қанча уринсам ҳам, қўлимга бир қанотининг ярмисидан бошқа нарса илинмади. Мен ҳушимдан айрилибман, ўзимга келиб қарасам, сув қирғоққа чиқариб ташлабди, ҳайтовур, ажойиб нусханинг мана шу жиндеккина қолдигини бағримга босиб олган эканман. Мана у, олдингизда.

— Жудаям катта кўршапалакми?— ўз тахминимни изҳор этдим.

— Асло ундай эмас!— дарҳол оғзимга урди профессор.— Мен олий маърифат ва фан оламида яшаб, зоологиянинг асосий принциплари жамиятнинг кенг доиралари орасида бунчалик номаълум бўлишини ўйламагандим. НАҳотки сиз қиёсий анатомиянинг қуш қаноти, аслини олганда, кўршапалак қаноти бир-бирига парда билан бирриккан учта узун-узун бармоқдан иборат билак суягидач таркиб топган деган оддий қоидасини билмасангиз. Мазкур ҳолатда бу суюк билак суягида асло ўхшамайди, мана, ўзингиз ҳам парда битталигини кўриб, ишонч ҳосил

қилишиңиз мүмкін. Биңобарин, күршапалакни әсламаса ҳам бўллади. Хўш, бу — қуш ҳам, күршапалак ҳам бўлмаса, у нима бўлиши мүмкін, ахир?

Менинг камтарин билимларим адойи тамом бўлганди.

— Очигини айтсан, бир нарса дея олмайман,— дедим.

Профессор аввал ҳам эсга олган монографиясини очди.

— Мана,— деди у гапида давом этиб, қанотли алла-қандай даҳшатли маҳлукни кўрсатар экан,— мана, димор-фодон ёки птеродактил¹нинг — юра даврида яшаган қа-нотли калтакесакнинг ажойиб тасвири, кейинги саҳифада эса қанотининг механизми чизилган. Энди уни қўлингиз-даги сурат билан таққосланг.

Схемага назар ташлашим биланоқ баданим жимирила-шиб кетди. Бу нарса мени тамомила ишонтириди. Баҳсла-шишга ҳожат қолмади. Маълумотларнинг жамулжамлиги ўз ишини қилди. Рассомнинг чизмалари, фотосуратлари, профессорнинг ҳикояси, мана энди ашёи-далил! Яна нима-ни талаб қилиш керак? Профессорга ҳам шундай дедим — куч-қудратим борича жиддийлик билан дедим, чунки мен бу одамга адолатсизлик қилиб келишаётганини мана эн-ди билган эдим. У стулнинг суянчиғига ўзини ташлади-да, кўзларини қисиб, майин табассум қилди; у шу топда иқрор қуёши сочаётган мўл-кўл нурларда чўмилаётгандек кўринарди.

— Бу жаҳондаги энг буюк кашфиёт-ку! — хитоб қил-дим мен, гарчи аъзойи баданимда табиатшунос эмас, бал-ки журналист эҳтироси жўш ураётган бўлса ҳам.— Бу жуда зўр-ку! Сиз фан Колумбисиз! Сиз йўқолиб кетган оламни кашф этдингиз! Сизнинг гапларингизга шаккок-лик қилиб келганимдан минг афсус қиласман. Буларнинг ҳаммаси мүмкін бўлмаган нарсадек туюлганди менга: Лекин очиқ-оидин фактларни тан олмаслигим мүмкін эмас, уларнинг ҳаммаси барчага баробар ишончли бўли-ши зарур.

Профессор ҳузур қилганидан кўзларини сузди.

— Хўш, сиз кейин нима қилдингиз, сэр?

— Ёғин-сочин мавсуми бошланди, мистер Мелоун, ғамлаган озиқ-овқатларим тугади. Мен бу улкан тоғ ён-бағирларининг бир қисмини тадқиқ қилдим, аммо унинг тепасига чиқа олмадим. Чиқиши мүмкін бўлган пирамида-симон қоядан туриб птеродактилни бир ўқ билан уриб

Птеродактиль.— юра да бўр даврларида яшаб, қирилиб кетган учувчи калтакесаклар — птерозаврларнинг вакили,

туширдим. Үзимнинг алъинистлигимни эслаб, бу қоятошнинг ярмигача чиқиб бордим. У ердан эса ясситоғ дўмба-йиб турган бутун саҳни кузатиш мумкин эди. Бу ҳақиқатан ҳам поёңсиз тоғ ёнбағирлари эди! Қаёққа қарама — гарбгами, шарққами — яшилликка бурканган қояларнинг кети кўринмасди. Ясситоғ этакларида ботқоқликлар, илон-чаёнлар гужгон ўйнаб ётган, ўтиб бўлмас чакалакзорлар ястаниб ётилти. Бу ботқоқликлар иситма-безгакнинг уяси. Мазкур тўсиқлар бу мамлакатни муҳофаза қилувчи табиий восита бўлиб хизмат этиши ўз-ўзидан равшан.

— Сиз у ерда яна бошқа қандайдир ҳаёт асарини кўрмадингизми?

— Йўқ, сэр, кўрмадим, лекин биз ўша қоялар этакларида ўтказган бир ҳафта ичидан юқоридан келаётган алла-қандай ғалати товушларни эшитиб турдик.

— Америкалик расмини чизган қанақа ҳайвон эди? У маҳлуқ билан қандай қилиб юзма-юз келди экан?

— Мен, у қандайдир йўл билан чўққига чиқишига муваффақ бўлган ва ҳайвоҳни ўша ерда учратган, деб фақат тахмин қила олишим мумкин. Бинобарин, ўшаёққа бирор йўл бўлса керак-да. Йўл, шубҳасиз, оғир бўлиши керак, бўлмаса бу қўрқинчли маҳлуқлар пастга тушиб, ҳамма-еёни тутиб кетишарди. Бошқасига ишонмайману лекин бунига шубҳа бўлиши мумкин эмас!

— У ерга қандай келиб қолишипти улар?

— Менимча, бунинг жумбоқлик ери йўқ,— деди профессор.— Ўз-ўзидан тушунарли. Сизга маълум бўлса керакким, Жанубий Америка мармар тошлардан иборат қитъа. Қадим-қадим замонларда бу жойларда вулқонлар отилиши туфайли қатламларнинг ногаҳоний ўзгаришлари юз берган бўлса керак. Эсингиздан чиқармангким, бу қоялар базалът жинсларидан таркиб топган бўлиб, вулқон отилишидан ҳосил бўлган. Тахминан, бизнинг Саксекс графлигимиз музофотидек келадиган бутун бир диёр аҳолиси билан бирга осмони-фалакка кўтарилади-ю, манзил қитъанинг қолган қисмидан ҳар қандай шамолларда ҳам совурилмайдиган метин жинсли тик қоялар билан пақос тўсилиб қолади. Нима бўлди денг? Табиат қонунлари бу ерда ўз кучини йўқотиб қўйди. Қолган оламдаги яашаш учун курашнинг шарти бўлмиш барча ҳар хил тўсиқлар ё йўқолиб кетди, ёки тубдан ўзгарди. Оддий шароитларда қирилиб кетадиган жониворлар кўпаяверди. Маълумингизки, птеродактиль ҳам, стегозавр ҳам юра даврига оид бўлиб, иккови Ер тарихидаги энг қадимги ҳайвонлар сирасига киради, улар мутлақо ғайритабиий, тасодифан

вужудга келгап мұхит ва шароитлар туфайли тирик қолишиган.

— Лекин сиз топған далиллар шак-шубҳага ўрин қолдирмайды-ку! Сиз уларни тегишли одамларга тақдим қылсанғыз киғоя-да.

— Үзим ҳам соддадиллик билан шунақа деб ўйловдым,— афсус билан жавоб берди профессор.— Сизга бир нарсаны айтишим мүмкін: ҳақиқатда бутунлай бошқача бўлиб чиқди — мен ҳар қадамда ишончсизликка дуч келдим, бунинг замирида инсонлардаги нодонлик ва ҳасадгўйлик ётади. Бирорлар олдида букилиб, судралиб қуллуқ қилиш, сўзларимга шубҳа қилувчиларга ҳақ эканлигимни исбот қилиш менинг одатим эмас-ку, сэр. Дарҳол ихтиёrimda бўлган ашёю далилларни мана деб рўкач қилиш менга ярамайди, деган қарорга келдим. Шу мавзунинг ўзи менга ёмон кўринадиган бўлиб қолди, шунинг учун ҳам унга тил тегизишни ҳам истамасдим. Сизга ўхшаган кишилар.— эрмак талаб бекорчиларнинг таъбига хуш ёқувчи нарсалар излаб юрувчи кишилар оромимни бузиб, сурбетлик билан келишганда, мен иззат-нафсимга путур етмайдиган ҳолатимни бузмай, уларнинг таъзирини беришдан ожиз эдим. Тан олишим керакки, мен қизиққон одамман, жаҳлимни чиқаришганда, ёмон ишлар қилиб қўйман. Афсуски, сиз ҳам буни тотиб кўрдингиз.

Мен шилпиқ кўзимни силаб қўйдим-у, аммо чурқ этмадим.

— Челленжер хоним шу қилиғим учун доим мен билан уришгани-уришган, лекин ўз иззатини билган ҳар қандай одам ҳам менинг ўрнимда шундай қилган бўлур эди. Аммо-лекин бугун мен сабр-тоқат намунасини намойиш қилиб, ироданинг эҳтирос устидан ғалабасини кўрсатиб қўймоқчиман.

У столидан таклифномани олди-да, менга узатди.

— Кўриб турибисизки, бугун кеч соат саккизу ўтиизда Зоология институтида анча машҳур табиатшунос, мистер Персивал Уолдроннинг «Асрлар лавҳалари» мавзуидаги лекцияси бўлади. Қаминани президиумга маҳсус таклиф қилишган, залда ҳозир бўлганларнинг барчаси номидан лекторга ташаккур изҳор қилишим керак экан. Шундай қиласман. Лекин, албатта зўр эҳтиёткорлик ва одоб билан!— жамоатни қизиқтирадиган ва баъзи бирорларда мен кўтарған масала билан кенгроқ танишиш истагини уйғотадиган бир неча фикрни қистириб ўтишимга монелик бўлмас дейман. Албатта, мунозарали масалаларга тегилмайди, шунга қарамай, сўзларим замирида қандай чу-

қур муаммолар ётганини ҳамма пайқаб олади. Үзимниң босиқ тутишга сүз берамаң. Қим билсін, балки менинг босиқлигім яхши натижаларға олиб келар.

— Мен ҳам борсам бўладими ўша ерга? — шошиб-пишіб сўрадим.

— Албатта... албатта мумкин, — севинч билан жавоб берди профессор.

Бу одамнинг лутфи-карами ҳам унинг қўполлигидақа антиқа ва ҳайратомуз эди. Унинг хуш табассуми нақадар ўқтамлигини айтмайсизми! Қўзлари кўринмай кетди, ёноқлари шишиб, қоп-қора соқол осилиб турган икки дона қип-қизил олмадек шаклга кирди.

— Албатта келинг. Залда, гарчи фан масалаларида ожиз ва ўта уқувсиз бўлса ҳам, бир иттифоқдошим борлигини хис қилишнинг ўзи мен учун мароқли. Одам жуда кўп келса керак, чунки Ўолдрон ўтакетган шарлатан бўлса ҳам, катта шуҳрат қозонган кишидир. Мана шунақа, мистер Мелоун, сизга мўлжалимдан ҳам кўп вақт ажратдим. Бутун инсониятнинг нарсасини айрим шахс ўзлаштириб ола олмайди. Кечқурун сизни лекцияда учратиш шарафидан хурсанд бўлурман. Ҳозирча сизга шуни таъкидлаб қўйишимга ижозат берингким, сизга тапиштирилган материал мутлақо ошкор қилинмаслиги лозим.

— Лекин мистер Мак-Ардл... бизнинг муҳарриримиз мендан сиз билан қилган суҳбатим ҳақида ҳисобот талаб қиласди-да.

— У кишига каллангизга келган нарсани айтаверинг. Ҳа, айтмоқчи, унга менинг олдимга яна бирор кишини юборгудек бўлсангиз, ҳузурингизга профессорнинг ўзлари яхшигина қамчин билан қуролланган ҳолда ташриф буюрар эканлар, деб қўярсиз. Қолган масалаларда сизга бутунлай ишонаман; матбуотда бир оғиз ҳам сўз бўлмаслиги керак! Ҳўп, жуда соз! Демак, саккизу ўттизда — Зоология институтида учрашгунимизча, хайр.

У мен билан хайрлашиб, қўлини силкиб қолди. Мен қип-қизил ёноқларига, қоп-қора тўлқинсимон соқолига, ёниб турган қўзларига сўнгги бор тикилдим-да, уйидан чиқдим.

БЕШИНЧИ БОБ «БУ ҲАЛИ ФАКТ ЭМАС»

Профессор Челленжерникига қилган биринчи ташрифимда олган жисмоний зарба таъсир қилдими, иккинчи ташрифимда учраган маънавий изтироб сабабиданми,

ишқилиб, күчага яна чиқишим биланоқ репортёр сифатида ўзимни ожизу нотавон сездим. Миям оғриқ зўридан оти-либ кетай дейди, лекин бу одам тӯғри гапирияпти, фикр-ларининг аҳамияти ниҳоятда бебаҳодир, у айтган факт-лардан мақоламда фойдалансам, газетамиз катта шов-шувга сабаб бўладиган материалга эга бўлади-да, деган ўйлар онгимни тинимсиз пармаларди. Муюлища извоши-ни кўришим биланоқ унга югуриб чиқиб олдим-да, редак-цияга равона бўлдим. Мак-Ардл ҳар қачонгидек ўз по-стида эди.

— Хўш, қалай? — қичқирди у сабрсизлик билан.— Ай-та қолинг, сизга неча сатр керак? Йигитча, турқингиздан худди жанг майдонидан тўппа-тўғри келаётган кишига ўхшайсиз, а. Наҳотки муштлашувсиз иш битмаган бўлса?

— Ҳа, аввалига бир оз чўқинишиб олдик.

— Ҳўб одам-да! Хўш, кейинчи?

— Кейин ақлу ҳушини йиғишириб олди, тинчгина сұхбатлашдик. Бироқ мен ундан ҳатто кинчкениагина мақ-лачага етадиган маълумот ҳам ола олмадим.

— Нега ундаи дейсиз? Қўзингизни чиқаргани мақола-га материал бўлмайдими, ахир? Қутқу солиб, бизларга истибодд үтказиб келаётгани етар энди, мистер Мелоун! Унинг адабини бериб қўямиз. Эртагаёқ газетага шундай аччиқ мақола-қўяманки, уни ўқиб ёниб кетсин. Менга материални берсангиз бас, ўёғини ўзим боплайман, бу нусхани умрбод эсидан чиқмайдиган лаънатларга гириф-тор қиласай. «Профессор Мюнхгаузен»— қалай, бу сарлав-хага нима дейсиз? «Тирилган Калиостро»¹ Тарих билган жамики қаллоблару шарлатанларни эслаб үтамиз. У ўзи-нинг ҳамма муттаҳамчиликлари учун мендан оладигани-ни олади!

— Мен бундай қилишингизни маслаҳат бермасдим, сэр.

— Нима учун?

— Чунки Челленжер мутлақо муттаҳам эмас.

— Қанақасига!— бўкирди Мак-Ардл.— Ие, сиз ҳам унинг мамонтлар, мастодонтлар, денгиз аждарлари ҳақи-даги ёлғон-яшиқ ҳикояларига чиппа-чин ишондингизми дейман?

— Бе, қаёқда? Булар ҳақида гап ҳам бўлгани йўқ. Лекин энди менга шу нарса мутлақо аёнки, Челленжер фанга бирор нарса қўша олади.

¹ Калиостро — XVIII асрнинг «Сехргари ва кўзбоғловчиси», жин ва рўёларни халойиқ ҳузурига чақириб ҳаммани маҳлиё қилган.

— Унда бұлса, нимани ўйлаб ўтирибсиз? Үтиринги мақоланы ёзинг.

— Мен-ку жон деб ёзган бұлардим, лекини бор-да, профессор менга сир сақлаш мажбуриятини юклаган, шу шарт билан сұхбатлашишга рози бұлди.— Мен олим билан бұлган сұхбат мазмунини икки-уч оғиз билан изҳор қылдым.— Мана, күрдингизми, ақвол қанақа?

Мак-Ардлнинг қиёфаси унинг гапимга асло ишонмаёт-ганини ифодалар эди.

— Унда, мистер Мелоун, ўша мажлис билан шуғулла-намиз,— деди у, ниҳоят.— Ахир, бунда ҳеч қандай сир-асрор йўқдир. Бошқа газеталар бунга қизиқмаса керак, чунки улар Үолдрон лекциялари ҳақида юз марталаб ёзишган, унда Челленжернинг нутқ сўзлаши тўғрисида эса ҳеч ким ҳеч нимани билмайди. Омадимиз келса, катта шов-шувга сазовор бўладиган материалга эга бўламиз. Нима бўлса ҳам институтга боринг-да, менга батафсил ҳисобот ёзиб келинг. Соат ўн иккигача сиз учун бутун бир устунни сақлаб тураман.

Бугун ишим кўп бўлгани учун клубда барвақт тушлик озқат қилиб олишга қарор қылдим, столчамга Тарп Ген-рини таклиф қилиб, унга саргузаштларимни қисқача сўз-лаб беришга аҳд этдим. Унинг озғин чеҳрасидан ишонч-сизликни англатувчи табассум аримади, профессор ўзининг ҳақлигига мени ишонтирганига иқорор бўлганимда, Тарп ўзини тута олмай барадла ҳахолаб юборди.

— Азиз дўстим, бунақа мўъжизалар табиатда бўлмайди! Бу қанақаси, одамлар тасодифан буюк кашфиётларга дуч келишсин-да, кейин ҳамма ашёйи-далилларни йўқотиб қўйишин? Бунақа ёлғон-яшиқларни тўқишини роман ёзув-чиларга қўйиб бераверинг Сизнинг профессорингиз ҳий-лаю найрангда устаси фаранг, зоология боғидаги ҳамма маймунларни йўлда қолдириб кетади. Ахир, буларнинг ҳаммаси бориб турган бемаънилик-ку!

— Америкалик рассом-чи?

— Ичидан тўқиб чиқарган киши.

— Унинг альбомини ўз кўзим билан кўрдим-ку!

— Бу Челленжернинг альбоми-да.

— Демак, сизнингча, расмни ҳам ўзи чизган экан-да!

— Албатта-да! Кимники бўлиши мумкин яна?

— Фотосуратлар-чи?

— Уларда ҳеч нима кўринмайди-ку. Үзингиз ҳам айт-дингиз, фақат бир қушнигина зўрға пайқаб олдим деб.

— Птеродактиль қушини.

— Ҳа, агар унинг сўзларига ишонилса. Сиз салобати-га маҳлий бўлиб, чиппа-чин ишонгансиз-да.

— Суяклар-чи, бўлмаса?

— У биринчисини қассоб ташлаган суяклар ичидан олган, иккинчисини эса, боплаб ўзи ясаган. Бунинг учун чапдастлик ҳамда сохталашиб дўндиримоқчи бўлган нарсанг соҳасига оид билимга эга бўлсанг етарли: суяқ ҳам, фотосурат ҳам ўҳшайди-қолади.

Мен ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Чинданам мени лаққа туширган бўлса-я? Қўққисдан миямга баҳтли бир фикр келиб қолди.

— Сиз шу лекцияга борасизми? — сўрадим ундан.

Тарп Генри бир минутча ўйланиб қолди.

— Сизнинг даҳо профессорингиз Челленжер унча обрў-шуҳратга эга эмас,— деди у.— Кўп олимлар ундан ўчларини олиш пайида юришади. Бутун Лондонда жир-каниш ҳиссини қўзғатадиган бошқа бирор топилмайди, десам хато бўлмас. Агар лекцияга медик-студентлар дарсдан қочиб келиб қолишса борми, кўрасиз машмашани. Йўқ, мен бу жинниҳонага боргим келмай турипти.

— Ҳар қалай, унга тан беринг-да, нутқини бир тинг-лаб кўринг.

— Хайр, майли, адолат ҳам шуни талаб қиласди. Яхши, бугунги оқшом мажлисида сизнинг ҳамроҳингиз бўла қолай.

Биз Зоология институтига етиб келганимизда, лекцияга йиғилган одам кутилганидан ҳам кўплигини кўриб ҳайратда қолдим. Электр аравалар институт дарвозаси олдига кетма-кет келишиб, оқсошли профессорларни тушириб кетаяпти, камтар ҳалойиқ вакиллари эса, рavoқсимон эшиклардан тиқилиб киришаётганди; бу ҳол залда фақат олимлар эмас, кенг ҳалқ оммасининг вакиллари ҳам қатнашувидан далолат берарди. Ҳақиқатан ҳам, биз жойимизга ўтиришимиз биланоқ галередагилар ва охирги қатордагиларнинг ўзларини анча эркин тутаётганликларини сездик. Орқамга қараган эдим, кўзим студент ёшлиларга тушди. Афтидан, ҳамма йирик касалхоналар ўзларига келган практиканларни юборишганга ўҳшайди. Йиғилган ҳалойиқ хушвақт кўринади, аммо унинг замидрида аллақандай шумлик яширингандек эди. Ҳамма жўр бўлиб, машҳур қўшиқлардан парчаларни эҳтирос билан жўшиб айтарди, илмий лекциянинг бу ғалати дебочаси ажиб бир шукуҳ бахш этарди залга! Издиҳомнинг бепарда ҳазил-мутойибага мойиллиги яққол сезилиб турарди. Бу ҳол кейинчалик мазкур ҳазиллар бевосита қаратилган

кишилардан бошқа шахсларга қанчадан-қанча әрмак, күнгил очар кайфият бағишлиарди.

Масалан, саңнада ўзининг машхур соябони — эгик цилиндр қалпоқ кийган доктор Мелдрам пайдо бўлиши биланоқ ҳар томондан «зўр челак экан-да!», «Уни қаердан топдингиз?» каби қичқириқлар янгради. Чол-шу заҳотиёқ цилиндрини бошидан олиб, одамларга билдиримай курси тагига яширди. Подагра касаллигига мубтало профессор Уэдли ўз жойига қийтанглаб бораётганида, ҳазилвонлар уни росаям изза қилиб, жўр бўлишиб: «Профессорнинг оёғидаги жимжилоги оғримаяптимикин?»— деб сўрашиди. Лекин менинг янги танишим бўлмиш профессор Челленжерни ҳаммадан ҳам зўр кутиб олишди-да. У ўзининг жойига — биринчи қаторнинг охирги креслосига — етиб олиши учун бутун саҳнани айланиб ўтиши керак эди. Эшикдан унинг қора соқоли кўриниши биланоқ зал аҳли шундай гулдурос қичқириқлар билан кутиб олдики, мен Тарп Геприининг гумони тасдиқланади, деб ўйладим: халойиқ бу ерга лекциянинг ўзи учунгина эмас, балки таниқли профессорни кўриб қолиш имкониятидан баҳраманд бўлгани ҳам ташриф буюрганди; Челленжернинг шутқ сўзлаши ҳақидаги миш-мишлар ҳар ёққа тарқалган кўринади.

У пайдо бўлиши биланоқ яхши кийнинган зотлар ўтирган олдинги қаторлардаи истеҳзоли кулгилар эшитилди — бу сафар партерда ўтирганлар студентларнинг бебошликларига хайриҳоҳлик қилди. Халойиқ профессор Челленжерни бамисоли зоология боғидаги йиртқич ҳайвонлар овқат берувчи хизматчининг қадамини узоқдан эшитиб, қафасларини бошларига кўтариб пишқиргандек, қулоқларни қоматга келтирувчи қий-чув билан кутиб олди. Бу қий-чувлар орасида ҳурматсизлантирувчи садолар ҳам эшитилиб туради, лекин профессор шанига кўтарилган шовқин-сурон ёқтирасмаслик ёки жирканиш ҳиссидан кўра кўпроқ унга бўлган қизиқишини билдиради. Челленжер акиллаб-акиллаб қувайтган итваччалар ҳуружига дуч келган мулоим кишидек ҳушвақт табассум билан ҳорғин жилмайганча секингина курсисига ўтириди, яғринларини ростлади, ҳафсала билан соқолини силаб-силаб қўйди-да, кўзларининг қирини ташлаб, виқорли нигоҳини лиқ тўла залга тикди. Саҳнага раис, профессор Рональд Маррей ва лектор, мистер Уолдрон чиқишганда, қий-чув ҳамон тинманган эди. Мажлис бошланди.

Кўпчилик инглизларга теккан касал — шутқ нўноқлиги дарди профессор Маррейда ҳам бор десам, у киши хафа бўймаслар, деган умиддаман. Менимча, бу нуқсон асри-

жизнииг жумбоқларидац бири бўлиб турипти. Нима учун ичидагапи кўп одамлар дона-дона қилиб гапиришни ўрганимоқни хоҳламайдилар? Бу шу қадар бемаънилилки, айтайлик, қимматбаҳо суюқликни қийналмай қўйиш мумкин бўлгани ҳолда айланмачикон кранли найдан силқитиб олишдек гап. Одамни хит қилиб юборади.

Профессор Маррэй ўзининг оппоқ галстугуни виқор билан тузатди, сув солинган графинни кўринарли жойга сурди, сўнг ўнг қўли томонда турган катта шамчироққа ҳазиломуз кўз қисиб қўйди-да, таниқли лектор мистер Ўолдронга ўрникин бўшатиб, ўзи курсисига чўқди. Зал нотиқни қарсаклар билан кутиб олди. Мистер Ўолдронинг турқи бузук, товуши кескин, қилиқлари тақаббурона кўринса ҳам, у бирорларнинг фикрларини яхши ўзлаштириб олиб, омиларга ҳам тушунарли ва ҳатто мароқли тарзда баён қилишга уста эди; энг нобоп мавзуларга онд докладларини ҳам кўплаб ҳазил гаплар билан бойитиб ўқирдик, унинг талқинидаги кечакундуз бараварлиги жараёни¹ ёки умуртқалилар² эволюцияси ҳақидаги фикрлар ҳам кулгили тарзда баён қилинарди.

Лектор кўз олдимиизда, илмий терминлар кўп бўлишига қарамай, содда ва кўпинча мароқли тасвирий тарзда ҳудди қуш парвози нуқтасидан кўринаётгандек қилиб, оламнинг пайдо бўлиши лавҳаларини кўрсатиб берди. У Ер курраси ҳақида —само доирасида яллиғланиб ҳаракат қилаётган бу улкан нурафшон газдан тборат масса ҳақида гапирди. Сўнг у мазкур массанинг совий бошлаганини, қандай қилиб ер қатламлари пайдо бўлганлиги, буғнинг сувга айлангани тўғрисида ҳикоя қилди. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик сайёрамизда юз берадиган ғаройиб томошалар учун саҳнани тайёрлашдек бир гап эди. Мистер Ўолдрон Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласига ўтаркан, бир неча ноаниқ, таъсирсиз гаплар билан чекланди. Қарийб ишонч билан айтиш мумкинки, ҳаёт куртаклари ер куррасининг дастлабки ҳароратига дош бера олмасди Бинобарин, улар кейинроқ пайдо бўлган. Қаердан? Совиб қотган ноорганик элементларданми? Бўлиши мумкин. Балки ҳаёт куртаклари Ерга четдан, аллақандай метсоритдан келтирилгандир? Ундаймасдир. Қисқаси, бу масалада доноларнинг доноси ҳам аниқ бир нарса айта олмай-

¹ Кечакундуз бараварлиги жараёни — астрономия қодисаси бўлиб, баҳорги ва кузги кечакундуз бараварлиги нуқтаси катта осмон доирасида, Қўёш ҳаракатига қарама-қарши йўналишда йилига таҳминан 50° 2" да ҳаракат-қиласади.

ди. Ҳозирча лабораторияларимизда органик моддадан ноорганик модда яратишга мұваффақ бўлганимизча йўқ. Бизнинг химия фанимиз жонли ва жонсиз моддаларни бир-бираидан ажратиб турувчи жар устига кўпrik ўрнатган эмас. Лекин кўп асрлардан бери катта куч устидан ҳукмронлик қилиб келаётган табиатнинг ўзи буюк кимёгар бўлиб, балки биз қила олмаган ишларни амалга ошириш унга насиб бўлар. Бу масалага оид бошқа гап айтишга ҳожат йўқ.

Шундан кейин лектор ҳайвонлар ҳаётининг буюк шашараисига тўхтаб, уни босқичма-босқич — моллюскалару денгиздаги умуртқасиз даррандалардан тортиб, судралиб юрувчилару балиқларгача гапириб, ниҳоят, тирик бола туғувчи кенгуруга — барча сутэмизувчиларнинг, яъни мазкур залда ўтирганларнинг бевосита ота-бобосига етиб келди. («Майли, фарағ қила қолайлик!» — залдаги скептиклардан бирининг товуши чиқди.) «Майли, фараз қила қолайлик!» деб бақирган қизил галстукли олифта йигитча, мен ҳам тухумни ёриб чиққанман, деб ўйлашига бирор асоси борга ўхшайди, майли, у агар мажлисдан сўнг қолиб, шакар гуфторлик қилишга изи берса, лектор бундай лутфу қарамли зот билан танишганидан хурсанд бўлур эди. (Кулгি.) Буни қаранг-а, табиатда асрлар давомида юз бериб келган жараёнлар қизил галстукли олифта йигитчани яратиш билан якунланса-я! Лекин шундай жараёнлар рўй берганмикин ўзи? Бу жентльменни эволюциянинг пировард ҳосиласи — яъни масалан, ижоднинг гултожи дейиш мумкинми? Лектор қизил галстукли йигитчанинг энг нозик ҳисларини ҳақорат қилиш ниятида эмас, лекин шундай бўлса ҳам унинг назарида коинотда бўлаётган улкан жараёнлар пировард натижада ана шундай нусханинг яратилишига эришмаганда, ўзларини оқламаган бўлур эди. Эволюцияни барқарор қилган кучлар тугагани йўқ, улар ҳаракатда давом этмоқда, биз учун янги-янги мўжизалар тайёрламоқда.

Мистер Уолдрон ўз мухолифини кулги найзасига саншиб, мазах қилгач, ўтмиш лавҳаларига тўхталди, саёз қумлоқларни яланғочлаган денгизларнинг қандай қуриганлигини, ана шу саёзликларда яшаган лиқилдоқ, рамақдажон ҳолатидаги илк жонзорлар тўғрисида ҳикоя қилди, денгиз тубининг мавҳумоти ва айниқса емишларнинг мўлкўллиги ҳайдаб келтирилиб, урчиб кўпайишига сабаб бўлган турли денгиз даррандалари ғужгон ўйнаган қўлтиқлар ҳақида сўзлади.

— Мана, муҳтарам хонимлар ва жаноблар, бизга ҳа-

мон даҳшат соладиган калтакесаклар ўшандан қолган. Биз вельд¹ ёки золенгофен² сланецлари қатламларида уларнинг даҳшатли скелетларини кўрганимизда кўркувга тушамиз. Бахтимизга, улар сайёрамизда биринчи одам пайдо бўлгунича қирилиб битганлар.

— Бу ҳали факт эмас! — ёўнғиллади саҳнада ўтирганлардан бири.

Мистер Уолдрон оғир одам, бунинг устига тили ўткир бўлгани учун унинг гапини бўлиш хавф-хатардан ҳоли эмасди, буни айниқса қизил галстукли жентльмен яхши билиб олди. Лекин кейинги луқма профессорга жудаям аҳмоқона туюлган бўлса керакки, у ҳатто гангиб қолди. Профессор бамисоли ашаддий бэкончидан³ дакки эшигтан шекспиршунос ёки Ер яссиdir деб даъво қиладиган жоҳилга дуч келиб қолган астроном ҳолатига тушиб, довдираб қолди. Мистер Уолдрон бир минутча жим тургач, эс-ҳушуни йиғиштириб, баланд овоз билан дона-дона қилиб, сўнгги гапларини такрорлади:

— Бахтимизга, улар сайёрамизда биринчи одам пайдо бўлгунича қирилиб битганлар.

— Бу ҳали факт эмас! — яна пўнғиллади ҳалиги товуш.

Уолдрон ўзидан кейинги қаторда ўтирган Челленжерга қараб қўйди. У бўлса, курсига ястаниб олиб, худди туш кўраётгандек кўзларини юмиб, жилмайиб ўтиради.

— А, тушунарли! — Уолдрон елкаларини қисди. — Бу менинг дўстим профессор Челленжер-ку. — Уолдрон ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ, дегандек зални кулдириб қўйиб, бўлинган лекциясини ўқишида давом этди.

Лекин иш шу билан тугамади. Докладчи ўтмишнинг жинкўчаларида қанчалик адашиб, йўл изламасин, бари бир алмисоқ даврларда яшаб йўқ бўлиб кетган жониворлар устидан чиқаверди, бунга жавобан профессор Челленжернинг кўкрагидан бояги совуққон наъраси отилаверди. Зич бўлиб ўтирган студентлар буёғини бўшаштирмасди: Челленжернинг қора соқоли силкиниши биланоқ у оғзиши очишга улгурмасидан бараварига: «Бу ҳали факт эмас!» — дея қиҷиришар, олдинги қаторда ўтирганлар эса: «Жим! Бетавфиқлар!» — деган норозилик хитобларини айтишар-

¹⁻² Вельд ва золенгофен сланецлари — дengiz қирғоқларида пайдо бўлган, таркибида жуда кўп ўтмиш ёдгорликлари сақланниб қолган донадор қаттиқ жисмлар, уларда калтакесак скелетлари қолдиқлари ҳам учрайди.

³ Бэкончилар — Шекспирнинг ҳамма асарларини инглиз философи Френсис Бэкон ёзган деган фикр тарафдорлари.

ди. Бунақа жангларда тобланган Уолдрондек тажрибали лектор ҳам роса гангида. У жим турди-турди-да, кейин ҳар сўзида тутилиб-тутилиб, алланималарни валдиради, аввал айтган гапларини қайтаришга тушди, узун бир жумлани келиширолмай хуноб бўлди ва пировардида ҳамма тартибсизликлар гуноҳкорига хуруж қила кетди.

— Жуда ҳам ҳаддан ошиб кетдингиз-ку! — ғазаб билан ўшқирди у кўзларини ола-кула қилиб. — Профессор Челленжер, бунақа қабиҳона ва аҳмоқона қичқиришларни бас қилинг!

Зал жим бўлиб қолди. Студентлар ҳайратдан қотиб қолиши — олий зотларнинг ўзлари кўз олдиларида жанжал бошлашаётганди-да! Челленжер шошмайгина вазмин гавдасини курси оғушидан бўшатиб, ўрнидан турди.

— Мен эсам, мистер Уолдрон, ўз навбатимда, сиздан илм-фан далилларига зид келадиган фикрларни тасдиқлашни бас қилишингизни сўрайман, — деди у.

Бу сўзлар чинакам бўронга сабаб бўлди. Шовқин-сурон, асия-кулги орасида «Бемаънилик!», «Майли, гапирсин!», «Уни бу ердан ҳайдаш керак!», «Сахнадан йўқолсин!», «Бу адолатдан эмас — гапини айтиб бўлсин!» каби ғазабли хитоблар янгарди. Ана шундай тўс-тўполон, қий-чув ғовури орасида «профессор Челленжер... марҳамат қилиби... фикрларингизни изҳор этарсиз... кейин...» каби узуқ-юлуқ иборалар қулоққа чалинди. Тартиббузар раисга таъзим қилди-да, илжайиб, соқолини силаганича яна курсисига ўтирди. Бу даҳанаки жангда жиғи-бийрони чиққан Уолдрон яна жангга хезланиб, лекциясини давом эттирди. У бир қоидани баён қилиб бўлгач, мухолифига еб қўйгудек бўлиб қарап, у эса курсига ястаниб олганича жилмайиб, ҳузур қилиб мудраётганга ўхшарди.

Мана, лекция ҳам тугади — назаримда, анча вақтлироқ тутатди шекилли, чунки унинг охирини юмалоқ-ёстиқ қилиб қўя қолди, бош қисми билан боғланмади. Қўпол шовқин-сурон лекторнинг фикрларини остин-устун қилиб юборди. Йиздихом қониқмади — машмашанинг давомини кутар, воқеалар ривожини истарди.

Уолдрон жойига ўтирди, раис алланима деб минфириланган эди, профессор Челленжер ўрнидан туриб, саҳнапинг четига келди. Газетамизнинг манфаатини кўзда тутиб, унинг нутқини қарийб сўзма-сўз ёзиб олдим.

— Ҳонимлар ва жаноблар, — деди у охирги қатордагиларнинг анча тийиқли шовқинини босиб. — Мени кечиргайсизлар, ҳонимлар, жаноблар ва болалар. Ўзим истамаган ҳолда тингловчиларнинг каттагина қисмини эсдан чиқариб

қўйибман. (Залда шовқин. Профессор шовқин тиннини кугаркан, каттакон бошини тасалли бергаётгандек лиқиллатиб, бир қўлини баланд кўтариб турарди, гўё халойиқни мурувватидан баҳраманд қилаётгандек кўринарди.) Менга сиз билан бирга ҳозиргина эшитган бағоят хуштасвир ва мароқли маъруза учун мистер Уолдронга ташаккур айтиш таклиф этилди. Бу маърузанинг айрим тезисларига мен қўшилмайман, бу ҳақда фурсатни ўтказмасдан ўз фикримни йўл-йўлакай баён қилиб бордим. Шунга қарамай тан олиш керакки, мистер Уолдрон сайёрамиз тарихини, аниқроғи, сайёрамиз тарихи деганда нимани тушунишини ҳаммабоп ва мароқли баён этиб беришдек зими масига юкланган вазифани уddyади. Ҳаммабоп маърузалар енгил сингади, лекин... (Челленжер шу ерда саҳоватли жилмайиб, лекторга қараб қўйди), албатта, бундай маърузалар баён қилиниши жиҳатидан ҳаммавақт юзаки ва илм-фан нуқтаи назаридан сифатсиз бўлади, бинобарин, лектор ҳарна қилиб бўлса ҳам нодон тингловчиларга мослашиши керакдир, десам, мистер Уолдрон мени кечирар, албатта. (Жойлардан киноявий хитоблар эшитилади.) Илмни оммалаштирувчи лекторлар, сирасини айтганда, харомтомоқлардир. (Жаҳли чиққан Уолдрон қўлини силкиб норозилигини билдиради). Улар бойлик орттириш ёки ўзларини реклама қилиш мақсадида номи чиқмаган, муҳтожликда забун бўлган ҳамкорларининг асарларидан фойдаланадилар. Лабораторияда бунёд этилган энг арзимас бир янгилик ҳам фан қасрини тиклаш учун қўйилган ғиштлардан биридир, ана шу нарсани у тарозидан олиб, бу тарозига солиб, бирорларнинг ишларини кўпиртириб мақтайверади. Бу гаплар бирор соатча эрмак бўлса ҳам, аслида, ҳеч қандай дурустроқ натижага бермайди. Ҳаммага маълум бўлган бу ҳақиқатни айтишдан мақсадим, асло мистер Уолдроннинг хизматларини камситиш эмас, илло сизлар мезонни йўқотиб, бу малайни фаннинг олий даргаси деб юрманчлар тагин, деб огоҳлантириб қўймоқчиман, колос. (Шу он Мистер Уолдрон раиснинг қулогига алланима деб шивирлаган эди, у ўрнидан туриб олдидаги графинга қараб бир неча аччиқ-чучук сўз қотди.) Хўп, бу ҳақда етар. (Гасдиқловчи гулдурос садолар.) Энди менга ижозат бергайсизлар, аҳамияти кўпчиликнинг эътиборига сазовор масалага ўтсам.. Мен, мустақил, камтарин бир тадқиқотчи сифатида, лекторимизнинг маърузасидаги қайси жойларига эътиroz билдиришга мажбур бўлдим? Мен Ер юзидан баъзи жонзотларнинг йўқ бўлиб кетаётгани ҳақида сўз боргани хусусида тўхталмоқчиман. Мен дийлётант эмасман,

шунинг учун бу ерда оммалаштирувчи сифатида гапираётганим йўқ, балки илм-фан кишиси бўлганим учун, ҳалол вижданом фактларга қатъий амал қилишимни тақозо этади. Шунинг учун ҳам қатъий равишда таъкидлайманки, мистер Уолдрон тарихимизгача бўлган баъзи жониворлар деб аталган маҳлуқлар Ер юзидан фойиб бўлган, деб айтганида, қаттиқ янгишганини писандা қилиб қўйдим. Уолдрон уларни кўрмаган, лекин бу ҳали ҳеч нарсани англатмайди. Улар ҳақиқатан ҳам, лектор айтганидек, бизнинг ота-боболаримиз, лекин улар ота-боболаримизгина эмас, балки, айни вақтда, қўшиб қўйяки, улар турфа жирканч кўринишларга эга бўлган замондошларимиз ҳамдирлар. Улар истиқомат қиласиган жойларга борадиган кишидан сабр-қаноат, чидам-матонат талаб қилинади. Биз юра даврига мансуб деб атаган жониворлар, биз сутемизувчилар сирасига киритадиган жуда катта йиртқич ҳайвонларни ҳам тилка-пора қилиб, ютиб юбора оладиган даҳшатли маҳлуқлар ҳозир ҳам мавжуд... («Бўлмаган гап! Ислот қилинг! Сиз қаердан биласиз? Бу ҳали факт эмас!» каби қичқириқлар эшигилади.) Сизлар мендан сўраяпсизларми, мен буни қаёқдан билар эканман? Мен буни шунинг учун ҳам биламанки, ўша жониворлар яшайдиган жойларда ўзим бўлганман. Биламан-да, чунки ўша маҳлуқларни кўрганман-да. (Карсаклар, қулоқни қоматга келтирадиган иловқин-сурон кўтарилади, аллаким: «Ёлғончи!» — деб қичқиради). Меним ёлғончи? (Ҳамма якдиллик билан «Ҳа, ҳа!» — дейди.) Мени ёлғончи дегандек бўлишдими? Шундоқ деган одам ўрнидан турсин-чи, қани, мен уни бир кўриб қўяй. (Залдан садо: «Мана у, сэр!» — Шу он кўринишидан беозоргина, кўзойнак таққан миттигина одам ўзини кўрсатганларни кучининг борича дўппослаганча студентларнинг бошлари узра учиб ўтди). Мени ёлғончи дейишга журъат этган сизми? (Митти одам: «Ишқ, сэр!» — деди-ю, масхарарабоз қўғирчиқдек лип этиб аламон ичига шўнгигб кетди.) Бу ерда ҳозир бўлганларнинг бирортаси менинг ҳақлигимга шубҳаланаётган бўлса, марҳамат, мажлисдан кейин у билан жон деб суҳбатлашаман. («Ёлғончи!») Ким айтди бу гапни? (Яна ҳалиги беозор қурбон зулмкорларини бор кучи билан дўппослаганча тикка кўтарилади.) Мана, мен ҳозир саҳнадан тушаман-да, кейин... (Ҳамма бир овоздан: «Марҳамат, дўстим, марҳамат!» — деб қичқириб мажлисни бир неча минутча бўлиб қўяди. Раис дик этиб ўрнидан туриб, худди дирижёрлардек қўлларини ўйнатади. Профессор фигони фалакка чиқиб, соқолини бураб туринти, юзи қип-қизариб, бурнининг ка-

таклари керилиб борарди.) Ҳамма буюк новаторлар жохыл аламоннинг ҳеч нарсани тан олмаслигини билардилар. Ишончсизлик — аҳмоқлар пешонасига урилган тамға! Оёқларингиз остига буюк қашфиётларни ташлашгандা, улар ҳақида мулоҳаза юритиш учун сизларда ҳис қилиш қобилияти ҳам, тафаккур муҳофазаси ҳам етишмайди. Фаннинг янги-янги жабҳаларини забт этиш учун жонини тикиб фидойилик қилгандарни балчиққа қориш бўлса сизларга! Сизлар пайғамбарларни ҳам аямайсизлар! Галилей, Дарвин ва мен... (Зални давомли қичқириқлар босиб кетади, қий-чув, тартибсизлик авжга чиқади.)

Бу гапларпи мен воқеа содир бўлған жойнинг ўзида шоша-пиша қайд қилиб қўйган дафтарчамдан топиб олдим, лекин улар ўша пайтда залда юз берган тўс-тўполон ҳақида тўла тасаввур бера олмайди. Шовқин-суроннинг кучлилигидан айрим хонимлар жуфтакни уриб қолишиди. Шовқин-суроннинг зўридан студентларгина эмас, туппатузук одамлар ҳам саросимага тушишди. Ҳатто мўйсафид чолларнинг жойларидан сапчиб туриб, худди қармоққа илингган балиқдек типиричлаётган профессорга муштларини дўлайтиришаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Жуда кўп одамни ичига олган аламон қайнаб турган қозондаги сувдек биқирлар эди. Профессор бир қадам олдинга чиқдида, қўлларини кўтарди. Бу одамнинг кучи ва матонати шу қадар зўр эдик, унинг буйруқомуз шиддатли ҳаракатлари ва ҳукмбардорларча чимирилиши бақироқларни секин-аста ром қилиб, босиб олди. Зал сув қўйгандек жимиб қолди-да, нотиқни тинглашга шайланди.

— Вақтингизни кўп олмайман,— давом этди Челленжер.— Бекорга вақтни кетказиш шартми? Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади, уни аҳмоқ ёшларнинг ва афсус билан қўшимча қилиб айтаманки, баъзи кап-катта жентльменларнинг аҳмоқона бебошликлари топтай олмайди. Яна таъкидлайманки, мен илмий тадқиқотлар олиб бориши учун янги майдон очдим. Сизлар буни шубҳа остига ола-япсизлар. (Ҳамма қичқиради.) Келинглар, бир тажриба қилиб кўрайлик. Сўзларимнинг ростлигини текшириш учун ораларингиздан бир кишини ёки бир неча вакилни сайланглар, шунга розимисизлар?

Қиёсий анатомия профессори мистер Саммерли, баджаҳл, башарасининг совуқлиги уни руҳонийларга ўхшатиб қўйган найнов чол ўрнидан қўзғалди. Чол: «Профессор Челленжернинг баёнотини унинг икки йил муқаддам Амазонка дарёсининг юқориларига қилган сафари натижалари деб қараш жоизмикин, шуни билмоқчидим?» — деди.

Профессор Челленжер тасдиқ ишораси қилиб бошини лиқиллатди.

Кейин мистер Саммерли профессор Челленжернинг Уоллес, Бейтс каби чинакам шуҳрат қозонган бошқа олимлар тадқиқ қилган жойларда янги кашфиёт қилишга қандай мусассар бўлганлигини билмоқчи бўлди.

Профессор Челленжер бу гапга жавоб бериб, мистер Саммерли, афтидан, Амазонкани Темза билан алмаштираётган бўлса керак, деди. Амазонка дарёси Темзадан жудаям катта, мистер Саммерлига маълум бўлғайкин, Амазонка унга боғланган Ориеноко ирмоғи билан жаъми эллик минг квадрат миль майдончи ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай катта майдонда бир тадқиқотчи ўзидан илгари текшириш олиб борганларни сезмай қолишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Мистер Саммерли нордон нарса чайнагандек башарасини бужмайтириб жилмайиб, Темза билан Амазонка ўртасидаги фарқ менга равшан, биринчиси ҳақидаги ҳар қандай фикрни осонгина текшириш мумкин, иккинчиси ҳақида эса бундай деб бўлмайди, деган маънода эътиroz билдириди. У мабодо профессор Челленжер тарихимиздан аввалги замонларнинг маҳлуқлари учрайдиган жой неchanчи кенглик ва узутиликда ётганлигини кўрсатиб берса, ундан бениҳоя миннатдор бўлажагини изҳор этди.

Профессор Челленжер унга жавобан бундай маълумотларни маълум қилишдан шу чоққача тийилиб келдим, бунга жиддий асосларим бор, лекин ҳозир, албатта, баъзи шартлар билан — мажлис аҳли сайлаган вакиллар комиссиясига айтишга тайёрман, деди. Балки мистер Саммерлининг ўзи шу комиссия ҳайъатига кириб, профессор Челленжернинг фикрлари тўғрилигини шахсан текшириб кўрармикин?

Мистер Саммерли. Ҳа, розиман. (Гулдурос қарсаклар.)

Профессор Челленжер. Ундай бўлса, мен сизларга ўша ерларга етиб олишда ёрдам берадиган зарур материалларнинг ҳаммасини бериш мажбуриятини зиммамга оламан. Бироқ мистер Саммерли менинг текшириб кўришни ихтиёр қилган экан, уни ҳам кимдир текшириб кўрса адолатдан бўлур эди деб ҳисоблайман. Сизлардан яшириб ўтирумайман, саёҳат жуда қийин, хавфли ва оғир бўлади. Мистер Саммерлига ёшроқ ҳамроҳ зарур. Балки мана шу залда хоҳловчилар топилиб қолар?

Кишининг ҳаётидаги бурилиш мана шунаقا кутилмаганда юз беради-қўяди! Мана шу залга қадам қўяр эканман, энг ғаройиб, етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган саргу-

заштлар арафасида турганимни билибманмики! О, Глэдис! Бу қыз шулар ҳақида гапирмабмиди? Глэдис бундай жасоратга жазам этишимга оқ йўл тилаган бўлур эди·я. Мен дик этиб ўрнимдан турдим. Сўзлар ўз·ўзидан тилимдан чиқиб кетаверди. Ёнимда ўтирган Тарп Генри ҳадеб эта-гимдан тортиб, шивирларди:

— Утиринг, Мелоун! Софдил ҳалойиқ олдида аҳмоқлик қила кўрманг!

Ўша минутнинг ўзидаёқ олдинги қаторларнинг биридан баланд бўйли,mallаранг бир кишининг ўрнидан турганини кўриб қолдим. У кўзларини чақчайтириб менга ола қараш қилди, аммо мен таслим бўлмадим.

— Раис жаноблари, мен боришини хоҳлайман,— дея такрорладим.

— Испанин айтсан! Испанин!— талаб қиласарди ҳалойиқ.

— Менинг исми-шарифим Эдуард Дан Мелоун. «Дей-ли газетт»нинг репортёriman. Холис гувоҳ бўлишга сўз бераман.

— Сизнинг исмингиз-чи, сэр?— мурожаат қилди раис менинг муҳолифимга қараб.

— Лорд Жон Рокстон. Мен Амазонкада бўлганман, у жойларни яхши биламан, бинобарин, ўз номзодимни таклиф қилиш учун ҳамма асосларим бор.

— Лорд Жон Рокстон жаҳонга машҳур сайёҳ ва овчи сифатида танилган,— деди раис.— Лекин бу экспедицияда матбуот вакили ҳам қатнашса, дуруст бўларди.

— Шундай экан,— деди профессор Челленжер,— мен таклиф қиласманки, мазкур йиғилишимиз менинг сўзларим тўғрилигини текшириш мақсадида сафарга чиқадиган профессор Саммерлига ҳамроҳлик қилиш ваколатини шу икки жентльменга берсинг.

Бутун зал қийқириқ ва қарсаклар билан бизнинг тақдиримизни ҳал қилди ва мен бундан бўён қисматим ниша бўлишини билмаганим ҳолда ўзини эшикка урган ала-монга қоришиб кетдим. Кўчага чиққач, худди туш кўраётгандек ҳаҳолаб йўлакларни тўлдириб бораётган ҳалойиққа кўзим тушди, ўртада эса оғир соябон тутиб олган, ҳамон студентлар боши узра юрган аллакимнинг иссиққина қўлига дуч келдим. Сўнг шўх йигитларнинг қувноқ қичқириқлари ва азият чекканларнинг фифони кузатиб қолган профессор Челленжернинг электр аравасига назарим тушди, шундан кейин Глэдис тўғрисида, келажакда мени нималар кутаётгани ҳақидаги хаёлларга ғарқ бўлганча Риджент-стритдан олға равона бўлдим.

Бирдан аллаким тирсагимдан ушлади. Унга юзланган

заҳотим рўпарамда бояги найнов, озғин кимса — мен билан гаройиб экспедицияга бирга боришга отилиб чиққан кишининг менга истеҳзоли ва амировна тикилиб турган нигоҳига дуч келдим.

— Агар янглишмасам, мистер Мелоунмисиз? — деди у. — Бугундан бошлаб биз сиз билан ўртоқ бўламиз. Мен бу ердан икки қадам нарида, Олбенида тураман, Балки ярим соат вақтингизни мендан дариг тутмассиз? Мен баъзи нарсалар ҳақида сиз билан гаплашиб олмоқчиман.

ОЛТИНЧИ БОБ

«МЕНИ ХУДОНИНГ ФАЗАБИ ДЕЙДИЛАР»

Лорд Жон Рокстон Виго-стритга бурилди-да, биз бирин-кетин бир неча деворлари бир ҳолатда бўлиб ётган дарвозахонани ортда қолдириб, аристократларнинг бу машҳур ини — Олбени ичкарисига кириб бордик. Узун қоп-қоронғи коридорнинг охирига етганда, яғи танишим эшикни итариб очди-да, чироқни ёқди. Ёрқин соябонлар остидаи ламинар нурга тўлдирдилар. Остонадан ўёқ-буёққа қарапканман, хонадон соҳибининг диди нафислигига, жиҳозларнинг шинамлигига, айни чоғда бу ерда мардона кайфият ҳукмронлигига амин бўлдим. Бундаги вазият бадавлат хона соҳибининг ўткир, нафис диди билан бўйдоқлик тартибсизлиги ўтасида тинимсиз кураш бораётганилигидан далолат берарди. Полга, афтидан, аллақандай шарқ бозорларидан олиб келинган, камалакнинг ҳамма рангларида товланиб турадиган, мўйлари ўсиқ терилару гиламлар тўшалган. Деворларга осиб қўйилган суратлар ва гравюраларнинг қимматбаҳолиги ҳатто бу масалаларда оми бўлган менга ҳам равшан эди. Боксерлар, раққослар ва пойгачи отларнинг фотолари ўткир ҳиссиятли Фрагонэрнинг полотнолари, Жирарденинг жанг лавҳалари ва хаёлпараст Тернернинг расмлари билан ёнма-ён, бақамти турарди. Лекин бу серҳашам жиҳозлар орасида лорд Жон Рокстоннинг замонализдаги машҳур овчи ва спортчилардан бири эканлигидан шаҳодат берувчи бошқа нарсалар ҳам бор эди. Қамин печка устига айқаштириб қўйилган тўқ-зангори ва қизил икки эшкак унинг Оксфорд университетида эшкакда сузиш спорти билан шуғулланганидан далолат берса, уларга

Фрагонар — (1732—1806), Жирарде — француз рассомлари, Тернер (1775—1851) — йирик инглиз тасвирий санъат устаси.

ёнма-ён осиб қўйилган қиличлар ва бокс қўлқопчалари уларнинг соҳиблари бу соҳаларда ҳам совриндор бўлганинг шоҳид эди. Бутун хонани эса худди архитектура ҳошиясилик қилиб ўраган, дунёнинг турли чеккаларидан келтирилган йирик ҳайвон бошларининг тартибли қатори безаб турарди, бу ажойиб коллекциянинг гултожи — лаблари дўрдоқ димоғдор ноёб оқ каркидоннинг боши эди.

Хона ўртасидаги мўйдор қип-қизил чўғдек гилам устида Людовик XV даврида ишланган олтин ҳал билан безатилган атиқа қора стол турарди. Бу ноёб осор-атиқа буюми куфронга бир тарзда қадаҳларнинг излари, чекилган сигараларнинг чўғлари билан бадбашара ҳолга келтирилганди. Стол устида чекиш ашёлари қўйилган кумуш патнис, ярқиллама шиша қўядиган таглик турипти. Мик этмас соҳиб узун-узун икки қадаҳга май қўйиб, устига сифондан содали сув буради. Қўли билан курси томон ишора қилиб, қадаҳларни столча устига қўйди-да, менга узун, усти ялтироқ сигарани узатди. Кейин рўпарамга ўтириб олиб, худди тоғ кўлидек жимираётган галати кўм-кўк кўзларининг найзасини менга қадади.

Сигара турунининг юпқа пардаси аро кўпгина фотосуратлардан менга таниш чеҳрасига тикилдим — ўша қирғийбурун, ичига ботгани чакак ёноқлар, манглайида сийраклаша бошлаган сап-сариқ соч, пилиқдек бурама мўйлов, кичкинагина, шўхчанг чўққисоқол. Унинг қиёфасида Наполеон III дан ҳам, Дон Қиҳотдан ҳам, спортни, ит ва отни яҳши кўрадиган тилик инглиз жентльменидан ҳам аллақандай белгилар бор эди. Қуёш билан шамоллар унинг терисини чиниқтириб қип-қизил қилиб юборганди. Сермўй, пастга осилиб тушган қошлиари усиз ҳам фариштасиз кўзларини янада ғазабнок қилиб юборганди, пешонасини тутиб кетган ажинлар эса унинг нигоҳини янада баджаҳл қилиб кўрсатарди. Қомати ориқдан келган бўлса-да, чайир, бақувват. Тиниб-тинчимасликда, жисмоний бақувватлиқда Англияда унинг олдига тушадиган одам топилмаслиги бир неча бор исботланган. Олти фут келишига қарамасдан кўринишидан ўрта бўйли одамга ўхшарди, бунга унинг бир оз букирлиги сабаб эди.

Таниқли лорд Жон Рокстон ана шундай киши эди. У ҳозир менга дикқат билан тикилганча, сигарани сўриб, баҳузур қимир этмай ўтирап, орамиздаги чўзилиб кетган ноқулай жимликни чурқ этиб бузишга ботинмасди.

— Х-хўш,— деди у, ниҳоят,— энди бизга чекиниш мумкин эмас, азиз навқирон дўстим. Ҳа, биз сиз билан ҳаддан ташқари баланд дорга осилдик. Ахир, сиз залга

кирганингизда мияңгизда бунақа фикрнинг уруги ҳам йўқ әди-ку, а?

— Бунақа нарса хаёлимнинг кўчасига ҳам келмаганди.

— Худди шундай. Менинг ҳам хаёлимга келмаганди. Энди биз сиз билан бу ботқоққа қулоғимиздан ботдик. Э, худо-еїй, Угандадан қайтиб келганимга бор-йўғи уч ҳафта бўлувди-я, Шотландияда коттежни ижафага олдим, шартнома туздим, шунга ўшаган майда-чўйда ишларни қилишга улгурдим, холос. Энди бу дардисар ишнинг чиқиб турганини қаранг! Сизнинг ҳам режаларингиз барбод бўлгандир?

— Йўқ, менинг касбим ўзи шунақа; ахир, мен журналистман-ку, «Дейли — газетт»да ишлайман.

— Ҳа-я, албатта, айтувдингиз буни. Мен сизга айтсам, бир иш бор... Сиз ёрдам беришдан бош тортмасангиз керак?

— Жоним билан.

— Лекин қалтироқ иш... Розилик беришдан олдин ўй таб кўринг.

— Нимаси қалтис?

— Мен сизни Биллингер ҳузурига олиб бораман, шуниси қалтис-да. Сиз бу одам ҳақида эшигтганмисиз?

— Йўқ.

— Афв этгайсиз, йигитча, қайси гўлахда тугилгансиз ўзингиз? Сэр Жон Биллингер — энг яхши чавандозимиз-ку. Текис йўл бўлса, у билан бемалол беллаша оламан, аммо тўсиқли пойгада у мени қолдириб кетади. Лекин шуниси ҳам борки, Биллингер машқлар тугаши биланоқ муккасидан ичкиликка берилади. Буни унинг тилида «йўлни тўғрилаб олиш» дейилади. Сешанба куни жазаваси жунбушга келиб, касали тутиб қолгунича ичди. Унинг хонаси нақ менинг тепамда. Врачлар бояқиши зўрлаб бўлса ҳам овқатлантирилмаса, ўлиб қолиши турган гап, дейишади. Унинг хизматкорлари иш ташлаш эълон қилишишти, чунки каравотида тўппончасини ўқлаб ётганмиш, олдимга биринчи бўлиб кирганга олтита ўқни қоқаман, деб қўрқитармиш. Тўғрисини айтганда, умуман Жон гапга кирмайдиган қийиқ одам, бунинг устига бехато отади, лекин Катта миллий совринни олган чавандознинг хору зор бўлиб ўлиб кетишига йўл қўйиш мумкин эмас-да! Сиз бунга нима дейсиз?

— Ўзингиз нима қилмоқчисиз?

— Энг яхшиси икковимиз кириб, таппа босамиз. Ҳойнаҳой, у ҳозир ухлаб ётган бўлса керак. Жуда ёмон бўлганида битгамиз ярадор бўлармиз, иккинчимиз уни босиб

оламиз-ку. Уни диванинг жилди билан боғлаб ололсак бас, дарров телефон қилиб, ошқозон дориси берадиган докторни чақирамиз, муолажадан кейин, бизникида, то-заям мириқиб овқатланарди да.

Инсон бошига бирданига, ҳе йўқ, бе йўқ, шундай савдо — оғир вазифа тушса, довдираб, ҳурсандчиликни ҳам йўқотиб қўяркан. Мен ўзимни ботир деб ҳисобламайман. Ҳамма янги, қўрилмаган нарсалар тафаккуримда ҳақиқатдагисидан тамомила ўзгача тарзда намоён бўларди. Софирландияликларга хос жўшқин тасаввурнинг ҳоли шу-да. Иккинчи томондан, қўрқоқ деган шармандали айбномани менга тақашмаса деб қўрқиб юрадим, чунки ёшлигимдан қўрқоқликдан ҳам даҳшатли нарса йўқ деб уқтиришганди менга. Кимки менинг жасурлигимга шубҳа қилгудек бўлса, ўзимни жардан ташлашга ҳам тайёрман, де-нишга журъат этаман, лекин мени дадилликка ундалган нарса, ботирлигим эмас, балки мағрурлигим ва қўрқоқ номини олиб қолишдан қўрқишимдир. Шунинг учун ҳам юқоридаги хонада итдек ичиб ақлдан озиб ётган маҳлуқни хаёлан кўз олдимга келтираканман, ўз лаёқатимга кўра, қўрслик билан розилигими изҳор қилишга ботина олдим. Лорд Рокстон олдимизда турган вазифанинг хавфли жиҳатларини тасвирашга киришган эди, бу гаплар тоқатимни баттар тоқ қилиб юборди.

— Гап билан аҳволни енгиллаштириб бўлмайди,— дедим.— Қани, юринг-чи!

Мен ўрнимдан турдим, у ҳам кетимдан қўзғалди. Сўнг хихилаб қўйдим-да, қўкрагимга муштини пуқиб, жойимга қайтариб ўтқизди.

— Хўп, дедик, йигитча... ишга ярайди деса ҳам бўлади.

Мен ҳайратда анграйиб унга тикилиб қолдим.

— Бугун эрталаб Жон Биллингернинг олдига ўзим кирган эдим. У отган ўқ чопонимни тешиб ўтди, холос,— худога шукур, қўллари қалтираётган экан! Лекин биз, ҳар қалай, уни жиловлаб ололдик, бир неча ҳафтадан кейин қария янга отдек бўлиб кетади. Сиз мендан хафа эмасмисиз, қўзичогим? Гап ўртамиизда қолсин-у, Жанубий Америкага қиласидиган бу экспедициямиз жуда жиддий иш, шунинг учун ҳамроҳим тоғдек метин, унга суюниш мумкин бўлиши керак. Шу сабабли мен сизни енгилгина синааб қўрдим-да, айтишим керакки, сиз ундан жуда яхши ўтдингиз. Ҳамма оғирлик иккимизнинг устимизга тушади, чунки бу чол Саммерлига биринчи қадамларданоқ энага керак бўлиб қолади. Айтганча, сиз анави регби бўйича

бириччиликка ўйнайдиган Ирландия командасининг аъзо-
си эмасмисиз?

— Ҳа, лекин аниқроғи запасдаги ўйинчиман.

— Э, шунақа денг, сизни қаердадир кўргандек бўлув-
дим, а. Сизларнинг ричмондиклар билан учрашувларин-
гиз — бутун мавсумнинг энг яхши ўйини бўлганди! Мен
регби мусобақаларининг биттасини ҳам қолдирмай кўриш-
га ҳаракат қиласман, чунки бу — спортнинг энг мардона
тури. Бироқ мен сизни регби тўғрисида сұхбатлашиш учун
таклиф этганим йўқ, асло. Мана бу ерда, «Таймс»нинг
биринчи бетида кемалар қатнови рейсларининг рўйхати
бор. Парага¹ борадиган кема чоршанба куни жўнайди,
мабодо профессор билан отланиб олишга улгурсаларинг,
шу кема билан жўнайдим. Хўш, розимисиз? Яхши, у билан
ўзим ҳамма нарса тўғрисида келишиб оламан. Асбоб-ан-
жомларингиз таҳтми?

— Бу ҳақда менинг газетам қайғуради.

— Отишни биласизми?

— Тахминан, мамлакатимиз қўшинларининг ўртacha
бир ўқисичалик ота оламан.

— Фақат шунинг ўзими? Э, худо! Отишни билиш сиз
ёшларнинг энг оддий ишингиз-ку. Сизлар ҳаммаларинг
найзасиз бол арисизлар. Бунақалар ўз инларини қўриқ-
лай олмайди! Менинг гапимни эсингизда олиб қолинг:
сизларнинг инларингиздан бол олгани бирор келгудек
бўлса, анграйиб ўтираверасизлар-да! Жанубий Америка-
да қуролни моҳирлик билан ишлата билиш керак бўлади,
чунки дўстимиз профессор ёлғончи ва овсар бўлмаса,
унинг гапларига қараганда, ўёқларда бизни ғаройиб нар-
салар кутади. Қанақа мильтингиз бор?

Лорд Рокстон эман шкаф олдига келди-да, эшигини
очди, мен шу он бамисоли органинг найлари каби қатор
қилиб териб қўйилган мильтикларининг ялтираб турган ме-
талларини кўрдим.

— Ҳозир кўрамиз, ўз аслаҳаҳонамдаги қайси мильтик-
ни сизга тортиқ қилсан экан? — деди лорд Рокстон.

У кетма-кет бири биридан яхши мильтикларни ола бош-
лади, затворларини шақирлатиб кўрар, меҳрибон она ўз
болаларини силаб-сийпагандек эҳтиётлик билан чанглар-
рини артар ва оҳиста жойига қўярди.

— Мана «бленд». Шу мильтикдан отиб анави улкан
маҳлуқни қулатганман, — у оқ каркидоннинг бошига ишо-

¹ Пара — Шимолий Ирландиядаги порт-шаҳар.

ра қилди.— Үн қадамча яқинроқ бўлганимда бу ҳайвон ўз колекциясини мен билан бойитган бўларди.

Ўқ — умидим эрур ҳамеша
Ўқ заифга ёрдамчи — пеша.

Гордонни яхши танирсиз дейман? Бу шоир отни, милтиқни ҳамда шу икки нарсани яхши биладиган кишиларни мадҳ этади. Мана, яна бир ажойиб нарса — телескопли мўлжаллаш аппарати — иккىёклама эжектор, нишонни аниқ мўлжалга олади. Уч йил бурун мен мана шу милтиқ билан Перу қулфурушларига қарши курашган эдим. Ӯша ёқларда мени худонинг ғазаби дейишарди, гарчи менинг номимни бирорта Кўк китобдан тополмасангиз ҳам ўёқларда машҳур эдик. Кўзичноғим, ўз иззат-нафсимизни ерга урмаслик учун, ҳар биримиз инсон ҳуқуқларини, адолатни ҳимоя қилишга мажбур бўладиган вақтларимиз келади. Шунинг учун мен ўша ерларда ўлимни, хавф-хатарни писанд қилмай, жанг олиб боргандек юрдим. Урушни ўзим эълон қиласдим, ўзим урушардим, ўзим охирига етказардим. Мана бундаги ҳар бир чизиқ — мен ўлдирған биттадан муртадни билдиради. Қаранг — узун нарвон бўлиб тушган бу чизиқлар! Үндаги энг катта чизиқни Путумайо дарёси гирдобларидан бирида энг катта қулфуруш Педро Лопесни отганимдан кейин ўйиб ёзганман... Мана-виниси ҳам сизга маъқул бўлса керак.

У шкафдан кумуш безакли ажойиб милтиқни олди.

— Мўлжални ниҳоятда аниқ олади, магазинида бешта ўқ. Үнга бемалол ўз ҳаётингизни ишонаверинг.

Лорд Рокстон милтиқни менга узатиб, шкафни ёпди.

— Ҳа, айтгандай,— деди у яна курсига ўтиаркан,— шу профессор Челленжер ҳақида нималарни биласиз?

— Мен уни биринчи марта шу бугун кўриб туришим.

— Мен ҳам. Ростини айтганда, сиз билан биз мутлақо нотаниш одамнинг сўзи бўйича саёҳатга жўнашимиз жуда ғалати-я? У бориб турган сурбетга ўхшайди, илм-фан аҳли, ҳамкасабалари орасида ҳам обрўси бўлмаса керак. Нега сиз у билан қизиқиб қолдингиз?

Мен бугун эрталаб рўй берган воқеаларни қисқача сўзлаб бердим. Лорд Рокстон гапларимни дикқат билан тинглади, кейин Жанубий Америка харитасини олиб келиб, стол устига ёзди.

— Челленжер тўғри айтаяпти, рост гапирайяпти,— деди у жиддий равища.— Сезган бўлсангиз керак, мен таваккалига буни тасдиқлайман. Жанубий Америка — мен севган мамлакат ва айтайликки, Дарьен қўлтиғидан то Олов-

ли Ергача тикка борадиган бўлинса, ёр-курамизда ундан улугвирроқ, ундан гўзалроқ манзилни топиш қийин. Бу мамлакатни кам билишади, уни қандай келажақ кутаётгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Мен Жанубий Американи бўйига ҳам, энига ҳам икки марта кезиб чиқдим, қурғоқчилик йиллари икки марта бўлганимда, қулфурушлар билан урущ олиб боргандим, бу ҳақда боя сизга гапириб бердим. Ҳақиқатан ҳам профессор айтганга ўхшаш ривоятларни эшигандим. Булар, албатта, ҳиндуларнинг афсоналари бўлса ҳам, лекин улар замирида нимадир бор. Жанубий Американи қанчалик яқиндан билсангиз, дўстим, бу мамлакатда ҳамма нарса, ҳа, ҳамма нарса юз бериши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Одамлар тор-тор дарёчалардан юришади, улар қаёққа олиб боришини худонинг ўзи билади. Манави жойда, Матту Гроссу ясситоги бағирларида,— у сигара билан харитага ишора қилиб, ўша жойни кўрсатди,— ёки манави уч давлат чегараси туташдиган бурчакда ҳеч ким мени ҳайратга сола ололмади. Бугун Челленжер, Амазонка дарёси тропик ўрмонлар билан қопланган эллик минг квадрат миль ерни, яъни қарийб бутун Европага тенг келадиган майдонни сугоради, деди. Лекин биз сиз билан Бразилия чангальзорларида чиқмаган ҳолда Шотландия билан Константинополь орасидаги масофада турган бўлишимиз мумкин. Ёнигарчилик давларнда нималар бўлишини билсангиз эди?! Амазонка суви камида қирқ фут кўтарилиб, ҳаммаёқни ўтиб бўлмайдиган ботқоққа айлантириб юборади. Мана шундай мамлакатдагина ҳар қандай мўъжиза ва сирларга дуч келиш мумкин. Нима учун бу жумбоқларни биз ечмас эканмиз? Булар каби кўпгина сирсиноатлардан ташқари,— лорд Рокстоннинг ғалати чеҳраси хуштабассум билан ёришди,— у ерда ҳар қадамда ҳаётинг хавф остида бўлади, менга спортчи бўлганим учун бундан бошқа нарса керак эмас-да. Мен бамисоли гольф ўйини тўпиман — сиртимдаги қизил ранг аллақачон ўчиб бўлган, энди мени ҳаёт хоҳлаган томонига отаверса ҳам бўлаверади, ҳеч ерим тирналмайдиям. Таваккал қилиш, азиз дўстим, борлиқ ҳаётимизга аллақандай жозиба, жўшқинлик баҳш этади. Шунинг учун ҳам яшаш мароқли. Бизлар жудаям эрка бўлиб кетдик, занглаш қолдик, фароатда яшашга ўрганиб қолганимиз. Иўқ, менга милтиқ беринг, бепоён кенглик, ҳадсиз уфқни право кўринг-да, излаб топиш лозим бўлган нарсани қидириб кетишимни томоша қилинг. Умримда нималарни қилмадим денг: урушдим ҳам, стачкаларда қатнашдим ҳам, аэропланда ҳам

учдим, лекин оғир овқат еб қўйиб ухлагандагина тушга кирадиган даҳшатли маҳлукларни овлаш нашидаси — мен учун мутлақо янги ҳиссиятдир.— У олдинда нималар кутаётганини ўйлаб қаҳқаҳ уриб кулиб юборди.

Балки мен янги танишимни тавсифлашга ортиқча уришиб кетгандирман, лекин ахир биз у билан кўп кунлар бирга бўлишимиз керак, шунинг учун ҳам бу одам ҳақидаги илк таассуротимни батафсил; характеристи, нутқи, фикрлари ва бошқа жиҳатларини ипидан игнасигача айтиб беришни истайман. Редакцияга ҳисоботни тезроқ элтиб бериш зарурати бўлмаганида лорд Рокстон билан ширин сұхбатимизни асло бузмасдим-а. Рокстоннинг ўйидан чиқиб кетаётганимда у лампанинг қирмизи ёғдусига чўмилганча курсида ўтириб олиб, севимли милтигининг затворини тозаларкан, тақдир бошимизга солажак саргузаштлар ҳақида мулоҳаза юритиб, мийигида кулимсирар эди. Бизни хавф-хатар кутаётган экан, бутун Англияда лорд Рокстондан бўлак совуқон ва жасур ҳамроҳни топа олмасам керак деган қатъий фикрни миямга туғиб, редакцияга жўнадим.

Шу куннинг ажойиб ҳодисалари тинкамни роса қуритган бўлишига қарамай, «Сўнгги хабарлар» бўлимининг муҳаррири Мак-Ардл билан узоқ ўтириб қолдим. Унга бўлажак сафаримизнинг ҳамма шарт-шароитларини тушуниридим, у бўлса мазкур маълумотларни бошлиғимиз сэр Жорж Бомонтга эртагаёқ етказиш лозим деб ҳисоблади. Биз шунга келишдик: мен саргузаштларимиз ҳақида батафсил ёзиб турадиган, улар эса Мак-Ардлга хатлар шаклида олиниши биланоқ ёки кейинроқ — Челленжер ижозат берганидан сўнг босиладиган бўлди, чунки бу Но маълум мамлакатга қиласидиган саёҳатимиз учун зарур бўладиган маълумотларни қандай шартлар эвазига беришини билмасдик-да. Телефон қилиб, ундан шу ҳақда сўрасак, профессордан матбуотни бўралаб сўкишдан бошқа нарса эшитмадик, бироқ кейин, ҳар қалай, бизнинг жўнайдиган кунимиз ва соатимиз хабар қилинса, у лозим деб топган кўрсатмаларни кемага етказиб бераман, деб айтди. Бизнинг иккинчи сўровимиз мутлақо жавобсиз қолди, унга жавобан миссис Челленжернинг эримни ортиқча безовта қиласверманглар, ўзи шундоқ ҳам ҳаддан ташқари қаҳру фазабга тўлиб турипти, дея зорланиб шипиллаганини эшитдик, холос. Ўша куни қилинган учинчи уриниш қулоқни қоматга келтирувчи тарақ-турук билан бўлинди, тез орада марказий телефон станцияси профессор Челленжернинг аппарати синганини маълум қилди. Шундан

кейин биз у билан гаплашишга ҳаракат қилмай қўя қолдик.

Энди, бардошли китобхонларим, сиз билан суҳбатимни тўхтатаман. Бундан буён (бу ҳикоянинг давоми бирортанғана қачонлардир етказишга мусассар бўлинса), сизлар менинг кейинги саргузаштларимни фақат газета орқали билисализлар. Мен жаҳон билан энг ажойиб экспедицияларнинг бирига сабаб бўлган воқеалар ҳақидаги ҳисоботларни муҳаррирга топшираман ва мабодо Англияга қайтиб келиш менга насиб қилмаса, нималар бўлганини ўзларингиз тушунарсиз.

Мен ўз ҳисоботимни «Франциск» кемасининг салонида ёзиб тугатмоқдаман. Лоцман уни олиб қўяди-да, сақлаб қўйиш учун мистер Мак-Ардлга топширади. Пировардидаг шуни айтайки, ҳали ёзув дафтаримни ёпишимга улгурмай туриб, яна бир манзарани — ватаним ҳақидаги сўнгги хотиралар қалбимда қолганидан далолат берувчи манзарани баён қилишга ижозат бергайсизлар.

Кечиккан баҳор, рутубатли туманли тонг; муздек, майдада ёмғир шивалаб турипти. Ялтироқ макинтош кийган уч киши соҳил бўйлаб юришипти. Улар зангори байроби кўтарилган улкан кемага чиқиладиган зина томон равона бўлишиди. Уларнинг олдиларида ҳаммол чемоданлар, сафар анжомлари ўралган бўғчалар, жилдга солинган мильтиқлар юклangan аравасини итариб бормоқда. Найнов, хўмрайган профессор Саммерли худди қилиб қўйган ишидан қаттиқ пушаймон еяётган кишидек бошини хам қилиб, ғамгин равишида оёғини зўрға судраб босаяпти. Овчилар шапкасини кийган, шарф ўраган лорд Жон Рокстон тетик қадам ташлаб боради, унинг жўшқин, нафис чеҳрасидан баҳтиёрлик нурлари сочилаётгандек. Ўзимга келганда шуни айтиш керакки, туриш-турмушим қувончимни изҳор қилаётганига асло шубҳа қилмайман, чунки жўнаш арафасидаги оворагарчиликлар, хайрлашувдаги мунгли ҳолатлар ортда қолганди-да.

Биз кемага жуда яқин қолганимизда бирдан аллакимнинг товушини эшишиб, орқага қарадик. Бу — бизни кузатиб қўйишга ваъда берган профессор Челленжер эди. Кип-қизариб кетган, ўлгудек жаҳли чиққан профессор пишиллаб орқамиздан чопиб келарди.

— Йўқ, сизларга ташаккур айтаман,— дейди профессор.— Кемага чиқишга тариқча ҳам истагим йўқ. Сизларга бир неча сўз айтмоқчиман, бу ишни шу ерда қилса ҳам бўлади. Биз сафаримиз билан профессорга катта инъом ато қилдик деб хомтама бўлмай қўя қолинглар, асло, Бу-

нинг менга мутлақо алоқаси йўқ, мен ўзимни сизларга бурчорман деб ҳисобламайман ҳам. Ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади, сизлар олиб бормоқчи бўлган текширувлар бунга зигирча ҳам таъсир қила олмайди, нодонларнинг эҳтиросларига ўт қўйиши мумкин, холос. Сизларга керакли маълумотлар ва менинг йўл-йўриқларим манави муҳрланган конвертда. Сизлар уни Амазонка бўйидаги Манаос шаҳрига бориб етганларингиздагина очасизлар, лекин конвертда кўрсатилганидан бир кун ҳам, бир соат ҳам олдин очманглар. Гапларимни тушундиларингми? Сизларнинг ҳалолликларингга аминман, сизлар менинг ҳамма шартларимга аниқ амал қиласизлар деган умиддаман. Мистер Мелоун мен сизнинг мақолаларингизни тақиқлаш ниятида эмасман, чунки сизларнинг саёҳатларингиз ишнинг фактик томонини аниқлашни мақсад қилиб олган.Faқат биргина нарсани талаб қиласман: қаерга бораётганингизни аниқ кўрсатманг, кейин экспедиция ҳақидаги ҳисботни қайтиб келгунларингга эълон қилишга рухсат берманг. Хайр, сэр! Афсуски, ўзингиз ҳам мансуб бўлган лаънати касб әгаларига нисбатан қаҳримни бир оз юмшатишга муваффақ бўлдингиз. Хайр, лорд Жон! Менга маълум бўлишича, фан сиз учун осмондаги бутга интилишдек гап. Лекин у жойларда ов қилиброҳатланасиз. Шубҳасиз, вақти келиб, «Овчи» журналида диморфодонни¹ қандай отганингизни ҳикоя қилувчи мақолангиз босилиб чиқар. Сизга ҳам хайр, профессор Саммерли. Ўз билимларингизни бойитиш устида ишлашдан толмаган бўлсангиз, очишини айтсам, мен бунга шубҳа қиласман, сиз Лондонга анча ақлли бўлиб қайтасиз.

У терс бурилиб кетди, бир минутдан сўнг кема палубасидан унинг ерга қапишган, одамлар орасини ёриб, поезд томон кетаётган қоматини кўриб қолдим.

Мана, Ла-Маншга ҳам чиқиб олдик. Хатларни топшириш вақти бўлганидан хабар берувчи сўнгги қўнфироқ ҳам чалинди. Ҳозир биз лоцман билан хайрлашамиз.

Энди: «Қани, чу кемам, олға суз!» Ҳаммамизни — қирғоқда қолганларни ҳам, уйларига эсон-омон қайтиб келиш умидида юрганларни ҳам худо ўз паноҳида асрасин.

1 Диморфодон — (двупримозуб) — учувчи калтакесак.

«ЭРТАГА БИЗ НОТАНИШ МАМЛАКАТГА ЖҰНАЙМИЗ»

Бу ұқиоям етиб боргач, үқувчиларни океанда сузадиган комфортабель кемадаги саёхатимиз тафсилотлари, Пара шаҳрида ұтказған бир ҳафтамиз («Перейра-да — Пинта» ширкатын асбоб-анжомлар сотиб олишимиз учун шундай қулай шароитлар яратып бергани учун ташаккур айтишни жоиз деб биламан) ҳақида батафсил гапириб қийнаб үтирумайман, фақат кенг, бұтана, ялқовланиб оқадиган Амазонка дарёсінінг юқорисига қилған саёхатимиз тұғрисида, кичкінагина қайиқда Атлантика океанини кесиб ұтган улкан кемада юрилған масофадан қолишмайдиган узоқ йұлни босиб құйғанимизни қысқача айтиб үтаман, холос.

Күп күнлик йўл юришлардан сүңг группамиз Обидусс дарасидан үтиб, Манаос шаҳрига тушди.

Биз унда Британия савдо ширкати агенти мистер Шортменнинг лутфу қарами билан маҳаллий мәҳмонашыннан жуда шубҳали мәҳмандүстлигидан бебаҳра қолишига муваффақ бўлдик. Биз Шортменнинг мәҳмонашаванда гациендасида¹ профессор Челленжер тутқизған конвертда кўрсатилған муддат етгунча турдик. Шу куннинг кутилмаган воқеаларини баён қилишдан аввал үртоқларимни ва экспедиция юмушларини бажариш учун Жанубий Америкада биз ёллаган кишиларни батафсилроқ тавсифлагоқчиман. Чунки, Мистер Мак-Ардл, сизнинг андишали киши эканлигиниэга ишонған ҳолда ҳамма нарсаны яширмай-нетмай рўйи-рост ёзаётирман, негаки бу материал эълон қилингунча сизнинг қўлингиздан үтади.

Профессор Саммерлиннинг илмий хизматлари ҳаммага яхши маълум бўлгани учун улар ҳақида гапириб үтиришнинг ҳожати йўқ. Бундай оғир экспедицияга у биринчи қарашда кутилганидан ҳам кўпроқ мослашған эди. Унинг ориқ, чайир гавдаси чарчаш нималигини билмайди, қуруқ, истеҳзоли ва кўпинча бетакаллуф қиликлари ҳар қандай шароитларда ҳам ұзгармай қолади. Олтмиш беш ёшга тўлган бўлишига қарамай, у ҳар қадамда учрайдиган қийинчиликлардан бирор марта ҳам нолимади. Аввалига мен профессор Саммерли бизга оғир юк, дардисар бўладида, деб қўрққан әдим, аммо кейинчалик маълум бўлдики,

¹ Гациенда — ер — мулк, кўрғон.

унишг чидамлилиги, сабр-қаноати меникидан асло қолиш-
мас экан. Саммерли — қўрс, ҳамма нарсага ишончсизлик
билин қаровчи одам. У ўз фикрини, яъни Челленжер —
ғирт шарлатан, бизнинг Жанубий Америкага қилган бу
аҳмоқона, хавфли сафаримиз Жанубий Америкада кўнгил-
сизликдан, Англияда эса қулгидан бошқа нарсага ар-
зимайди, деган қатъий ақидасини яширишни лозим топ-
майди. Профессор Саммерли бу нарсани Сауткемптондан
то Манаосгача бўлган бутун йўл давомида башарасини
хунук бужмайтириб, сийрак эчки соқолини селкиллата-
селкиллата тинмай гапириб келди.

Биз қирғоққа тушганимизда Жанубий Америка пар-
раналар ва даррандалар оламининг ажойиблиги ҳамда
бойлиги унга бир оз таскин берди, чунки у тани-жони,
бутун вужуди билан илм-фанга берилган эди. Энди про-
фессор Саммерли ов милтифи ва капалак тутадиган мат-
рапчаси билан эрта тонгданоқ ўрмон кезади, кечқурунлари
эса тутган нусхаларини дорилаб, ёзиб-чиизиб қўяди. Унинг
ўзига хос ғалати қилиқларидан баъзиларинигина айтиб
ўттай: қачон қарасанг соч-соқоли таралмаган, ташқи қиё-
фасига қарамаган, паришонхотир бўлиб юради, ғалвирак
тошдан ясалган калта трубкага ружу қилган, уни оғзидан
қўймайди. Профессор ёшлигида бир неча илмий экспеди-
цияда қатнашган (масалан, Робертсон билан Австралияга
борган), шунинг учун ҳам кўчманчилар ҳаёти унга янги-
лик эмас.

Лорд Жон Рокстонда профессор Саммерлининг баъзи
хислатлари бор, аммо, аслини олганда, улар мутлақо
бир-бирларининг акси. Лорд Жон йигирма ёш кичик бўл-
са-да, унинг ҳам бадани профессорникига ўшаган қову-
риб олингандек тобланган, қоқ суяқдан иборат. Мен Ло-
ндонда қолдириб келган қиссамда унинг ташқи қиёфасини
батафсил тавсифлаганим эсимда. У озода, ўзига оро бе-
риб юради, одатда оқ кийимда бўлади, оёғида баланд
пошнали иш тақиладиган жигарранг бошмоқ, ҳар куни ка-
мида уч марта соқолини қиради. Лорд Жон ишдан чарча-
майдиган ҳар қандай одам каби камгап, кўпинча ўз ўйла-
рига ғарқ бўлиб юради, аммо унга савол билан мурожаат
қилсангиз, дарров жавоб берга қолади, жон-дили билан
суҳбатга берилиб кетади, гапларингизни ҳазил-мутойиба
луқмалари билан бўлиб-бўлиб, тотли қилиб ҳушлаб тура-
ди. У турли мамлакатларга, айниқса, Жанубий Америкага
оид билимлари кенглиги билан кишини ҳайратда қолди-
ради, бизнинг экспедицияга келганда эса, у профессор
Саммерлининг мазахларига парво ҳам қилмасдан, бу иш-

нинг мақсадга мувофиқ эканлигига бутун қалби билан ишонади. Лорд Рокстоннинг овози майин, хулқ-атвори, қилиқлари ёқимли, лекин унинг мўлтиллаб турувчи кўк кўзлари уларнинг соҳиби бирдан қутуриб, шафқатсиз қарор чиқаришга қодирлигидан шаҳодат бериб туради, унинг одатдаги босиқлиги бу одам жаҳли чиққанда нақадар хавфли бўлишини таъкидлайди. У ўзининг Бразилия, Перуга қилган сафарлари тўғрисида кўп гапиришни ёқтирмайди, шунинг учун ҳам унинг бу ерларда пайдо бўлиши Амазонка қирғоқларида истиқомат қилувчиларни шунчалик ҳаяжонга солишини хаёлимга ҳам келтирмапман. Бу одамлар лорд Рокстонни ўзларининг ишончли ҳомийлари ва ҳуқуқларининг ҳимоячиси деб биладилар. Малласоч Доҳий тўғрисида (уни бу ерларда шундай деб аташади) афсоналар тўқилган, лекин бу гапларнинг чинлигига қадам-бақадам учраган фактлар мени ишонтириб борди, бу фактлар ҳақиқатан ҳам ҳайратомуз эди.

Масалан, маълум бўладики, бир неча йил бурун лорд Жон Бразилия, Перу ва Колумбия ўртасидаги чегара ноаниқлиги туфайлигина мавжуд бўлган «эгасиз ерга» келиб қолади. Бу катта поёнисиз майдонда Конгодагидек маҳаллий аҳоли бошига тушган кулфатларга, испанлар ҳукмронлиги давридаги Дарьен кумуш конларидаги қулларнинг оғир меҳнатидан ҳам зиёд жабру жафоларга сабаб бўлган каучук дарахти жуда кўп ўсарди. Бир гуруҳ метислар муттаҳамлик қилиб, бу катта вилоятни эгаллаб олиб, ўзларини ҳимоя қилишга рози бўлган ҳиндудуларни қуроллантиридилар, қолганларни эса одам боласи чидамайдиган қийноқ-азоблар билан қулга айлантириб, каучук дарахтларини кесишга ва дарё орқали Пара шаҳрига жўнатиб туришга мажбур этдилар.

Лорд Рокстон баҳтиқароларга ёрдам бермоқчи бўлувди, дўй-пўписа, таҳқир-ҳақоратлардан бошқа нарсага эга бўлмади, шунда у қулфурушларнинг бошлиғи Педро Лопес деган ғаддорга қарши уруш эълон қилди, қоюқ қулларни йифди, уларни қуроллантириб, ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди, бунинг натижасида золим-метис Педро Лопес унинг ўқидан ўлди, бу ғаддорнинг қуллик системаси эса йўқотилди.

Майин овозли, ҳаракатлари ёқимли бу малласоч киши Жанубий Америкадаги буюк дарё қирғоқларида истиқомат қилувчиларнинг эътиборини қозонганди. Аслини олганда, у қўзғаган ҳиссиётлар, кутилганидек, турли-туман эди, чунки маҳаллий аҳоли унга меҳр-муҳаббат билан қараса, уларга зулм қилган собиқ босқинчиларнинг нафра-

ти чексиз эди. Бразилияда ўтказилган бир неча ой лорд Рокстон учун бефойда бўлмади: у маҳаллий лаҳжаларни яхши ўрганиб олди (бу лаҳжаларнинг учдан бири португалча, учдан иккиси ҳинду сўзларидан иборат эди).

Мен илгари лорд Жон Рокстоннинг Жанубий Америка ҳақида вайсашдан тинмаслигини эслатиб ўтган эдим. Жон бу ўлка ҳақида галирганида, шу қадар жазавага тушиб, берилиб сўзлардики, ҳатто мендек бир нодондан ҳам мазкур мамлакатга қизиқиш уйғонарди. Унинг ҳикояларини нақадар мароқли эканлигини тавсифлашдан ожизман: гапларидаги ҳар бир нарсанинг аниқ тасвири фусункор фантазия билан омухта бўлиб кетардиди, ҳатто профессор Саммерли ҳам диққат билан тинглаганида узунчоқ айтидаги ишончсизлик аломатлари секин-аста сўниб борарди!

Лорд Жон бизга улуғвор дарё — Амазонканинг тарихини сўзлаб берди. Дарё, гарчанд унинг қитъадаги бир учидан охиригача сузиб борган дастлабки фотихлар томонидан тадқиқ қилинган бўлса-да, бари бир қирғоқларидағи тор, доимо ўзариги турадиган ўзани қўйнидаги сиру асрорларини ҳамон яшириб келаётир.

— Ўёқда, нариги қирғоқда нима бор? — хитоб қилди лорд Жон шимол томонни кўрсатиб. — Ботқоқликлар, ўтиб бўлмас чангальзорлар. Улар қўйнида қандай сир-синоатлар борлигини ким билади? Хўв ўёқда-чи, жануброқда? Одам боласи оёқ босмаган ботқоқлик, тўқайлар. Атрофимизни номаълум жойлар қуршаб олган. Мана шу соҳил ёқалаб ўтган торгина йўлнинг нарёғида бизни нима кутаётганини ким билади дейсиз? Қария Челленжер янглишмади деб кафил бўлиш мумкинмикин?

Профессор Саммерли бундай гапларни рўйи-рост ҳақорат деб билади: унинг башарасида бездек жилмайиш пайдо бўлди, бошини киноявий тарзда сарак-сарак қилди, трубкасини сўриб паға-паға тутун чиқарди, бетакаллуп сукунтини бир оғиз ҳам сўз билан бузмади.

Икки яқин ҳамроҳим ҳақида шу гапларим етар: уларнинг феъл-атворлари ва камчиликлари ўзимникидек кеийинчалик зоҳир бўлар дейман. Яхшиси кейинги воқеаларда муҳим роль ўйнашлари мумкин бўлган кишилар ҳақида сўзлаб бера қолай.

Самбо деган девқомат негрдан бошлайман. Бу қора геркулес отдек ишлайди, меҳнатсевар, фаҳм-фаросатда ҳам отдек. Биз уни кемачилик ширкати тавсиясига кўра, Пара шаҳрида ишга ёлладик. У ширкатнинг кемаларидагуравериб, Фикрларини инглизчасига бир амаллаб тушуниришни ўрганиб олганди.

Үша ерда, Парада Амазонканинг юқорисида қизил ёғочларни шаҳарга ҳайдаб келиш билан шуғулланадиган икки нафар метисни ишга олдик. Уларнинг номлари Гомес ва Мануэль. Иккаласи ҳам қорачадан келган, соқол қўйган, кўринишидан баджаҳл, эпчилликда, кучлиликда улар, олдида қоплон ҳам ип эша олмайди. Гомес билан Мануэль бутун умрларини Амазонка ҳавзасининг биз тадқиқ қилмоқчи бўлган юқори қисмида ўтказишга, шу туфайли лорд Рокстон уларни ишга олишига ундалган. Метислардан бири, Гомеснинг яна бир фазилати бор: у инглиз тилида яхши сўзлашади. Бу кишилар бизга хизмат қилишга рози бўлишди: ойига тўланадиган ўн беш доллар эвазига овқат пишириш, эшкак эшиш каби, ҳамма юмушларимизни бажариб беришади. Улардан ташқари биз яна боливия ҳиндулари ичидаги моҳир балиқчи ва эшқакчи сифатида шуҳрат қозонган мойо қабиласидан уч кишини ёлладик. Уларнинг каттасини биз шундайлигича Мойо деб атадик, қолган икковига Хосе ва Фердинанд деган номларни бердик. Шундай қилиб, бизнинг кичкинагина экспедициямиз уч оқ танли, икки метис, бир негр за уч нафар ҳиндудан ташкил топди. Экспедициямиз Манаосда ўз зими масига юкланган шундай фавқулодда вазифани бажариш учун йўлини давом эттириш борасидаги яъги йўл ўриқларни олиши керак эди.

Ниҳоят, юракни сиқадиган бир ҳафта ҳам ўтиб, орзиқиб кутилган кун ва соат келди. Манаос шаҳридан икки миля масофадаги Сант-Игнасио гациендусининг нимқоронғи меҳмонхонасини қўз олдингизга келтиринг-а. Тушуриб қўйилган дарпардалар аро сизиб ўтаётган қуёшнинг кўзни олувчи нурлари мис рангидаги товланади, хурмоларнинг соялари қуёш ёғдусида шу дараҳтларнинг ўзларидек аниқ кўринади. Қилт этган шамол йўқ ҳавода ҳашаротларнинг нағмаси тинмайди, ана шу тропик жониворларининг кўп овозли хорига асалариларнинг ғўнғиллаши, чишинларнинг ғингиллаши жўр бўларди. Айвоннинг ўғидан кактус ниҳоллари билан ихота қилинган боғда гуллаб ётган ўт-ўланлар узра катта-катта зангори капалаклар ва митти-митти рангдор қушчалар ғужғон ўйнайди.

Қамишдан тўқилган стол теграсида ўтирибмиз, стол устида эса муҳрланган конверт. Конверт устига профессор Челленжернинг қўли билан ажи-бужи қилиб қўйидағи сўзлар ёзилган:

«Лорд Жон Рокстон ва унинг ҳамроҳларига.

Манаос шаҳрида 15 июль куни, соат роса 12 да очилсин», Лорд Жон соатини стол устига, менинг ёнимга қўйди,

— Яна етти минут бор,— деди у.— Чол жудаям аниқ-ликини яхши күради.

Профессор Саммерли тиржайиб, ориқ қўлини конвертга узатди.

— Менимча, фарқи йўқ, ҳозир очдик нимаю етти ми-нутдан кейин очдик нима,— деди у.— Бу ҳам ўша, баҳтга қарши, ҳэт муаллифига хос машҳур шарлатанлик ва ноз-ланишнинг бир кўриниши да.

— Йўқ, бунаقا ўйинни ҳамма қоидаларига амал қил-ган ҳолда ўйнаган маъқул,— эътироҳ билдириди лорд Жон.— Бу ишга бошчилик қиласидиган киши — ўша қария Челленжер, ҳаммамиз бу ерларга ўшанинг илтифотига му-вофиқ келганмиз. Унинг йўл-йўриқларини аниқ бажарма-сак, яхши иш қилмаган бўламиз.

— Э, худо ургур! — жаҳл билан деди профессор.— Бу нарса мени Лондонда ҳам хуноб қилган эди. Борған сари жуда ҳаддан ошайпти! Бу конверт ичида нима борлигини мен билмайман, лекин сафаримиз аниқ белгилаб берил-маган бўлса, ўша заҳотиёқ «Боливия»га ўтираману Пара-га жўнаб қоламан. Ахир, бир васваснинг алаҳсирашини фош қилишдан муҳимроқ ишларим ҳам тўлиб ётибди. Қани, Рокстон, вақт бўлди энди.

— Ҳа, вақт бўлди,— деди лорд Жон.— Сигнал беришингиз мумкин.

У қаламтарош билан конвертни очиб, ундан икки буқ-ланган бир варақ қоғозни олиб, авайлаб текислади да, стол устига қўйди. Қоғоз бўм-бўш эди. Лорд Жон орқа-сини ўгириб кўрди, буёғи ҳам топ-тоза эди. Биз ҳайрон бўлиб, бир-биримизга қарадик, жим бўлиб қолдик, лекин сукунатни профессор Саммерлининг истеҳзоли қаҳқаҳаси бузди.

— Бу самимий иқрорнома-ку! — хитоб қилди у.— Яна нима керак сизларга? Бу одам муттаҳамлигини ўзи тас-диқлаб турибди-ку. Энди биз уйга қайтиб боришимиш, унинг олчоқ алдоқчиликини барадла айтишимиз керак. У аслида ҳам алдоқчи эди.

— Сиёҳи зўр экан! — оғзимдан чиқиб кетди шу сўзлар.

— Унақага ўҳшамайди,— жавоб берди лорд Рокстон қоғозни ёруқка тутаркан.— Йўқ, муҳтарам йигитча, ўзин-гизни алдашнинг ҳожати йўқ. Кафилманки, бу қоғозга ҳеч нима ёзилмаган.

— Киришга рухсат этинг? — айвон томондан аллаким-нинг дўриллаган овози эшилди.

Бирдан очиқ эшикдан тушган тўртбурчак ёруғда бами-соли ерга қапишган бир қомат кўринди. Овозни айтмай-

сизми! Беҳад кенг яғринларни-чи! Рұпарамизда болалар-никига ўшаган ола-була лентали похол қалпоқ, ҳар қа-дам ташлаганда түмшуғи ҳарәққа тарвақайлаб кетадиган парусина бошмоқ кийган Челленжернинг қомати лоп әтиб күринганда ҳаммамиз ўрнимиздан дик этиб туриб кетдик. У ёруғ тушиб турған жойда тұхтаб, құлларини күрткасининг чүнтакларига суққанча басавлат соқолини селкиллатиб, ярим юмуқ қовоқлари остидаги чағир күз-ларини бизга тикди.

— Қанча уринсам ҳам бир неча минут кечикдим,— деди у үйнегидан соатини оларкан. Бу конвертни сизлар-га берарканман, очиини айтсам, уни очишга ултурмас-даноқ, муддатдан илгари ўзим етиб келишни ният қилиб қўйгандим. Бу кечикишимнинг боиси лоцманларнинг ўта-кетган ландавурилиги бўлди; аксига олиб, олдимиздан саёз жой чиқиб, кемамиз ушланиб қолди. Ҳамкасабам про-фессор Саммерлига сўкиши учун беихтиёр ажойиб имко-ният туғдириб бермадиммикин, деб қўрқаман, холос.

— Сизга сэр, шунни айтиб қўйишини лозим топаманки,— деди лорд Жон жаҳл билан,— сизнинг келишингиз нохуш аҳволни бир оз енгиллаширади, чунки биз ҳаммамиз экспедициямиз муддатидан аввал тугади деб турғандик. Лекин шунга қарамай, шундай ғалати ҳазил қилишга сизни нима мажбур этганига тушуна олмай гарангман.

Профессор Челленжер жавоб бериш ўрнига стол ёни-га келди-да, қўлини бериб, мен билан, лорд Жон билан кўриши, профессор Саммерлига бўлса, ҳақоратомуз таъ-зим қилиб қўйгач, тўқима курсига ўтирганди, унинг оғир-лигидан стул ғижирлаб, тебраниб кетди.

— Йўлга тушишимиз учун ҳамма нарсаларинг тайёр-ми?— сўради у.

— Эртагаёқ жўнашимиз мумкин.

— Худди шундай қиласиз. Энди сизларга ҳеч қандай хаританинг ҳам, йўл-йўриқларнинг ҳам кераги йўқ — йўлбошловчиларингиз ўзим бўламан, бунинг қадрига етинглар! Аввалбошданоқ экспедицияни ўзим бошқармоқ-чи бўлувдим, ҳатто энг батафсил харита ҳам менинг таж-рибам, менинг раҳбарлигим ўрнини боса олмаслигига ўзингиз ҳам амин бўласизлар ҳали. Конверт билан боғлиқ бу беозор ҳийланинг боиси шулким, мабодо режаларим-нинг ҳаммасини сизларга олдиндан ошкор қилиб қўйга-нимда борми, ҳаммаларингизнинг буёққа бирга келишим ҳақидаги талаб ва илтимосларингни рад этгунча ўлиб бў-лардим-да.

— Лекин мендан ундаи илтимосни кутмасдингиз,

сэр! — жүшиб хитоб қилди Сammerли.— Бутун бошли Атлангика оксанида бундан бошқа кема қуриб кетибдимики!

Челленжер унга жавобан жуңдор улкан құлни сил-кіб құя қолди.

— Ақәл-идроингиз менинг түғри мулоҳазаларга амал қилиб иш юритаётганимни тасдиқлаб турибди. Бу ерда зарур дақиқадагина пайдо бўлишим учун эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқимни сақлаб қолишим керак эди. Ана шундай дақиқа келди. Энди сизларнинг тақдирларингиз ишончли қўлларда. Сизлар манзилга етиб борасизлар. Бугундан бошлаб экспедицияга мен раҳбарлик қиласман. Сизлардан илтимос қиласманки, эртага барвақт йўлга тушишимиз учун бугуноқ ҳамма нарсани тайёрлаб қўйинглар. Менинг вақтим жуда қимматли, гарчи меникidek бўлмаса-да, сизларнинг ҳам вақтларингиз қадрли. Шунинг учун ҳам бутун йўлни тез фурсатда босиб ўтишимиз керак, маррага етганимизда эса нима учун бу ерларга келганимизни сизларга кўрсатаман.

Лорд Жон Рокстон бир неча кун аввал бизни Амазонканинг юқорисига олиб бориши керак бўлган «Эсмеральда» деган катта буғ катерини ижарага олган эди. Экспедициямизнинг жўнаши учун фаслнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди, чунки бу ерларда қишин-ёзин ҳарорат йигирма беш-ўтиз даража атрофида иссиқ бўлади. Ёғингарчилик пайтлари бошқа гап; бу давр декабрдан бошланиб майгача давом этади, дарё суви секин-аста одатдагидан қирқ фут юқорига кўтарилади. Амазонка қирғоқларидан чиқиб, улкан майдонга тошади, жуда катта район ботқоқликка айланади; пиёда юрсанг ботиб қоласан, саёз бўлгани учун қайиқда ўта олмайсан. Июнга бориб сув камая бошлайди, октябрь ёки ноябрь ойида жуда ҳам камайиб, энг паст нуқтага тушиб қолади. Экспедициямиз жўнаш пайти худди мана шу пайтга түғри келганди, улуғвор дарё ўзининг ҳамма ирмоқлари билан қирғоқларидан тошмаётган палла эди.

Амазонканинг оқими секин, чунки ўзанининг қиялиги бир милга саккиз дюймдан ошмасди. Кемалар қатнови учун бундан ҳам қулай дарё бормикин ўзи дунёда? Бу ерларда шамол жануби-шарқ томонидан кўпроқ эсади, шу сабабли Перу чегарасигача парусли кемалар тезроқ етиб олади, қайтишда эса пастга оқим бўйлаб келишади. Бизнинг «Эсмеральда»мизга келганды эса, у машина қисми соз бўлгани учун ялқов дарёга тобе эмасди, биз гўё Амазонкада эмас, тургун сувда — ҳовузда сузаётгандек эдик.

Дастлабки уч кун катеримиз шимоли-тарб томон, оқим

бүйлаб юқорига йўл олди. Гарчи Амазонканинг қўйилиш жойи бу ерлардан бир неча минг миль масофада бўлса ҳам, унинг бу ерлари жудаям кенг бўлгани учун худди уфқ билан тулашиб кетгандек кўзга элас-элас кўринади. Биз Манаос шаҳри қирғоғидан суза бошлаганимизнинг тўртинчи куни Амазонка қўйиладиган жойида унинг ўзидан қолишмайдиган кенг, лекин тезда торайиб борадиган ирмоғига бурилдик. Яна икки кун ўтгач, биз аллақандай ҳиндулар қишлоғига етиб келдик. Бу ерда профессор бизни кемадан тушишга таклиф этди-да, «Эсмеральда»ни орқасига, Манаосга қайтариб юборди. Ҳадемай дарё бостонаси бошланади, тушунтириди у, катернинг қиласиган иши қолмади. Мұхим ҳуғя гап айтгандек, биз Номаълум мамлакат останасига етиб қолдик, бинобарин, сиримиздан қанчалик кам одам воқиф бўлса, шунча яхши деб қўшиб қўйди. Шу мақсадда у ҳар биримиздан экспедиция борадиган ернинг географик жойлашуви тўғрисида ёзма ва оғзаки тарзда гуллаб қўймаслик ҳақида чин сўзимизни олган, ҳамма хизматкорларга эса, сирни ошкор қилмаймиз деб қасам ичтирганди. Мана шуларнинг ҳаммаси менинг воқеаларни баён қилишимда маълум даражада эҳтиёт бўлишимни тақозо этади ва китобхонларни огоҳлантириб қўяйки, қиссамга илова қилиниши мумкин бўлган харита ёки чизмаларда айрим шаҳарларнинг координатлари эмас, балки уларнинг ўртасидаги масофаларгина кўрсатилиб борилиши мақсадга мувофиқ ва бинобарин бу маълумотлардан Номаълум мамлакатга суқулиб кириш учун фойдаланиш зинҳор тавсия этилмайди. Профессор Челленжер ўз сирини бунчалик маҳфий тутишга уринишидан мақсади нималигини билмасак ҳам, биз унга бўйсунишга мажбур эдик, чунки у олдимизга қўйган шартининг бир ҳарфи ҳам бузилгудек бўлса, экспедицияни барбод қилиши турган гап эди.

Иккинчи август куни биз «Эсмеральда» билан хайрлашдик, бизни маданий олам билан боғлаб турган сўнгги ипни ҳам узгандек бўлдик. Ӯшандан буён ўтган тўрт кун мобайнида профессор ҳиндулардан иккита катта қайиқни ёллади. Улар бамбуқ каркасга ҳайвонларнинг терисидан қоплаб қилингани учун жуда енгил, шунинг учун зарурат туғилган ҳолларда қўлимиз билан кўтариб қўйишимиз мумкин эди. Бу қайиқларга ҳамма асбоб-анжомларимизни жойладик, Ипету ва Атака деган икки ҳиндуни қўшимча эшкакчилар қилиб ёлладик. Улар профессорнинг аввалги экспедициясида ҳамроҳ бўлишган кўринади. Иккалови ҳам ўша жойларга яна жўнаш ҳақидаги таклифни эшлишган

ҳамоно ўтакалари ёрилиб, даҳшатга тушишди, аммо ҳиндуларнинг одатига кўра, қабила бошлиғи патриархал ҳокимиятдан фойдаланиши туфайли, келишув унга манфаатли бўлса, қабила аъзолари ҳукмни муҳокама қилиб ўтиргасдилар.

Шундай қилиб, эртага Номаълум мамлакатга жўнаймиз. Мен биринчи мақолани йўлда дуч келган қайиқ билан юбораман, эҳтимолки, тақдиримиз билан қизиқувчилар учун бу бизнинг ҳақимиздаги сўнгги дарак бўлса, ажаб эмас. Мен бу хабарни келишганимиздек, сизнинг номингизга юбораяпман, азизим мистер Мак-Ардл. Хатларимни майли қисқартиринг, тузатинг — ишқилиб дилингизга маъқул келганича тузатаверинг, ўзингизга хос лутфу назокатга ишонаман.

Йўлбошчимизнинг тўла ишонч билан елиб-югуришидан у ўзининг ҳақлигини амалда исботламоқчига ўхшайди ва биз профессор Саммерлининг ўта ишончсизлигига қарамай, ҳақиқий буюк ва ҳайратомуз воқеалар арафасида турганимизга шубҳа қилмайман.

САККИЗИНЧИ БОБ

ЯНГИ ОЛАМ БУСАФАСИДА

Ватанимиздаги дўстларимиз биз билан бирга шоду ҳуррам бўлишсин — биз саёҳатимиздан кўзда тутилган манзилга етиб келдик, энди ишонч билан айта оламанки, профессорнинг фикру даъволари текшириб кўриладиган бўлди. Тўғри, экспедициямиз ҳали ясситоғ узра кўтарилганича йўқ, лекин у шундоққина олдимизда, яқин, уни кўриб, профессор Саммерли ҳам бир оз попуги пасайиб қолди. У албатта муҳолифининг ҳақлиги тўғрисидаги фикрни хаёлига ҳам келтирмайди-я, лекин баҳслардан қочади, кўпинча хавотирланиб, миқ этмай юради.

Бироқ орқага қайтиб, ҳикоямни узилиб қолган жойидан давом эттираман. Биз қўлини қаттиқ шикастлаб олган бир ҳиндуни уйига қайтаräяпмиз ва мен ундан хат бериб юбораяпман, лекин у тегишли ерга бориб етадими-йўқми — билмайман, бунга шубҳам жуда катта.

Менинг сўнгги ёзувим «Эсмеральда» кемаси бизни олиб келган ҳиндулар қишлоғидан жўнайдиган кунимиз битилган эди. Бу сафар гапни кўнгилсиз ҳодисани баён қилишдан бошлашга тўғри келади, чунки ўша оқшом группамизнинг икки аъзоси ўртасида биринчи жиллий можаро чиқиб, сал бўлмаса фожиали тугай деди. Професс-

сорлар ўртасидаги доимий тұқнашувлар, албатта, ҳисобға кирмайды. Мен инглиз тилида сүзлаша оладиган метис Гомес ҳақида ёзған эдим. У яхши хизматкор, жонини жаб-борға бериб, ишини дүндиради, бироқ күпгина кишиларга хос бўлган бир иллатдан ҳоли эмас. Биз қишлоқдан кетадиган охирги кунимиз, афтидан, Гомес режаларимиз муҳокама қилинаётган кулбанинг бир ерида биқиниб олиб, гапларимизни эшитган бўлса керак-да. Бизга итдек содик паҳлавон Самбо ўз ирқига мансуб ҳамма одамлар қатори метисларни ўлгудек ёмон кўргани учун ҳам уни судраб, кулбага олиб кирди. Самбо куч-қуввати бениҳоя зўр бўлгани учун ҳамда қўлининг бир ҳаракати билан чапдастлик қилиб, қуролини олиб қўймаганда, Гомес негрни пичоқлаб ташлаган бўларди. Биз икковини уришиб-койиб, яраштириб, қўй олишишга мажбур этдик, иш шу билан тугашига умид қиласмиш. Бизнинг икки олимимиз ўртасидаги ғанимлик эса пасайиш ўрнига тобора кучайиб, алангаланиб бормоқда. Тан олиш керакки, Челленжер ўзини ниҳоятда беҳаёларча тутмоқда, Саммерлининг заҳарли тили эса яраштиришга асло йўл берадиган эмас. Масалан, кеча Челленжер, мен Темза соҳилларида сайр қилишни ёқтиримайман, деб қолди — буни қаранг-а, вақти келиб инсониятнинг энг сўнгги манзили бўлиб қоладиган бу жойларга қараса, юраги эзилиб кетармиш. Профессор, менинг ҳоким Вестминстер аббатлигига дафн этилишига заррача ҳам шубҳам йўқ, девди. Саммерли бўлса, нордон нарса егандек башарасини бужмайтириб деди:

— Менга маълум бўлишича, Милбенк турмасини аллақачон бузиб ташлашган-ку.

Челленжернинг шишиб кетган димоги бунақа игна санчишларни писанд ҳам қилмайди, шунинг учун ҳам соқолини селкиллатиб жилмайди-да, худди кичкина болага мурожаат қилгандек деди:

— Хўп, бўлди, бўлди!

Ақл-заковатда бу икки одам илм-фан намояндаларининг биринчи қаторида туришади-ю, лекин аслини олганда баайни ёш бола дейсиз. Бири — ориқина, доимо нолиб юрадиган вайсақи, иккинчиси эса — миқтидан келган, иродали. Турган-битгани ақл, идрок, дилкашлик... Ҳаётни қанча ўргансанг, бир нарса иккинчисига кўпинча мос келмаслигини аниқроқ билиб бораверар экансан!

Юқорида тасвирланган воқеа бўлиб ўтган куннинг эртасига биз йўлга тушдик ва ана шу санани ажойиб экспедициямизнинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Ҳамма асбоб-анжомимиз иккала қайиқقا жойланди, ўзимиз эса

ҳар бирида олти кишидан икки группага бўлиндик, бунда умумий осойишталик манфаатларини кўзда тутиб, профессорларни айириб, айрим-айрим қайиққа жойладик. Мен Челленжер билан бир қайиққа ўтиридим, у сукунат васвасаси домида чурқ этмай борар, турish-турмуши билан мурувват кўрсатиш йўлларини излаётгандек эди. Лекин мен уни бошқача кайфиятда ҳам кўрганим учун ҳар минутда тарс этиб бир нима деб қолмасайди, деб қўрқиб юрдим. Бу одам билан бирга бўлсангиз ҳеч қачон хстиржам юролмайсиз, лекин унга ҳамсуҳбат бўлган одам асло зериқмайди, илло бирдан жазаваси тутиб қолса-я, деган ташвишда юрагингни ҳовучлаб юришга мажбур қиласи у.

Икки кунгача кенг дарё бўйлаб юқорига кўтарилидик. Унинг суви зилолдек тип-тиниқ бўлганидан дарёнинг тагини ҳам кўриш мумкин — Амазонка ирмоқларининг ҳаммасида сув шунаقا, бошқа ирмоқлардаги сув оқ рангда бўтанасимон бўлиб оқади, чунки бу дарё ўтадиган жойга боғлиқ; ўсимлик чириндиси бор жойдаги дарё суви тиниқ, тупроғи лойқаланган жойдан ўтса, суви бўтана бўлади. Қирғоқ остонасига икки марта дуч келдик, икки сафар ҳам асбоб-анжомларимизни қўлда кўтариб, ярим милча масофани айланиб ўтдик. Иккала қирғоқ бўйидаги довдараҳтлар бир неча аср умр кўрган бўлиб, бундай ўрмондан ўтиш қалин бутазорлардан юришга қараганда осон эди, юқ-япағимиз ҳам ноқулайлик туғдирмасди. Бу жойлар қўйнида сақланаётган сир-асрорнинг тантанавор шукухини тасвирлашдан ожизман. Бундан олган завқ-шавқни асло унутмайман. Шаҳарда туғилиб-ўсган киши шоҳшаббалари тарвақайлаб ўсиб баландда чирмashiб кетган бундай азамат дараҳтларнинг учи кўз илғамас алп қоматларига қараб ёқа ушлайди, бундай дараҳтлар яшил чайласининг қалинлигидан таги соя-салқин бўлади, аҳён-аҳёнда тушадиган қўёшнинг олачалпоқ ёғдуси бу тантанавор қоронғиликка заррин нур сочгандек бўлади. Ўтган йилги япроқларнинг қалин юмшоқ гилами қадамларимиз товушини ютади. Шу табиат ҳуснига маст бўлиб борарканмиз, ўзимизни Вестминстер аббатлигидаги хўмрайган устунлар аро юргандек ҳис қиласиз, ҳатто профессор Челленжер ҳам тўнғиллашини бас қилиб, шивирлашга ўтган эди. Бир ўзим бўлганимда борми, бу азамат дараҳтларнинг номларини икки дунёда ҳам билолмасдим, лекин олимларимиз қадам-бақадам кедр, улкан терак, ўлимтик-лар билан овқатланадиган улкан қушларни, бошқа кўп дараҳт ва паррандаларни кўрсатиб, тавсифлаб боришар-

ди. Ҳайвонот дунёси қашшоқ бўлган бу қитъа ана шу каби ўсимликлар ва паррандаларга бойлигидан инсонга асосий ошиён бўлиб қолди.

Баланд дарахтларнинг қора таналарида ёрқин архидейлар ва ранго-ранг товланаётган лишайниклар ловуллаб кўринади, қуёш нури тасодифан олтин алламандуга, жаксониянинг қирмизи юлдузларига ёки имполеяларнинг тўқ-зантори бошларига тушганида, бундай ажаб манзара фақат эртакларда бўлиши мумкин дердингиз. Бу мудроқ босган ўрмондаги ҳамма жонзот юқорига, нурга интилади, чунки зулмат — ўлим. Ҳар бир шоҳ, ҳатто энг заиф куртак ҳам ўзининг кучлироқ ва бўйчанроқ акаларига, новдаларга чирмашиб тобора юқорилаб бораверади. Бу ерда сурдалиб ўсуви ўсимликлар ниҳоятда катта бўладилар, европаликлар назарига чирмашишга ноқобил бўлган ўсимликлар зулмагни ёриб чиқишилари биланоқ бу санъатни эгаллаб олиб, юқорига интиладилар. Масалан, мен бу ерда оддий қичитқон, жасмин ва ҳатто яситар пальмасининг ҳам кедр дарахтларининг танасини ўраб, унинг учига чиқиб олганини кўрдим.

Пастда, улуғвор яшил соябонлар остида шитир этган товуш ҳам, чийиллаш овози ҳам эшитилмайди, лекин қаердадир баландда, бошимиз узра ҳаракат тинмайди. У ерда қуёш нурларида илонлар, маймунлар, қушлар ва бошқа ялқов жониворларнинг бутун бир олами мириқиб исиниб ётибди, эҳтимол, улар бу сирли қоронғилик салтнатига аллақаёқдан келиб қолган инсоиларнинг миттимитти гавдаларига ҳайрат билан тикилаётгандирлар.

Тонг палласида ва қуёш ботаётганда ўрмон бақироқ маймунларнинг қичқириқлари, думлари узун тўтиқушларнинг қулоқни қоматга кетирувчи чуғур-чуғури билан тўлади, лекин жазирама туш қизиғида, эса денгиз тўлқини гувуллашини эслатувчи ҳашаротларнинг ғўнғиллашинигина тинглаймиз, бошқа ҳеч нима эшитилмайди... Бошлири зим-зиё осмон томон интилган, бошимиз узра савлат билан турган бу азамат дарахтзорлардаги тантанавор нағманинг улуғворлигини ҳеч нима бузмасди. Фақат бир марта дарахтларнинг қалин соясида аллақандай маймоқ оёқли бир ҳайвон — чумолихўми, айиқми, каловланиб ўтгандек бўлди. Бу Амазонка ўрмонларидаги ерларда ҳам ҳаёт асари борлигидан далолат берувчи ягона белги ёди.

Бундан ташқари бошқа баъзи белгилар ҳам мавжуд бўлиб, улар бу сирли пучмоқларда инсон ҳам борлигидан шаҳодат берарди — бизнинг яқинимизда инсон бор. Учин-

чи куни гоҳ сўниб борувчи, гоҳ яна тантапавор гумбурлаб авжга чиқувчи бир маромдаги аллақандай ғалати гуриллаш эшитилди. Бу товуш эрталаб ҳам тингани йўқ. Бу товуш илк бор эшитилганда қайиқларимиз бир-биридан анча олисда, бир неча ярд¹ масофада сузарди. Ҳиндулар бамисоли бронза ҳайкаллариdek қотиб қолишиди, уларнинг башараларида қўрқув ва даҳшат акс этарди.

— Нима бу? — сўрадим мен.

— Дўмбиралар, — менсимаслик оҳаигида жавоб берди лорд Жон. — Жанговар дўмбиралар. Мен уларнинг товушини эшигтанман.

— Ҳа, сэр, бу жанговар дўмбираларнинг товуши, — тасдиқлади метис Гомес. — Ҳиндулар қаҳри қаттиқ ҳалқ бўлади. Улар бизни кузатишаяпти. Ҳиндулар бизни ўлдиришмоқчи.

— Қанақа қилиб бизнинг изимизга тушишган экан? — сўрадим мен қилт этмай турган қоп-қоронги ўрмондан кўзимни узмай.

Метис елкасини қисди.

— Ҳипдулар ҳар нарсага қодирлар. Улар бизни кузатишаяпти. Ҳамиша шунақа бўлади. Дўмбирачилар гўё ўзаро сўзлашиб оладилар. Ҳинклар бизни ўлдиришмоқчи.

Пешинга бориб — қўйин дафтаримда ёзилишича, сешанба куни саккизинчи август эди — камида олти-етти дўмбираенинг гумбур-гумбури ҳар тарафдан бизни ўраб олди. Дўмбира товуши дам тезлашар, дам секинлашар эди. Мана, шарқнинг аллақаеридан тиниқ так-так эшитилди... тинди... шимолнинг аллақаеридан қаттиқ тарақлаш эшитилди. Бу тинимсиз така-тум худди савол-жавобдек янгради. Бу садоларда даҳшатли, асабларга фавқулодда таъсир этувчи аллақандай куч бор эди. Бу садолар сўзга айланиб, бизнинг метисимиз тинимсиз такрораётган: «Ўлдирамиз... ўлдирамиз...» деган маънони англатаетгандек эди. Садосиз ўрмонда қилт этган ҳаракат йўқ. Ям-яшил ўрмои бағри фақат табиятга хос ором билан сокин ва тинч нафас оларди, лекин шу ўрмон ортидан бизга биродар бўлмиш одам боласи йўллаётган ёлғиз ўша шум хабар тўхтовсиз эшитилиб турарди. «Ўлдирамиз!» — дейишарди шарқдагилар. «Ўлдирамиз!» — жавоб беришарди уларга шимолликлар.

Дўмбиралар кунбўйи така-тумлаб, шивирлашдан тишишмади, улар садосидаги қутқу ҳамроҳларимиз орасида-

Ярд — инглиз ўлчови — 0,9144 метрга тенг, уч футга баробар.

ги рангли кишиларнинг юзларига ғулу соларди. Ҳатто энг дадил, мақтанчоқ·метис ҳам қўрқоқлик қилди чоғи. Аммо-лекин ўша куни мен бир воқеаңинг шоҳиди бўлдим — Сammerли билан Челленжер олий даражадаги мардликка — маърифатли ақл жасоратига қодир кишилар эканликларига амин бўлдим. Дарвин Аргентина гаучолари ўртасида, Уоллес тошбақа овловчи малайяликлар орасида ана шундай жасорат намуналарини кўрсатишган эли. Муруватли табиатнинг қонуни шундай: инсон бирданига икки нарса устида ўйлай олмайди, яъни, илмий интилишлар ҳақида гапирилганда шахсий манфаатларга ўрин қолмайди.

Профессорларнинг иккови ҳам учиб ўтган битта ҳам қушни, қирғоқда учраган битта ҳам гиёҳни бекор кетказмасдилар, сири таттумларнинг даҳшатли садоларига ҳам парво қилмай баҳслашишга ашаддий равишда берилиб кетишарди. Сammerли аввалгидек Челленжерга иржилар, у эса ўз одатича йўғон товуши билан тўнгилларди, лекин: у ҳам, бу ҳам ҳиндулар дўмбирапарининг даҳшати тўғрисида бир калима ҳам сўз айтмасди, гёй улар Қироллик жамиятига қарашли Сент-Жеймс-стритдаги клубнинг чекиши залида баҳслашайтгандек эдилар. Улар бир марта гина ҳиндуларга қиё боқиб лутфларини намойиш этдилар, холос.

— Мираҳ қабиласининг одамхўрлари, балки амайюа-ка қабиласининг қонхўрлариидир,— деди Челленжер дўмбирапар така-туми келаётган ўрмон томонга бош бармоғи билан ишора қилиб.

— Мутлақо тўғри, сэр,— жавоб берди Сammerли,— бу ердаги ҳамма қабилалар каби улар ҳам монгол ирқига мансуб, тиллари эса қурама, яъни полисинтетик.

— Албаттa поли... синтетик,— такабурона илтифот билан рози бўлди Челленжер.— Менга маълум бўлишича, бу қитъада бундан бошқа тил мавжуд эмас. Менда юздан ортиқ лаҳжанинг ёзуви бор. Лекин монгол ирқи масала-сига келсак, бу масалада шубҳам бор.

— Бу назариянинг тўғрилигини тан олиш учун қиёсий анатомияни юзаки билишнинг ўзи ҳам кифоя эди-ку, аттант,— деди Сammerли сўзларига оғу қўшиб.

Челленжер жангга ҳезланган аскарлик иягини чўзиб қўйди. Шу он кўзимизга кўринган нарса унинг похол қалпоғи ҳошияси билан соқоли бўлди.

— Сиз ҳақсиз, сэр, юзаки танишув бошқа ҳеч нарса бера олмайди. Бироқ чуқур билим бошқачароқ хулосаларга келишга мажбур қилади.

Улар бир-бирларига қаҳр билан тикилиб, еб қўйгудек қараб қолишиди, шу чоғ ўрмон томондан келаётган: «**Ўлдирамиз, ўлдирамиз... ўлдирамиз...**» деган акс-садо яна элас-элас қулоққа чалинди.

Кечқурун биз қайиқларни дарёning ўртасига олиб бордик-да, оғир тошлардан лангар қилиб, юз бериши мумкин бўлган ҳужумга қарши тайёрлана бошладик. Бироқ тун сокин ўтди. Тонг отиши билан яна олға силжийвердик, дўмбирааларнинг товуши энди тинган эди. Кундузи соат учга яқин йўлимизни баланд бўлиб қолган саёзликлар тўсди. Бир ярим милча масофага чўзилган худди ма-на шу саёзликлар профессор Челленжернинг биринчи экспедициясини ҳалокатга учратган эди.

Очигини айтсам, бу саёзликларнинг кўриниши мени тетиклантириди — бу гарчи заиф бўлса ҳам, Челленжер ҳикояларининг ҳақлигини тасдиқловчи биринчи далил эди.

Хизматкор ҳиндулар қалин бутазор оралаб аввал қайиқларни олиб ўтишиди, биз оқ танли тўрт киши эса митиқларимизни қўлимизга олиб изма-из борарканмиз, ҳиндуларни ўрмондан ногаҳон чиқиб қолиши мумкин бўлган хатардан огоҳлантириш учун бақириб-чақириб борардик. Кечга бориб бизнинг партиямиз саёзликдан эсон-омон ўтиб олди, дарё юқорисига ўн милча кўтарилидик-да, тунаб қолиш учун тўхтадик. Менинг тахминий ҳисоб-китобларимга қараганда, бу пайтда Амазонка камида бир неча юз миль орқамида қолиб кетгандек эди.

Эртасига тонг саҳарда муҳим воқеалар рўй берди. Алланимадан ташвишланган профессор Челленжер фиравшира ёйилмасданоқ иккала соҳилга тикилаверди. Мана, у ниҳоят сувга энгашиб қолган бир дараҳтни кўрсатиб, қувонч билан хитоб қилди:

— Қани, топинглар-чи, сизнингча бу нима? — сўради у.
— Ассай пальмаси, албатта, — деди Саммерли.

— Тўғри. Худди мана шу пальма менга мўлжал вазифасини бажаради. Худди мана шу соҳил бўйлаб ярим милча юқорига юрсак, дараҳтзор паналаб турган шохобчага чиқиб оламиз. У ердаги дараҳтлар девордек зич бўлиб кетган, сир ўша деворнинг орқасида. Хўв ана, кўраяпсизларми, ям-яшил бутазор оч-кўк қамишзор билан алмашинди. Уша ердаги баланд тераклар орасида Номаълум мамлакатнинг эшиги бор. Ҳозир ўзларинг ҳам бунга амин бўласизлар. Қани, олға!

Ҳақиқатан ҳам унга қойил қолишдан ўзга иложимиз ўйқ эди. Оч-кўк қамишлар ўсиб ётган тўқайзор бошланади.

диган жойга сузиб бориб, ичкарига кирдик, кейин узун ходачалар ёрдамида қайиқларни қирғоқдан узоқлаштириб, юз ярда сурдик-да, ниҳоят сокин оқадиган саёзроқ, суви тиниқ бўлгани учун таги кўриниб турган дарёчага чиқиб олдик. Дарёнинг тор қирғоқлари ям-яшил дараҳт ва ўсимликларга бурканган эди.

Бу ерда қалин бутазор ўрнига қамиш ўсишини пайқамайдиган одам бу дарёнинг борлигини билмаслиги мумкин. Шу дарё орқасидан сеҳрли олам бошланарди.

Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам зўр сеҳрли олам эди. Инсоннинг энг зўкко ақл-идрокигина мана шундай манзарани чиза олади. Бошимиз узра қалин шох-шаббалар чирмашиб, табиий яшил гумбаз ҳосил қилган, ана шу жонли туннель аро тип-тиниқ зилол дарё суви жимиirlаб оқади. Ўзи гўзал бўлмиш бу дарё сувининг бир ҳуснига яшилликка бўялиб тушаётган қуёш нурлари ўн ҳусн қўшарди. Биллурдек шаффоф, кўзгудек қўзғалмас, қирғоққа яқин жойлари кўкариб борувчи айсбергдек сув сатҳи бамисоли нақшин равоқларни эслатувчи барглар гулчамбари орасида эшкакларимиз зарбидан парча-парча бўлиб ялтиради. Бу ҳақиқатан ҳам мўъжизалар мамлакатига олиб борса арзийдиган муносиб йўл эди.

Энди ҳиндуларнинг товуши эшитилмасди, бунинг ўрнига ҳайвонлар тез-тез учрай бошлади, уларнинг бамайлихотир юришларидан ҳали овчига дуч келмаганликларини билса бўларди, сержун, қора дуҳобадек майин, тишлари оппоқ, кўзлари айёrona ўйноқи маймунлар қулоқни қоматга келтирувчи бақириқ-чақириқлари билан бизни кузатиб қолишади. Баъзан америка тимсоҳи — кайман оғир шалоплаб қирғоқдан ўзини сувга ташлаб қолади. Битта семиз тапир-қисқа хартумли сутэмизувчи ҳайвон — бута орасидан мўралаб, бир минутча турди-да, вазмин қадамлар билан дараҳтзорга кириб, ғойиб бўлди. Кейин дараҳтлар орасида йирик пума — америка ёввойи мушуги кўргингандек бўлди; у кета туриб, сариқ елкаси оша бизга бир қараган эди, ғазаб тўла кўк кўзлари ялтиллаб кетди. Бу ерда қушлар, айниқса, ботқоқлик қушлари ниҳоятда кўп. Сув узра юксалган дараҳт тепасига ибислар — америка лайлаклари, қарқаралар — зангори, тўқ-қизил, оппоқ патли қушлар гала-гала бўлишиб ошиён қурганлар, шаффофдек тиниқ сувда эса камалакнинг ҳамма нурлари билан товланаётган балиқлар гужгон ўйнайди.

Биз ана шу заррин-зилол туннель бўйлаб уч кун суздик. Узоққа тикилиб қарасанг, зилол сув қаердан бошланади-ю, унинг устига тўнкарилган яшил гумбаз қаердан

бошланади — билиб бўлмайди. Бу дарёнинг сокин тинчлигини, бокиралигини ҳеч нима бузганмас — бу ерларга инсон қадами ҳали етмаган эди.

— Хиндулар йўқ. Улар Қурипуридан қўрқишиади,— деб қўйди бир маҳал Гомес.

— Қурипури дегани — ўрмон деви,— тушунтирид лорд Жон. Бу ердагилар жамики ёмонликка сабаб бўлувчилаарни шу ном билан аташади. Бояқиш маҳаллий кишилар бу жойларга бош суқишига ҳам қўрқадилар — уларнинг назарида бу ерларда аллақандай қўрқинчли махлуқлар бордек.

Учинчи куни қайиқлар билан хайрлашишимиз кераклиги равшан бўлиб қолди: дарё тобора саёзланаверди, қайиқларнинг таги қумда сирғанавериб безор қилди. Ахийри биз уларни сувдан чиқардик-да, ўзимиз тұнаш учун қирғоқдаги бутазорга қўндиқ. Эрталаб лорд Жон билан мен — иккимиз дарёга параллель равишида икки милча юриб, дарё борган сари саёзланаётганига ишонч ҳосил қилиб қайтдик. Бу хабарни профессор Челленжерга етказиб, шу билан унинг тахмини тўғрилигини тасдиқладик ва бундан буён қайиқларда юриш мумкин эмаслигини, охирги нуқтага етганимизни маълум қилдик. Биз қайиқларни юқорига, қирғоққа олиб чиқиб, шох-шабба тагига яшириб қўйдик-да, қайтаётганимизда топиш осон бўлсин учун ёнидаги дарахтга белги чизиб, маълумладик. Кейин асбоб-анжомларни — милтиқ, ўқ-дори, озиқ-овқат, кўрпа-ёстиқ дегандай,— майд-чуйдаларни бўлашиб олиб, бўғча-бўғча қилиб елкаларимизга ортмоқлаб, сафаримизнинг энг оғир ва қийин бўлагини босиб ўтиш учун яна йўлга равона бўлдик.

Эртамиз, баҳтга қарши, икки хўрозимизнинг олишуви билан бошланди. Уларга қўшилган Челленжер профессор Саммерлининг очиқ норозилигига қарамай, экспедицияга раҳбарликни ўз қўлига олди. Челленжер ҳамкасабасига биринчи буйруқни бериши биланоқ (бор-йўғи, анероид барометрни кўтарволинг, деганди холос) балога қолди.

— Сўрашга рухсат этинг, сэр,— деди қўрқинчли бир хотиржамлик билан Саммерли,— бизга буйруқ қилишга қандай ҳуқуқингиз бор?

Челленжер пов этиб ёниб, ҳар бир туки тиккайиб кетди:

— Экспедиция бошлиғи ҳуқуқидан фойдаланиб, профессор Саммерли!

— Мен сизни раҳбар сифатида тан олмаслигимни из-ҳор қилишга мажбурман, сэр.

— Э, бундоқ денг! — Челленжер бамисоли фил виқори билан уни мазах қилғандек таъзимга эгилди. — Унда менинг ўрним ораларингда қаерда бўлишини сиз, муҳтарам зот, лутфу карамингизни дариф тутмай, кўрсатиб берарсиз?

— Марҳамат, сэр. Сиз — гаплари шубҳа остига олинган одамсиз, биз бўлсанк — сизни текшириш учун тузиған комиссия аъзоларимиз. Сиз ўз ҳакамларингиз билан юрибсиз, сэр!

— Э, шафқатли парвардигор! — хитоб қилди Челленжер тўнтариб қўйилган қайиқ устига ўтиаркан. — Ундей бўлса, ўз йўлингиздан бораверинг, мен эсам шошмасдан орқангиздан кетавераман. Бу экспедицияга бошлил қилмаганимдан кейин унинг олдида боришимнинг ҳожати ўйқ.

Оллоҳнинг инояти билан, хайриятки, экспедициямизда ақли расо кишилардан икки инсон бор экан — лорд Жон билан мен — бўлмаса зукко олимларимизнинг аҳмоқона қилиқлари ва даҳанаки жанглари туфайли Лондонга қўлимиғизни бурнимизга тиқиб келган бўлардик. Уларни босиб тинчитгунча ўлиб бўлдик — койидик, ялиндик, тушунтиридик! Ниҳоят, Саммерли трубкасини торта-торта жиркангандек тиржайиб, олға юрди, Челленжер бўлса, вайсай-вайсай унинг кетидан бирор судрагандек қадам босди. Бахтимизга, иккала донишмандимиз шундан бир неча кун аввал эдинбурглик доктор Иллингвортни бир фақирга ҳам олмай келишаётганини пайқаб қолгандик, шу парса жонимизга оро кирди. Шундай қилиб, шотландиялик зоологнинг номини тилга олишимиз биланоқ қайнаб турган мунозара таққа тўхтаб, иккала профессор муваққат иттиғоқ тузишиб, ўзларининг умумий муҳолифларини ёмонлаб кетишиди.

Турнақатор бўлиб қирғоқ бўйлаб борарканмиз, тез орада дарёning тобора торайиб, анҳорга айланиб қолганини, анҳор эса ўз навбатида булутсимон гиёҳлар босиб ётган, тиззамизгача ботиб кетадиган ботқоқлик бағрига сингиб, ўйқ бўлиб кетаётганини кўрдик. Бу ерда пашша ва турли-туман чивинларнинг галалари қуюқ булутдек ғужғон ўйнарди, бундан бир оз енгил тортиб, қаттиқ ерга оёқ қўйдик; ўрмонни айланиб ўтиш учун узоқ йўл босиб, бу бадбахт ботқоқликни ортда қолдирдик. Ундаги даррандаларнинг ғувиллаши узоқ вақтгача қулоқларимиздан кетмади.

Қайиқларни яшириб қўйганимизнинг эртасига бу ерларнинг характеристи кескин ўзгарди. Доимо юқорилаб бо-

ришимизга түғри келди, ўрмон борган сари сийраклашиб, ўзининг тропик тароватини йўқотиб файзизланаверди. Амазонка водийсининг балчиқсимон лойи билан озуқаланган азамат дараҳтлар ўрнини кокос ва хурмо дараҳтлари эгаллаб борди. Улар чангальзорлар орасида ғуж-ғуж бўлиб ўсишганди. Намтоб пасттекисликларда япроқлари ергача тегадиган пальмалар ўсади. Биз асосан компасга қараб юрадик, шу фурсатда Челленжер билан икки ҳинду ўртасида қайси йўлдан бориш масаласида жанжал чиқди, икки марта ҳам биз танлаган йўл профессорнинг раъйига зид келди, буни у дарғазаб бўлиб: «Ҳозирги замон Европа маданиятининг муқаммал маҳсулидан бебаҳра қолиб, ибтидоий ёввойиларнинг алдамчи инстинктларига ишониш»,— деб баҳолади. Учинчи куни биз ҳиндуларга ишониб, түғри иш қилганимиз маълум бўлди. Челленжернинг ўзи биринчи саёҳати давридан эсида қолган баъзи белгиларни таниди, бир ерда эса куйган тўртта тошга дуч келдик: бу Челленжер аввал ошиён қурган жой изларидан нишона эди.

Юқорига чиқиш ҳамон давом этарди; улкан-улкан харсанглар тўмпайиб-тўмпайиб ётган тепалиқдан ўтишга икки кун вақтимиз кетди. Ўт-ўланларнинг турқи-таровати яна ўзгарди, аввалги тропик гўззаликдан энди «фил суги» пальмалири-ю, кўплаб ажойиб орхидейларгина қолди. Улар орасида камёб Nuttonia Vexillaria ажойиб каттлен ва одонто глоссумларнинг пушти ва қирмизи гулларини ажратишини билиб олгандим. Тепалиқдаги ёриқлар-аро майда тошлар тагидан оқаётган булоқлар бўйида папоротниклар ўсиб ётарди. Оқшомлари одатда ўзимизнинг Англиядаги кечқурунги шохона овқат учун пишириладиган хонбалиқни эслатадиган бели кўк-қорамтири балиқчалар гала-гала бўлиб ғужғон ўйнаётган бирор булоқнинг бўйида қўнардик.

Йўл юришимизнинг тўққизинчи куни, менинг ҳисобларимга кўра, қайиқларимиз яширинган жойдан юз йигирма миль масофага узоқлашганимизда дараҳтлар бутунлай сийраклашиб, буталаргина қолди. Бутазорлар ҳам ўз навбатида бепоён бамбуқзорлар билан алмашинди. Бамбуқлар шу қадар қалин ўсишгандики, уларни пичоқ ва ҳиндуларнинг ойболтаси билан қирқиб, ўзимизга йўл очиб борарадик. Бу ишга бир кун — эрталаб соат еттидан кеч соат саккизгача вақтимиз кетди, икки мартағина қисқа муддатга дам олдик, холос. Бундан ҳам баттар чарчатадиган, зерикарли бирор юмушни топиш амримаҳол! Ҳатто бамбуқлари кесилиб йўл очган жойимдан кўрадиган уф-

қим ўн-ўн икки ярдан ошмасди; қолган вақтнинг ҳаммасида оқ парусина кўйлак кийган лорд Жоннинг орқасинигина ҳамда бамбуқлар деворинигина кўрардим, холос. Тиф учидек ингичка қўёш нурлари бамбуқлар оша ерга тушарди. Беш футча тепада — бошимиз узра эса ложувард осмон қўйнида бамбуқ попуклари силкиниб туарди. Бу чакалакзорда қандай ҳайвонлар яшашини билмайман-у, лекин жудаям яқинимизда аллақандай маҳлуқнинг оғир-оғир қадам босиб келаётганини бир неча марта эшигдик. Лорд Жон, бу Жанубий Америка туяларидан гуанако ёки лама бўлса керак, деб ўйлади. Қош қорайгандагина бамбуқзордан чиқиб олдик, охири тугамайдигандек туолган бу кунни адо қилиб, росаям чарчаб-ҳориб, дархол қўналға — лагерь туздик.

Эртасига тонг отиши биланоқ йўлга тушдик. Яна жойнинг характеристи ўзгара бошлади. Орқамизда қолган бамбуқларнинг сариқ девори кўзга яқол кўриниб туарди. Олдимизда у ер-бу ерида яккам-дуккам дарахтсизон папоротниклар ўсган, ўзи эса сағриси китнинг гавдасига ўхшаб кетадиган тобора юқорилаб борадиган бийдай яланглик ястаниб ётарди. Биз бу тепаликдан чошгоҳга яқин ошиб ўтдик, унинг нарёғида водий кўринди, ўёғи эса уфқ томон аста-секин юмалоқлашиб борадиган нишаблик. Бу ерда, тепаликлар силсиласидан бирида ажаб воқеа бўлиб ўтди, унинг қанчалик муҳимлиги кейинги тафсилотлардан маълум бўлади.

Икки ҳинду билан бирга қадам ташлаб бораётган профессор Челленжер қўққисдан тўхтади-да, ўнг томондаги алланимага ишора қилиб, ҳаяжон билан қўлини силкий бошлади. Биз ўша томонга қараб, тахминан бир миль наридаги улкан қулранг қушга ўхшаган бир нарсага кўзимиз тушди. Қуш ер узра пастлаб қанотларини бир мароммада шошмай қоқиб, дарахтлар орқасида кўздан ғойиб бўлди.

— Қўрдиларингизми? — қичқирди Челленжер тантанавор товуш билан.— Сammerли, сиз ҳам кўрдингиз, а?

Унинг ҳамкасабаси ғалати қуш ғойиб бўлган томондан кўзини узмай туарди.

— Сизнингча, бу нима ўзи? — сўради у.

— Нима деганингиз нимаси? Птеродактиль!

Сammerли истеҳзо билан хохолаб кулди.

— Сохтаптеро денг! — деди у.— Бу турна, энг оддий турнанинг ўзи.

Челленжер хит бўлиб, тили калимага келмай қолди. У жавоб бериш ўрнига юк-япағини елкасига ортди-да, олға

юриб кетди. Лекин мен билан ёнма-ён бораётган лорд Жоннинг қиёфаси одатдагидан жиддийроқ эди. Унинг қўлида — цейсовск дурбини.

— Мен ҳар қалай уни яхшигина кўриб олдим,— деди у.— Бунинг нималигини билмайман-у, лекин овчилик таж-рибамни гаровга қўйиб айтаманки, бунақа қушни умримда кўрмаганман.

Ишларимиз мана шунақа. Ҳақиқатан ҳам Номаълум мамлакатга етиб келдикми, раҳбаримиз оғзидан тушмайдиган йўқолган олам остонасида турибмизми? Менинг ёзувларимни ўқисангиз, ўзим қанча нарса билсам, сиз ҳам шунчалик биласиз. Бунақа воқеалар ортиқ қайтарилмади, ўша куни ҳаётимиизда бошқа ҳеч қандай муҳим янгилик рўй бермади.

Шундай қилиб, азиз китобхонларим, сизларга қачонлардир мен билан ҳамсұҳбат бўлиш насиб этса, биз сизлар билан кенг дарё бўйлаб юқорига қўтарилидик, қамишлар оша ўтиб, яшил туннелга кирдик, пальмалар тагидан юриб, қиямалиқдан тушиб бордик, бамбуқзордан бир амаллаб чиқиб олиб, дараҳтсимон папоротниклар ўсиб ётган текисликка тушдик, мана энди саёҳатимиздан кўзлаган манзилимиз рўпарамизда турипти.

Тепаликларнинг иккинчи силсиласидан ўтгач, пальма дараҳтлари билан қопланган торгина водийни кўрдик; водий орқасидаги қизил қояларнинг узун чизиги альбомдаги суратлардан кўзимга танишдек туюлди. Ҳозир кўрганларимни ёзаяпман-у, лекин кўз олдимиздаги бу қояларнинг ўша альбомдаги тасвир билан ўхшашлиги шубҳасиз. Бу қоялар билан қўналғамиз орасидаги энг қисқа масофа етти милдан ошмайди, қоялар силсиласи анча нарида бурилиб, кўз илғамас уфққа сингиб кетади.

Челленжер жангда ғолиб чиққан хўроздек терисига сиғмай лагерь бўйлаб ўёқдан-буёққа юргани-юрган; Саммерли чурқ этмайди, лекин аввалгидек шубҳаланишини қўймайди. Яна бир кун ўтса бас, ҳамма шубҳаларимиз бартараф бўлади. Ҳозирча мен бу хатни бамбуқзорда қўлини кесиб олган ва қўйиб юборишимизни талаб қилаётган Хоседан жўнатаяпман. Хат ҳар қалай, эгасига тегишига ишонаман. Имконият туғилиши биланоқ яна ёзаман. Хатимда баён қилган нарсаларимни тушунишларингда ёрдам берар деган умидда саёҳатимизнинг тахмиий планини ҳам мақоламга илова қилдим.

«БУ КИМНИНГ ҲАМ ТУШИГА ҚИРИПТИ ДЕЙСИЗ?»

Катта фалокатга йўлиқдик. Бу кимнинг ҳам тушига қирипти дейсиз? Энди бошимизга фалокат устига фалокат ёғилавермаса гўрга эди. Балки мана шу сирли, одам боласи оёқ босмаган дашту биёбонда бир умр қолиб кетармиз. Юз берган воқеа мени шу қадар гангитиб қўйдик, шу чоққача нималар бўлаётганиниям, келажакда нималар юз беришиниям англолмай қолдим. Бугуним озор чеккан миямга даҳшат солса, эртам зим-зиё тундек қоп-қоронги эди.

Бундай оғир аҳволга тушган бошқа одамни топиш амримаҳол. Аҳволимиз шу қадар иҷодий, мен сизга бу тоғлар силсиласининг аниқ координатларини маълум қилиб, дўстлардан қутқариш партияси юборинглар, деб сўрашни лозим деб ҳисоблайман. Шундай партияни тузиб юборишгандарида ҳам, унинг Жанубий Америкага етиб келгуничаёқ бизнинг тақдиримиз ҳал бўлиб қолиши турган гап эди. Менинг уч ҳамроҳим тегирмонга тушса бутун чиқадиган одамлар, ҳар бири камоли зукко, матонатли ва жасур киши. Бизнинг умидимиз шундан, худди мана шундан.

Ҳа, биз худди Ойга бориб тушгандек ҳар қандай ёрдам келишидан умидимизни узган эдик. Мабодо бу фалокатдан қутулиб кета олсан, фақат ўз кучимиздан мадад оламиз. Ўртоқларимнинг сокин чеҳраларига боққанимда, умидсизлик зулмати тарқалиб кетгандек бўлади. Узим ҳам шундай саботлилигим билан ғурурланаман, дейишга журъат этаман. Аслини олганда эса, оғир шубҳалар ичida изтироб чекардим.

Энди келинг, бизнинг бошимизга тушган фалокатнинг ҳамма тафсилотларини бирма-бир баён қилиб беришга ижозат этинг.

Мен кейинги ҳисоботимда профессор Челленжер айтган тоғлар силсиласи ҳалқадек ўраб олган бийдай даштдан етти миль масофада турганимизни ёзган эдим. Гуруҳимиз, бу ясситоғ яқинига келганда, профессор унинг баландлигини анча камайтириб айтгандек туюлди менга, унинг баъзи жойлари етти фут келаркан камида. Айтидан, бу қоялар базалыт жинсларидан ташкил топган бўлса-да, улар турли-туман қатламлардан иборат эканлиги ҳам кўзга ташланарди. Эдинбург яқинидаги Селисберий қояшлари ҳам шунақалигини кўриш мумкин эди. Тоғлар

силсиласининг чўққиси ўт-ўланларга бурканган, қоялар-нинг четларида буталар, уларнинг орқасида эса баланд-баланд дараҳтлар ўсиб ётипти. Тирик жон зоти бу ерда йўқ, албатта.

Уша кечаси биз тоғлар силсиласининг шундоқ этагида, бўм-бўш, бефайз бир майдонда лагерь қурдик. Тепамизда юксалган қизил қоялар ниҳоятда типпа-тик бўлиб қолмай, четлари эгилиброқ турганидан бу томондан уларга чиқишнинг иложи йўқ эди. Лагеримиз яқинида тепаси торайиб борадиган қоятош тиккайиб турипти. Мен бу қоятош ҳақида боя гапирган эдим, шекилли. У черковларнинг тепасидаги учи ингичкалашиб борадиган наизага ўхшарди. Дараҳтлар билан қопланган чўққисининг баландлиги ясситоғнинг баландлигига тенг келиб қолади, улар орасини жарлик ажратиб туради, холос. Бу қоятош билан унга яқин тоғлар силсиласининг тармоғи унча юксак эмас — назаримда, беш юз-олти юз фут келар, ундан баландмас эди.

— Мен отиб олган птеродактиль худди мана шу дараҳтга қўниб турган эди,— деди профессор.— Қоятошнинг ярмигача тирмашиб чиқибман. Менга ўхшаган яхши альпинист чўққига ҳам бемалол чиқа олади, деб ўйлайман, аммо бари бир ясситоғнинг чўққисига чиқиш мумкин эмас.

Челленжер ўзининг птеродактили ҳақида гап сотаркан, мен профессор Саммерлини кузатардим ва унинг хулқатворида илк бор аллақандай янгилик сездим; у мухолифига рўйи-рост ишониб, ҳатто пушаймон аломатларини ҳам зоҳир қила бошлиганди. Унинг лабларидан нохуш заҳарханда фойиб бўлган, ранги қум ўчганча, ҳайратини яширишга уринмасди ҳам. Челленжер ҳам унинг бу ҳолатини сезган шекилли, ғалаба нашидасини суроётганди.

— Мен птеродактиль ҳақида гапирганимда профессор Саммерли, албатта, оддий лайлакни кўзда тутаяпти,— деди у қўполлик билан кесатиб,— лекин бу лайлакда пат деган нарса йўқ, баданини ғайритабиий тери қоплаган, қанотлари орасида парда бор, тумшуғида эса қатор-қатор тиш.

Челленжер у томон қуллуқ қилиб энгашди, кўзларини қисиб қўйди; ҳамкасабаси бунга чидай олмай ундан узоқлашди.

Эрталаб озиқ-овқатни иқтисод қилишимиз зарур бўлгани учун қаҳва ва маниок¹ билан енгилгина ионушта

¹ Маниок — сутли ўсимликлар оиласига мансуб гиёҳ, илдизи, мевасини пишириб ейиш мумкин.

қилиб олганимиздан сўнг, ҳарбий кенгаш чақириб, ясси-
тоғ устига қандай кўтарилиш масаласини муҳокама қил-
дик.

Профессор Челленжер мисли кўрилмаган бир тантана-
ворлик билан раислик қилди — олиймақом тахтидан туш-
са ўлиб қолар.

Мана шундай бир манзарани қўзингиз олдига келти-
ринг-а: похол шляпасини бошига қўндириб олган бу сер-
соқол киши қовоқларини қисганича бизга тикилиб, ҳозир-
ги аҳволимиз ва бундан бўёниг режаларимиз тўғрисида
сўзлаяпти. Унинг олдидা биз учаламиз: тоза ҳавода мири-
қиб, бақувват бўлиб, қорайиб кетган камтарин
қулингиз, аввалги ишончсизлик қиёфасини ўзгартирмай
виқор билан трубкасидаги тамакисини буруқситаётган
Саммерли ва милтиғига суюнганча, бургутона нигоҳини
нотиққа тиккан ориқина лорд Жон пойгакда ўтирибмиз.
Орқамизда эса икки қора метис билан гуж бўлиб олиш-
ган ҳиндулар, олдинда бўлса — ээгу мўлжалимизга етиш
йўлидағо бўлиб турган қовурғасимон қизғиш қоялар
юксалган.

— Бу яссантоққа кўтарилиш учун биринчи келганимда
бор ҳунаримни ишлатганимни гапиришнинг ҳожати бор-
микин? — гапини бошлиди раҳбаримиз.— Мендек тажри-
бали альпинистки буни уddyалай олмагти, бошқаларга йўл
бўлсии. Ростини айтсам, ўшанда ҳеч қанақа альпинистлик
анжомлари йўқ эди-ку-я, лекин мен бу сафар уларни ғам-
лаб келдим, энди нима бўлса ҳам шулар ёрдамида қоя-
нинг чўққисига албатта чиқаман. Айтгандай, тоғнинг бош
чўққисига бу томондан кўтарилиш ҳақида ҳозирча ўйла-
маса ҳам бўлади. Ўтган сафар мен шошилгандим — ёғип-
сочин мавсуми бошланганди, бунинг устига ғамлаб келган
озиқ-овқатларим ҳам тугаёзганди. Ана шу сабабларга кў-
ра вақтим зиқ бўлиб, тоғ чўққисини шарқ томондан олти
милча юриб айланиб ўтишга улгурдим, холос, лекин кў-
тарилиш учун қулай бирор жойни топа олмаган эдим.
Хўш, энди нима қиламиз?

— Менимча, соғлом ақл бизга битта йўлни кўрсатиб
туритти, — гапга тушди профессор Саммерли.— Модомики
сиз бу тоғни шарқ томондан текширган экансиз, энди
ғарбга бориш керак, у томонидан чиқишнинг иложи борми-
йўқми, деб қараш лозим.

— Тўғри, — қувватлади уни лорд Жон.— Менимча, бу
тоғ тизмаси унча катта эмас. Биз уни айланиб ўтамиз-да,
ё керакли нарсани қидириб топамиз, ёхуд чиққан жойи-
мизга қайтиб келамиз.

— Мен навқирон дүстимга,— деди Челленжер (у менга ҳамиша ўн яшар болага мурожаат қилгандек гапирапди), — тушунтирганман-ку, тоққа осонгина чиқиб бўлмайди деб, бунинг сабаби жуда жўн: борди-ю, шундай бўлганида ясситоғ бошқа оламдан кесилиб қолмаган, унда турларнинг яشاши учун бизга маълум бўлмаган қопчуларга зид келувчи барча шарт-шароитлар яратилмаган бўларди. Лекин шунга қарамасдан бу тоғ қиямаликларида тажрибали альпинистлар чиқа оладиган, аммо оғир, бесӯнақай ҳайвонлар ўта олмайдиган жойлар бор деб ҳисоблайман. Ана шундай жойлардан камида биттаси борлигига мен аминман.

— Бундай ишонч билан айтишингиизга сабаб нима, сэр? — шартта сўради ундан Саммерли.

Бунга сабаб ўтмишдошим, америкалик Мепл-Уайтнинг бир амаллаб бу ясситоққа чиқишга муваффақ бўлганидир. Бўлмаса альбомидаги баҳайбат махлуқнинг расмиши қандай чизган бўларди?

— Бинобарин, сиз буларнинг ҳаммаси текширилмасдан олдиноқ йўрғалаб олдинга кетаяпсиз, — қайсалик билан эътиroz билдириди Саммерли. — Мен ясситоғнинг мавжудлигини тан оламан, чунки у кўёз олдимда турипти, лекин унда ҳаёт борлигини ҳали ҳеч ким менга исбот қилиб бергани йўқ.

— Муҳтарам сэр, сиз тан оласизми, олмайсизми, бунинг асло аҳамияти йўқ. Лекин нафсиларни айтганда, ясситоғнинг ўзи борлиги онгингизга етиб борганидан хурсандман, — Челленжер бошини кўтарди-да, ўрнидан сапчиб туриб, Саммерлининг ёқасидан олди, иягина юқори кўтарди. — Қани, айтинг-чи, сэр, — қичқирди бўғилиб хиррилларкан, — ясситоғда ҳайвонлар олами мавжудлигига энди ишондингиэм?

Мен бу тоғлар тизмасининг чети қалин ўт-ўланлар билан қопланганини айтиб ўтгандим. Мана энди ана шу ўт-ўланлар орасида аллақандай қора, ялтироқ мавжудот кўриниб қолди. У секин-аста жар томон судралиб юрди, шунда биз уни яхшилаб кўриб олдик: у боши юмалоқ белкуракка ўҳшаган каттакон илон экан. Илон худди сирлангандек силлиқ тангаларини қуёш нурларида жилвалантиргандек жар ёқасида бир минутча лапанглаб турди-да, кейин орқасига қайрилиб, буталар орасида ғойиб бўлди.

Бу манзара Саммерлини шунчалик маҳлиё қилиб қўйган эдики, у ҳатто Челленжернинг чангалидан қутулиб кетишига ҳам ҳаракат қилмасди, лекин илон ғойиб бўлгач,

у ҳамкасабасини итариб юборди-да, яна ўзини ғоз тутди.

— Профессор Челленжер,— деди у,— ўз сўзларингизнинг ростлигига ишонтириш учун бошимни осмонга қаратишдан бошқачароқ усул қўллаганингизда, жуда хурсанд бўлур эдим. Ҳатто жайдари бўғма илоннинг пайдо бўлиши ҳам бу бебошлигинизни оқлай олмайди.

— Ҳар қалай, ясситоғда ҳаёт бор! — тантанавор қичқирди унинг ҳамкасабаси.— Мана энди, менинг тезисим шу қадар аниқ далил билан тасдиқлангач, уни ҳатто энг калтабин қайсарлар ҳам шубҳа остига ооломмайди, қўналғамизни тарқ этиб, тоққа чиқса бўладиган жойни топиш учун гарб томон жилишни таклиф қиласман.

Тоғнинг этаклари тошлоқ, нотекис бўлгани учун биз секин, қийинчлик билан олға силжирдик. Лекин беҳосдан оёғимиз остидан чиқиб қолган топилма бизни руҳлантариб юборди: биз аллакимларнинг бурунги қўналғасига дуч келган эдик. Тошлар орасида чикаго гўшт консервлари банкаларидан бир нечтаси, уларни очадиган синиқ пичноқ, «Конъяқ» ёзувли шиша ва бундай жойларда бўладиган бошқа майдा-чўйдалар ивирсиб ётарди. Гижимлаб ташланган қофоз «Чикаго демократи» газетаси бўлса ҳам унинг қачон чиққанини била олмадик.

— Менини эмас,— деди Челленжер.— Буларни Мепл-Уайт қолдирган бўлиши керак.

Лорд Жон қўналға соясига жойлашган баланд дараҳтсимон папоротникнинг танасига синчковлик билан узоқ тикилди.

— Буни қаранглар-а,— деди у.— Менимча, бу йўл кўрсатувчи устунга ўхшайди.

Дараҳтлар ўткир учини ғарбга қаратиб, пайраха қоқиб қўйилипти.

— Мутлақо тўғри! — деди Челленжер қичқириб.— Шундай бўлиши керак-да! Ўтмишдошимиз олдиндаги йўли хатарли эканлигини билиб, мабодо мени қидириб қолишиша, топишсин деб, ана шу белгини қолдирган. Тўхтаб туринглар, ҳали яна бошқа нарсалар ҳам топиб олармиз.

У ҳақ бўлиб чиқди, лекин биз кўрган нарса фавқулодда кутилмаган ва ниҳоятда қўрқинчли бўлиб чиқди! Тоғнинг шундоққина этағида баланд ўсган бамбуқлар зич саф тортган эди, бундай бамбуқзордан саёҳатимизнинг дастлабки кунларида ўтгунча ўлиб бўлган эдик. Бамбуқ поялари баъзан йигирма футдан ҳам узун бўлиб, қозиқнинг найзасидек ўткир, бақувват учлари эса кўкка санчилгандек диккайиб-диккайиб турарди. Биз ана шу бамбуқлар қатори ёнидан борарканмиз, қўққисдан аллақан-

дай оқ нарсанинг ялт этиб кетганини пайқаб қолдик. Мен поялар орасига бошимни суққан эдим, одамнинг бош суганини кўриб қолдим. Ундан бир неча қадам жойда, чеккароқда скелетнинг ўзи ҳам ер билан бўлиб ётарди.

Ҳиндулар пичоқларини ишга солиб тезлик билан буерни очиб, тозалашган эди, бунда юз берган фожия бутун тафсилотлари билан кўз олдимизда намоён бўлди-қўйди. Ҳалок бўлган кишининг кийимлари чириб, увадаларигина қолипти, қоқ сугиги қолган оёғидаги бошмоғи ҳали бутун, унга қараб бу пойафзалнинг собиқ эгаси европалик деб ҳукм чиқариш мумкин эди. Суяклар орасида Нью-Йоркдаги «Гудзон» фирмаси ишлаб чиқарган олтин соат, занжирга маҳкамланган стилографик қалам ётарди. Қопқоғига «Ж. К.га А. Э. С. дан» деб ўйиб ёзилган. кумуш портсигар ҳам, шу ерда ётарди. Портсигар ҳали қорайиб улгурмаган, демак, баҳтсиз ҳодиса юз берганига кўп вақт бўлган эмас.

— Бу ким ўзи? — сўради лорд Жон. — Эҳ, бечора, биттаям сугиги бутун қолмалти-я!

— Қобирғалари орасидан бамбуқ ҳам ўсиб чиқипти, — деди Саммерли. — Аслида-ку, бамбуқ жуда тез ўсади-я, лекин скелет бу ерда ётганидан буён унинг пояси йигирма фут баландга кўтарилганига ақлинг бовар қилмайди.

— Ҳалок бўлган кишининг шахси масаласига келганимизда, — деди Челленжер, — бу хусусда менда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Гациендда сизларга қўшилишдан олдинроқ Мепл-Уайт ҳақида аниқ маълумотлар олганман. Пара шаҳрида ҳеч ким уни танимас экан. Бахтимга, унинг альбомидаги битта расм жонга оро кириб, мени тўғри йўлга солиб юборди. Росариодаги аллақайси руҳоний уйидаги ионушта тасвиirlанган расм эсингиздами? Мен ана шу руҳонийни қидириб топишга муввафқақ бўлдим, гарчи бу одам али десанг, бали дейдиган қайсар, диний эътиқодлар ҳозирги замон фанининг бузғунчилик ҳаракатларига тоб беролмаслигини исботлашга уринаётганимда жizzакилик қилиб, жаҳли чиққан бўлса-да, ҳар қалай, суҳбатимиз зое кетмади. Мепл-Уайт Росариога тўрт йил бурун, яъни ўлимидан икки йил аввал келган экан. У ёлғиз бўлмай, америкалик Жеймс Колвер деган дўсти саёҳатда унга ҳамроҳлик қилган экан, аммо у қирғоқча тушмаган ва руҳоний билан кўришмаган. Шунинг учун ҳам рӯпарамиздаги скелет худди ана шу Жеймс Колверники эканлигига шубҳа қилмасак бўлади.

— Унинг ҳалокати шарт-шароитлари ҳам ана шундай шубҳага жуда кам ўрин қолдиради, — деди лорд Жон. —

Ү қоядан йиқилиб тушган ё бўлмаса, тепадан ташлаб юборилгану бомбукка санчилган. Бўлмаса суюкларининг синганини изоҳлаб бўлмайди. Бунинг устига бамбук унинг баданини бунчалик тез тешиб ўсиб кетолмасди.

Биз олдимизда ётган суюкларни чурқ этмай кўздан кечирар эканмиз, лорд Жон Рокстон айтган гапларнинг мағизини чақиб, мулоҳаза юритардик. Қоянинг чиқиб тургани жойи бамбуқзор узра бамисоли оғир болғадек осилиб туради. Америкалик ўша ердан тушиб кетган. Лекин ўзи йиқилганмикин? Бу ҳақиқатан ҳам бахтсиз ҳодисамикин? Балки... Бу Номаълум мамлакат кўзимизга аллақандай мудҳиш ва қўрқинчли кўриниб кетди.

Биз орадаги сукутни бузмай йўлга тушиб, рибоятларга ишониладиган бўлинса, ўркач-ўркач тўлқинлари кемаларнинг мачталари узра баланд кўтарилиб-кўтарилиб турадиган уфқдан-уфқа чўзилиб кетган бепоён Арктика музликларини эслатадиган тик ва силлиқ тош деворлар ёнидан олға боравердик. Беш миль йўл юрсак-да, бу қоялар силсиласида битта ҳам ёриқни, ҳатто дарз кетган жойни учратмадик. Лекин бирдан қаршимизда умид учқуни ялт. этиб кетди. Ёмғир зарралари туша олмайдиган чуқурчада аввалгидек гарбга юришни кўрсатувчи ўқ бўр билан чизиб кўрсатилган эди.

— Яна Мепл-Уайт,— деди профессор Челленжер.— У, афтидан, менинг изимдан меҳрибон, ғамхўр кишилар келишади-ку, деб ҳис қилган бўлса керак-да.

— Демак, унинг ёнида бўр бўлган экан-да?

— Бўлмаса-чи! Унинг йўл халтасида пастель қаламлари билан роса бир яшик бўр бор эди. Оқ қаламининг қолдигини кўргандай бўлганим эсимга тушди.

— Жуда ишончли далил,— деди Саммерли.— Хўш, қани унинг ишораларига амал қилиб, гарб томон юраверайлик-чи.

Биз яна беш миль йўл юрганимиздан кейин қояга чи-вилган оқ ўқни кўрдик. Мана шу ердаги тош деворда биринчи торгина ёриқ пайдо бўлди. Ёриқда яна ўқ чизилган бўлиб, у қаёққадир юқорига ишора қилиб турарди.

О, нақадар сўлим, шукухли бу диёр! Бошларидаги улкан-улкан қоялар кўкка бўй чўзган, зангори осмонда пағапаға булатлар сузади, тангадек офтоб тушмайди, икки қайта ўраб турган яшилликдан қуёш нури ўта олмайди. Биз бир неча соатдан бери ҳеч нарса еганимиз йўқ, тош йўлдан қийналиб юришимиз тозаям тинкамизни қуритган, шундай жойда тўқтаб, ором олмай бўладими! Ҳиндулар-

га чодир тикишни буюрдик-да, тўртовимиз икки метис ҳамкорлигига тор даранинг ичи томон юрдик.

Даранинг оғзи энига қирқ футдан зиёд бўлса-да, кейин тезда торайиб-торайиб, охири қиямаликка тақалади, у жудаям нишаб ва сирғанчиқ бўлганидан бу ердан юқорига чиқиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бизнинг ўтмишдошимиз бундан бошқа жойни кўзда тутгани аниқ. Орқамизга қайтдик — даранинг чуқурлиги бор-йўғи чорак милча келарди, бирдан лорд Жоннинг ўтқир кўзи бизга керак бўлган нарсага тушиб қолди. Шундоққина боши мизда, баландда, зим-зие жойда янада қоп-қора доғ кўринди. Бу, шубҳасиз, аллақандай ғорнинг оғзи эди.

Водий этагида тошлар уймалашиб ётгани учун тепа-га қийналмай чиқа олдик. Ҳамма шак-шубҳаларимиз бартараф бўлди. Мана ўша ғорга кириладиган жой, унинг олдида яна бўр билан чизилган ўқ! Демак, шу ердан, худди мана шу жойнинг ўзидан Мепл-Уайт ва унинг баҳтиқаро ҳамроҳи ясситоғ тепасига кўтарила бошлаган.

Биз шу қадар ҳаяжонланиб кетдикки, ҳатто лагеримизга қайтиб боришиям ўйламай қолдик. Тезлик билан ғорни текшириб чиқишини хоҳлардик. Лорд Жон ягона нур маңбаимиз хизматини ўташи керак бўлгай электр фонарчасини елкасига осиб олган қопчиғидан чиқариб, қояларга сариқ нурлар тушириб олға юрдик. Ундан кейинда қолмай борардик.

Деворларининг силлиқлигига, уюм-уюм тошларининг юмaloқлигига қараганда, қояларнинг бу чуқурини сув ювиб кетган эди. Унинг ичига битта-битта бўлиб, жудаям энгашиб зўрға кира олдик. Даастлабки эллик ярд масофа давомида гор қоя ичига чуқурлашиб борди, кейин эса қирқ беш даража бурчак ҳосил қилиб, юқорига кўтарила бошлади. Тезда кўтарилиш янада тиклашди ва биз майда, сочилиб турган шағал устидан эмаклаб юришга мажбур бўлдик. Яна бир неча минут ўтар-ўтмас лорд Рокстон қичқириб юборди:

— Бүёғига йўл йўқ!

Унинг орқасидан тиқилишиб, фонарнинг сариқ ёруғида уваланиб тушиб, ғорнинг шифтигача уюлиб кетган базальт жинсларини кўрдик.

— Ўпирлиш!

Биз бир неча тошни олиб ташладик, лекин бунинг фойдаси бўлмади, катта-катта тошлар лиқиллаб қолди, холос, улар қулаб тушиб бизни босиб қолиши мумкин эди. Бундай тўсиқдан ўтишга кучимиз етмаслиги аниқ. Мепл-Уайт борган йўл энди йўқ.

Бу ҳолдан ниҳоятда ээлилиб, чурқ этмай орқамизга қайтиб, қоронғи дарада каловланиб юрдик. Лекин шу ерда бир ҳодиса рўй бериб, бошқа ҳамма воқеалардан ошиб тушди.

Биз дара тубида ғуж бўлиб турганимида қўққисдан ёнгинамиздан каттакон тош учиб ўтди. Бир ўлимдан қолдик. Бу улкан тошнинг қаердан кўчиб тушганини турган жойимиздан кўриб бўлмади, лекин ғор оғзида қолган иккни метиснинг гапига қараганда, тош уларнинг ҳам ёнидан физ этиб ўтган, бинобарин, бу ҳарсанг қоя чўққисидан бошқа жойдан тушган эмас. Биз тепага қарадик, лекин қоя четларини ҳошиядек ўраб олган ўт-ўланлар орасида қўйилт этган ҳаракат сезилмасди. Шундай бўлса-да, тош бизга мўлжалланганлигига ҳеч биримиз шубҳаланмасдик. Демак, ясситоғ устида одамлар бор, улардан энг ёмон нарсаларни кутиш мумкин!

Биз бу кутилмаган воқеа режаларимизни бузиб юбордомаса гўрга эди деган фикрда шошилинч равишда дарадан чиқдик. Аҳволимиз бусиз ҳам оғир эди, табиатнинг ўзи қўйган ғов ҳам етмаганидек, ёмон ниятли кишиларнинг ғулуси ҳам қўшилса, ҳолимиз нима кечаркин?! Иккинчи ёқдан, бор-йўғи юз футча нарироғимиздаги ана шу қалин ўт-ўланлар орқасида нима борлигини билмасдан Лондонга қайтиб боришига ким ҳам журъат қила оларди? Бу ҳолни муҳокама қилиб, ясситоғни айланиб ўтиб, чўққига чиқиши мумкин бўладиган жойни қидириб топишга қарор қилдик. Қоялар силсиласи энди анча пасайиб, гарбга эмас, шимолга қараб кетганди, агар босиб ўтган йўлиминизни доиранинг бир сектори деб қабул қилсак, демак, доиранинг ҳамма қисми унча катта эмас экан. Ҳеч бўлмаганда бир неча кундан кейин айланиб ўта бошлаган нуқтамизга қайтиб келламиз-ку, ахир.

Шу куни йигирма икки миль йўл юриб ҳеч нимага эриша олмадик. Лекин шуни айтиб қўяйки, анероид барометринг кўрсатишича, қайиқларимизни ташлаб кетган жойимиздан секин-аста денгиз сатҳига нисбатан камида уч миль юқори кўтарилибмиз. Ҳарорат ва ўсимликларнинг ўзгаришига сабаб шу экан-да. Биз тропик ўрмонларда сайёхларнинг жонини эговлайдиган лаънати ҳашаротлардан қариб қутулиб қолгандик. Пальмаларнинг баъзи турлари ҳали учраб туради, дараҳтсизон папоротниклар ҳамон кўплаб ўсиб ётипти, лекин Амазонка ҳавзасида жуда сероб бўладиган баланд дараҳтлардан ному нишон қолмапти. Аммо буларнинг ўрнига шу хўмрайган қоялар орасида жонажон ўлкамизни эслатувчи ўзимизнинг гул-

лардан печак, страстоцвет ва бегонияларни учратиш нақадар қувончи! Стритең күчасидаги бир ҳовлининг дезрасида худди шундай қизил бегония гули ўсиб турганини кўрган эдим... Э, нималар деялман, шахсий хотира-ларга берилиб кетдим шекилли!

Ўша оқшом — биз тоғ силсиласини айланиб ўтган ўша биринчи кунимиз ҳақида гапирайман — шундай воқеага дуч келдикки, бундан кейин бизни фақат мўъжизалар кутаётганига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди.

Азизим мистер Мак-Ардл! Сиз бу сатрларни ўқир экан-сиз, мени редакция илк дафъа буёққа бекорга юбормаган-лигини, профессорнинг рухсати билан чоп этса бўладиган бу материалнинг ниҳоятда қизиқарли эканлигини ҳис қиласиз. Сўзларимнинг ростлигини тасдиқловчи ашёю далиллар билан Англияга эсон-омон қайтиб борсам, ўзимоқ уни эълон қилишга журъат этаман, бўлмаса мени ҳам янги Мюнхгаузен деб юришмасин тағин.

Сиз ҳам балки бу масалада мен билан ҳамфикр бўлсангиз керак, бинобарин, менинг мақолаларим муқаррар қўз-фаши мумкин бўлган танқид ва скептицизмлар бўронидан муносиб равишда муҳофазаланишимизга қодир бўлгунимизча, мазкур материалларни эълон қилмассиз, «Дейли-газетт» нуфузига путур етказмассиз, деб ўйлайман. Шу бойисдан бу гаройиб воқеа ҳақидағи ҳисобот қариямиз «Дейли»га гултождек шов-шувуга сабаб бўлувчи дебоча бўла-ди-да! — столингизда вақти-соатини кутиб ётаверсин.

Ваҳоланки, воқеа бир лаҳзада бўлиб ўтди, ундан мия-ларимизда изларгина қолди.

Воқеа шундай юз берган эди. Лорд Жон чўчқадек келадиган бир ҳайвон — агутини отганди. Гўштининг бир ним-тасини ҳиндуларга бериб, қолганини ўзимиз учун гулханда кабоб қила бошладик. Қоронги туша бошлиши билан бу ер совуқ бўлиб кетади, шунинг учун ҳар биримиз мумкин қадар оловнинг пинжига яқинроқ сүқилиб оламиз. Ойсиз зим-зиё тун бўлса ҳам юлдузлар текислик устини қопла-ган қоронғилик пардасини ёритмоқчидек бўлишарди. Қўқ-қисдан, ана шу қоронғиликдан, ана шу зим-зиё тун қўйни-дан аллақандай бир маҳлуқ аэроплан товушига ўхшаб ҳуштак чалиб, тепадан гулханимиз томон учиб кела бош-лади. Пардали қанотлари худди кўрпадек устимизга ёпил-ди, шу чоғ мен унинг илонникига ўхшаш бўйини, қўп-қи-зил чўғдек ёниб турган қўрқинчли кўзларини, мени ҳай-ратда лол қолдирган майда садафдек тишлар билан тўла каттакон узун тумшуғини кўриб қолдим. Бир лаҳза ҳам ўтмай бу маҳлуқ... кечки овқатга тайёрланаётган емиши-

миз билан бирга ғойиб бўлди-қолди. Энига йигирма фут келадиган улкан қора соя осмони-фалакда парвоз қилиб, баҳайбат, қанотлари юлдузларни тўсиб, тепамизда юксалган қоялар ортида кўздан ғойиб бўлди. Биз ҳаммамиз бамисоли гарпиялар¹ ҳўжумига учраган Виргилий қаҳрамонларига ўхшаб гулханимиз атрофида миқ этмай ўтириб қолдик. Сукутни биринчи бўлиб Саммерли бузди:

— Профессор Челленжер,— тантанавор, ҳаяжондан титроқ товушда деди у,— мен сиздан кечирим сўрашим керак. Мен ноҳақ эканман, сэр, ўтган ишга салавот, унтарсиз деган умиддаман.

Бу гап ўз вақтида яхши айтилганди, иккала олимимиз биринчи марта қўйли сиқиб кўришишди. Птеродактиль билан биринчи бор бевосита учрашивимиз бизга ана шундай қувончли дақиқаларни армуон этди! Бу одамларнинг ярашишлари учун овқатимииздан айрилганимиз ҳам алам қилмади.

Лекин ясситоғда тарихимизгача мавжуд бўлган махлуқлар бўлса бордир, бироқ улар, афтидан, кўпга ўхшамайди, чунки кейинги уч кун ичида унга ўхшаган ҳеч нишмани учратмадик. Шу кунлар давомида биз бийдай, қипяланғоч, юракни сиқадиган ясситогнинг шимолий ва шарқий девори ёқалаб юравердик. Аввалига тошлиқ саҳро, кейин ёввойи қушлари кўп бўлган ғам-андуҳ оғушиладиги ботқоқликларни босиб ўтдик. Бу жойларда одам оёқ босмаган, қояларнинг шундоққина тагидаги мана шу торгина йўл бўлмаганида, орқамизга қайтармидик.

Бу яримтропик ботқоқликлар аталасига неча мартараб белимизгача тушиб кетмадик! Лекин ҳаммасидан даҳшатлиси — Жанубий Американинг энг заҳарли, энг ёвуз илонлари — яракаки эди. Бунақа илонлар шу ботқоқликларда жуда кўп экан. Улар қўланса ботқоқликлардан гала-гала бўлиб чиқишиб, орқамиздан сапчиб қолишарди. Доимо ўқлаб олиб юрган милтиқларимизгина бизни омон сақларди. Мен, эҳтимол, кулранг-кўкимтири қурбақа ўтларга бурканган ботқоқликнинг воронкасимон чуқурларидан бирига тушиб кетганимда кечирган даҳшатли ҳолатимни умрбод унутмасам керак. Ўша чуқур ҳалиги газандаларнинг ини экан, чуқурнинг ёнверларида бу илонлар гужғон ўйнаб ётишган экан, шу ондаёқ биз томон югуришди, чунки яракакилар одамни кўришлари биланоқ унга даф қилишлари билан машҳур-да. Илонларнинг ҳаммасини

Гарпиялар — қадимги юнон мифологиясидаги қанотли йиртқич махлуқлар.

отиб йўқ қилиб бўлармиди, шунинг учун кучимизнинг борича урра қочдик. Тўхтаганимизда орқамга бундоқ қарасам, бизни таъқиб қилувчи даҳшатли махлуқлар қамишлар орасида ўрмалаб келишаяпти, хуружни тўхтатгилари йўқ, мен бу манзарани ҳеч қачон унутмайман. Биз чизаётган харитада бу жойни Илон ботқоғи деб атадик.

Ясситоғининг шарқий томонидаги қоялар қизил эмас, балки тўқ-жигаррангда экан, унинг чўққисида хошиядек бўлиб турган ўт-ўлаилар анча сийраклашиб қолган, лекин тоғ тизмасининг умумий баландлиги уч юз-тўрт юз футча камайган бўлса-да, юқорига кўтарилишимиз учун қулай жой топмадик. Бу ердаги қоялар биз айланиб ўтаётган жойлардагидан ҳам тикроққа ўхшайди. Буларга чиқиб бўлмаслигини тошлоқ саҳро томондан олиб, мазкур ҳисоботга илова қилинган суратдан ҳам билса бўлади.

— Лекин ёмғир сувлари пастга оқиши керак эди-ю,— дедим келгуси ишларимиз муҳокамаси пайтида.— Демак, қиямаликларда ўпқон бўлмаслиги мумкин эмас.

— Навқирои дўстимизнинг ақли баъзан балодек ишлаб, қолади, яхши фикрлар ҳам чиқади,— жавоб берди профессор Челленжер елкамга қоқиб.

— Ёмғир сувлари қаёққадир чиқиб кетиши керак-ку,— тақрорладим мен.

— Қойил, фаҳму фаросатингга балли-э! Ақлу заковатнинг жойида! Лекин фалокат шундаки, биз ана шунаقا ўпқонлардан биттасиниям учратмадик-да.

— Унда сув қаёққа кетади?

— Сизиб чиқадиган жой бўлмаганидан кейин бир ерга йиғилса керак.

— Демак, ясситоғ марказида кўл бор экан-да?

— Шундай бўлса керак.

— Кўл қадимги кратер ўрнида пайдо бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас,— деди Саммерли.— Бу тоғ тизмаси вулқон отилган пайтда бўлган. Ҳар қалай, ўлашимча, ясситоғининг усти ўртасига қараб нишабланиб борса керак, унда эса каттагина резервуар бўлиб, унга йиғилган сув аллақандай еrostи ўйлари билан Илон ботқоғига оқади.

— Ё бўлмаса буғланиб кетади, бу ҳам ҳароратнинг маълум даражада сақланишига кўмаклашади,— дея гап қистириди Челленжер. Шундан кейин олиму зукколар тарки одат-амримаҳол дегандек биздек омилар ҳеч вақони тушунмайдиган илмий баҳсларини бошлашди.

Олтинчи куни биз тоғ тизмасини айланиб ўтиб, пирамидасимон қоянинг поидаги аввалги қўналғамиэга қайтиб келдик. Ҳафсаламиз пир бўлиб, ҳафа бўлиб қайтдик, чун-

ки тоғни айланиб ўтганимиздан кейин энг әпчил, энг довюрак одам ҳам бу ясситоғ устига чиқишга журъат этол-маслигига қатъий ишонч ҳосил қылган эдик. Мепл-Уайт-нинг йўл кўрсатувчи белгилари (афтидан ўзи ҳам шу ишоралардан фойдаланган бўлса керак) бошлаб борадиган дара томонга энди ўтиб бўлмасди.

Энди нима қиламиз? Ғамлаган озиқ-овқатимиз, ов қилиб топган емишларимиз етарли бўлса ҳам, бир кун эмас, бир кун яна овқат излашга мажбур бўламиш-ку. Икки ойдан кейин ёғингарчиликлар бошланади, унда лагерда ўтириб бўлмайди-да. Бу қоялар мармардан ҳам қаттиқ бўлгани учун уни кесиб сўқмоқ йўл қилишга вақтимиз ҳам йўқ, кучимиз ҳам етмас эди. Шунинг учун ҳам ўша кечаси ҳаммамиз ҳўмрайиб бир-биримизга тикилганча, бирор оғиз ортиқча сўз айтмай, кўрпага ўралиб ўтганимизга ажабланмаса ҳам бўлади. Ухлашимдан олдин қизиқ бир манзарани мароқланиб кузатдим: Челленжер бамисоли улкан чўл қурбақасига ўхшаб, гулхан ёнида чўнқайиб, каттакон калласини қўлига тираганча фикрга толган эди, ҳатто «хайрли тун» деганимга ҳам жавоб қилмади.

Аммо эрталаб бутунлай бошқа Челленжерни кўрдик. Бу Челленжер, афтидан, ўзининг мўътабарлигидан ўзи фурурланиб, соқи-сумбати билан талтайиб, ўзидан-ўзи мамнунлигини намойиш қиласди. Ноңушта пайтида ўзини камтарлика олиб, сипо ўтири, туриш-турмушки гўё: «Ҳамма мақтовларингга муносибман, мен буни биламан, мени уялтириб, қизартиравермаларинг», — деяётгандек эди. Соқоли чўччайиб кетган, кўкраги олдинга чиққан, ўнг қўли эса камзулининг орқасида эди. У ўзини Трафальгар-сквердаги ҳали навбатдаги лондон тасқараси эгаллашга улгурмаган шохсупада тургандай тасаввур қиласа керак чоги.

— Эврика! — қичқирди ниҳоят Челленжер соқоли орасидан тишларини ялтиратиб.— Мени табриклиашларинг мумкин, мен эса сизларни табрикласам бўлади. Масала ҳал бўлди!

— Ясситоқча чиқадиган йўлни топдингизми?

— Шундай деб ўйлашга журъат этаман.

— Қаёқдан, айтинг!

Челленжер жавоб ўрнига қўналғамизнинг ўнг томонида юксалиб турган пирамидасимон қояга ишора қиласди. Ҳаммамизнинг афтимиз фалати бўлиб кетди, ҳар қалай ўзимнинг башарам ўзгариб, чўзилиб кетганига кафилман. Челленжернинг сўзларидан мана шу қоя устига кўтарилиш мумкинлигини билдик. Ахир, у билан ясситоғ ўртасида тубсиз жар бор-ку!

— Биз ундан асло ошиб ўта олмаймиз-ку,— дедим мен зўр-базўр.

— Бу чўққига биз бир амаллаб чиқамиз,— деди у.— У ерда эса кўрармиз, балки сизларга сон-саноқсиз кашфиётларимни намойиш қиларман.

Нонуштадан кейин барча альпинистлик асбоб-анжомларимиз жойланган қопни очдик. Ундан темир тирноқларни, ускуналарни, юз эллик фут узунлиқдаги бақувват ва енгил арқонларни олдик. Лорд Жон тажрибали альпинист. Саммерли ҳам альпинистлар қатори қийин кўтарилишларда қатнашган эди, бинобарин, орамиздаги бу ишга илк бор қадам қўювчи ёлғиз мен эканман. Лекин кучғайратим билан завқ-шавқим тажрибасизлигим ўринини босиши керак.

Гарчи баъзан қўрқувдан соchlарим тикка бўлиб кетгани вақтлар ҳам кечган бўлса-да, вазифа уччалик оғир эмасди. Кўтарилишнинг биринчи ярми жуда жўн кўчди, лекин кейин қоятош тобора тиккайиб бораверди, ўттиз фут масофани қийналиб, ҳар бир дўнгга, ҳар бир ёриққа оёқ қўйиб, тирмашиб силжийвердик. Агар Челленжер бўлмаганида мен ҳам, Саммерли ҳам бу қоятошга чиқа олмасдик. У биринчи бўлиб чўққига чиқди-да (шундай семиз одамнинг эпчиллигини кузатишининг ўзи мароқли эди), арқонни ўша ерда ўсаётган катта дараҳтнинг танасига боғлади. Биз унинг ёрдами билан нотекис тош девордан судралиб, юқорига кўтарилавердик, эни йигирма беш фут келадиган ўтўланлар ўсиб ётган майдончага чиқиб олдик. Бу қоятошнинг нақ чўққиси эди.

Нафасимни ростлаб олгач, орқамга қарасам, кўз олдимдаги манзарани кўриб ҳайратда қолдим. Назаримда бутун Бразилия текислиги кўкимтири туман қўйинида узокларга, уфққача чўзилиб, ястаниб ётгандек кўринди. Шундоққина оёғимиз тагидан у ер-бу ерида дараҳтсимон папоротниклар ўсиб ётган, тепаликларининг ўркачидаги эса биз яқинда ўтиб келган сариқ-яшил бамбуқзорлари кўзга яққол ташланиб турган ясситоғ қиямалиги бошланарди. Кеийин буталар ва дараҳтзорлар қуюқлашиб-қуюқлашиб, ниҳоят чангальзорнинг зич деворига айланди; бу чангальзор кўз илғамас пучмоқларга, балки мамлакатнинг роса иккиминг миль ерига чўзилиб кетган эди.

Мен бу мафтункор манзаранинг сеҳирiga берилиб туарман, бирдан профессорнинг оғир қўли елкамга тушганини ҳис қилдим.

— Сиз бүёққа қаранг, навқирон дўстим,— деди у.—

Véstigia nulla retror sum!¹ Олға интилинг, шонли мақса-
димизни күзланг, йигит!

Мен нигоҳимни ясситоғ сари бурдим. У биз турғаң жой
сатхида бўлиб, четларини онда-сонда дараҳтлар ҳам кўри-
надиган бутазорлар ям-яшил ҳошиядек ўраб олган бу яс-
ситоғ қоятошга жудаям яқин бўлгани учун, наҳотки унинг
устига чиқиш шунчалар қийин бўлса, деган шубҳа хаёлим-
га келди. Кўз билан чамалаганда, бу жарлик энига қирқ
футдан ошмас эди, лекин бари бир эмасми — қирқ футми
ёки тўрт юз футми?

Мен дараҳтнинг танасини ушлаганимча пастга, жарга
қарадим. Иккала девор — тоғ тизмасининг ҳам, қоятош-
нинг ҳам девори типпа-тик эди.

— Жуда ғалати нарса экан-да! — орқамдан профессор
Саммерлининг хириллаган товуши эшитилди.

Орқамга ўгирилган эдим, унинг мени жарга йиқилиб
кетишимдан сақлаб турган дараҳтни зўр қизиқиш билан
кузатаётганини кўрдим. Унинг силлиқ пўстлоғи ва майдан-
майда қовурғасимон барглари жудаям танишдек туюлди.

— Бу ахир шамшод дараҳти-ку! — хитоб қилдим мен.

— Мутлақо тўғри, — тасдиқлади Саммерли. — Бизнинг
ҳамشاҳаримиз ҳам мусофири бўлиб келиб қолган экан-да.

— Ҳамшаҳаригина эмас, муҳтарам сэр, тўғридан-тўғри
иттифоқчимиз деяверинг, — деди Челленжер. — Бу шамшод
бизнинг ҳалоскоримиз бўлади.

— Қўприк! — қичқириди лорд Жон. — О, меҳру шафқат-
ли худо, қўприк!

— Ўғри, дўстларим, қўпrik! Қечаси бир соат ўйлаб,
бирор ўйл излаганим зое кетмади. Навқирон дўстимиз-
нинг эсида бўлса керак: унга бир гапни айтгандим — яъни
Жорж Эдуард Челленжер ҳамма ёпирилиб сиқиширган
чоғларда ҳам ўзини жуда яхши ҳис қиласди дегандим. Ке-
ча — сизлар, албатта, буни инкор этмасларингиз керак —
ҳаммамиз танг аҳволда қолган эдик. Лекин фаҳм-фаро-
сат билан ирова уйғунашиб ҳаракат қилса, мушкулот-
дан қутулиш йўли ҳамиша топилади. Ана шу жар узра
қўпrik солиши керак. Мана ўша қўпrik, олдиларингизда!

Ҳақиқатан ҳам, ажойиб фикр! Дараҳтнинг узунлиги ка-
мида олтмиш футча бўлиб, уни лозим бўлган тарзда йи-
қитилса, жарга қўпrik бўлади-қўяди. Челленжер кўтари-
лишга ҳозирлик кўраркан, болтасини қўлига олди. Энди
уни менга узатди.

— Навқирон дўстимизнинг мушаклари росаям бақув-

¹ Орқага бир қадам ҳам қўйма! (лотинча)

ват. У мана шу вазифани ҳаммадан ҳам яхшироқ дүндиради. Шундай бўлса ҳам, сиздан илтимос, фақат сизга айтилган ишни қилинг, бошқа нарсалар билан миянгизни қотириб ўтирганди.

Унинг кўрсатмаларига амал қилиб, дараҳтни лозим бўлган томонга қулайдиган қилиб чопа бошладим. Вазифа унча қийин эмасди, чунки дараҳтнинг танаси ясситоғ томонга жудаям ёнбошлаб қолган экан. Кейин лорд Жон билан галма-гал ишга жиддий киришиб кетдик. Тахминан бир соатлардан кейин кучли қарсиллаган товуш эшитилди, дараҳт тебраниб-тебраниб, учидаги шоҳ-шаббалари билан жарнинг нариги томонига гурсиллаб қулаб тушди. Танаси майдончанинг энг четига сурилди, бир лаҳза дараҳт пастга қулаб тушаётгандек бўлиб кетди. Лекин у майдонча четига бир неча дюйм қолганда тебрана-тебрана туриб қолди. Номаълум мамлакатга кўпrik ташланди!

Биз ҳаммамиз бир калима ҳам сўз айтмай, профессор Челленжернинг қўлини қисиб чиқдик, у бўлса похол шляпасини қўлига олиб, ҳар биримизга таъзим қиласарди.

— Номаълум мамлакатга биринчи бўлиб оёқ қўйиш шарафи менга муюссар бўлиши керак,— деди у.— Бу тарихий дақиқани рассомлар ўз асарларида акс эттиришларига шубҳам йўқ.

У энди жар ёқасига келган ҳам эдики, лорд Жон камзулидан ушлаб қолди.

— Қимматли профессор,— деди у,— мен бунга асло йўл қўймайман.

— Яъни масалан, бу қанақаси сэр?— Челленжернинг боши орқасига ташланди, соқоли юқорига чўққайди.

— Илм-фанга тааллуқли жамики нарсада сизнинг биринчилигингизни тан оламан, чунки сиз олимсиз. Лекин бу иш менга муносиб, шунинг учун марҳамат қилиб, менга қулоқ солинг.

— «Менга муносиб» деганингиз нимаси, сэр?

— Ҳар биримизнинг ўз касбимиз бор, менинг касбим аскарчилик. Фикру ожизимча, ахир биз Номаълум бир мамлакатга отланаяпмиз, балки унда душманлар тўлиб ётгандир. Бир оз ақл-фаросатни ишлатиб, сабр-қаноатли бўлиш керак. Мен ўйламасдан иш қилишга одатланган эмасман.

Лорд Жоннинг мулоҳазалари ниҳоятда ўринли бўлгани учун ҳеч ким у билан баҳслашиб ўтиргади. Челленжер бошини силкиб, елкасини қисди.

— Хүп, яхши, сэр, қандай тақлифингиз бор?

— Ким билади дейсиз, балки мана шу буталар орқасида қоничарлар қабиласи яшириниб ётгандир, айни овқатланадиган вақтларимикин?— деди лорд Жон кўприк оша қояларга тикилиб.— Қайнаб турган қозонга бориб тушсак, кейин кеч бўлади ўйлашга. Шундай экан, бас, келинглар, ишнинг хавф-хатарсиз, яхши бўлишини ўйлайлик, ҳар қалай эҳтиётлик билан ҳаракат қилган яхши-да. Биз Мелоун билан пастга тушамиз-у, тўрттала милтиқнинг ҳаммасини олиб, икки метис билан бирга қайтиб чиқамиз. Кейин бировимиз **милтиқлар** паноҳида нареқ-ка ўтади, ҳеч қандай хавф-хатар бўлмаса, унинг кетидан қолганлар ҳам ўтади.

Челленжер кесилган дараҳт тўнкасига ўтириди-да, тоқатсизланинг инграб қўйди, биз Сammerли билан, амалий ишга келганда раҳбарлик, шубҳасиз, лорд Жонда бўлиши кепрак деб ҳисоблаб, бир оғиздан уни қувватладик. Энди қояга кўтарилиш анча осонлашганди, чунки энг қийин жойларда арқон ёрдам берарди. Бир соатдан кейин биз милтиқ ва сочма ўқлар билан қайтиб чиқдик. Мабодо Номаълум мамлакатга илк юришимиз чўзилиб кетгудек бўлса асқотади, деган фикрда лорд Жоннинг кўрсатмасига биноан, метислар смишларимиз солингап қопни юқорига олиб чиқишиди. Ўқлар ҳар кимпинг ўзида эди.

— Х-Хўш, Челленжер, албатта биринчи бўлишни хоҳласангиз...— деди лорд Жон ҳамма тайёргарликлар қилиб бўлингач.

— Бундай муруват ва марҳамат қилиб рухсат берганингиз учун сиздан бисёр миннатдорман! — ғазаб билан деди ўзидан бошқа ҳеч кимнинг обрўсини тан олмайдиган профессор.— Модомики сиз қарши эмас экансиз, мен муруватингиздан фойдаланиб, бу ишда пионер бўлишга тайёрман.

У болтани белига қистирди-да, дараҳтга миниб олиб, икки қўлини ишга солиб, сурила-сурила тезда нариги томонга ўтиб олди.

— Ҳайрият! — қичқирди у.— Ҳайрият!

Мен унинг бу қалтис ўйини замираид қандай тақдир яширинган экан деб, қўрқув билан кузатардим. Лекин ҳаммаёқ жимжит, фақат аллақандай ола қуш профессорнинг оёғи остидан потирлаб учиб, дараҳтлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Жардан профессор изидан иккинчи бўлиб Сammerли ўтди. Бу заиф танада қанча куч-файрат борлигини кўриб

хайрон қоласиз! У икки милтиқни күтариб ўтишга хоҳиши билдирган, энди иккала профессор ҳам қуролланған эди. Кейин навбат менга келди. Мен тагимдаги даҳшатли жар манзарасига қарамасликка ҳаракат қиласадим. Саммерли менга милтифининг қўйнодогини узатди, бир секунддан ке-йин эса унинг қўлидан ушлаб олдим. Лорд Жон бўлса кўприкдан бемалол — ҳеч нимани ушламасдан дадил ўтди! Бу одамнинг асаблари темирдай мустаҳкам эди.

Мана биз тўрттовимиз — сехрли мамлакатдамиз, ёлғиз Мепл-Уайт ўта олган Йўқолган оламдамиз! Энг буюк тан-тана дақиқаси бошланди. Лекин ана шу дам бизга улкан фалокат келтиришини ким ҳам ўйлапти дейси? Бу даҳ-шатли зарбага қандай дучор бўлганимизни баён қилишга ижозат беринг.

Биз жар ёқасидан узоқлашиб, қалин бутазор ичига эл-лик футча кирган ҳам эдикки, бирдан орқамиизда қулоқни қоматга келтирувчи гулдурос овоз эшитилди. Жон ҳолатда орқамиизга югурдик, кўпригимиздан ном-нишон қолмалти!

Жар тубига қарасам, шох-шаббаларнинг айқаш-уйқаш бўлиб ётганини кўрдим — шамшод дарахтидан қолган-қутгани шу бўлипти. Наҳотки майдончанинг чети битта дарахтнинг оғирлигини кўтара олмай, уваланиб тушган бўлса? Бизнинг миямизга келган биринчи фикр шу бўлди. Кейин пирамидасимон қоятошнинг зинасидан аллакиминг жигарранг башараси кўринди. Бу ўзимизнинг метисимиз Гомес эди. Ажабо, унинг босиқ табассумию писмиқлиги қа-ерда қолдийкин? Бизга боққан башарани нафрат ҳисси ху-нук қилиб юборган, қасосдан қониқиш олган кўзларида тентакона тантана ёғдуси порларди.

— Лорд Рокстон! — қичқирди у.— Лорд Жон Рокстон!

— Нима керак сенга? — жавоб берди ҳамроҳимиз.— Мен бу ердаман!

Бир арава шағал ағдарилгандек хохолаш эшитилди бизга.

— Ҳа, сен ўша ёқдасан, инглиз ити, энди ўша ерда гумдон бўласан, чиқиб бўпсан! Менга ҳам навбат келишини кутардим, узоқ кутган эдим. Юқорига жуда қийналиб чиққандиларинг, пастга тушишларинг ундан ҳам баттар бўлади. Эҳ, омилар! Роса тушдиларингми тузоққа? Ҳаммаларинг тушдиларинг!

Бу ҳолдан ҳанг-манг бўлиб, метисга тикилганча бирор оғиз сўз айтишга мажолимиз келмасди. Ўт устида ётган катта бир шоҳ кўпригимизнинг жарга ташлаб юборили-

шида дастак вазифасини бажарганини англадик. Гомеснинг афти буталар орасига яширинди, лекин бир минутдан кейин ғазабдан янада хунуклашиб кўринди.

— Биз сизларни фор ичидаги тошбўрон қилиб ўлдиришимизга оз қолувди,— қичқирди у,— лекин энди янам яхши бўлди! Секин-аста ўлиш даҳшатлироқ. Суякларинг оқариб кетади, уларни йиғиштириб, ерга кўмадиган одам топилмайди. Жонинг ҳиқилдоғингга келиб, нафасинг бўғилганда, беш йил бурун Путумайо дарёси соҳилида ўзинг ўлдирган Лопесни эсларсан! Мен унинг укасиман, энди қандай ўлим бошимга тушса ҳам хотиржам оёғимни узатиб кетаман, чунки акамнинг қасдини олиб тинчидим!

Метис муштини бизга дўлайтириб, пўписа қилди-да, фойиб бўлди. Ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолди.

Гомес қасдини олгандан кейин индамасдан кетаверса ҳеч нима бўлмасди. Лотин ирқидан бўлганларнинг ҳаммасига хос бўлган зўр томошага ҳирс қўйиш одати Гомеснинг ҳам бошига стди, Лотин Америкасининг уч мамлакатида «худонинг ғазаби» номини олган лорд Рокстон эса ўз устидан майнавозчилик қилишларига йўл қўймасди. Метис бу вақтда қоятошиниң нариги томонидан пастга тушиб кстаётганди, аммо ерга эсон-омон тушиш унга насиб бўлмади. Лорд Жон уни қўздан йўқотмаслик учун ясситоғнинг четига югуриб борди. Ўқ товуши гумбурлади, даҳшатли инграшни эшидик, бир лаҳзадан сўнг эса, ерга қулаб тушган тананинг гурсиллаши қулоғимизга етди. Рокстон ёнимизга қайтиб келди, башараси тошдек қотиб қолганга ўҳшарди.

— Кўр эканман, жудаям содда эканман! — афсус-надомат билан дерди у.— Менинг аҳмоқлигим ҳаммаларингни нобуд қилди. Бу одамларнинг ҳеч нимани унтишмаслигини, улар билан доимо ҳушёр бўлиш лозимлигини эсдан чиқарганим ўзимга ўта алам қиласди.

— Нега ўзингиз бошқа метисга раҳм қилдингиз? Ахир Гомес унинг ёрдамисиз дараҳтни эплай олмасди-ку.

— Мен уни ҳам ўлдирадим-у, лекин аядим-да. Лекин, аслини олганда, сиз ҳақсиз. Уни ҳам отиб ўлдирганим яхши эди: эҳтимол, у Гомесга ёрдам бергандир.

Мана энди, бу хоинликнинг ҳақиқий маъноси аниқлангач, биз метиснинг хулқ-атвори кўп ҳолларда шубҳали бўлганини эслай бошладик. Ҳамма нарса: унинг экспедиция режаларини билиб олишга зўр бериб уринишлари ҳам, у бизнинг гапимизни эшитишга уринаётганда чайла ёнида Самбо билан ғижиллашгани ҳам, кўпинча ўзимизга чалиниб қоладиган нигоҳининг ғазабнок бўлиши ҳам

энди тушунарлы эди. Биз юз берган воқеаларга бирмунча күнниб, уларни мұхомама қилаётган пайтимизда құйқисдан пастда, қоятош этагида юз берган ғалати бир ҳодиса диққатимизни үзига жалб этди. Оқ кийимдаги одам — афтидан, тирик қолган метис бўлса керак, кетидан қувиб келаётган ажал чангалидан қутулиш учун кучининг борича югурап эди. Унинг кетидан эса катта-катта қадамлар билан сакраб-сакраб мумдек қоп-қора девқомат одам — бизнинг содиқ негримиз Самбо — елдек учарди. У кўз олдимизда қочоққа етиб олди-да, белидан қучоқлаб бўйнидан ғиррага олди. Бир минут үтгач, Самбо ўрнидан турди, олдида чўзилиб ётган мурдага тикилди-да, биз томон қувонч билан қўлини силкиб, қоя томон югуриб кетди. Оқ мурда текислик ўртасида қимир этмай ётаверди.

Иккала сотқин ҳам интиқомга учради, бироқ уларнинг қилмишлари туфайли, биз ўнгалмас зарбага дучор бўлдик. Биз қоятошга қайтиб бора олмайдиган бўлдик. Бир вақтлар «қароргоҳимиз» бутун оламдан иборат бўлса, энди у шу ясситоғ майдоничалик торайди. У ҳам, бу ҳам алоҳида алоҳида мавжуд эди. Мана, ўша бизнинг қайиқларимиз яширинган жойга олиб борадиган текислик. Ҳув ўёқда — нилий ҳарир парда орқасидаги уфқда эса — мадани оламга қайта олиб борадиган йўл... Фақат яккаю ягона нарса, шу иккисини боғловчи бўғин ғойиб бўлганди. Бизнинг ҳозиримиз билан келажагимиз ўртасидаги жарни боғлайдиган кўприкни тиклаш учун ҳеч қандай кашфиёт иш бера олмасди. Бир лаҳзада ҳаммаси ўзгарди-қолди.

Мана шунда мен уч ўртоғимнинг зуваласи қандай хамирдан қорилганини билдим. Албатта, уларнинг қиёфаси жуда жиддий, фикрлар уммонига чўмган бўлса ҳам, бу одамларнинг сабот-матонатини буза оладиган куч дунёда йўқ эди. Биз буталар остига ўтириб, Самбонинг қайтиб келишини сабр билан кутишдан ўзга иложимиз йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай, унинг ёқимли қоп-қора чехраси тошлараро яна кўринди ва унинг алпдай қадди-қомати чўққи узра юксалди.

— Энди мен нима қилмоқ? — қичқирди Самбо.— Сизлар гапирмоқ, мен ҳаммасини қилмоқ.

Бундай саволни бериш осон, аммо унга жавоб бериш мушкул эди. Биз фақат бир нарсани билардик: Самбо — бизнинг ташқи дунё билан алоқамизнинг ягона ишончли риштаси. Фақат бизни ташлаб кетмаса бас!

— Йўқ, йўқ! — қичқирди Самбо.— Мен сизларни ташламаган. Мен доим шу ерда. Ҳиндулар кемоқчи бўлмоқ. Самбо ҳиндуларни ушлаб туролмас. Улар айтади: бу ер-

га Курупурى яшаган, уйга кетамиз. Сизлар йүқ, Самбо бир ўзи бўлса ҳиндуларни кўндира олмас.

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда ҳиндулар бизни ташлаб, келган томонларига кетиш ниятида эканликлари ни яширишмасди. Самбо тўғри айтаяпти: уларни тутиб туришнинг ҳеч қандай иложи қолмаган эди.

— Самбо, ҳиндуларни эртагача кутиб туришга кўндиргин! Шунда мен улардан хат бериб юбораман! — дея қичқирдим мен.

— Яхши, сэр! Ҳиндулар эрта кутади. Самбо сўз беради.

Содиқ негримиз учун жуда кўп иш топилди, у ҳаммасини ўринлатиб адо этди. Ҳаммадан аввал тўнкага ўралган арқонни бўшатиб олиб, унинг бир учини бизга отишни буюрдик унга. Арқон кир ёядиган чизимчадек ингичка бўлса-да, жуда маҳкам эди, гарчи у кўприк сифатида фойдаланишга ярамаса-да, ҳар қалай бизнинг шу аҳволимизда фойдали буюм эди. Кейин Самбо арқоннинг ўзи томонидаги учига биз қоятош устига олиб чиққан емишлар солинган қопни боғлади-да, биз уни тортиб олдик. Озиқ-овқатимиз ов қилиб кўпайтиргаган чоғимизда ҳам камида бир ҳафтага етарди. Ниҳоят, Самбо тепага ўқ-дори ва жуда кўп нарсалар солинган иккита қопни олиб чиқди. Биз бу нарсаларнинг ҳаммасини арқон ёрдамида ўзимизга олволдик. Негримиз ҳиндулар эрталабгача қолишибади деб бизни қаттиқ ишонтириб, охирги марта пастга тушиб кетганида қоронги тушиб қолганди.

Шунинг учун ҳам мен шу кеча — бизнинг ясситоғдаги биринчи кечамизда — фонарни ёқиб, бўлиб ўтган воқеаларни ёзиб чиқдим.

Биз жар ёқасида тунадик, шу ернинг ўзида овқатландиник, озиқ-овқат солинган қопларнинг биридаги икки шиша аполлинарисни олиб ичдик. Сув қидириб топиш — биз учун ҳаёт-мамот масаласи, лекин ўйлашимча, ҳатто лорд Жон учун ҳам бугунги саргузаштлар етиб ортарди, бошқалар учун-ку инчунун, улар Номаълум мамлакатга у-бу излаб бориш истагини зоҳир қилишмади. Гулхан ёқмасликка қарор қилдик, умуман шовқин-суронни имкони борича камайтиришга тиришдик.

Эртага, тўғрироғи бугун, чунки мен тонг отгунча ўтириб чиқдим-да, бу сехрли оламни биринчи марта кезамиз. Ёзувларимни қачон давом эттиарканман — эттириш насиб бўлармикин? — буни билмайман. Ҳали ҳиндуларимиз шу ерда, шу ердан кўриб турибман, ишонаманки, Самбо-

миз хатни олиб кетгани тезда келади. Мактубимнинг эга-
сига бориб тегишига умидим жуда катта.

Р. С. Аҳволимиз ҳакида қанча кўп ўйласам, унинг но-
хушлиги шунчалик ортаётгандек туюлади. Қайтиб кети-
шимизга умидим йўқ. Борди-ю, ясситоғ четида баланд бир
дараҳт ўсганида эди, уни жар устига янги кўприк қилиб
ташлаган бўлардик, аммо эллик Футга яқин келадиган да-
раҳт йўқ, бўлганда ҳам бундай оғир нарсани ҳатто тўрт
киши бўлиб ҳам судраб олиб кела олмаган бўлардик. Ар-
қон эса жуда калта бўлиб, унда тушиш мумкин эмас. **Йўқ,**
аҳволимиз начор, жуда начор!

ЎНИНЧИ БОБ.

МАНА ЎША МЎЖИЗАЛАР!

Чинакам, фаройиб мўжизаларга дуч келдик, ҳамон улар
оёғимиз остидан чиқаяпти. Ғамлаб қўйган қоғозим тити-
либ кетган бешта блокнотдан, бир ғарам парча-пурча ва-
рақлардан иборат, биттаю битта стилографик қаламим
бор, холос. Лекин қўлим ҳаракат қилиш қобилиятига эга
экан, мен барча саргузаштларимизни батафсил ёзишдан
тийилмайман, чунки биз бу мўжизаларнинг тирик гувоҳ-
лари эканлигимизни унутмаган ҳолда, бирор фалокат рўй
бермасдан, ваҳоланки бундай бахтсизлик оёқ остидан чи-
қиб қолиши турган гап, кўрган-кечирганларимизни хоти-
радан кўтарилемасидан баён қилишга шошилмоқдаман.

Самбо менинг хатларимни Амазонка соҳилларига етка-
зармикин, уларни Лондонга олиб бора олармикинман,
мактубларим мукаммаллаштирилган монопланда бу ясси-
тоққа учиб кела оладиган ботирнинг қўлига тушармикин
— буларнинг биттасиниям билмайман-у, аммо мазкур
ёзувлар чинакам саргузаштларимизнинг классик қиссаси
бўлишига, улар ўлмас асарга айланишига ишончим ко-
мил.

Ярамас Гомас ясситоғда бизга тузоқ қўйган куннинг
эртасигаёқ ҳаётий тажрибамизви анча бойитдик. Ростини
айтганда, ўша куни чекимга тушган тақдирнинг илк сино-
ви бизни ҳайдаб келган бу жойга заррача ҳам меҳр уй-
фотмади менда. Тонгга яқингина ухлаб қолибман, уйго-
ниб кетиб қарасам, болдиримда каттагина узум ғужуми-
дек келадиган қўнғир-қизғиш кана ёпишиб туритти-да.
Ҳайрон бўлиб қўлим тегиб кетган эди ҳамки, бармоқларим
орасида кана ёрилиб кетиб, қони ҳарёққа сачради, ўлгудек

құрқиб, ўтакам ёрилаёзди. Қичқириғимни әшитиб, иккала профессор югуриб келишди.

— Жуда ғаройиб, мароқли! — деди Сammerли устимга әнгашиб.— Жуда катта кана экан, менга маълум бўлишича, у ҳали ҳеч қандай турлар кўрсаткичига ёзилмаган.

— Биз меҳнатимизнинг илк меваларини йигаяпмиз,— насиҳатомуз бир оҳангда тўнғиллади Челленжер.— Уни *Ixodes Maloni* деб аташга тўғри келади. Лекин, азиз навқирон дўстим, битта кананинг чаққани нима бўпти, ахир номингиз зоологиянинг шонли саҳифаларига ёзилади-ку! Бахтга қарши, сиз бу ноёб нусха мириқиб қонга тўйган бир пайтда эзиб юбордингиз-да.

— Жудаям жирканч-эй! — хитоб қилдим мен.

Профессор Челленжер хитобимдан норозилигини билдириш ниятида бароқ қошларини кўтариб, елкамни шапатилиди.

— Нарсаларга илмий жиҳатдан ёндашишни ўрганинг, ўзингизда олимнинг холислиги ҳиссиятини тарбиялаб боринг,— деди у.— Мен сингари философларча тафаккур қиласидиган одам учун, масалан, мана шу кананинг паштарсимон хартумчаси билан сўриб олуви ошқозони табиатнинг, айтайлик, товус ёки шимол ёгдуси каби гўзал мўъжизасидек бир нарса. Уни ёмонлашингизни әшитиб ҳафа бўлдим. Маълум даражада яна пича ҳаракат қилсан, ана шундай пусханинг иккинчисини топармиз, бунга шубҳам йўқ.

— Мен ҳам бунга шубҳа қилмайман,— ғўлдираб деди Сammerли,— чунки ўша иккинчи нусха ҳозиргина ўрмалаб ёқангизга кириб кетди.

Челленжер шу ондаёқ ўрнидан дик этиб турди-да, буқадек бўкириб, камзулу кўйлакларини таталай бошлади. Биз Сammerли билан хоҳолаб юборганимиздан унга ёрдам беришни ҳам унтибмиз. Ниҳоят бир амаллаб Челленжернинг алпонга гавдасини яланғочладик (тикувчининг ўлчовида кўкрагининг айланаси эллик тўрт дюйм келади), унга ҳали озор беришга ултурмаган, кўкрагидаги қалин жунлари орасида адашиб юрган канани топиб олдик. Буталарнинг ҳаммасида ана шу газандадан сероб экан, шунинг учун қўналғамизни бошқа жойга кўчиришга қарор қилдик.

Бироқ ундан илгари қўлида какао банкалари билан қаттиқ нон кўтариб олганича қоятөш чўққисида пайдо бўлган содиқ негримиз билан келишиб олишимиз лозим эди. Қўлидаги нарсаларни ўз томонимизга ўтказиб олдик-да,

пастда қолған озиқ-овқатдан ўзимизга иккى ойга етадиганни олиб қолиб, қолганини яхши хизматлар қылганликлари учун мүкофот тариқасида ва хатларимизни Амазон-кага элтиб бериш шарти билан ҳиндуларга бўлиб беришини буюрдик. Бир неча соат ўтгач, уларинг ҳар бири туғиб олган нарсасини бошига қўйиб, текисликдаги биз буёққа келган йўлдан қатор тизилиб кетишаётганларини кўрдик. Самбо пирамидасимон қоятош этагидаги кичкинагина чодиримизга жойлашиб олиб, бизни ташқи олам билан боғловчи бўғин бўлиб қолди.

Энди биз энг яқин вақт ичди қиласиган ишларимизни режалаштириб олишимиз керак эди. Биз қўналғамизни каналар босиб ётган бутазордан атрофи дараҳтлар билан ўралган майдончага кўчирдик. Майдон ўртасида бир неча силлиқ тош бўлиб, яқин орада ажойиб булоқ бор экан, биз бундан шодланиб, Номаълум мамлакатга ҳужум қилиш режаларини ишлаб чиқишига киришдик. Қалин барглар орасида қушлар сайрашарди — ҳаммасидан ҳам битта аллақандай сайроқи нотаниш қушнинг чўзиб-чўзиб чириллаши баландроқ эшитиларди. Бу ерда биз бошқа ҳаёт асарини кўрмадик.

Биринчи қиласиган ишимиш — бор буд-шудимизни рўй-хатлаб чиқиш эди, чупки неча кунга етадиган нарсамиз борлигини билишимиз лозим эди-да. Фамлаган нарсаларимиз етарли экан. Ҳамма нарсани ҳисобга олдик: ўзимиз олиб қелганларимизни ҳам, негр арқондан юборгандарини ҳам. Лекин ҳаммасидан ҳам муҳими — биз албатта дуч келишимиз мумкин бўлган хавф-хатарни ҳам эътиборга олганда — тўртгала милтигимиз, уларга солиб отиладиган бир минг уч юзтacha ўқ, сочма ўқ ва юз элликка яқин ўрта калибрли ўқимиз бор эди. Озиқ-овқатимиз бир неча ҳафтага етади, тамаки бўлса жудаям сероб. Катта қилиб кўрсатадиган зўр телескоп, яхшигина дала дурбинигача бўлган илмий асбобхонамиз ҳам йўқ эмасди. Буларнинг ҳаммасини майдонга жойладик-да, муҳофазанинг илк чораси сифатида тиканли шохлардан кесиб келиб, диаметри ўн беш ярд келадиган қўргон бунёд этдик. Дастребки пайтларда бу майдон бизга штаб-квартири, қўққисдан ҳужум бўлиб қолгудек бўлса, бошпана ва ҳамма нарсаларимиз турадиган омбор вазифасини бажарди. Бу лагерь «Челленжер форти» номини олди.

Бу янги қароргоҳимизга пешингача кўчиб ўтдик, иссиқ бўлишига қарамай чанқамадик. Яситордаги ҳарорат билан ўсимликларнинг характеристери умуман тропик минтақалагидан кўра мўттадил минтақанинига яқинроқ эди.

Ялангликни ҳалқадек ўраб олган дарахтлар орасида шамшод, эман ва ҳатто қайнинлар ҳам бор эди. Улар орасидан энг баланд бўлиб юксалган азамат гингко дарахти елпифчсимон қалин-қалин барглари билан фортимизга қуюқ соя ташлаб турарди. Биз унинг соясида ҳаётимизнинг ана шу ҳал қилувчи дамларида экспедициямизга қўмондонлик қилишни ўз зиммасига олган лорд Жоннинг гапларини эшишиб ўтиридик.

— Ҳозирча бирор жон зоти—ҳайвонми ёки одамми, фарқи йўқ — бизни эшийтмайдиям, кўрмайдиям, биз хавф-хатардан холимиз,— деди у.— Лекин улар бизнинг ясситоғда эканлигимизни билиб қолиўша бас, осойишта ҳаёт билан хайларашдик деяверинг. Ҳозирча, назаримда, ҳеч қанақа шубҳа туғдираётганимиз йўққа ўхшайди. Шунинг учун ҳам дастлабки вақтларда дамимизни ичимишга ютиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан тафтиш олиб боришимиз лозим. Борди-келди қилишдан олдин қўшниларимизни зимдан кузватишмиз керак.

— Лекин биз олға силжишимиз керак-ку,— дедим мен дудмал қилиб.

— Азиз навқирон дўстим, сиз мутлақо ҳақсиз. Ақл-идроқ доирасига сиғадиган даражада олға силжиймиз. Жуда узоққа кетиб қолишини маслаҳат бермайман, шунчалик масофага бораіликки, зарур бўлган минутда фортимизга қайтиб кела оладиган бўлайлик. Ва, энг муҳими,— бирорта ҳам ўқ отилмасин, ҳаёт-мамотимиз узиладиган ўқса боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно.

— Бироқ сиз кеча ўқ уздингиз-ку,— деди Сammerли.

— Йўғ-э, агар билсангиз, ўша вақтда отиш керакми, керак эмасми деб ўтирадиган лаҳза эмасди-да, ўқ товуши ўрмон ичкарисига етиб бориши ҳам амримаҳол эди: кеча ясситоғ томондан кучли шамол эсиб турувди. Айтганча, унинг номини нима деб атаймиз? Келинглар, шуни ҳал қилиб олайлик.

Дуруст ва нодуруст номлардан бир нечтаси айтилди, аммо ҳал қилувчи гап Челленжерга қолди.

— Бу ерда кўп ўйлаб ўтиришнинг ҳожати ўқ,— деди у.— Ясситоғ уни биринчи бўлиб кашф этган пионер шарапфига Мепл-Уайт Мамлакати деб аталади.

Биз ясситоғни шу ном билан атадик, у чизилиши менга топширилган харитага ҳам шу ном билан киритилди, келажакдаги атласларга ҳам шу ном билан киради леган умиддаман.

Олдимизда кечиктириб бўлмайдиган вазифа — Мепл,

Уайт Мамлакатига тищлик йўли билан кириш вазифаси турарди. Бунда аллақандай ғалати маҳлуқлар истиқомат қилишини ўз кўзимиз билан кўрдик, Мепл-Уайт чизган расмлар даҳшатли маҳлуқлар борлигидан далолат берарди. Ниҳоят, яссигоғда одамлар ҳам бор дейишимиз учун ҳамма асослар мавжуд эди, бамбук тешиб ўтган скелет бу одамларнинг нақадар ёвуз эканликлариша шоҳид эди.

Ҳар бир қадамимизда ҳавф-хатар оёғимиз остидан чиқиб қолишини билардик, қочиб қутулиб бўлмаслигини англаб, лорд Жоннинг тажрибасини назарда тутганимиз ҳолда барча эҳтиёт чораларини кўриб қўйдик. Бу сирги оламнинг қалбига тезроқ кириб бориш истаги бизга тинчлик бермаётган бир пайтда унинг остонасида ивирсиб туралармидик, ахир?

Шундай қилиб, лагеримизга кириладиган жойни шоҳшабба билан маҳкам беркитиб, ғамлаган емишларимизни тиканли девор орасига панараб, ниҳоятда зўр эҳтиёткорлик билан кичикроқ ирмоқ ўзани бўйлаб секин йўлга тушдик. Ялангликдан бошланадиган бу ирмоқ қайтишимизда йўл кўрсатувчи ип вазифасини ҳам бажарап эди.

Лагердан узоқлашмасимизданоқ бизни кутаётган мўъжизаларнинг дастлабки белгилариша дуч келдик. Қалин ўрмонда менга мутлақо таниш бўлмаган дараҳтлар кўп эди, лекин ботанигимиз Саммерли ер юзидан аллақачонлар йўқ бўлиб кетган цикадан ва игнабаргли дараҳтларнинг бир неча хилларини таниди. Ўрмон ичида бир неча юз ярд йўл юриб, ирмоқ кенг ёйилиб, камар ҳосил қилиб оқадиган жойга келдик. Ирмоқ бўйларида баланд бўйли қамиш қалин ўсиб ётипти, профессор Саммерли уни қирқбўғинлар сирасига киритди; шу ернинг ўзида дараҳтсимон папоротникларнинг булдуруғлари шамолда тебраби туради. Олдинда бораётган лорд Жон бирдан тўхтади-да, қўлини кўтарди.

— Қаранглар! — деди у. — Манави изни қаранглар, а! Эҳтимол, бу ердан барча қушларнинг бобёкалони ўтган бўлса керак!

Епишқоқ лой устида катта-катта учбармоқ излари аниқ кўриниб турарди. Бу излар ботқоқдан ўрмон томон ўтганди. Бу ердан ҳақиқатан ҳам қуш ўтган бўлса — бундай изни қандай ҳайвон қолдириши мумкин? — панжасининг тuyaқушникидан ҳам катталигига қараб, унинг ўзи нақадар баҳайбатлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Лорд Жон атрофни диққат билан кузатаркан, йирик калибрли милтиғига иккита ўқни жойлади.

— Овчи шарафи билан қасам ичиб айтаманки, — деди

у,— бу излар яп-янги. Бу мавжудот бор-йўғи ўн минутча бурун ўтган. Қаранг-а, ҳув анави панжа чуқурроқ ботган лойдаги изнинг суви ҳали селгиб улгирмалти. Вой худо-йим-ей! Мана, жўжасининг ҳам изи.

Ҳақиқатан ҳам ҳалиги изларга ёнма-ён худди ўша шаклдаги, аммо кичикроқ излар бор эди.

— Бунисига нима дейсизлар! — тантанаворлик билан қичқириди профессор Саммерли бешбармоқли одам қўлига ўхаш изни кўрсатиб.

— Вельд!¹ — қичқириди. Челленжер севинганидан ўзини йўқотиб.— Мен бундай изларни вельд қатламларида кўрганман. Бу махлуқ қаддини ростлаб, кейинги уч панжали оёғи билан ҳаракатланади, олдинги, беш панжали оёғи эса юрганида мадад беради. Иўқ, азизим Рокстон, бу асло қуш эмас!

— Ҳайвонми?

— Иўқ, судралиб юрувчи — динозавр². Ҳа, бу ўша, бошқа ҳеч нарса эмас. Тўқсон йил бурун бундай излар сассекслик бир мўътабар олимнинг адашишига сабаб бўлган эди. Лекин биз кўрган бу нарсани ким ҳам орзу қилиши мумкин эди... ким орзу қилипти дейсиз.

Челленжер кейинги сўзларни пичирлаб айтди, биз бўлсак лолу ҳайрон бўлиб, қотиб қолган эдик. Излар бизни ботқоқликдан қалин бутазорга бошлади. Бутазорнинг нарёғида, дараҳтлар орасида катта сайҳонлик бўлиб, унда бешта мисли кўрилмаган ғалати махлуқ саир қилиб юарди — бунақа жониворларни ҳеч қачон кўрмаган эдим.

Боя айтганимдек, улар бешта — иккитаси катта, учтаси жўжаси экан. Ҳатто энг кичкинасининг бўйи филнидай, катталариники ҳақида гапирмасига ҳам бўлади. Уларнинг тимсоҳникига ўхаш танга-танга териси қуёш нурида тимқора рангда товланади. Бешаласи орқа оёқларида кенг, йўғон думларига таяниб, гоз туришибти, бешпанжали қўллари билан эса кўм-кўк шохларни ўзлари томон тортиб, баргларини ямлашарди. Бу даҳшатли махлуқлар ҳақида сизда тўлиқ тасаввур бўлиши учун шуни айтиб қўяйки, уларнинг ҳар бири баландлиги йигирма фут келади.

¹ Вельд — бўр даврининг чучук сувли ҳавза, дарё ва кўлларда йигилган жинсларни бирластирувчи пастки бўлими.

² Динозавр (кўрқинчли тимсоҳ) — ўлиб битган, улкан, қуруқликда яшаган калтакесакларнинг катта оиласига мансуб махлуқлар вакили бўлиб, улар орасида йиртқичлари ҳам, ўтхўрлари ҳам, тўртоёқлилари ҳам, шохлilари ҳам бўларди. Ўтхўр динозаврларнинг узунлиги ўттиз метр, оғирлиги 60 тонна бўлиб мезозоя эрасида яшаганлар.

ган, таналари қора тимсоҳ териси билан қопланган улкан кенгурууларни эслатишарди.

Бу гаройиб манзарага маҳлиё бўлиб, қанча вақт тикилиб қолганимизни билмайман. Биз томонга қаттиқ шамол эсаётгани, буталар тўсиқ вазифасини бажараётгани учун баҳайбат маҳлуқлар бизни билиб қолишиади деб қўрқишига асос йўқ эди. Маҳлуқларнинг болалари вақти-вақти билан қўпол ҳаракатлар қилиб ўйнашар, сакрашар, ерга шалоплаб тушишарди. Уларнинг ота-оналари ниҳоятда кучли бўлишса керак, чунки уларнинг биттаси жуда баланд дараҳтнинг учидаги баргга бўйи етмаган эди, олдинги панжалалари билан дараҳтни эгиб, худди ингичка новдани синдиригандек иккига бўлиб ташлади. Бу ҳатти-ҳаракати айни чоғда икки нарсадан шаҳодат берарди: маҳлуқнинг кучли хирсдек зўрлигини, мушаклари бақувватлигини ҳамда мияси унча тараққий этмаганини кўрсатарди, чунки ҳалиги синган дараҳт шундоққина маҳлуқнинг бошига тушган эди, у бўкириб юборди. Маҳлуқ ниҳоятда баҳайбат бўлгани билан табиат ато қилган сабр-қаноати бўю бастига мос эмас экан. Дараҳтнинг бошига тушиб кетиши, афтидан, маҳлуқни эҳтиёткорликка ундади шекилли, у жуфти ва баҳайбат болалари ҳамроҳлигига секин-аста ўрмон сари йўрғалаб қолди. Бир неча фурсат дараҳтзор ичиди уларнинг тимқора белларининг ялтираб турганини кўриб турдик, бошлари эса баланд дараҳтлар орасида дам юқорига кўтарилиб, дам пастга шўнғиб турди. Кейин улар дараҳтлар орасида гойиб бўлишди.

Мен ўртоқларимга тикилдим. Лорд Жоннинг қўли милтигининг тепкисида, кўзлари овчиларга хос эҳтирос билан ёнарди. Ана шундай каллалардан бирини ўз уйидаги камин пеъч тепасига, чалиштириб қоқилган икки эшкак ёнига осиб қўйишга муюссар бўла олса, ҳар қанча нарсасини беришга ҳам тайёр эди! Ҳар қалай, донолиги ғолиб келди, чунки у бу номаълум мамлакатда яшовчи жониворлар бизнинг борлигимизни асло билмасаларгина биз унинг сиру асрорлар дунёсига кира олишимизни билар эди.

Иккала профессор қувончларини ичларига сиёдира олмай бамисоли гўнг бўлиб қолишганди. Улар дунёдаги ҳамма нарсани унугтиб, шуурсиз бир ҳолда, худди аллақандай гаройиб мўъжизага маҳлиё бўлган икки болачадек бир-бирларининг қўлларини тутганча михлагандек қотиб қолишганди. Челленжернинг лабларига фаришта табассуми ёйилганидан ёноқлари олмадек-олмадек шишиб чиқсан, Сammerлининг чеҳрасидаги заҳарханда тамомила йўқолиб, унинг ўрнини шодона шайрат эгаллаганди.

— Nuns dimittis!¹ қиңқирди у, ниҳоят.— Бу ҳақда нималар дейишаркан Англияда?

— Азизим, Сammerли, бу сирни сизга маълум қилишим мумкин, Англияда нима дейишларини айнан айта оламан, — жавоб берди Челленжер.— У ерда сизни илм-фанга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган фирт ёлғончи ва шарлатансиз, дейишади. Сиз ва сизга ўхшаганлар менга нисбатан айтган гапларнинг ўзини айтишади.

— Борди-ю, биз уларга фотосуратларни кўрсатсан-чи?

— Сохта, ҳужжат, Саммерли! Қўпол, сохта ҳужжат!

— Борди-ю, уларга ашёйи далилларни кўрсатсан-чи?

— Ҳа, ўлманг! Ана унда тонишга ботина олмайдилар! Мелоун ва унинг Флит кўчасидаги галалари бизга офарин айтишади. Буни эсингиздан чиқарманг! Йигирма саккизинчи август куни биз Мепл-Уайт Мамлакатида беш нафар игуанодонни² кўрдик. Дафтaringизга тегишли ёзувни қайд этиб қўйинг, навқирон дўстим, бу ҳақда исқирт газетангизга ҳам хабар етказарсиз.

— Редакторингиз сизни ҳайдаб солишига ҳам тайёр бўлиб туринг, — гапни улаб кетди лорд Жон.— Лондондек шаҳри азим турган кенглиларда ҳамма нарса бошқача бўлади, навқирон дўстим. Гапларимга ишонишмайди деган аниша билан ўз саргузаштларини асло ҳикоя қилмайдиган одамлар озми! Бунинг учун уларни ким ҳам айбларди? Бир-икки ой ўтар-ўтмай бу нарсалар ўзимиизга ҳам тушдек бўлиб қолар. Бу баҳайбат махлуқларни нима деб атадигиз?

— Игуанодонлар,— деди Саммерли.— Уларнинг оёқларидан тушган излар Хастингс³ қўмлоқларида, Кентда, Сассексда топилган. Улар хуш кўрадиган майса-гиёҳлар сероблигидаги Жанубий Англияда ҳам кўплаб истиқомат қилишган. Кейин шарт-шароитлар ўзгаргач, бу ҳайвонлар секин-аста қирилиб кетишган. Афтидан, бу ердаги шарт-шароитлар аввалгисича қолган бўлса керак, чунки игуанодонлар бу ерларда ҳали ҳам мавжуд экан.

— Бу ердан эсон-омон чиқиб олсак, уйга уларнинг бозишидан битта олиб кетмасам, отимни бошқа қўяман,— деди лорд Жон.— Шошмай туринглар, африка овчилари, менга

¹ Энди қалайсизлар! (лотинча)

² Игуанодон — динозаврларнинг бир тоифаси. Игуанодонлар қўшпанжка орқа оёқларида юришган. Дарёлар бўйида яшашган, асосий емишлари майса-гиёҳлар бўлган.

³ Хастингс — Англиядаги жой номи. У Вильгельм Фотих томонидан инглизларнинг нормандлар билан буюк урушида Англия забт этилган дæврда шуҳрат қозонганд.

ҳасад қилиб күйіб ўлмасаларинг одам әмасман! Лекин шунисига ҳайронманки, дўстларим сизларни билмадим-ку, менга нимаики учраган бўлса, бир нохуш нарса бўлиб чиқаяпти-да.

Худди шундай қудратли сир таҳдидини мен ҳам ҳис қилдим. Ўрмон қороғиси даҳшатлар конига айланган, ана шу хазин яшил дарахтзорга тикилганимизда юракларимиз беихтиёр сиқиларди. Тўғри, баҳайбат игуанодонлар беозор, бесўнақай махлуқлар бўлиб, бизга зиён-захмат етказа олмайдилар, лекин, ким билади дейсиз, бу мўъжизалар оламида қоялар тагидами, дарахтлар орасидами, ўз маконларида писиб, бизга ташланиш вақтини кутиб ётган бошқа улкан махлуқлар йўқмикин тағин? Мен тарихдан олдинги оламнинг мавжудотлари ҳақида жуда кам нарса биламан, лекин қўлимга бигта китоб тушиб ўқиганим хотирамга келди: унда ёзилишича, ўша оламнинг ҳайвонлари учун бизнинг шеру қопланимиз бамисоли сичқон ва мушукдек ем бўлармиш. Ана шундай даҳшатли махлуқлар Мепл-Уайт Мамлакати бағрида яшәтган бўлса неажаб!

Ўша куни эрталаб — Номаълум мамлакатдаги биринчи тонгимизнинг ўзидаёқ — бу ерда ҳар қадамимизда бизни хафв-хатар кутаётганига амин бўлдик. Бу саргузаштлар шу қадар жирканч эдики, улар ҳақида гапириш нокулай менга. Агар лорд Жон ҳақ бўлса, биз ялангликда игуанодонлар ўтлаб юрганини туш кўргандек эсласак, птеродактиллар учраган ботқоқ эса, юракни изтиробга соладиган хотирот бўлиб қолади. Бу воқеа қандай юз берганини ҳозир сўзлаб бераман.

Биз ўрмон ичра секин юрдик: бунга сабаб қисман лорд Жон разведкачи сифатида бизнинг етиб олишимизга имкон бермагани бўлса, қисман ҳар қадамда иккала профессоримизнинг ўзларига маълум бўлмаган аллақандай гул ёки ҳашаротга дуч келиб ҳайратланиши эди. Тўрт-беш миль юрганимиздан сўнг ирмоқнинг ўнг соҳилидаги дарахтлар сийраклашди, яна бир ялангликдан чиқиб қолдик. Қалин дарахтзор ҳошиядек ўраб турган жойнинг нарёғида катта-катта тошлар ётарди, бундай баҳайбат тошларни ясситоғ устида кўплаб учратиш мумкин. Биз белимизгача келадиган ўт-ўланлар оралаб секин-аста силжиб ўша тошлар томон кетаётган эдик, бирдан ёнгинамизда аллақандай товуш эшидик — қуриллаганми-ей, вишиллаганми-ей, англаш қийин, бу гуруллашдан ҳаво титраётгандек эди. Лорд Жон бизга, тўхтанглар, деган ишора қилди-да, энгашиб чопаркан, тошлар томон югурди. У тошларнинг тенасиға қаради, қалтираб кетди ва афтидан, бизнинг мав-

жудлигимизни ҳам унугиб, ажиб бир манзарага маҳлиғ бўлганча қотиб қолди. Ниҳоят, у бизни имлаб чақирапкан, имо-ишоралар билан эҳтиёт бўлиш зарурлигини уқтириди. Унинг важноҳатидан бу улкан тошлар ортида аллақандай мўъжиза, эҳтимол, жиддий ҳавф-хатар борлигини пайқадим.

Биз судралиб, лорд Жон ёнига бордик-да, пастга қарадик. Чуқур товоқсімон ҳавза ёқасига келиб қолибмиз, ясситоғдаги жуда кўп кичикроқ кратерлардан бири бўлса керак. Бу ҳавзанинг тубида, биз ётган ердан юз ярда нарида, қамишзорнинг ўёғида юзини майса-гиёҳ қоплаган турғун кўлмаклар жилваланиб кўринди. Жойнинг ўзи ноҳуш бўлгани етмай, унда истиқомат қилувчиларга қараб, юраклар орзиқиб кетади, Дантенинг «Жаҳаннам»¹ достонидаги еттинчи даврадаги лавҳалар беихтиёр эсга тушади. Бу ерга птеродактиллар — юзлаб ва юзлаб птеродактиллар ошиён қурган! Ҳавзада улар фиж-фиж бўлиб, фужфон ўйнашади — болачалари сув бўйида судралишиди, бадбашара оналари бўлса, саёз ерда каттик сарғимтири қобиқли гуҳумларни босиб ётишипти. Мана шу фужфон ўйнаётган, қанотларини қоқаётган муртад калтакесакларнинг чинқириқлари ҳавони ларзага солиб, атрофга қўлансанда ҳидлар тарататётганидан, кўигилларимиз айнаб, бўғзимиздан оғзимизга келарди. Тепароқда эса ҳар бири биттадан тошга ўтириб олган урғочи улкан кулранг махлуқлар худди тас-қарага ўхшаб ўликдек қимир этмайди, фақат қонга тўлган кўзларини сузиб, аҳён-аҳёнда учиб ўтган игначилар кетидан тумшуқларини шақиллатиб қўйишди. Яғринларида эгилиб турган улкан пардали қанотлари биқимларига қисилган, уларнинг тепасида эса йиртқич қушнинг калласига ўхшаган бошлари қўнқайиб турарди, шундан бўлса кепрак, қиёғалари менга ўргимчак уясига ўхшаган мудҳиш шол рўмол ёпинган ялмоғиз кампирларни эслатарди. Ҳавзадаги каттаю кичик бу муртад махлуқларнинг ҳаммасини санаганда камида мингтacha келарди.

Иккала профессоримиз асримиздан аввалги даврнинг жониворлари ҳаётини ўрганиш имконияти туғилганидан бениҳоя хурсанд бўлишиб, кунбўйи шу ерда ўтиришга рози эдилар. Улар, афтидан, птеродактилларга емиш вазифасини ўтовчи, тошлар орасида ётган балиқ ва қушларни санаганда камида мингтacha келарди.

¹ Данте Алигьери (1265—1321)— Уйғониш даврида яшаб, ижод этган буюк итальян шоири, «Илохий комедия» достони муаллифи. Бу асар уч бўлимдан иборат: «Жаҳаннам», «Аъроф» ва «Жаннат». Шоир ана шу хаёлий «нариги дунё»нинг мазкур уч босқичига қилинган саёҳатларни юқоридаги уч бўлимда тасвирлайди.

нинг ўлаксаларини бизга кўрсатишар, бу учар калтакесакларнинг суюклари нима учун бир қатор жойларда, масалан, Кембриж қумлоқларида бунчалик кўплаб учрайди?— деган саволга ниҳоят жавоб топганликларидан севиниб, бир-бирларини табриклишарди. Энди птеродактиллар ҳам пингвинларга ўхшаб гала-гала бўлиб яшаганлари ҳақида шубҳа бўлиши мумкин эмас, дейишарди улар.

Охири Челленжер ўзининг аллақандай тезисини ҳам-касабасига исбот қилиб бераман деб, тош орқасидан бошини чиқариб, ҳаммамизни ўлимга маҳкум қилишига оз қолди. Бизга энг яқин турган эркак маҳлуқ бирдан чин-қиргандек вишиллаб, йигирма фут келадиган пардали қанотларини қоқиб осмонга парвоз қилди. Модаси бўлса болалари билан сувга яқинроқ жойда ғуж бўлиб олишди, посбонлари эса бирин-кетин осмонга кўтарилиши. Бошимиз узра учеб юрган бу юзлаб жирканч маҳлуқлар худди қалдиргочдек қанотлари билан ҳавонитез кесиб учеб ажис манзара ҳосил қилдилар. Аммо-лекин биз тезда бу манзарага маҳлиё бўлиш яхшиликка олиб келмаслигини англадик. Аввалига птеродактиллар осмони-фалакда баланд учеб, гир-гир айланиши, Афтидан, хавф-хатарнинг қашчалик катталигини билмоқчи бўлишиб шекилли. Кейин се-кин-аста доирани торайтириб, тобора пастлай бошлишида ва ниҳоят, тим-қора қанотларининг қуруқ шитирлашидан мен беихтиёр Хендон аэродромида мусобақа кунлари кўтариладиган шовқинни эсладим.

— Эҳтиёт бўлинглар! — қичқирди лорд Жон милтигина нинг оғиздан тутиб.— Тўппа-тўғри ўрмонга қочинглар, ҳам-маларинг бирга бўлинглар!

Лекин бу чоғ бошимиз узра доиралар торайгандан торайди. Птеродактиллар қарийб қанотлари билан юзларимизни силай бошладилар. Биз қўндоқлар билан уларни саваладик, аммо зарбаларимиз юмшоқ бир нарсага теккандек у маҳлуқларга ҳеч қандай зиён-заҳмат етказмасди, Қўйқисдан ана шу тим-қора ялтироқ доира ичидан узун бир бўйин чиқиб чўзилиб кела бошлади; ғаламис бир тумшук бизни нишонга олиб келарди. Ундан кейин яна биттаси. Саммерли қичқириб юборди-да, қонаб кетган юзиши қўллари билан беркитди. Мен орқа миямга кучли зарб текканини сездим, оғриқнинг зўридан ҳушдан кетай дедим. Челленжер йиқилди, унга ёрдам бераман деб эгилган эдим, орқамдан урилган яна бир зарб билан унинг устига ағанаб тушдим. Худди шу чоғ лорд Жон ўқ узди. Бошимни кўтарган эдим, қаноти синган птеродактиллардан бири ерда патирлаб ётганини кўрдим, катта очиқ тумшуғи-

дан сүлгаги оқар, қонга түлган, чақчайған күзларини жон ҳолатда ола-кула қиласы,— ўрта асрлардаги аллақайсай рассомнинг мудхиш суратидаги иблиснинг айнан ўзи! Милтиқ овозидан чүчиб кеттган махлуқлар бошимиз узра чарх уриб айлана бошлишди.

— Энди қочинглар! — қичқирди лорд Жон.

Биз бутазор оралаб қоча бошладик, аммо чангалзор четига етайдеганимизда, гарпиялар яна бизга етиб олишди. Саммерли үиқилиб тушди, уни күтариб олиб, дараҳтлар панасига югурдик. Ўрмонга киришимиз билан хавф-хатар бартараф бўлди, чунки птеродактиллар қанотлари ниҳоятда катта бўлгани учун шох-шабба орасида ҳаракат қила олишмасди.

Биз лагеримизга чарҷаб-ҳориб аянчли ҳолатда қайтдик, махлуқлар эса мовий осмонда парвоз этиб, бизни таъқиб қилишарди, уларнинг чарх уришини пастдан кузатган киши кўзига оддий каптардек бўлиб кўринишарди. Ўрмон бизни ўз бағрига яширгач, таъқиб тўхтади, ҳафсаласи пир бўлгани птеродактиллар қайтиб кўринишмади.

— Гоят мароқли ва ибратли ҳодиса,— деди Челленжер ирмоқда шишиб кетган тиззасини юваркан.— Энди, Саммерли, сиз билан биз қутурган птеродактилларнинг ўзларини қандай тутишларини биламиш.

Бу пайтда Саммерли пешонасидаги жароҳатдан оқаётган қонни артаетган, мен эсам гарданимдаги анча чуқур ярамни боғлардим. Лорд Жон бизга қараганда унча шикастланмади деса бўлади: ваҳший махлуқ елкасини тирниаб ўтган, кўйлагини йиртиб юборган, холос.

— Шуни қайд қилиш керакки,— давом этди Челленжер,— навқирон дўстимиз ўйилган жароҳат олди, чунки лорд Жоннинг кўйлагидан бундай парчани фақат тиши билан узиб олиш мумкин. Менинг бошимга эса, қанотлари билан савалашди. Шундай қилиб, биз птеродактилларнинг турли-туман усуллар билан ҳужум қила олишларига гувоҳ бўйдик.

— Оз бўлмаса, ажалимиз етган эди,— жиддий оҳангда деди лорд Жон.— Разил махлуқлар қурбони бўлишдан ҳам тубан ажални ўйлаб топиш қийин! Ҳечам отгим йўқ эди-ку, аммо бошқа иложим қолмаганди-да.

— Сиз отмаганингизда, биз ҳозир бу ирмоқ бўйида ўтирган бўлардик,— ишонч билан дедим мен.

— Мен узган ўқ ишимизга зарар етказмас деб умид қиласмиш,— деди лорд Жон.— Бу ўрмонларда ундан ҳам қаттиқ товушлар тез-тез эшитилиб турса керак: гоҳ шох синади, гоҳ бутун-бутун дараҳтлар қулайди. Хўп энди бугун-

га шунчалик зўр ташвишлар етар. Қани юринглар, лагеримизга борайлик, аптечкамиздан карбол кислотамизни топиб, яраларимизга сурайлик. Қим билсин, бу газандаларнинг тиши заҳарли бўлиб юрмасин тагин.

Аммо-лекин дунё яралганидан бўён инсон бошига бир кун ичida шунча саргузашт тушганмикин?! Бизни янги фалокат кутарди. Ирмоқ бўйидан бориб, ялангликка чиқдик-да, тиконли ихота билан ўралган фортилизни кўриб, худога шукур, бугун кўрган-кечиргандаримиз битгандир деб ўйловдик. Лекин дам олиш бизга насиб бўлмади. Челленжер Фортига киравериш аввалгисидек ҳар нарсалар билан тўсиб қўйилган, ихота девор бутун, бироқ шунга қарамай, биз йўғимизда бу ерда бирор бўлган. Кутимаган меҳмон ерда ҳеч қандай из қолдирмаган, фақат лагеримиз узра осилиб турган гингко дарахтининг каттакон шохи но маълум кимсаннинг қандай тушганига ишора қилиб турар эди. Ўнинг кучи ва жасорати нақадар қудратли эканини омборимизнинг ахволи кўрсатиб турипти. Ҳамма нарса ялангликка иргитиб, отиб ташланган, гўштлик тунука банка эса босиб, пачақлаб ташланган — афтидан, уни шу усуlda очмоқчи бўлганга ўхшайди. Ўқлар солинган яшиклардан тахтасининг ўзи қолипти, улар орасида эса эзилган гильза ётипи. Пинхоний қўрқув яна юрагимизни сиқа бошлиди ва биз дарахtlар тагидаги қуюқ сояларга қўрқа-писа тикила бошладик, худди у ерлардан яна аллақандай даҳшатли махлуқлар чиқиб қоладигандек.

Э, ана шундай таҳликали дамларда Самбонинг овозини эшишиб ўзимизни қанчалар енгил ҳис қилганимизни билсангиз эди, ясситоғ четига келиб, қоя чўққисида унинг илжайиб турган чехрасини кўрдик!

— Ҳаммаси яхши, мистер Челленжер! Ҳаммаси яхши! — қичқирди у. — Самбо шу ерда, Қўрқма! Самбо деб чақирсанг, у доим шунда бўлади.

Биз соғдил негрга ва Амазонканинг ирмоқлари томон чўзилиб кетган белоён текислика қараб, биз ахир йигирманчи асрда, Ерда яшайпмиз, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб ётган, сеҳрли бир куч бизни келтириб ташлаган ибтидоий сайдера эмасмиз, деворгимиз келди. Уфқнинг нилий чизигидан буюк дарёгача бир қадам эканлигини тасаввур қилиш нақадар мушкул! Ҳув ана, унда кемалар сузиб юрипти, одамлар турмуш икир-чикирларини ўйлаб юришипти унда, биз бўлсак бунда ибтидоий махлуқлар орасига келиб олиб, ўёққа тикилиб шунча қувончларга тўла ўша ҳаётни соғиниб, мўлтайиб ўтирибмиз, а!

Бу гаройиб кун билан боғлиқ яна бир эсадалигим бор,

мактубимни шу билан тугатмоқчиман. Жароҳатлар иккала профессорнинг асабига бешак таъсир этди, улар, бизга хуруж қилганлар тарихдан аввалги калтакесакларнинг қайси турига мансуб — птеродактилларгами ёки диморфодонларгами? — деган мавзуда қизгин баҳслашиб кетишиди. Аччиқ-чучук гапларни ҳам айтишиб олишди. Уларнинг ади-бадисини эшитмаслик учун мен нари кетдим-да, йиқилган дараҳт танаасига ўтириб, тамаки тутатдим. Бир неча минутдан кейин рӯпарамда лорд Жоннинг қомати пайдо бўлди.

— Менга қаранг, Мелоун,—деди у,— бу ярамас маҳлуқлар ин қурган жойни яхшилаб эслаб қолдингизми?

- Албатта, эслаб қолдим.
- Вулқон кратерига ўхшайди шекилли, тўғрими?
- Мутлақо тўғри,— дедим мен.
- У ернинг тупроғи қанақа, эътибор бердингизми?
- Нуқул қоялар, тошлар.
- Йўқ, қамишлар ўсиб ётган сув бўйидаги ер-чи?
- Кўкимтири алланима, лойга ўхшайди.
- Ҳа, ўлманг, худди шундай... Вулқон кратери, лойи кўкимтири.
- Хўш, нима бўпти? — сўрадим мен.

— Э, йўқ, ўзим шуичалик сўрадим-ла,— дея жавоб берган Жон ҳамон баҳсчи олимларимизнинг овоzlари Саммерлининг жиддий, кескин, қўнғироқ товуши ва Челленжернинг бўғиқ ўйғон саси келаётган жой томон кетди.

Мен балки лорд Жоннинг сўзларини унутиб юборган бўлардим, аммо ўша кеча ўша гапларни ундан яна эшитдим.

— Кўк лой... вулқон кратеридаги кўкимтири лой,— дея ғўлдиради у.

Роса ҳориб-чарчаганим учун уйқуга кетишим олдидан эшитган сўнгги сўзларим шулар эди.

У Н БИРИНЧИ БОБ

МЕН ШУ ҚУННИНГ ҚАҲРАМОНИ БЎЛДИМ

Лорд Жон Роксоннинг хавфсираганича бор экан: бизни чўқиган даҳшатли маҳлуқларнинг тиши заҳарли экан. Эртасига эрталаб ясситоғ устидаги биринчи саргузаштимиздан сўнг Семмели билан менинг аъзойи баданларим қақшаб оғрий бошлади, Челленжернинг бўлса тиззасининг кўзи дўмбира бўлиб шишиб кетганидан оёғини боса олмасди. Шунинг учун ҳам кунбўйи лагеримиздан чиқмадик,

имконимиз борича душманларимиздан бизни ҳимоя қила-
диган ягона қўриқчимиз — тиканли ихотани мустаҳкам-
лашда лорд Жонга ёрдам бердик. Ҳозир ҳам эсимда, ўша
куни эрталабданоқ ғалати бир ҳиссиёт таъқиб қиласади,
худди кимдир бизни диққат билан кузатаётгандек бўла-
верди, аммо у қаерда, ўзи ким? — буни айта олмасдим.

Мен бу хавотиримни ичимга сиғдира олмай Челленжер-
га айтдим, у бўлса дарҳол иситма-безгак аломатидан бўл-
са керак деб, ақлдан озиш нишонасига йўйди буни. Ни-
ма бўлса ҳам, мен бари бир дам ўтмай, бир нарсани кўр-
моқчи бўлгандек атрофга аланг-жаланг боқардим, аммо
тиканли ихотамиз бино бўлган бир ғарам шох-шабба ўю-
мидан ва улкан дараҳтлар бошида қора саватдек юксал-
ган яшил либосдан бошқа ҳеч нимани кўрмасдим. Ҳамон
икки қадамча нарида аллақайси бир ғаламис яшириниб
ётипти деган ишонч кучайса кучайдики, миямдан кетмади.
Мен ҳиндуларнинг ўрмоннинг овлоқ жойларида яшириниб
юрадиган даҳшатли Курупуридан қўрқишилари ҳақидаги
иримларини эслаб, бу ёвуз рӯё ўзишининг энг муқаддас сал-
танатидан эзгу сирларини билишга интилган довюраклар-
нинг тинка-мадорини қуритиши рост ækан-да, деб ишониш-
га тайёр эдим.

Шу оқшомда — Мепл-Уайт Мамлакатида кечирган учин-
чи кечамиизда бизда оғир таассурот қолдириб, Челленжер-
нинг Фортини мустаҳкамлаш учун жонини жабборга бе-
риб ишлаган лорд Жонга яна бир бор ташаккур айтишга
бизни мажбур этган бир ҳодиса бўлиб ўтди. Ўчай деб
қолган гулхан атрофида ухлаб ётганимизда, қўққисдан қу-
лоқни қоматга келтирадиган бўкириш ва чийиллаш бизни
уйғотиб юборди, тўғрироғи оёққа қалқитди. Лагеримиз-
нинг шундоққина ёнгинасидан эшитилган бу қичқириқни
нимага қиёслашни билмайман, чунки шу чоққача бундан
даҳшатли товушни эшитмагандим. Бу товуш бамисоли па-
ровоз ҳуштагидек ҳавони ларзага солса ҳам, унингдек ти-
ниқ ва аниқ эмасди. Бениҳоя даҳшат ва азоб берувчи, қу-
лоқ-мияни пармаловчи бу қуюқ товушни эшитмаслик учун
қулоқларимизни маҳкам беркитиб олдик. Бундай тазйиққа
асаблар дош бера олмади. Аъзои-баданимни муздек тер
босди, юрагим тўхтаб қолгандек туюлди. Ана шу изтироб-
ли қичқириқда ҳаётнинг барча ғам-ғуссалари, унинг ҳад-
ҳисобсиз азоб-уқубатлари, олами айблаш мумкин бўл-
ган ҳамма нарса омиҳта бўлиб кетгандек эди. Бу жаранг-
дор фифонларга оҳангдош тарзда, гўё уларни босиб кет-
гандек бўлиб, аллакимнинг томоқ кириб тантанавор бўки-
риши, дам-бадам пиқиллаган кулгиси жўр бўлағди. Бу

құрқинчли жүрлік түрт-беш минутча давом этди, у дарахттарнинг шохларида ухлаб ётган ҳамма қушларни сароси-мага солиб қўйди ва қўққисдан тинди-қолди. Бу даҳшатли товушдан анчагача ўзимизга кела олмай жим турдик. Сўнг лорд Жон гулханга қуруқ шох-шаббадан ташлади. Оловнинг қизғиши шуълалари ўртоқларимнинг жиддий чеҳраларини ёритиб, бошимиз узра осилиб турган баргларда ўйнади.

— Бу нима бўлдийкин! — шивирлаб сўрадим мен.

— Эрталаб биламиз,— деди лорд Жон.— У жуда яқин ерда, анави ялангликдан узоқда эмас.

— Биз узоқда, тўқайда, юра даври ҳарсанглари орасида рўй берган тарихдан аввалги замонларга хос фожеани тинглашга мусассар бўлдик. Ирик тимсоҳ ўзининг ожизроқ биродарини ботқоқликда тамом қилди-ёв! — хитоб қилди Челленжер ҳатто ўзига ҳам хос бўлмаган тантанаворлик билан.— Ҳа, одам Ер юзида анча кейин пайдо бўлиб, кўп нарса ютган-да. Оламнинг пайдо бўлиши тонгигда на унинг мардлигидан, на тадбиркорлигидан қўркмайдиган мана шунақа даҳшатли маҳлуқлар билан тўқнашарди. Бугун кечаси ваҳшийлик қилиб чиққан йиртқичларга қарши курашда камон, палахмон, найза ёрдам берармиди? Ҳатто ҳозирги замон милтири ҳам буцдай ёвуз маҳлуққа қарши курашда устунликни таъминлай олмайди-ку.

— Шундай бўлса ҳам, азиз дўстимга таянман,— деди лорд Жон «экспресс» милтифининг оғзини силаркан...— Лекин баҳслашмайман, бу қўрқинчли маҳлуқ ғалаба қилиш учун кўп имкониятларга эга.

Саммерли қўлини кўтарди.

— Тсс! — шивирлади у.— Нимадир эшитгандек бўлдим.

Сукунат осойишталигини ивир-шивир эшитилаётган бир маромдаги оёқ товуши бузди. Аллақандай ҳайвон оғир панжаларини бир-бир оҳиста босиб чангалзордан келарди. У секинлик билан фортилизни айланиб, ичкарига кириладиган жойда тўхтади. Унинг ҳуштакни эслатадиган ҳарсиллашини эшита бошладик. Тунда ташриф буюрган бу баҳайбат маҳлуқ билан бизнинг орамизни фақат тиканли ихота ажратиб турарди. Биз милтиқларимизга ёпишдик, лорд Жон бўлса, тиканли ихотадан бир шохни олди-да, бамисоли шинақка ўхшаган дарча очди.

— Вой худойим-е! — шивирлади у.— Мен уни кўраяпман шекилли.

Мен лорд Жоннинг елкаси оша қарадим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам кўриняпти! Дарахт тагидаги қалин соядада янада қуюқ-

роқ соя күрінди. Бу ибтидоиі, ерга қапишиб ётган ҳайвонда ёввойи күч-құдрат, йиртқычлик сезилиб турарди. Бүйі отдан баланд бўлмаса ҳам лекин қадди-бастилинг тузилиши ниҳоятда кучли эканлигидан далолат берарди. Худди буғ қозони чиқараётган бир маромдаги, тұла, текис нафас олиш — ниҳоятда бақувват ҳайвон организмига хосдир. Махлуқ қимирлаган эди, унинг құрқинчли, яшил ўт бўлиб ёнаётган кўзларини кўрдим. Шу ондаёқ шитирлаган овоз эшитилди — ҳайвон оҳиста олдинга юрди.

— Ҳозир сапчыйди! — дедим-да, милтиқни отишга тахт қилиб қўйдим.

— Отманг! — шивирлади лорд Жон. — Шундай осуда тунда ўқ ўзиш мумкинми, ахир? Уқ овози бир неча миль жойга кетади. Бу ишни энг охирги чора сифатида сақланг.

— Бордию, у ихотамиз устидан сакраб ўтса, ўлдик дәверинглар! — деди Сammerли асабий тиржайиб.

— Сакраб ўтишига йўл қўймаймиз! — Қичқирди лорд Жон. — Лекин жудаям зарур бўлиб қолган тақдирдагина отинглар. Балки ўзим шундогам эплаштиарман. Бир уриниб кўрай-чи.

Лорд Жон кўрсатган жасорат бекиёс эди. У гулхан устига энгалиб, ёниб турган бир шохни олди-да, тиконли ихотанинг боя туйнук очиб қўйган жойидан лип этиб ўтди, Лорд Жон бир лаҳза ҳам иккilanмай махлуқнинг олдига югуриб бориб, ёниб турган шохни унинг тумшуғига сўди. Қўз олдимда бир неча лаҳза муддатда улкан чўл қурбакасининг жирканч ниқоби кўрингандек бўлди: сўгал босган, худди мохов ўйиб-ўйиб ташлагандек териси, қонга тўлган каттакон оғзи ниҳоятда хунук эди. Шу ондаёқ чангальзор орасида шатир-шутир эшитилди, қўрқинчли меҳмонимиз ўрмон қўйнида ғойиб бўлди.

— Жонингизда қасдингиз бормиди! — қичқирдик ҳаммамиз бараварига.

— Нима ҳам қила олардим? Бу йиртқич орамизга тушиб қолганида борми, бир-биримизни отиб қўйган бўлармидик. Ихота оша отиш ҳам бефойда: унда махлуқ сакраб бўёққа ўтарди, тасир-тусир отишув бизни фош қилиб қўярди, бошқа ҳеч нафи бўлмасди. Умуман олганда, менимча, осонгина қутулдик. Ҳуш, ўзи бу қанақа ҳайвон бўлдийкин?

Бизнинг камоли зуқко олимларимиз бир нарса дейишга журъат қилолмай, бир-бирларига қараб қўйишиди.

— Бу махлуқ ҳақида аниқ бир гап айта олмайман, — деди Сammerли гулхан ёнида трубкасини чекаркан.

— Бундай эхтиёткорлик чинакам илмий тафаккурлаш иқтидори бўлган одамларга хосдир,— Челленжер лутфан мақтаб қўйди! — Мен ҳам бу кеча биз ясситоғ динозаврларининг бир тоифасига дуч келдик, дейиш билангина чегараланаман. Буларнинг ясситоғда мавжуд бўлиши мумкинилиги ҳақида мендан эшигансизлар.

— Ахир, тарихимизгача бўлган жониворларнинг кўп нусхалари ҳақида бизгача ҳеч қандай маълумот етиб келмаган-ку,— деди Сammerли.— Бу ерда учраган ҳар бир жониворга ном қўяверсак, шошма-шошарлик қилган бўлурмиз.

— Сиз мутлақо ҳақсиз. Бизнинг имкониятларимиз тахмий тасниф қилишимизнигина тақозо қиласди, холос. Эртагача сабр қилийлик-чи, бир гап бўлиб қолар, ҳозир эса, келинглар, уйқуни келган жойидан давом эттирайлик.

— Лекин битта шарт билан, биримиз навбатчилик қилиб турамиз,— деди қатъийлик билан лорд Жон.— Бундай мамлакатда ҳазил кетмайди, дўстлар. Бундан бўён иккни соатдан навбатчилик жорий қилишни таклиф этаман.

— Ўнда биринчи пособон мен бўламан, ўзим ҳам мириқиб чекиб олай деб турувдим,— деди профессор Сammerли.

Шуидан буёни пособониз ухламайдиган бўлдик.

Эрталаб тунда қулоқларни қоматга келтириб бизни ўғотиб юборган қичқириқларнинг сабаби англашилди. Биз игуанодонларни учратган яланглик чинакам жанггоҳга айланнилти. Мана шу ердаги ҳалқоб-ҳалқоб қонга, ўтлар орасида ҳар ер-ҳар ерда катта-катта бўлак гўштларга қараб, бунда бўлиб ўтган жангда жуда кўп ҳайвонлар ҳалок бўлишган дейиш мумкин, аммо уларни диққат билан кузатсангиз, бошқа, ундан каттароқ бўлмаса-да, жуда йиртқич ҳайвоп чангалида бурда-бурда бўлган битта игуанодоннинг гўштлари эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Иккала профессор ҳам ўткир курак тиши билан катта тирноқлар раҳмсизларча қиймалаган гўштнинг ҳар бир бўлагини диққат билан кузатишиб, илмий баҳсларга берилиб кетишиди.

— Ҳозирча бирор хулосага келиб бўлмайди,— деди профессор Челленжер тиззасида ётган бир бўлак оқиши гўштга тикиларкан.— Баъзи маълумотларга қараганда, ҳужум қилган махлуқ наизатишли йўлбарс¹ бўлиши керак.

¹ Найзатишли йўлбаре (маҳайр одам) — ўлиб битган улкан мушук. Унинг юқори жағидаги тиши ханжардек жуда узун ва ўткир бўлиб, териси қалин ҳайвонларни овлашга мослашгандир.

Бундай йўлбарсларнинг скелетларини ғорлардаги конгломерат — қурама жинслар орасидан топмоқдалар, бироқ биз ўз кўзимиз билан кўрган махлуқ анча йирик бўлиб, кўпроқ судралиб юрувчига ўхшайди. Шахсан мен бу махлуқ аллозавр бўлса керак деб ўйлашга мойилман.

— Ёхуд мегалозавр бўлса керак,— деди Сammerли.

— Бўлиши мумкин. Хуллас, йирик ваҳший динозаврлардан¹ бири бўлиши аниқ. Улар орасида бир вақтлар Ер курримизни пайҳои қўлган даҳшатли махлуқлар ёки музейларни безайдиган жониворлар ҳам учрайди.— Челленжер ўз «аскияси» ўзига наша қилиб, кулиб юборди. Гарчи қизиқ гап айтишга қобишлияти бўлмаса ҳам, Челленжер ҳатто энг қўпол ҳазилидан ҳам, қойил қилдимми, дегандек курсанд бўларди.

— Шовқинни қанча кам қиссақ, шунчалик бехатар бўламиз,— гапни чўрт кесиб, уни ҳовурдан туширди лорд Жон.— Яқинимизда пималар пусиб юрганини ким билипти дейсиз? Борди-ю, ўша шоввоз нонушта қиласман, деб буёққа қайтиб келиб, бизга дуч келиб қолса борми, ҳазил-ҳузулни ана унда кўрасиз. Айтганча, манави доғ ниманики?

Игуанодоннинг тангасимон тим-қора терисида, елкасидан сал юқорироқда асфальт рангига ўхшаган чандик доғи яққол кўриниб турарди. Гарчи Саммерли икки кун олдин шундай доғни ёш иуганодонларнинг бирида кўрганини эслаган бўлсада, ҳеч биримиз унинг нималигини аниқ айтиб бера олмадик. Челленжер шумшайиб олганича миқ этмай ўтиради, гўё биламан-у, аммо айтмайман, деяётгандек қилиб кўрсатарди ўзини! Лорд Жон шундай савол билан унинг ўзига бевосита мурожаат қилишдан ўзга иложатолмади.

— Сизлар лутфу карам билан оғиз очишимга ижозат бергундек бўлсаларингиз, ўз фикримни айтишдан ниҳоятда баҳтиёр бўлур эдим,— ачитиб деди Челленжер.— Мен бунақа дашномларни умрим бино бўлиб биринчи эшишим. Ўзим ҳам сизларнинг рухсатларингизсиз беозор ҳазил қилиб, кулиб ҳам бўлмаса керакдирор, деб ўйлагандим-а.

Жиззаки дўстимиздан лорд Жон кечирим сўрагандан кейингина профессор лутф айлаб, қаҳр-ғазабини меҳршафқатга алмаштириди. Челленжер ўзини тамомила босиб

¹ Йирик чинозаврлар — орқа оёқларида юрувчи улкан йирикчиларни бирлаштирувчи гурухининг бир тоифаси.

олиб, хотиржам бўлгандан кейингина, йиқилиб ётган дарахтнинг танасига чиқди-да, одатича, гўё. олдида биз учкиши эмас, балки профессордан қимматли маълумотларни кутаётган минг кишилик аудиторияга мурожаат қилаётгандек ажиб бир тантанаворлик билан нутқ бошлади.

— Юқорида эсга олинган доғ масаласига келганимизда,— дея гапини бошлади Челленжер,— мен бу асфальт деган фикрни таъкидлаган дўстим ва ҳамкасабам профессор Саммерлининг фикрига қўшилишга мойилман. Мепл-Уайт Мамлакати келиб чиқиши жиҳатидан вулқон пайдо бўлиши ҳодисасига боғлиқ эканлиги шубҳасиз, асфальт эса, маълумки, энг чуқур жойларда ҳосил бўлади, шак-шубҳасиз суюқ ҳолатда бўлади, бинобарин у игуанодонлар терисига ёпишиб қолган бўлиши мумкин. Лекин, ҳозир бизнинг олдимиизда бошқа, ундан ҳам муҳим масала турипти: этхўр йиртқичлар бу ерда қандай яшаб қолдийкин, ахир, уларнинг биттаси мана шу ялангликка ташриф буюриб, унда даҳшатли излар қолдирди-ку? Биз биламизки, ясситошнинг сатҳи Англиядаги ўртача графликтинг майдонидан катта эмас. Ҳамма тарафи ўраб олинган бу майдондан жуда кўп асрлардан бери Ер куррасидан поҳнишони ўчиб кетган баъзи нусхалар истиқомат қилиб келмоқда. Бас шундай экан, мен бунга шак-шубҳа қилмайман, этхўр ҳайвонлар ҳеч қандай тўсиққа дуч келмай ўзларидан кўпайишиб, табиат уларга инъом этган эҳсошлиарни еб битирган бўлишлари, бинобарин, очликдан қирилиб битган бўлишлари ёки гўштдан бошқа бирор емишга ўтган бўлишлари керак. Кўриб турибмизки, униси ҳам, буниси ҳам рўй бермаган. Бинобарин, бу ўта ваҳший махлуқларнинг сони чекланганлиги, бусиз табиат мувозанатини йўқотган бўларди, бу ерда қандайдир бошқа усул билан содир бўлган, чамаси. Ана шу усувлар қандай ва улар қандай қўлланилади? Булар ечилиши лозим бўлиб турган энг муҳим муаммолардандир. Мен яқинроқ замонларда ўтган этхўр динозаврларнинг вакилларини кўриб қолармиз, деб умид қилишга журъят этаман.

— Мен эса бундай имкониятга эриша олмасак керак деган умидда эканлигимни изҳор этишдан ўзимни тия олмайман,— дедим мен.

Профессор бунга жавобан худди саволига ножӯя жавоб берган ўқувчисига дашном бераётган муаллимдек қошини чимирди.

— Балки профессор Саммерлининг бу масалага онд фикрини эшитсан жоиз бўлармиди? — таклиф этди у.

Иккала профессор илм-фаннинг нурли чўққиларига кў-



тарилишиб, муаммони ҳал қилишга киришдилар, емиш тобора камайиб борадиган шароитда тириклик учун кураш ва туғилиш ўртасидаги алоқани фақат шундай чўққидан туриб ҳал қилиш мумкин экан-да.

Уша куни эрталаб биз яна птеродактиллар макон қурган ботқоқликдан чиқиб қолмаслик учун ирмоқ бўйлаб шарқ томон юрдик, ясситоғнинг кичик бир қисмини харитага туширдик. Ўрмоннинг биз юрган томони шу қадар қалин эдики, биз гўё дараҳтзорни ёриб борардик.

Шу пайтгача мен Мепл-Уайт Мамлакатининг даҳшатли манзараларинигина ҳикоя қилиб келдим, лекин бу адодатдан эмасди-да, чунки ўша тонг палласида биз нуқул, асосан оқ ва сариқ тусдаги анвойи гуллар орасида юргандик. Челленжер билан Саммерлининг гапларига қараганда, ибтидоий жамиятдаги ранглар ана шу икки тус билан чекланган экан. Кўпинч ер юзи майса гуллар билан буркангани учун тўлиғимизгача ажойиб юмшоқ гиламга ботиб борарди, атрофга ўткир хушбўй ва ёқимли ҳидлар тарқалгани учун бошимиз айланиб борарди. Ҳаммаёқда худди ўзимизнинг Англиядагидақа асаларилар ғўнғилларди. Дараҳтларининг шохлари меваларини кўтара олмай эгилиб ётипти, уларнинг баъзилари бизга таниш бўлса, кўплари мутлақо потаниш эди. Биз қуш чўқиган мевалардан олиб, заҳарланишдан қўрқмай дастурхонимизни боийтдик. Чангальзорнинг ана шу қисмида ёввойи ҳайвонлар солгап сўқмоқлар ҳар томонга кетади, ботқоқ пастикларда эса ҳисобсиз излар кўринади; улар орасида игуанодонларнинг ҳам излари учарди. Ўрмондаги ялангликларнинг бирида ана шу баҳайбат маҳлуқлар подаси ўтлаб юрарди, лорд Жон дарров дурбинини олиб, бурда-бурда қилиб ташланган гуанодонникига ўхшаш асфальтдоғлар булаарниг таналарининг уер-буерида бормикин деб қарай бошлилади. Бу ғалати ҳодисани бирортамиз ҳам тушунтириб беришдан ожиз эдик.

Йўл-йўлакай майда ҳайвонлар — жайронлар, тангасимон чумолихўрлар, сўйлоқ, узун тишлари юқорига буралиб кетган ола тўнғизлар олдимиздан чиқиб турди. Бир марта дараҳтлари сийраклашиб қолган жойдан тепаликнинг ям-яшил қиямалигига кулранг-жигарранг тусдаги аллақандай йирик ҳайвоннинг югуриб ўтганини кўриб қолдик. У шу қадар тез ўтдики, биз яхшилаб қарай олмадик ҳам. Мабодо, лорд Жон таъкидлаганидек, кийик десак, унинг катталиги жонажон Ватаним Ирландия ботқоқларидан ҳамон топишаётган улкан буғуларнинг устихонидан қолишимасди.

Кечаси ташриф буюрган сирли мәхмөн бизни құрқитиңбүйіншін әкан шекилли, лагеримизга құрқа-құрқа қайтдік. Бирок бошқа бундай ҳодиса асло рүй бермади. Үша оқтшом келгуси режаларимизни муҳокама қилиш чоғида баҳс қызиси кетди. Бу баҳсни батағсил баён қылмоқчиман, чунки у бундан бүёнги ҳаракатларимиз тарзига таъсир қилиб, Мепл-Уайт Мамлакатини бир неча күн ичида узоқ ҳафтадардан күра яхшироқ үрганиб олишимизга ёрдам берди.

Музокарани Сammerли очди. У әрталабданоқ нимадаңдир норози бўлиб турган эди, лорд Жон әртанги күн режалари ҳақида гап бошлиши биланоқ тутоқиб кетди.

— Бугун ҳам, әртага ҳам, индинга ҳам бу қопқондан қутулиб чиқиш йўлларини излашимиз керак,— деди у.— Ҳаммаларингиз мамлакатнинг ичкарисига тобора қўпроқ кириб бориш ҳақида бош қотирайпсизлар, ваҳоланки, менимча, бу ердан чиқиб кетиш ҳақидагина ўйлаш лозим.

— Фан кишисининг бунчалик тубан кетишини ўйламаган эдим, сэр! — фўнғиллади Челленжер паҳмоқ соқолини силаркан.— Сиз шундай бир мамлакатга келиб қолдингизски, олам бино бўлиб, чинакам ишқибоз натуралист уни умр бўйи орзу қилиши мумкин, холос! Келиб-келиб сиздек бир олим шундай қўриқхонани ташлаб кетамиз, деган таклифни ўртага ташлаб ўтиrsa-я, яна бизга у билан ва унда истиқомат қўлиувчилар билан юзаки танишиш кифоя, деб маслаҳат берасиз, а! Сизга жуда ҳайрон қолдим, профессор Сammerли!

— Марҳамат қилиб, шуни унұтманғки,— деди у жаҳул билан,— Лондонда мени студентларнинг катта группаси кутаяпти, ҳеч нимани билмайдиган ассистентимга ташлаб келғанман. Менинг ахволим сизницидан бироз бошқачароқ, профессор Челленжер, чунки менга маълум бўлишича, сизга ҳеч ким ва ҳеч қачон ёшларга таълим беришдек масъулиятли вазифани топширмаган-да.

— Ҳа, баракалла,—унинг гапига қўшилди Челленжер — Олий мақомдаги ижодий изланишларга қобил бўлган ақлу заковатни бўлмағур нарсалар билан банд қилишнинг нима кераги бор? Бу қабиҳлик бўлур эди, менимча! Мана шунинг учун ҳам мен бундай таклифларни ҳамиша қатъиян рад этиб келаман.

— Қанақа таклифларни ўзи! — ўсмоқчилаб ачитиб сўради Сammerли.

Лекин шу чоғ лорд Жон гапни бошқа мавзуга буришга уриниб кўрди.

— Сизларга шуни айтишим керакки,— дея бошлади у

гапини,— бұ мамлакат билан яхшироқ танишмасдан туриб, Лондонға қайтишни шармандалик деб биламан.

— Мен эса редакция останасидан қадам қўйишга, кексамиз Мак-Ардл кўзига кўрингани ор қиласман,— гап қистирдим мен. (Албатта сиз хафа бўлмассиз бу гапимга, сэр, а?). Шундай материалнинг қадрига етмай кетиб қолсам Мак-Ардл мени умрбод кечирмас. Лекин, менимча, бу баҳслар ортиқча: ахир биз жудаям хоҳлаганимиз билан, бари бир, пастга туша олмаймиз-ку.

— Навқирон дўстимнинг тафаккури ниҳоятда қашшоқ бўлса ҳам гапларида жон бор,— деди Челленжер.— Албатта, биз унинг жирканч газетаси манфаатларини сариқ чақага ҳам олмаймиз, лекин ҳақиқат ҳақиқатлигича қолади: биз пастга туша олмаймиз, бинобарин, бефойда баҳсларга вақт сарфлашнинг кераги йўқ.

— Менинг фикримча, сизлар ўйлаган нарсаларнинг ҳаммаси кучни беҳудага сарфлаш бўлиб чиқади,— тўнгиллади Саммерли трубкасини оғзидан олмай.— Рухсатларнинг билан, сизларга шуни эслатиб қўяйки, биз бу ерга Лондон зоология институти илмий йиғилини олдимизга қўйган маълум мақсад билангина келганмиз. Бу мақсад профессор Челленжернинг фикрларини текшириб кўришилди. Айтишим керакки, биз уларнинг тўғрилигини батамом тасдиқлай оламиз. Демак, бизнинг вазифамиз тугади. Ясситорни, унда яшовчиларни муфассал ўрганиш масаласига келсак, бу улкан вазифани маҳсус жиҳозланган катта экспедициягина удалай олади. Бу вазифани бажаришга ўзимиз киришиб кетгудек бўлсак, фанга қимматли ҳисса бўлиб қўшилувчи биз тўплаган материални Англияга ким олиб боради? Профессор Челленжер одам боласи чиқа олмайдиган мана шу ясситог устига кўтарилиш воситасини топди. Келинглар, ундан ўзига хос топқирлик фазилатини яна бир бор ишга солиб, бизни келган оламимизга қайташини илтимос қилайлик.

Саммерлининг далиллари менга ниҳоятда оқилона кўринди. Ҳатто Челленжер ҳам мулоҳазага толди, фикрларимга шубҳа қилувчиларнинг ўзларини ҳақлигимга ишонтирумагунимча, мухолифларимни шарманда қила олмайман, деб ўйлаб қолди.

— Ясситоғдан тушиш муаммоси биринчи қарашда ҳал қилиб бўлмайдигандек туюлади,— деди у,— лекин мен инсон ақлу заковати бундай жумбоқни ҳал қилишига шубҳа қилмайман. Мұхтарам ҳамкасабам ҳақ бўлсалар керак: биз Мепл-Уайт Мамлакатида узоқ туриб қолишимиз керак әмас, уйга қайтиш ҳақида ўйлаш вақти етди. Бироқ мен

ясситоғни текшириб, бирор ҳаритасини тузмагунимизча қайтиб кетишдан қатъий бош тортаман..

Профессор Саммерли бетоқат бўлиб, пишқириб қўйди.

— Разведкага роса икки кун вақтимиз кетди,— деди у,— бу ҳам ҳеч нима бермади. Биз аввалгидек ясситоғ топографияси ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасми. Фақат бир нарса маълум бўлди: Мепл-Уайт Мамлакати ўрмонга бурканган экан. Лекин батафсил текшириш учун ойлаб вақт керак бўлади-ку! Бу ерда бирор тепалик бўлганида бошқа гап эди. Бироқ ясситоғ ўзининг ўртасига қараб нишабланниб боради, бинобарин, биз унинг ичкарисига кириб борганимиз сари, бари бир унинг умумий кўриши очилмайди.

Шунда менинг бир илҳомим келиб кетди. Мен тасодифан нигоҳимни қудратли шохлари бошимиз узра юксалган сербутоқ азamat гинкго дарахтига тушиб қолди. Дарахтнинг танаси ниҳоятда йўғон бўлгани учун бу атрофда ундан баланди топилмаслиги аниқ эди. Модомики, ясситоғ бамисоли қозондек четлари кўтарилиб тураркан, нима учун бу дарахт Мепл-Уайт Мамлакатини кузатишмиз учун минора вазифасини бажармас экан? Мен болалигимдаёқ дарахтларнинг учига чиқишига уста эдим. Ҳамроҳларим қояларга мендан яхши тирмашиб чиқишиади, албатта, бироқ дарахт устига чиқишида менга етиб бўпти. Энг пастдаги шохга оёғимни қўйсам бас, буёғи ҳеч нима эмас, пилдираб олиб учига чиқиб кетаман.

Менинг фикрларим зўр қувонч билан кутиб олинди.

— Навқирон дўстимиз шундай ажойиб муаллақчилик ҳаракатлари қиласиди, давангирдек-давангирдек одамлар, алп қоматли йигитлар ҳайрон қолсин,— деди Челленжер ёноқларини икки олмадек қизартириб.— Мен бундай қаторни қувватлайман.

— Йигитча, қойил сизга, ақлингизга балли-ей! — хитоб қилди лорд Жон елкамга қоқиб.— Нега бу фикр каллангизга олдинроқ келмаганига тушуна олмаяпман, холос! Қуёш ботишига бир соатча вақт қолди, лекин сиз жойнинг жуда тахминан бўлса ҳам планини чизишга улгурасиз. Тепага блокнотингизни олиб чиқаверинг. Ҳозир биз дарахт тагига учта яшикни устма-уст қўймиз-да, сизни бир амаллаб тепага чиқарворамиз.

Лорд Жон яшиклар устига чиқди-да, эҳтиёткорлик билан менга кўмаклаша бошлади, лекин шу чоғ ишга Челленжер аралашиди. У ёнимизга чолиб келди-да, бир ҳаракат қилиб бақувват кафти билан мени юқорига иргитиб юборди. Мен йўғон бутоққа ёпишиб олиб, оёқларимни дарахт

танаисига тираб-тираб, аввал белимгача бутоқса тирмашыб осилиб, кейин шохга чўккаласаб олдим. Пастдаги учта бутоқ менга зина вазифасини ўтади, қолган новдалар ҳам кўтарилишимга ёрдам берди, тез орада ер кўзимдан ғойиб бўлиб қолди.

Вақти-вақти билан тўхтаб қолишга, ҳатто узунлиги ўн фут келадиган шохга осилиб чиқишга тўғри келди, аммо, умуман олганда, кўтарилишим чакки бўлмаяпти, назаримда, тез орада Челленжернинг йўғон товуши бу томонларга асло етиб келмайдигандек эди. Лекин дараҳт шу қадар улкан әдик, бошим узра соя солиб турган япроқларга қанча қарасам ҳам унинг сал бўлса-да, сийраклашаётганини пайқамасдим.

Кўп ўтмай йўлимда бир шоҳдаги ям-яшил миқти коптоқдек бир нарсага дуч келдим — дараҳтга ёпишиб чиқадиган ёт нарса бўлса керак деб ўладим. Нималигини билиш учун бўйнимни чўзиб қарадим, кўзим бир нарсага тушди-ю, даҳшатдан ўзимни йўқотиб, дараҳтдан йиқилиб тушишимга салгина қолди.

Аллакимнинг афти менга тикилиб турарди — орамизда икки футча ҳам масофа қолмаганди. Ҳалиги башаранинг эгаси бўлган, коптоқдек шохлар орқасига яшириници махлуқ ҳам мен билан бир вақтда бўйинни чўзиб қараётган экан. Башара маймунинидаи кўра кўпроқ одаминкига ўхшарди. Ҳуснбузарлар тошиб кетган узун, оқиши юзи, эзилган бурни, каттакон пастки жаги, ияги билан ёноқларидаги гажакка ўхшаган чўткадек қаттиқ соқоли бу қиёфага мудҳиш тус берарди. Махлуқ жағларини катта очиб, гўё мени бўралаб сўкаётгандек бўкирди, шунда унинг пастга қайрилиб кетган қашқирона ўткир курак тчшларини кўриб қолдим. Ўсиқ қошлари остидаги ёзвуз кўзлари менга ўт сочгандек ялт этиб боқди-ю, шу он қўрқувдан жонсиз ҳолга тушди. Махлуқ тошдек ерга шўнфили. Синаётган шох-шаббанинг қасир-қусири эшитилди, сапсариқ, чўчқаникнидек сертук бир гавда кўз олдимдан лип этиб ўтди-да, юлиниб-юлқинган япроқлар гирдобида ғойиб ёлди.

— Нима гап? — лорд Жон Рокстоннинг овози эшитилди пастдан.— Нима бўлди?

— Сизлар ҳам кўрдингларми? — қичқирдим ҳаяжоними ни боса олмай иккала қўлим билан шохни ушлаганча дафдадэф титрар эканман.

— Аллақандай шовкин эшитдик, сиз тойиб кетибсизми деб ўйлабмиз. Нима гап ўзи?

Бу одамсимон маймуннинг бехосдан пайдо бўлиши жон-

понимин чиқарып юборганидан, бор-е деб пастга тушиб, воқеани ҳамроҳларимга гапириб бермоқчи ҳам бўлдим. Бироқ дараҳт чўққиси жуда яқин қолганини ҳамда зиммамга олган вазифани бажармасдан пастга қуруқ қайтиб тушиш иснодини ўйлаб фикримдан қайтдим.

Кейин бирпас ҳордиқ чиқарып олдим-да, нафасимни ростлаб, яна юқорига интилдим. Бир марта оёғим чириган шохга тегиб кетиб, иккала қўлим билан шохга осилиб қолдим, лекин умуман олганда, тепага чиқиш қийин эмасди. Секин-аста япроқлар сийраклашиб юзимга шабада ҳовури урилди, демак, гинкго қўшни дараҳтлардан юксалган жойига чиқибман.

Лекин мен тобора баландга чиқавердим, энг учига чиқмагунимча атрофга қарамайсан деб сўз бергандим ўзимга ўзим. Ниҳоят, шохлар оғирлигимни кўтара олмай эгила бошлади. Шунда мен маҳкамроқ бир айри шохни танладим-да, яхшироқ ўтириб олиб, бизни тақдир шамоли олиб келган сеҳрли мамлакатнинг мафтункор жамолига маҳлиё бўлиб пастга қараб қолдим.

Қуёш нақ уфққа ёнбошлаган, оқшом осуда бўлганлиги учун остимдаги ясситоғ у чидан бу учигача кафтдагидек кўриниб турарди. Ясситоғ сатҳи узунлиги ўттиз миль, кенглиги йигирма миль масофага чўзилган ясси кўринишдаги саёз воронкага ўхшарди, чунки унинг четлари ўртага қараб нишаб бўлиб борарди, ўртасида эса хийла катта кўл бор эди. Бу сўлим кўлнинг бўйларини тўқайзорлар ўраб олган, қуёшнинг заррин нурлари живирлаб ўйнаётган ложувард сув бети, сарфимтири саёз қумликлар сийрак қамишлар орасидан ялт-юлт кўзга ташланарди. Саёзликларда жуда кўп аллақандай нарсалар қорайиб кўринарди. Аллингаторлармикин десам, жуда катта, қайиқмикин десам — жуда узун. Дурбин билан қараган эдим, улар жонли маҳлуқларга ўхшади, қанақа маҳлуқлар эканлигини била олмадим.

Ясситоғнинг лагеримиз турган томонида, уер-буерида ялангликлар кўриниб турган ўрмон билан қопланган қоялар марказий кўл томон олтмиш футча чўзилиб кетган. Нақ оёғимнинг остидагина игуанодонлар яланглиги борлигини, дараҳтлари сийраклашиб бораётган ботқоқликлардан эса птеродактиллар ошиёнига йўл ўтишини ажратиб олдим. Лекин кўлнинг нариги томони табиати кескин ўзгарапкан. У ерда ҳам биз пастда текисликдан туриб кўрган қизғиши базальт тепаликлар кўтарилиб турарди. Бу тепаликлар силсиласининг баландлиги икки юз футча, этакларида дараҳтзорлар бор эди. Қизғиши қояларнинг

пастки қисмидә, ердан салгина юқорироқда бир неча қо-
ра түйнүк мавжудлигини дурбинда күрдим — афтидан, бу-
лар ғорларнинг оғзи бўлса керак. Ана шу ғорларнинг би-
рида нимадир оқариб кўринди, аммо нималигини била ол-
мадим.

Қуёш ботиб, ҳеч нимани кўриш мумкин бўлмай қолгач,
мен ишимни тұхтатдим-да, дараҳт тагида мени сабрсиз-
лик билан кутиб туришган ўртоқларим олдига тушдим.
Мана шу чоғда мен шу куннинг қаҳрамони бўлиб қолдим!
Бу фикр мендан чиққан эди, унинг ижросини ҳам ўзим
ўринлатдим. Мана ўша бизнинг бир ойлик вақтимизни
тежайдиган, Номаълум мамлакатда довдираб сарсон-сар-
гардон бўлиб юриш заруратидан бизни халос қиласдиган
харита! Тантанали вазиятда қўлларимни қисиб табрик-
лаши. Бироқ ўртоқларга харитани кўрсатишмдан олдин
одамсимон маймунга дуч келганлигимни гапириб беришим
керак эди.

— Махлуқ ҳаммавақт ўша ерда бўлган экан,— дедим.

— Буни қаердан биласиз? — сўради лорд Жон.

— Нуқул аллаким ёвуз кўзлари билан таъқиб қилас-
тандек бўлаверди-да. Эсингиздами, профессор Челлен-
жер? Бу ҳақда сизга гапирган эдим.

— Ҳақиқатан ҳам шунга ўхшаш бир гапни эшигтан-
дай эдим. Навқирон дўстимиз ҳам кельт ирқига мансуб
кишиларга ўхшаб хаёлот оғушида юради.

— Телепатия¹ назарияси...— дея гап бошлади Саммер-
ли, трубкасига тамаки тиқаркан.

— Бу ҳаддан ташқари мураккаб муаммо, уни ҳозир
муҳокама қилиб ўтирумаймиз,— шартта оғзидан олди Чел-
ленжер.— Қани, менга айтинг-чи,— мурожаат қилди у мен-
га, худди якшанбалик мактаб ўқувчисини синаётган ру-
ҳонийдек улуғвор бир меҳрибонлик билан,—бу жонивор-
нинг бош бармоғини кафтига букиб турганини сезмадин-
гизми мабодо?

— Йўқ, бунақасини асло сезмадим.

— Думи бормиди?

— Йўқ.

— Кейинги оёқларида тирноқ бормиди?

— Ҳар қалай, бўлса керак, бўлмаса шохдан-шохга бун-
чалик тез сакрай олмасди.

— Агар хотирам адаштираса, Жанубий Америкада

Телепатия — ҳиссият органларисиз фикрни узоқ масофага
узатиш ва қабул қилиш.

маймунларнинг ўттиз олтига яқин тоифаси бор... профессор Саммерли, луқма ташламаслигингизни илтимос қила-ман... лекин улар орасида одамсизон маймунлар йўқ эди. Энди шу нарса шубҳасизки, бунда одамсизон маймунлар бор экан, улар фақат Африка билан Шарқда яшайдиган сержун гориллалар бўлмай, балки одамсизон маймунларнинг бир тоифаси экан. (Мен ана шундай горилласизонларнинг қаришдошларини Кенсингтонда кўрган эдим, деган гап оғзимдан чиқиб кетишига бир баҳя қолди.) Бу ердаги одамсизон маймунлар учун характерли бўлган нарса, уларнинг ўсимликларга ўчлиги ҳамда юзларининг оқ тусда бўлишидир, кейинги ҳол бу маймунларнинг дараҳтлар устида, қалин япроқлар орасида яшаchlари билан изоҳланади. Олдимизда бу маҳлуқлар кўпроқ кимга — маймунларгами, одамларгами — яқинлигини аниқлаш муаммоси туради. Борди-ю, одамга яқин турса, авом халқ тилида оддийгина қилиб «стмай турган нарса» аниқланди дейишимиға, афтидан, асос топилган бўлади. Бизнинг бурчимиз дарҳол ана шу муаммони ҳал қилишга киришишдир...

— Эътиroz билдираман! — кескинлик билан бўлди унинг сўзини Саммерли.— Ҳозир қўлимиизда ясситогнинг харитаси бўлган бир пайтда,— бунинг учун фикри камоли зукколик билан ишлайдиган мистер Мелоуннинг топқирлигига офаринлар айтишимиз лозим (унинг сўзларини айнан келтиришим вожибdir), — бизнинг ягона бурчимиз — мудҳиҳ жойдан дарҳол эсон-омон чиқиб кетиш чорасини кўришдан иборатдир.

— Маданият мевалари сизга уйқу бермаяптими дейман! — тўнғиллади Челленжер фифон бўлиб.

— Ҳа, сэр! Маданий оламнинг энг зўр меваси сиёҳ деб биламан, сэр! Биз бу ерда кўрган-билганларимиз ҳақида ҳисобот бераверайлик, ундан кейинги тадқиқот ишларини бошқалар қиласверсин. Ахир, мистер Мелоун харитасини кўрсатгунча ўзингиз ҳам шунга рози эдингиз-ку.

— Яхши,— деди Челленжер.— Эксплуатациямиз натижалари дўстларимиз эътиборига бориб етган замон мен ҳам енгил тортаман. Лекин мен ҳозирча бу ердан чиқиб олиш йўлини тополмай турибман-да. Аммо-лекин Жорж Эдуард Челленжер ақлу заковатининг топқирлиги туфайли у ҳал қила олмайдиган муаммо йўқ ва у эртагаёқ бу масала билан жиддий шуғулланишга ваъда беради.

Улар ўртасидаги баҳс тугади. Уша оқшомдаёқ гулхан шуъласи билан ягона шам ёруғида менинг дараҳт учida чизган қораламаларим асосида Йўқолган оламнинг ягона

харитасини тузиб чиқдик. Мен дараҳт учида туриб олиб белгилаган деталлар тегишли жойларга туширилди. Челленжернинг қалами қўлни акс эттирган катта оқ доғ устида тўхтаб қолди.

— Бунга қандай ном қўймиз? — сўради у.

— Нима учун энди ўз номингизни абадийлаштириш учун қулай имкониятдан фойдаланмас экансиз? — одати-ча ачитиб кесатди Саммерли.

— Мен аминманки, сэр, авлодларимиз Челленжернинг номини эслаб қолишилари учун бундан ҳам бақувват асослар топилади. Бу асослар эса унинг шахсий хизматлари замирида ётибди,— ғазаб билан жавоб берди профессор.

— Ҳар бир нодон ўз номини бирор дарёгами ёки тоғ чўққисигами қўйиши мумкин. Менга бундай ҳайқалнинг кераги йўқ.

Саммерли янги хуружга тайёрланиб, оғзини қийшайтириб тиржайди, лорд Жон бўлса, баҳсчиларни тинчтишга шошилди.

— Азиз навқирон дўстим, кўлга сиз ном беришингиз керак,— деди у.— Уни биринчи бўлиб сиз кўрдингиз. Борди-ю, харитага «Мелоун кўли» деб ёзиб қўйсангиз, ҳеч ким монелик қилмайди сизга.

— Албатта, албатта! Майли, навқирон дўстимиз ўз по-мини шу кўлга бера қолсин,— қувватлади уни Челленжер.

— Үндай бўлса,— дедим мен қизариб кетаётганимни ўзим ҳам сезиб,— кўлнинг номи Глэдис бўла қолсин.

— «Марказий кўл» деган ном қалай бўларкин, унинг қаерга жойлашганини ҳам билдириб турган бўлармиди? — сўради Саммерли.

— Йўқ, Глэдис кўли бўла қолсин,— Челленжер менга ҳамдардлик нигоҳи билан жилмайди-да, дашном берган-дек бошини сарак-сарак қилди.

— Эҳ, ёшлар, ёшлар! — деди у.— Хўп, майли, Глэдис бўлса, Глэдис-да!

ЎН ИККИНЧИ БОБ

«УРМОНДА БУЛИШ МУНЧА ҲАМ ҚЎРҚИНЧЛИ!»

Кейинги пайтларда эсим киравли-чиқарли бўлиб қолди шекилли, лекин аввалги хатимда менинг ҳамроҳларимдек зукко одамлардан уч киши миннатдорчилик билан қўлимни қисишганини ёзган бўлсам керак, а?! Уларнинг гапларига қараганда мен ҳаммамизни қутқарибман ёки аҳволимизни анча осонлаштирибман. Экспедиция аъзоларининг

энг кенжаси бўлганим, ҳамма нарсада ўртоқларимдан ке-йинда турганлигим туфайли тажриба ва уддабуронлик бо-бida саёҳатимизнинг дастлабки кунларида ҳеч вақода кўэзга ташланмай юрдим. Лекин иш кўрсатиш пайти менга ҳам келди. О, афсус! Мағрурлик — яхшиликка олиб келмайди! Ўзимга бино қўйиб юборганигим, менинг характерим учун янгилик бўлган мақтандоқлик натижасида ўша куни кечаси шундай бир балога йўлиқдимки, ҳозиргача уни эсласам, аъзои баданимни қўрқув босади.

Бу воқеа шундай бўлган эди. Гингко дарахти учига муваффақиятли чиққанимдан мағурурланиб, ҳаяжонланиб кетганим учун асло ухлай олмадим. Уша кечаси биринчи бўлиб Саммерли навбатчилик қилди. Гулханнинг ғирашира ёруғида унинг қўпол, бесўнақай гавдаси кўриниб турарди. У қаддини эгиб, милтифими тиззасига қўйганча ўтиаркан, вақт-вақти билан бурнини тортганида, эчки соқоли силкиниб қўярди. Лорд Жон ўзининг пончоси — жанубий америкаликлар кўрпасига ўралиб олганча миқэтмасдан ухларди. Аммо-лекин Челленжернинг йўғон ва қаттиқ хурраги бутун ўрмонга тараларди.

Тўлин ой ёрқин нур сочади; тун шабадаси ҳавони со-вута бошлади. Росаям сайр қиладиган тун бўлди-да! Бирдан миямга: бир сайр қилиб келмайманми, деган фикр ке-либ қолди. Лагердан шундоққина секин чиқаману марказий қўлга олиб борадиган йўлни топаман-да, эрталаб бир талай янгиликлар билан қайтаман. Хўш, қалай! Шанда обрўим ҳам, нуфузим ҳам янада ошиб кетган бўларди! Мабодо Саммерли бизни бу ердан қайтиб кетиш йўлини топишига кўндиргудек бўлиб қолган ҷоғида, биз Лондонга Мепл-Уайт мамлакатининг марказий қисми ҳақида энг аниқ маълумотлар билан борган бўлардик, у ерга мендан бошқа ҳеч ким оёқ босмаган бўларди-я! Мен Глэдисни эсладим... «Инсон — ўз шуҳратининг бунёдкори» — деган сўзлар қулоқларимда янгарди. Мак-Ардлни ҳам эсладим. Газетамиз учун зўр материал бўлади, бутун бир сахифани эгаллайди! Олдинда мени зўр мартабалар кутмоқда! Уруш бошланиб қолса, мени жанг бўлаётган жойларга ҳарбий мухбир қилиб юборишади. Мен қўлимга илинган милтиқни олдим — ўқлари чўнтағимда бор эди, шу он форти-мизга кираверишдаги тўсиқ бўлиб турган нарсаларни бир ёқлик қилиб, ихотадан лип этиб ўтиб кетдим. Қейин орқамга қарасам, бечора посономиз Саммерлининг аввал-гидек ўчиб қолаёзган гулхан ёнида бамисоли калласини лиқиллатадиган хитой қўғирчоғидек бошини бир маромда сарак-сарак қилганча мудраб ўтирганини кўрдим.

Юз ярда юрмасимданоқ бу ишимнинг мутлақо бемаънилиги ўзимга аён бўлди. Бу саёҳатномам саҳифаларида кибру-хавога берилиб кетишим чинакам дадил киши бўлишинга тўсқинлик қилишини, дунёда ҳаммадан ҳам қўрқоқ номини олишдан хазар килишимни ёзган эдим шекилли. Ана шу қўрқув мени олға бошлайверди. Мен лагерга қупкуруқ қайтиб кела олмасдим-да. Ҳатто ўртоқларим гирибонимдан олиб, юраксизликда айблашмаса ҳам, баридан мен номусдан уялиб ўзимни қўйгани жой топа олмаган бўллардим. Айни вақтда мен қўрқувдан қалт-қалт титраб, шу номақбул аҳволдан қутулиш учун ҳамма нарсамдан кечишига тайёр эдим.

Ўрмон ниҳоятда қўрқинчли эди! Даражтлар шу қадар зич, япроқлари шунчалик қалин эдики, ой нури ерга қарийб тушмас, энг юқоридаги шохларнинг баргларигина юлдузлари чарақлаган осмон сатҳида нафис нақшлардек кўринарди. Секин-аста қоронғиликка кўнига борган кўзларим баъзи нарсаларни ажратадиган бўлди. Ана шу зимзиё тун қўйнида айрим дараҳтлар ўрадек кўринар, бошқалари тим-қора зимистон қўйнига гарқ бўлгандек эди, бу қоп-қоронғи ўраларни горнинг оғзи деб кирмоқчи бўлганимда дараҳтларга урилиб кетиб, орқамга тисарилардим. Мен шу топда ўлимга маҳкум игуанодоннинг жон талвасасида ўрмонни чарх уриб юрганини эсладим. Лорд Жоннинг машъали ёруғида кўз олдидан лип этиб ўтган серсўғал, қонга бўялган тумшуқ ҳам ёдимга келди. Номсиз даҳшатли маҳлук шу ерларда ов қилиб юраркан-да. Йиртқич бу зимистон қўйнидан истаган дақиқада лип этиб чиқиб қолиши мумкин. Мен тўхтадим, чўнтағимдан ўқни олдим-да, милтиқнинг затворини созладим. Бу милтиқ ҳам эмас, балки сочма қўшотар эди.

Шу он яна: «Қайтиб кетганим дурустмиди?» — дея ўйлаб қолдим. Баҳона ҳам етарли, ҳеч ким муваффақиятсизликка учраганимни билмайди. Бироқ аҳмоқона ғуур ана шу ҳақиқатга қарши кўндаланг бўлди. Йўқ, мен муваффақиятсизликка учрашни асло истаган эмасдим, буни мутлақо хоҳламасдим. Модомики гап шунга бориб тақалган экан, бу ерда менга таҳдид қиласидиган хавф-хатарга қарши курашишимда ов қуролим уёқда турсин, милтиқ ҳам иш беролмаслиги мумкин. Лагерга қайтиб бориб, хатони тузатиб келишимнинг фойдаси йўқ, чунки иккинчи марта уларга билдирамай чиқиб бўпман. Ниятимни тушунтириб беришга тўғри келади, унда ташаббусни бой берган бўламан. Бир оз иккиланишлардан сўнг юрак ютиб, иш

бериши амримаңол бўлган сочма қўшотарни ушлаганимча олға юра бошладим.

Ўрмондаги зимиstonлик мени ваҳимага соларди, ой нурига чўмган игуанодонлар яланглигига чиққанимдан сўнг баттар даҳшатга тушдим. Мен буталар орасига яшириниб, ялангликни кузатдим. Махлуқлар кўринмасди. Игуанодонлардан бири қаҳрамон бўлган фожиа, афтидан, бошқа махлуқларни ҳам бу яйловни тарк этишга мажбур этган бўлса керак. Туманли кумуш тонг сукунат оғушида — тиқ этган товуш йўқ. Юрак ютиб, ялангликни тез кесиб ўтдим-да, яна нариги томондаги ирмоқ бўйига чиқиб олдим, бу сой менга йўл кўрсаткич вазифасини бажарарди. **Ву** қувноқ ҳамроҳ чулдираши, шаршараси билан қадрдан диёrimдаги болалик чоғларимда хонбалиқ тутиб юрганим, қалбимга азиз жонажон дарёмизни эслатарди. Оқим бўйлаб паст томон юрсан, ирмоқ мени кўлга олиб боради; агар юқорига кўтаришлам, у мени яна лагеримизга элтади. Ирмоқ ҳадеб чангальзорлар орасида ғойиб бўлиб қолаверарди, аммо унинг тинимсиз чулдираши қулоғимдан кетмасди.

Қиямалик пастлаган сари ўрмон тобора сийраклашиб, ўз ўрнини бутазорларга бўшатиб бераверди, фақат одим-одим жойлардагина яккам-дуккам баланд дарахтлар шўп-пайиб турарди. Юриш осонлашди, энди ўзим ҳеч кимга кўринмай, атрофни кузатиб боришим мумкин эди. Йўлим птеродактиллар ботқоғидан ўтарди, ўша томондан қанотлари камида йигирма фут келадиган шу улкан махлуқлардан бири менга пешвоз кела бошлади. Мана, у ой гардшини тўсиб, кўзни оладиган ёғду сочадиган пардали қанотларни қорайиб кўринган гавдаси билан бошим узра чарх ура бошлади. Бу муртад махлуқ овозини чиқарса бас, разил инилари бошимга ёпирилиб келишини тажрибамдан билганим учун ўзимни буталар панаисига урдим. Птеродактиль чангальзор орасига қўнгандан кейингина мен оҳиста йўлга тушдим:

Тун ниҳоятда сокин, лекин бу жимликни олға юрганим сари кучаяётган бир маромдаги, билқиллаган товушгина бузиб турарди. Ниҳоят, қозондаги қайнайётган суюқликдан чиқаётган бақирлашни эслатадиган ана шу товуш манбани бўлмиш булоқ бўйида тўхтаб, унинг сирини англадим. Унча катта бўлмаган кўлмакнинг ўртасида бир қўл кўриниб турарди, аниқроғи у кўл эмас, каттароқ кўлмак эди, чунки диаметри ўзимизнинг Трафальгар-сквердаги ҳовуздан катта эмасди. Унинг сақичдек қоп-қора юзида тинимсиз пуфаклар ҳосил бўлиб ёрилар, газ тарқатарди. Кўл-

мак устидаги ҳаво иссиқдан жимирлар, атрофидаги ер эса шу қадар қайноқ әдикі, кафтим тегиши билан оқ күлимни жон ҳолатда тортиб олдим. Афтидан, асрлар давомида ер юзига отилиб чиқышга интилиб ётган ясситоғ замыридаги вулқон жараёнлари ҳали тугамаган әди. Биз бу ерларда қалин ўсган майса-гиёхлар орасида ётган қоялар-нинг парчаларини, қотиб қолган лава қуюнларини күрган әдик, лекин бу суюқ асфальт резервуари қадимий вулқон-нинг ҳозирги пайтда ҳам ҳаракат қилаётганини тасдиқлов-чи биринчи рад этиб бўлмайдиган далил әди. Афсуски, тонг отгунча лагеримизга етиб олишим учун шошилишм зарур әди, шунинг учун мен бу ерда тўхтаб ўтирадим.

Бу қўрқинчли йўлни умримнинг охиригача унутмасман. Ой нури ёритиб турган ялангликнинг четидан айла-ниб ўтарканман, қуюқ соя панасида юришга интилардим. Чангалзор ичиде бирор ҳайвон ўтиб қолганда шох-шабба-нинг шитирлашини эшлишиб, юрагим қинидан чиқиб кетгандек қотиб қолардим. Рӯпарамда улкан соялар пайдо бўлар ва юмшоқ панжаларини оҳиста босиб, сирфалиб, яна ғо-йиб бўлишарди. Мен орқамга қайрилиб, кетиш иштида тез-тез тўхтардим-у, аммо ҳар гал фурурим қўрқувдан голиб келиб, мени мақсадим сари олға силжитарди.

Ниҳоят соатимга қарасам, бирдан ошинти, дараҳтлар орасидаги очиқ жойларда сув кўрина бошлади, ўзи минутчадан кейин марказий кўл бўйидаги қамишлар орасига ке-либ қолдим. Анчадан бери ташалик мени қийнаб келаёт-гани учун ерга ётдиму сувга лабларимни тутдим; сув муз-дек, жуда тотли әди. Соҳилдан бу ерга жуда кўп излар тушган кенг сўқмоқ тулашган — афтидан, ҳайвонлар ун-дан сув ичгани тушишса керак. Сувнинг шундоққина бўйи-да қотиб қолган лава улкан қоядек юксалганди. Мен унинг устига чиқиб ётдим-да, атрофни кузата бошладим.

Нигоҳимга тушган биринчи нарса ўзининг фавқулодда ҳайратомузлиги билан мени лол қолдирди. Мен гинкго да-рахти учиде кўрганларимни тасвирлаганимда, қоялар сил-силасида қора доғлар борлигини, уларни форларнинг оғ-зига ўхшатиш мумкинлигини эслатган әдим. Ҳозир ўша томонга қараб, ёрқин қип-қизил аланг порлаб турган жу-да кўп тешикларни кўрдим, уларни тун қоронғусида кўри-надиган океан кемаларининг иллюминаторларига ўхша-тиш мумкин. Аввалига булар сўнмаган вулқоннинг бил-қилаётган лавасининг ёлқинлари бўлса керак, деб ўйлади-му шу заҳоти бу тахминидан воз кечдим. Лава жуда паст-да билқиллаши мумкин, бироқ баланд қоялар орасида бўлмайди-ку. Ундей бўлса бу нима экан? Ҳар қалай, эҳ-

тимолдан узоқроқ-ку, лекин бошқа изоҳ топиш амрима-ҳол — булар горларда ёқилаётган гулханларнинг ёлқини-дан бошқа нарса эмас, уларни инсон қўлигина ёқиши мум-кин. Менинг сайрим ана шундай ажойиб натижалар берди! Бундай хабарлар билан Лондонга қайтиб боришимиз уятли бўлмайди.

Мен бу қизил живир-живир ёлқинларга узоқ қараб турдим. Мен турган жойдан уларгача бўлган масофа ўн милча ҳам келмасди, ҳатто шунча жойдан ҳам уларнинг ўчиши, яна ёрқинроқ гуриллаши, аллакимларнинг сояси тўғсанда кўзимдан бутунлай ғойиб бўлиши аниқ билиниб турарди. Ана шу форлар ёнига бориб, уларнинг ичини кузатиб, ер куррасининг ана шу сирли бурчидаги истиқомат қилувчи инсон ирқининг ташқи қиёфаси ва ҳаёт тарзи ҳақида ҳамроҳларимга сўзлаб беришга мұяссар бўлиш учун бор мол-дунёмни беришга ҳам тайёр эдим! Ҳозир бу ҳақда ўйлашнинг мавриди эмасди-ю, лекин бу форлар ичида қандай сир-синоатлар яширинганини билмасдан ясситоғни тарқ этишни бирортамиз ҳам истамаслигимиз аниқ эди.

Глэдис кўли — менинг кўлим! — қаршимда симобдек ялтирас, унинг нақ марказида ойнинг жамоли акс этиб турарди. Кўл чуқур эмасди: бир неча жойида қўмлоқлари кўриниб турарди. Кўлнинг силлиқ сатҳида одатдаги манзара — унда гоҳ доиралар ҳосил бўлар, енгилгина мавжланаради; мана, кумуш тангаларини кўз-кўз қилиб; балиқ сакради, яна аллақандай қўрқинчли маҳлуқнинг тимқора букири бели кўринди. Бўйни узун улкан оққушга ўхшаган ғалати бир маҳлуқ сариқ қумлоқ четидан юриб келди-да, шалоплаб қўлга бир шўнғиди-ю, сузиг кетди. Унинг эгик бақувват бўйни билан серҳаракат боши сув устида анча вақтагача кўриниб турди. Кейин у шўнғиб кетди, шу билан кўринмай қолди.

Тезда мен оёқларим остида бўлаётган воқеаларга эътиборимни қаратдим. Кўл қирғоғида йирик армадиллга¹ ўхшаган иккита ҳайвон пайдо бўлди. Улар сув узра энгашиб, тилларининг узун қизил тасмасини тезгина ишга сошлишди. Улардан кейин шохлари тарвақайлаб кетган улкан кийик модаси ҳам икки боласи билан сув ичгани келди. Бундай ғаройиб шохона жониворни Мепл-Уайт мамлакатидан бошқа ҳеч ерда топа олмайсан; лось ҳам, аме-

Армадилл ёки зирҳдор — усти суюкдан қаттиқ зирҳ билан қопланган сут эмизувчиларнинг алоҳида тоифасига мансуб жониворлар вакили. Қазиб олинган зирҳдорларнинг суюклари жуда катта эди,

рика кийиги ҳам унинг елкасидан қеларди. Оиланинг ҳамма аъзолари тинчгина сув ичишаётганди, лекин қўққисдан ота кийик огоҳлантирувчи бир пишқирган эди, жониворларнинг ҳаммаси шу ондаёқ қамишлар орасига уриб кетди. Армадиллар ҳам жуфтакни ростлаб қолишиди. Сўқмоқда аллақандай янги махлуқ — ҳақиқий баҳайбат газандга пайдо бўлди.

Миямда — бели юмaloқ, қушларникига ўхшаш кичкинагина боши ерга тегай-тегай деб турган, қўпол тишлари учбурчак шаклда терилган бу майиб, бадбашара махлуқни қаерда кўрган эканман? — деган фикр пайдо бўлди. Бирдан эсимга келди: ахир бу Мепл-Уайт ўз альбомида акс эттирган, Челленжерни ҳамма нарсадан аввал қизиқтирган стегозавр-ку. Унинг даҳшатли оғирлигидан ер ларзага келарди, сувни шундай фўриллатиб ичардики, унинг шовқини тун оғушидаги ҳамма нарсани ҳозир уйғотиб юборадигандай туюларди. Стегозавр беш минутча шундоққина ёнимда турди. Қўлимни шундоқ узатсам, ҳар бир ҳаракатида зириллайдиган жуда хунук тишларини ушлаб оладигандай эдим. Махлуқ сувга қонгач, узоқлашиб, харсанглар орасида ғойиб бўлди.

Соатимни олиб қарадим — икки ярим бўлипти, айни лагерга қайтадиган вақт. Қайтадиган йўлим боисидан шакшубҳага ўрин йўқ, чунки мен бўёққа ирмоқнинг чап соҳили бўйлаб келгандим, ирмоқ эса кузатиш нуқтамдан бир неча қадам нарида марказий кўлга қўйиларди. Шундай қилиб, тунги саирим натижаларидаи, ўртоқларимга бир талай янгиликлар олиб қайтаётганимдан фурурланиб, лагеримиз томон шодон қадам ташлардим. Албатта, энг муҳим янгилик — троглодитларнинг аллақандай авлоди яшаётганилиги аниқ бўлган, ичи ёритилган горлар ҳақидаги гап эди. Лекин менинг марказий кўлни кузатишларим ҳам чакки бўлмаган эди. Кўлда тирик мавжудотлар тўлиб ётганига шоҳид бўлишим мумкин, бундан ташқари шу чоққача кўринмаган, тарихимизгача яшаган қуруқлиқ махлуқларининг янги бир неча нусхасини тасвирлаб бера оламан. Инсон билимлари хазинасига бир кечада — яна қандай даҳшатли кечада денг! — шунчалик қимматли ҳисса қўша олган кишилар дунёда жуда кам бўлса керак деб ўйлайман.

Ўз хаёлларимга берилиб, қиямаликдан секин-аста юқорилаб борарканман, лагергача бўлган масофанинг ярми-часини босиб ҳам бўлувдимки, орқамдан эшитилган ғалати товушлар мени ҳақиқат оламига қайтарди. Бу хуррак билан ҳўнграш ўртасидаги бўғиқ, паст ва даҳшатли сас

эди. Афтидан, яқин орада аллақандай ҳайвон пайдо бўлган бўлса керак, аммо қоронгидан нималигини ажратада маддим. Қадамимни тезлатдим, яна ярим милча юрганимдан сўнг яна ҳалиги сасни эшитдим. Бу сафар бу саслар қўрқинчлироқ ва қаттиқроқ эшитиларди. Орқамдан бирор қувиб келаётганимкин деган фикр миямга келиши биланоқ юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Аъзои баданим музлаб бошимдаги мўйларим типпа-тик бўлиб кетди. Бу йиртқич махлуқлар бир-бирини бурда-бурда қилиб ташлайверсин, майли, яшаш учун кураш қонуни шундай ўзи, аммо уларнинг ҳозирги замон одамига хуруж қилиши, бу оламнинг султони бўлмиш инсонни овлаб юриши ўта ғалати, бу қўрқинчи фикрга асло қўшила олмасдим! Кўз олдимда яна Дантенинг «Дўзах» достонидаги мудҳиш манзара жонланди — лорд Жон машъаласининг ялт этиб кетган ёруғида қонаб турган тумшуқ намоён бўлди. Ой ёғдусига чўмган сўқмоққа кўзларим ола-кула бўлиб, тикилиб қолдим, азбаройи қўрқиб кетганимдан тиззаларим қалтиарарди. Бундай ҳол фақат тушда бўлади: сукунат, ялангликда ойнинг кумуш нури жилоланади, дов-дараҳатлар қорайиб қўринади. Бирдан ана шу сукунатни яна ўша пастигина, хирилдоқ ўкириш бузди. Бу товуш янада қаттиқроқ, янада яқинроқ эшитилди. Шак-шубҳа йўқки, мени кимдир таъқиб қилиб келмоқда, қувиб келувчи билан орамиздаги масофа минут сайин қисқариб бормоқда.

Мен бамисоли қоқкан қозиқдек турган жойимда қотиб қолдим: сўқмоқдан кўзимни узолмасдим. Ниҳоят, махлуқ қўринди. Мен яқинда ўтган ялангликнинг нариги томонидаги дов-дараҳатлар қимирлаб кетди. Улардан аллақандай улкан қора нарса ажралди-да, бир сакрашда ой нурига чўмган ўт устига тушди. «Бир сакрашда» деган иборани бежо шшлатмадим, чунки даҳшатли махлуқ кенгурудек қаддини ростлаб, жуда бақувват кейинги икки оёғини ерга тираб юарди; олдинги оёқлари қорнига боғлангандек эди. Бу ҳайвоннинг улканлиги ва бақувватлиги мени ҳайратда қолдирди, нақ икки оёғида типпа-тик турган ҳақиқий фил дейсиз. Шундай улкан бўлишига қарамай, тез ҳаракат қилишини айтгин! Дастлабки дақиқада беозор игуанодон бўлса керак, деган умид лип этиб ўтди хаёлимдан. Бироқ тамомнила нодонлигимга қарамай янглишганимни англа-дим. Учбармоқли ўтхўр игуанодоннинг боши оҳуникидек кичкина эди, бу одам қўрқадиган махлуқники эса, кеча бизни қўрқитган газанданини сингари чўлқурбақа тумшүфининг айнан нусхасидек кенг, юмалоқ эди. Қутуриб, бўкириб мени қувлаши ва шижоати бу — этхўр динозавр-

лар ер юзида мавжуд бўлган ҳамма замонларнинг энг мудҳиш йиртқич ҳайвонларидан бири эканлигидан далолат беради. Махлуқ ўқтинг-ўқтинг олдинги оёқларига суюниб, тумшуғини ерга нўқиб-нўқиб менинг изларимни ҳиддаб кўрарди. Баъзида изларимни йўқотиб қўяр, лекин динозавр уларни топиб олиб, яна узун-узун сакраб, сўқмоқдан мени таъқиб қиласарди.

Ҳозир ҳам бу даҳшатли дамларни эсласам пешонамни муздек тер босади. Нима ҳам қила олардим? Қўлимда ов милтифи бор, холос, у билан нима ҳам қила олардим ҳозир? Мен жон ҳолатда атрофга қараб, бирор пана жой,— қоями, дарахтми — кўринармикан, деб олазарак бўламан, лекин бу ерда, чангальзорда навниҳоллар ёш бўлганидан мени таъқиб қилаётган махлуқ уларни қамишдек синдириб ўтиши, катта дарахтларни ҳам босиб-янчиб келавериши ҳеч гап эмасди. Фақат қочишидан ўзга иложим қолмаганди. Бироқ хотекис тош қиямаликдан чопиш ҳам осонмасди. Бахтимга йўлумини кесиб ўтган, юрилавериб текис бўлиб қолган сўқмоқни ўз вақтида пайқаб қолдим. Разведка қилиб чиққанларимизда ёввойи ҳайвонлар солған бундай сўқмоқларнинг кўпини кўргандик. Шу сўқмоқдан югурсам, балки таъқиб қилувчидан қутулиб кетарман, чунки ўзим яхши чопаман, бунинг устига ҳозир яхши ҳолатдаман. Шунинг учун фойдасиз ов милтифимни ирғитиб юбордим-да, шу тунгача ҳам, ундан кейин ҳам асло на-мойиш қила олмаган юқори даражадаги спринт¹ натижасини кўрсатдим. Оёқларим чалишар, юрагим гурсиллар, нафасим бўғзимга тиқилар, лекин даҳшат таҳликаси таъқибидан қочиб, ҳамон югуриб борардим. Яна бирдан ал-пона панжаларнинг гурсиллаши, шох-шаббаларнинг қарсиллаши, қудратли ўпканинг ҳуштаги яқиндан эшитила бошлади... Ҳайвон менга етиб олай-етиб олай деб қолди. Ана у жудаям яқинмада! Қутулишнинг иложи йўқ.

Аҳмоқ эканман! Нега энди югуришдан аввал шунча ўйлаб ўтирдим экан? Аввалига динозавр фақат ҳиддаб топишига ишонган бўлса керак, бу эса қувишини секинлатарди. Лекин мен югуришим биланоқ у мени кўриб қолди-ю, ўша ондан бошлаб динозавр мени диққат-эътиборидан қочирмади. Яна бир неча бор сакраган махлуқ сўқмоқнинг муюлишида кўринди. Ойнинг ёрқин нурида чақчайган улкан кўзлар, жағига терилган икки қатор даҳшатли тишлар, олдинги икки калта панжасидаги ўткир тирноқлар ялтираб кўринди. Мен жон ҳолатда қичқириб, шошиб ол-

¹ Спринт (инглизча) — югуриш.

га қочдим. Ҳансираган хурраксимон нафас тобора яқин-лашаверди. Оғир-оғир ташлаб келаётган қадамлар менга етиб олди. Яна бир секунддан кейин йиртқич махлуқ орқамдан ёпишади. Бирдан қулоқни қоматга келтирувчи қасир-қусур эшитилиб, жарга қулаб бораётирман, ўёғи зи-мистонлик, бўшлиқ қўйнида ўзимдан кетибман.

Хушимга келиб қарасам — менимча, орадан бор-йўғи бир неча минут ўтган бўлса керак-да,— қўланса, мутлақо чидаб бўлмайдиган бадбўй ҳид димофимни ёриб, ўзимни лоҳас қилди. Мен қоронгида тимирскиланган эдим, бир қўлимга каттагина бир бўлак гўшт билан иккинчисига оғир сувак илинди. Юқорида, жуда баланддаги юм-юмaloқ тешикдан чарақлаб турган юлдузлар кўриниб туради. Демак, мен аллақандай жуда чуқур ўранинг тубида ётган эканман. Зўр машаққатлар билан ўрнимдан туриб, оёғимдан бошимгача пайпаслаб чиқдим. Аъзои баданим зирқираб оғрирди, ҳайрият, сувякларим бутун, шикастланган ери йўқ. Ана шу чуқурга йиқилишимдан олдинги ҳолат тафсилотлари гувиллаб турган миямда элас-элас жонланаркан, оқариб бораётган осмонда динозаврнинг қора боши худди кўриниб қолаётгандек бўлаверди. Лекин ҳаммаёқ жимжит, осуда эди. Шунда бу баҳтли тасодиф мени қаерга ташладийкин деб, ўранинг тубини пайпаслаб чиқдим. Ўратагида ириб ётган бўлак-бўлак гўшtlар бўлиб, улардан ўлаксаларнинг қўланса ҳиди буруқсиб туради. Бу ўлаксаларни босиб, қоқилиб, йиқилиб юрарканман, қаттиқ бир нарсага дуч келиб қолдим — бу чуқурнинг нақ ўртасига қоқилган ёғоч қозиқ экан. Уни пайпаслаб чиқдим, қўлим ёпишқоқ нарса устида сирғанарди, аммо қозиқнинг учига бўйим етмади.

Бирдан чўнтағимда мўм гугурт борлиги эсимга тушиб, биттасини чақишим биланоқ бу чуқур нимага қилинганини англадим. Шак-шубҳа булиши мумкин эмас: бу инсон қўли билан бунёд этилган қопқон эди. Унинг ўртасига қоқилган уни ўтқир тўққиз фут келадиган қозиқ санчилиб ҳалок бўлган ҳайвонларнинг қонига бўялавериб қорайиб кетибди. Ўранинг тагида ётган парча-парча ириган гўшtlар навбатдаги қурбонга жой бўшатиш учун қозиққа илинган ҳайвоннинг кесиб ташланган бўлаклари бўлса керак.

Челленжернинг шундай даҳшатли махлуқлар яшайдиган ясситоғда заиф муҳофаза воситаларига эга бўлган инсон истиқомат қила олмайди, деган фикри эсимга тушди. Лекин энди инсоннинг ваҳший махлуқларга қарши кураш воситалари менга аниқ маълум бўлди. Тешиклари тор бўлган форлар, бу ерда ким бўлишидан қатъи назар, ис-

тиқомат қилувчилар учун маскан бўлиб хизмат қиларкан. Бу инсоннамо жониворларнинг баҳайбат калтакесаклардан ақлан ниҳоятда устунлигини жилла курса шундан билса бўладики, улар ҳайвонлар юрадиган сўқмоқларда шоҳшаббалар орасида қопқонлар қўйғанлар, душманлари эса эпчил, ҳирсдек бақувват бўлишларига қарамай қопқонга илиниб ажал топаверганлар. Инсон бу ерда ҳам оламнинг ҳокими бўлган.

Уранинг қия деворидан юқорига чиқиб олиш учун алоҳида чаққонлик талаб қилинмаса ҳам мени тилка-пора қилиб ташлашига оз қолган ўша ёвуз махлуқ панжасига яна тушиб қолмасам гўрга эди деб қўрқиб, юрагим бетламай турдим. Қаёқдан билай, динозавр ўлжасининг чиқишини кутиб, дов-дарахтлар орасида пусиб тургандир балки? Лекин мен Челленжер билан Саммерлининг бу баҳайбат ўрмалаб юрувчиларнинг хулқ-атвори ҳақидағи гаплари эсимга тушиб, бир оз дадиллашдим. Иккала профессорнинг фикри шунга бориб тақалган эдики, динозаврнинг кичкинагина мия қутисида ақл учун жой топилмаган, уларда мия деган нарса йўқ, шу сабабли шу мавжудотлар табиатнинг яшаш учун ўзгариб турувчи шарт-шароитларига мослаша олмай, қирилиб, ер юзидан йўқолиб кетганлар.

Динозавр мени пойлаб туришидан аввал бошимдан қандай воқеалар кечганини билиши, сабаб ва оқибат ўртасидаги боғланишларни аниқлай олиши талаб қилинарди. Лекин ақлсиз ҳайвон ёвуз ҳиссига бўйсуниб, аввалига ҳайронлика, бетоқат бўлиб турган-да, кейин янги ўлжани қидириб кетган бўлса керак, деган тахмин ҳақиқатга кўпроқ яқин эди. Мен ўранинг четига тирмашиб чиқдим-да, атрофни кузатдим. Юлдузлар сўна бошлаган, само оқариб келаянти, тонгнинг ёқимли ҳушбўй шабадаси юзимга урилди. Душманим ўзини сезидирадиган бирор белгини зоҳир қилмасди. Мен секин-аста чуқурдан чиқдим-да, жиндек хавф-хатар туғилиши биланоқ ўзимни пана жойимга отаман, деган ниятда қочишига тайёр бўлиб ерга ўтирдим. Кейин атрофдаги сокинликдан ва тонг отганидан бирор таскин топиб дадилландим ва ўрнимдан туриб, дараҳтларни паналаб, келган сўқмоғимдан орқага кетдим. Бир неча ондан сўнг ов милтиғимни кўриб қолдим-да, қўлимга олдим, мен йўл кўрсатувчи нишона бўлиб хизмат қилувчи ирмоқ бўйига чиқиб, қўрқа-писа, ёнверимга қарай-қарай лагеримиз томон тез юриб кетдим.

Қўйқисдан келган шамол ўртоқларимни ёдимга солди. Тонг сукунатини узоқда отилган милтиқ садоси бузди. Мен тўхтаб, қулоқ солдим: ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит.

«Уларга бир нима бўлмадимикин?» — деган фикр ўтди ми-
ямдан. Лекин шу оңдаёқ ўқ отилиши сабабини соддороқ
ва табийроқ талқин қилиб, кўнглим тинчиidi. Тонг ёри-
шиб кела бошлади. Менинг гойиб бўлиб қолганимни, ал-
батта, пайқашган. Ўртоқларим мени ўрмонда адашиб қол-
ган гумон қилиб, лагерга келиб олишимга ёрдамлашиш
маъносида ўқ узган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Тўғ-
ри, ўқ узишни ман қилганимиз, лекин менга хавф-хатар даф
қилиб турган бир пайтда уларни ҳеч нима тўхтата олмас-
ди-да. Имконим борича лагерга тезроқ етиб боришим, ҳая-
жон вассасасини босишим зарур бўлиб қолди.

Тун бўйи изтироб чекиб, ҳориб-чарчаганимдан дармо-
ним қолмагани учун ҳар қанча хоҳласам ҳам тез юра ол-
масдим. Ниҳоят, мана таниш жойлар кўрина бошлади. Чап
томонда — птеродактиллар ботқоғи, тезда эса игуанодон-
лар яланглиги келади. Энди мен турган жой билан Челлен-
жер Форти орасида торгина ўрмонзор қолди, холос. Мен
ўртоқларимни тинчтиш мақсадида шодон қичқириб қўй-
дим. Аммо жавоб бўлмади. Чор-атроф мудҳиш сукунат қўй-
нида. Юрагим қисилади. Мен қадамимни тезлатдим, кейин
чопиб кетдим. Мана ихота деворимиз, бироқ киравериш-
даги тўсиқ йўқ. Мен ичкарига отилдим. Тонгнинг совуқ фи-
ра-ширасида кўзларимга даҳшатли манзара кўринди. Нар-
саларимиз ялангликнинг ҳамма ерида сочилиб, ивирсиб
ётарди; ҳамроҳларим ҳеч қаерда йўқ, ўчиб қолган гулхан
ёнида эса, ўтлар орасида катта қон кўлмаги қизарип ту-
рибди.

Бу тасодифдан қаттиқ ҳаяжонланиб, дастлабки онлар-
да фикрлаш қобилиятимни тамомила йўқотиб қўйдим. Бўм-
буш лагеримиз атрофида ўрмон бўйлаб даҳшат ичра югу-
риб-елиб, кучимнинг борича ўртоқларимни чақириб юрга-
нимни элас-элас эслайман, холос. Лекин ўрмондан садо
чиқмасди. Бири биридан даҳшатли фикрлар ақлу ҳушим-
ни олди. Уларни бошқа кўрмасам, а? Мана шу даҳшатли
жойда ёлғиз ўзим қолиб кетсан, ватанга қайтиб кета ол-
масам нима бўлади-я? Тақдир шу ерда яшаб, шу ерда ўли-
шимни лозим топган бўлса-я? Бу фикрлардан даҳшатга ту-
шиб, соchlаримни битталаб юлишни, бошимни ерга уриш-
ни хоҳлар эдим. Ўртоқларимнинг — кибуру ғурури барқа-
рор Челленжер ҳам, иродаси метиндеқ, ўзи совуқкон ҳеч
қачон ҳазил-мутойибани тарк этмайдиган лорд Рокстон-
нинг ҳам менга қанчалик таянч, меҳрибон бўлиб қолганлик-
ларини энди тушундим. Уларсиз мен зимистонда ёлғиз
қолган ожизу нотавон бир боладек эдим-да. Узимни қаёқ-
қа урай, нима қиласай, ишни нимадан бошлай?

Мана, секин-аста ўзимга келиб, ҳамроҳларимнинг бoshiga қандай мудҳиш кулфатлар тушгани ҳақида ўйдай бошладим. Лагерда бўлиб ўтган ағдар-тўнтар уларнинг айни мен ўқ товушини эшигдан пайтимда рўй берганидан далолат берарди. Лекин битта ўқ отилган, демак, бу тўстўполон бир лаҳзада юз берган. Милтиқлар шу ернинг ўзида ётарди, улардан бири — лорд Жоннинг милтиғи, затворида эса отилган ўқ гильзаси турибди. Челленжер билан Сammerлининг гулхан ёнида қолиб кетган кўрпасига қараганда, фалокат улар ухлаб ётган вақтда рўй берган. Ўқ-дори, озиқ-овқат солинган яшиклар ялангликнинг ҳар ер-ҳар ерида сочилиб ётибди; фотография аппаратларимиз билан пластинкалар солинган қутичаларни ҳам шу ерда кўрдим. Буларнинг ҳаммаси омон қолибди, лекин яшиклардан чиқариб олинган озиқ-овқатлар гойиб бўлибди, назаримда, улар жуда кўп эди. Бундан маълумки, лагеримизга ҳужум қилганлар одамлар эмас, ҳайвонлар экан, бўлмаса бу ерда ҳеч нима қолмасди.

Хўп майли, бу ерга ҳайвонлар ёки аллақандай битта баҳайбат махлук ҳужум қилиди дейлик, ундоқ бўлса, ҳамроҳларимга нима бўлдийкин? Ваҳший ҳайвонлар уларни тилка-пора қилиб ташлаган бўларди, аммо унда қолдиқлари қани? Тўғри, кўлмак бўлиб ётган қон ўтган воқеадан шаҳодат бериб турарди, лекин кечаси билан мени қувиб чиққан динозавр, мушук сичқони гум қилгандек, ўз ўлжасини осонгина олиб кетган бўларди-ку. Ундоқ десам, қолган икки киши унинг кетидан қувмасмиди? Лекин улар нима учун милтиқларини олишмаган? Изтироб чекиб, ҳориб-чарчаган миям бу жумбоқни ечишдан ожис эди. Ўрмоннинг ўёқ-буёғини қидириб, ҳеч нима топа олмадим. Адашиб қолдим, баҳти тасодиф туфайлигина яна лагеримизга қайтиб кела олдим, бунга камида бир соат вақтим кетди.

Шунда миямга бир фикр келиб қолиб, кўнглим бир оз таскин топди. Ҳар қалай бу ерда ўзим ёлғиз эмасдим. Қоя этагида содиқ Самбо бор эди-ку! У менинг товушимни эшигади. Мен жар ёқасига бордим-да, пастга қарадим. Ҳа, албатта, ана у, гулхан ёнида кўрпа устида ўтирибди. Эҳтимол, ўртоқларимдан бири унинг олдига тушиб ўтиргандир? Лекин диққат билан қараган эдим, умидларим пучга чиқди. Самбонинг қаршисида ўтирган кишининг танаси энди чиқиб келаётган қуёш нурларида қип-қизариб кўринарди. Бу ҳиндулардан бири эди. Мен қаттиқ қичқириб, дастгўмолимни ҳилпиратдим. Самбо бошини ирғитиб, менга жавобан қўлини силкитди-да, қоя томон югуриб

кетди. Бир неча минут ұтар-ұтмай у қояннинг учиды, менга жуда яқин жойда туриб, қайғули бир сукутда менинг ҳи-коямни тингларди.

— Уларни иблиц олиб кетди, мистер Мелоун,— деди Самбо.— Сизлар иблиц мамлакатига келгансизлар ва у ҳаммаларингни олиб кетади. Самбо айтганларини эшитинг, сәр, тезроқ буёққа тушинг, бўлмаса сиз ҳам фалокатга йўлиқасиз.

— Мен қандай қилиб тушаман, Самбо?

— Дараҳтлардаги чирмовуқларни кесинг, мистер Мелоун. Уларни буёққа ташланг. Мен чирмовуқларни тўн-кага боғлайман, кўпприк бўлади-қўяди.

— Узимиз ҳам буни ўйловдик. Аммо чирмовуқ бизни кўтара олмайди-да.

— Арқонга одам юборинг, мистер Мелоун.

— Кимни, қаёққа юбораман ўзи?

— Ҳиндуларнинг қишлоғига, сәр. Ҳиндулар қишлоғида теридан тўқилган арқон кўп. Пастда ҳинду бор, ўшани юборинг.

— У қаердан келиб қолди?

— У бизнинг ҳинду. Унинг ҳамма нарсасини тортиб олиб, ўзини роса дўппослашибди. У қайтиб кепти. Энди хатингизни ҳам олади, арқон ҳам олиб келади, буюргани-нгизни бажаради.

Хатни олади... Жуда яхши фикр-ку! Балки, бизга ёрдам бергани бирор киши келиб қолармикин? Бизни қутқаришмаган тақдирда ҳам биз фанни бойитган кашфиётлар дўстларимизга бориб етар ва жаҳон бекорга қурбон бўлмаганлигимизни билар дейман. Иккита хатни тайёрлаб қўйган эдим. Кечгача учинчисини ҳам ёзиб, унда сўнгги минутларгача бўлган воқеаларни баён қиласман. Ҳинду хатларимни уёққа, ёруғ оламга етказади.

Мен Самбога бугун кечга яқин қояга яна кўтарилишини буюрдим-да, ана шу ғуссали кун давомида ўтириб, кеча кечаси бошимдан ўтган воқеаларни баён қилишга уриндим. Мактубларимга қўшимча қилиб кичкинагина хатча ҳам ёздим; ҳинду уни биринчи учраган оқ одамга — савдогаргами, бирор кеманинг капитанигами бериши лозим эди. Хатчамдан ҳаётимиз бизга арқон юбориш-юбормасликларига боғлиқ бўлиб қолганлиги айтилган эди. Кечқурун Самбо томонга ҳамма мактубларимни ҳамда уч фунт стерлинг солинган ҳамёнимни жўнатдим. Пул ҳиндуга аталган бўлиб, арқон учун икки баробар ҳақ тўлашни вавда қилган эдим.

Мана энди, азизим Мак-Ардл, мактубларим сизга қан-

дай етиб борганини тушунарсиз ва ўзингизнинг уқувсиз мухбириңиз ҳақидағи бор ҳақиқатни (мабодо у бундан кейин бир сатр ҳам ёза олмай қолса) шундан билиб олишиңиз мүмкин. Мен ҳозир жуда ҳам изтироб чекиб, ниҳоятда тушкун ҳолатда бўлганим сабабли бирор режа тузишга ҳолим йўқ. Эртага келажак ишлар ҳақида ўйлайман, лагеримиз билан алоқани узмайман, баҳтиқаро ўртоқларимни излашда давом этаман.

У Н УЧИНЧИ БОБ.

«БУ МАНЗАРАНИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙМАН»

Ўша ғам-андуҳга тўла куни, қуёш ботаётган паллада пастда кетаётган ҳиндуни — бизнинг қутилишимизга бўлган сўнгги умидимизни — кўрдиму унинг ушоққина ёлғиз жасади узоқ Амазонка ўртасида секин-аста пардасини ёпаётган пуштиранг шом тумани қўйнига сингиб, гойиб бўлиб кетгунча тикилиб турдим. Самбонинг гулханига — улкан оламдан келаётган мана шу ягона ёруғлик нурига, вайрон кўнглимни ҳарорат билан обод қилаётган содиқ иегримизнинг эркаловчи нигоҳидек ёқимли нурга яна бир марта қараб, дабдаласи чиққаи лагеримиз томонравона бўлганимда, ҳаммаёққа қоронгилик чўккан эди. Бироқ бошимга фалокат тушганидан кейин мана эндигина бутун олам бизнинг ишларимиздан хабар топиб, балки ҳаётимиз эвазига очилган кашфиётимизни ҳам буюк янгиликлар қаторига қўйиб, бизнинг номларимизни эслаб юрар-ку, деган фикр билан ўзимни овутиб, бир оз тетиклашдим. Бу фалоқат уяси бўлиб қолган лагерда тунашга юрагим дов бермади, чангалзор эса ундан баттар қўрқитарди. Аммо иккаласидан бирини танлаб олишим керак эди-да. Ақл-идрок ҳушиёр бўлишмни талаб қиласди-ю, аммо тинка мадори қуриган бадан мудроқ босишига қарши курашишга ожиз эди. Гингко дараҳтига чиқиб олиб, муқаррар суратда йиқилиб тушганимда майиб бўлмайдиган пастроқ шохларида мизғиб олиш учун қулайроқ жойни қидириб роса овора бўлдим.

Пастга тушиб, энди нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлашга мажбур бўлдим. Ўйлаб-ўйлаб, лагерга кириладиган жойни шох-шаббалар билан тўсдим, уч жойга учбурчак қилиб гулхан ёқдим, тўйиб овқатландим-да, қаттиқ уйқуга кетдим. Эрталаб аzonда фавқулодда кутилмаган ва ниҳоятда қувончли бир тарзда уйғониб кетдим.

Эрта тонг палласида аллаким қўлини елкамга қўйиб

турганини сезиб қолдим. Дик этиб турдиму қалт-қалт тит-раганча милтигимга ёпишдим, кулранг ғира-шира тонг ёруғида устимга эгилиб турган лорд Жонни күриб, азбаройи хурсанд бўлганимдан бирдан қичқириб юборибман.

Ҳа, бу ўша, ўзимизнинг лорд Жон эди, аммо нақадар ўзгариб кетибди! Сўнгги бор озода оқ костюм кийган лорд Жонни сокин ва босиқ ҳолда кўрган эдим. Ҳозир у кўз олдимда ранглари оқарган, қарашлари бежо, кўкраги худди узоқ ва тез чопиб келган кишиникидек оғир кўтарилибтушиб турган, бошяланг, ориқ юзи тимдаланган, қонга бўялган, костюми тилка-пора бўлган ҳолда намоён бўлганди. Бу манзарадан лолу ҳайронликда унга тикилиб қолдим, Аммо у оғиз очишими га ҳам имкон бермасдан ялангликда сочилиб ётган нарсаларимизни йигиштиаркан, қисқа, узуқ-юлуқ гаплар айтарди:

— Тез, тезроқ бўлинг, йигитча! Ҳар бир минут ғанимат. Милтиқларни олинг икковини. Қолганлари менда. Ўқдан мумкин қадар кўпроқ. Чўнтакларингизни тўлатиб олинг. Энди емишдан ғамланг. Олти банка етар. Мана шундай. Ҳеч нимани сўраманг, мулоҳаза қилиб ўтирманг. Қани, қочдик, бўлмаса, кечикамиз.

Хумор кўзларимдаги уйқу ўчмасдан, нима бўлаётганини яхши англамаган ҳолда икки милтиқни қўлтиғимга қисиб, олтита консерва банкасини қучоқлаб олганимча ўрмонда чопиб кетаётган лорд Жон кетидан югурдим. У энг қалин, ўтиш қийин бўлган ўт-ўланлар орасидан юриб-юриб ниҳоят, мени баланд дов-дараҳтлар орасига олиб чиқди. Биз тикон-пиконга қарамай, ўзимизни бу чангальзорга урдик. Лорд Жон ер бағирлаб ётиб олди-да, мени ҳам судраб кетди.

— Худога шукур! — ўпкасини тута олмай дерди у.— Энди хавф-хатардан қутулдик шекилли. Улар бамисоли сув ичгани келгандек лагерга ёпирилишади-ю, овора бўлишади.

— Нима бўлди ўзи? — сўрадим мен нафасимни ростлашга уриниб.— Иккала профессор қани? Бизни овламоқчи бўлаётгандар ким?

— Одамсимон маймунлар!— шивирлаб деди лорд Жон.
— Ё парвардигор, бу қандай йиртқич маҳлуқ экан! Секин-роқ гапиринг. Қулоқлари жуда сезгир, кўзлари ҳам ўткир, лекин пайқашимча, ҳид билишлари ҳеч нимага арзимас экан. Изимиэдан қувиб ета олишмайди. Қаерларда қолиб кетдингиз, йигит? Омадингиз бор экан, бу олатасирга чап бериб қолибсиз.

Мен шивирлаб саргузаштларимни ҳикоя қилиб бердим унга.

— Ҳа, ишларимиз чатоқ!— деди лорд Жон динозавр билан қопқон ҳақидаги гапларимни эшитиб.— Бу ер дам оладиган курорт әмас. Лекин шунга қарамай бу иблислар җужум қилган чөфда бу ерларнинг гүзәллиги ҳақида тұла тасаввурға әга бўлувдим. Мен бир марта одамхўр — папуаслар чангалига тушганман, аммо улар бу йиртқич махлуқларга қараганда фаришта экан.

— Қандай бўлганини бирма-бир айтиб беринг,— илтимос қилдим мен.

— Воқеа тонг палласида рўй берди. Олим дўстларимиз эндиғина қўзларини уқалаб, ҳали очишга улгuriшмаган эдилар. Бирдан осмондан тушдими, ёпирай, ҳаммаёқни маймунлар тутиб кетса бўладими! Бамисоли олмазордаги дараҳтлардан тўкилган мевалардек устимиэга ёғилса борми! Улар, афтидан, сиз чиққан баланд дараҳтни тонг отмасданоқ эгаллаб олишган бўлишса керак. Биттасининг қорнига ўша заҳоти ўқни жойладим, аммо иш шу билан тугади — бир лаҳза ҳаммамизни ер билан якесон қилишди. Бу иблисларни маймун деяпману, лекин улар ёғочларни ўйнатиб, бизга тошлар отиб, ўз тилларида алланималарни чулдирашиб қутуардилар, бу ҳам етмагандек қўчлар мизни чирмовуқ билан боғлададилар. Булар одамсимон маймунлар бўлиб, камолотда бутун саёҳатларим даврида учратган барча ҳайвонлардан юқори туришади. Худога шукур, дунёда кезмаган жойим кам қолди десам бўлади. Фақат бунаقا маҳлуқларни кўрмаган эканман. Кўрмасам ҳам гўрга эди, уларсиз ҳам яшай олардим! Кейин бундай бўлди. Улар яраланган, худди бўғизланган чўчқадан отилаётгандек қони тирқираб турган уруғларини етаклаб бир жойга олиб бориб қўйдилар-да, атрофимизни қуршаб ўтиришди. Тумшуқлари ниҳоятда бадбашара, худди бизни тилкапора қилиб ташлайдиган даражада хунук. Бўйлари одам бўйи келиб қолади, аммо таналари йўғонроқ, чорпахил. Ўтираверишди, ўтираверишди, бизга қараб ўтираверишди... Қошлари сап-сариқ осилиб тушган, худди хира ойнага ўхшаган қўзлари қўрқинчли. Челленжернинг ҳеч нимадан қўрқмаслигини биласиз, лекин у ҳам юрагини ҳовучлаб ўтиради. Охири чидаб туролмади-да, ўрнидан сапчиб туриб: «Тамом қилиб қўя қолинглар бизни, чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқ!» — дея қичқира бошлади. Ана шу воқеалардан мияси айниб қолган бўлса керак, қилди жинникини, қилди жинникини. Маймунлар ўрнида унинг ашад-

дий душманлари мухбирлар бўлганида борми, уларга ҳам бунчалик бақирмасди.

— Хўш, маймунлар нима қилишди?

Менга ана шу ҳайратомуз воқеаларни шивирлаб гапириб бераётган лорд Жоннинг гапларини бутун вужудим билан тингляпман-у, отишга тайёр қилиб қўйган милтиғимнинг тепкисидан қўлимни узмай, атрофга олазарак бўлиб қарайман.

— Мен: «Энди тамом бўлдик!» — деб ўйладим. Лекин қаёқда дейсиз. Маймунлар чукурлашар, қичқиришарди. Кейин биттаси Челленжернинг ёнига келди-да, у билан ёнма-ён турди. Айтсан, йигитча, ҳозир қулиб юборасиз, иккови бир-бирига шундай ўхшардики, бамисоли қариндошими деб ўйлардингиз кўрсангиз! Мен ўзи ишонмасдим-у, лекин кўз алдамайди-да. Бу қари одамсимон маймун, афтидан қабиланинг бошлиғи бўлса керак, Челленжернинг айнан нусхаси бўлиб, фақат ранги бошқача — сариқ эди. Дўстимизнинг бошқа белгилари ҳам унда муҳайё, фақат бир оз дағалроқ шаклда. Танаси чорпахил, яғринлари кенг, кўкраги филдиракдек, бўйин деган нарса йўқ, узун қуюқ соқол, мўйдор қошлари, афтига монанд кибрли нигоҳи — барингни уч пулга олмайман! — деб турарди. Хуллас, тамомила ўхаш: Бу ёвуз маҳлуқ Челленжер ёнига келиб, унинг елкасига панжасини қўйганда, бу ўхашлик кишини ҳайратга соладиган даражада яққол намоён бўлди! Ваасваса ичра ўтирган Сammerли уларга қараб, хаҳолаб юборди. Маймунлар ҳам аввалига қулишди, — (агар мана шу хихиллашни кулги деб айтиш жоиз бўлса), — кейин бизни ушлаб олиб, ўрмон ичига судраб кетишиди. Милтиқ ва бошқа нарсаларга тегишмади, лекин яшиклардан титкилаб олинган озиқ-овқатнинг ҳаммасини олиб кетишиди. Йўл-йўлакай мен билан Сammerли бўладиганимизча бўлдик — мана, афти башарамга, кийимларимнинг далва-далва бўлиб кетганига қаранг. Улар ўт-ўланлар орасидан баланд-паст демай, судраб кетишаверди, терилари сержун бўлгани учун уларга бало ҳам урмасди. Аммо-лекин Челленжер асло шикастланмади. Тўрт маймун уни бамисоли Рим соҳибқирони каби бошларига кўтариб олишганди. Тсс! Бу нима?

Қаерданdir узоқдан рақс қайроғининг товушини эслатадиган ғалати шиқиллаш қулогимизга чалинди.

— Бу ўшалар! — шивирлади ўртоғим ўқларни «экспресс»нинг иккичи қўшотар ўқдонига жойларкан. — Иккала милтиқни ҳам ўқланг, йигит, тириклиайн таслим бўлмаймиз, бу ҳақда ўйламанг ҳам. Эшитяпсизми, қандай чи-

риллашаётганини. Демак, нимадандир хавотирга тушишган. Шошмай турларинг, дўндиқчалар, қани, тумшуқларингни суқиб кўрларинг-чи!

— Улар жудаям узоқда шекилли.

— Бу газандалар олдимиизга келиша олмайди, лекин уларнинг айғоқчилари ҳаммаёқда изғиб юришади. Хўп майли, энди менинг ғам-фуссали ҳикоямга қайтайлик. Шундай қилиб, бу иблислар бизни жарнинг шундоқ ёқасидаги каттакон дараҳтзорга олиб боришиди. У ердаги дараҳтларда бутун бир шаҳарлари бор экан — шох-шаббаю япроқлардан мингга яқин чайласи бор экан қурғурларнинг. Бу ердан уч-тўрт милча масофада. Тубан маҳлуклар! Бу жирканчлар текканидан кейин умрбод ювениб поклана олмасам керак. Улар ифлос панжалари билан ҳаммаёғимни пайласлаб чиқишиди-я. Дараҳтзорда қўл-оёғимизни боғлашди, айниқса менга тушган ғаламис худди сенинг боцманнингга ўхшаб, денгиз арқонларини чандирдек тугишга устаси фаранг экан. Шундай қилиб, бизни боғлаб дараҳт тагида қолдиришиди, тўқмоқ тутган давангирдек бир маймунни қоровул қилиб қўйишиди. Нуқул «биз», «бизни» деяпман, а. Бу сўз мен билан Саммерлигагина тегишли. Челленжер бўлса, дараҳт устида ўтириб олиб, аллақандай мевалардан тановул қилиб, ҳаёт лаззатини сурарди. Унинг ҳам бизга фойдаси тегиб қолди, боғланган арқонларимизни бўштишининг иложини қилди. Профессорнинг, худди Хасан-Хусан қучоқлашиб олгандек, дараҳтнинг шохини бағрига босиб олганини кўрганингизда борми, кула-кула ўлардингиз, яна йўғон овозлари билан: «О, янгроқ қўнғироқ!» деган қўшиқни ҳам айтардилар. Буни қарангки, музика маймунларга ёқиб, уларни тотувликка мойил қилди. Ҳа, сиз қуласиз-да, аммо биз ўлар ҳолатда эдик. Челленжерга нимани хоҳласа, албатта, маълум даражада чегарадан чиқмай, шуни қилишига рухсат этилганди, лекин биз учун қаттиқ тартиб ўрнатилган эди. Бизга таскин берадиган ягона фикр — сизнинг озодликда эканлигингиз ва ҳамма ёзув ва материалларни сақлаб қоласиз-ку, деган умид эди.

Энди, азизим, навқирон дўстим, буёгини эшитиб, ҳайратланинг. Сиз баъзи белгиларига кўра — гулханлар, қопконлар ва шунга ўхашаш нарсаларга қараб, ясситоғда одам яшайди деб ўйлайсиз. Биз эса ана шу одамларни кўрдик. Лекин айтиш керакки, бу бояқишиларнинг қиёфаси жудаям аянчли аҳволда. Ноchor, юрагини олдириб қўйган, нотавон халқ! Бунинг ажабланадиган ери йўқ. Афтидан, одамлар қабиласи ясситоғнинг горлар кўриниб турган нариги то-

монини эгалласа керак, маймунлар эса —буёгини. Иккала қабила ўртасида ҳаёт-мамот жангги бораёттир. Агар уни тұғри талқын қила олган бұлсам, бу ердаги вазият қыйидагича:

Кече одамсімон маймунлар ерли халқ вакилларидан ўн икки нафарини асир қилиб, ўз шаҳарларига олиб келишди. Бу воқеа давомида шундай шовқин-сурон күта-ришди, шундай чириллашдиларки, асти құйверасиз, қулоқлар қоматга келди. Маҳаллій халқ вакиллари қизилпүст, жуда паст бўйли экан. Бу йиртқичлар йўл-йўлакай тирноқ ва тишлари билан уларни шундай қийнаб келиши-дик, бояқишлиар зўр-базўр судралиб силжишарди. Иккитасини шу ернинг ўзидаёқ ўлдиришди, биттасининг қўлини суғириб олишларига оз қолди. Умуман олганда, бу ман-зара ниҳоятда мудҳиш ва жирканч эди. Бу бахтиқаролар мардона туриб бердилар, ҳатто чурқ ҳам этишмади, биз эса уларга қарай олмасдик ҳам. Саммерли ҳушидан кетиб йиқилди. Челленжердек одам ҳам тишини тишига қўйиб зўрға чидаб турарди... Хайрият, кетиб қолишиди, шекилли.

Биз ўрмөннинг чуқур сукунатига узоқ қулоқ солдик, лекин қушларнинг қанот қоқишидан бўлак ҳеч нарса бу сукунатни бузмасди. Лорд Жон яна ҳикоясига қайтди:

— Роза омадингиз келибди-да: йигит! Маймунлар ма-ҳаллій халқ вакиллари билан шу қадар овора бўлиб ке-тишидик, бизнинг тўғримизда ўйламай ҳам қўйишиди. Шу нарса бўлмаганда, лагеримизга иккинчи марта ҳужум қи-лишлари муқаррар эди. Сиз мутлақо ҳақсиз: улар ҳамма-вақт бизни дарахтдан кузатиб туришган экан, бир киши кўринмай қолганини жуда яхши билишган. Бироқ кейин улар ўzlари билан ўzlари овора бўлиб қолиб, бизни уну-тишган. Шу сабабли ҳам уйғониб кетганингиз учун май-мунлардан эмас, мендан миннатдор бўлаверинг. Ё парвар-дигор, кейин бошимизга тушган фалокатларни айтинг! Бу-нақа даҳшатни инсон бошига солмасин! Америкаликнинг скелетини учратган жойимиз — бамбуқзор эсингиздами? Бу бамбуқзор маймунлар шаҳрининг тагида экан, маймунлар ўз асиirlарини ўша ёққа ташлашар экан. Мен аминман-ки, унда скелетлар тоғ-тоғ бўлиб ётибди, фақат яхшироқ қидириш керак. Жар ёқасида шундай маросимларни ўтка-зиш учун дарахтларни кесиб, жой текислаб қўйишган экан. Улар бахтиқаро асиirlарни жар ёқасидан биттадан сак-рашга мажбур қилишаркан; томошанинг қизиги шунда эканки, ҳалиги ўзини ташлаган асир чилпарчин бўладими ёки бамбуқка санчилиб қоладими — шуни кўриб завқла-нишаркан. Маймунлар қабиласининг ҳамма аъзолари жар

әқасида қатор бұлишиб, бизни ҳам бу томошани құришга таклиф этишиди. Ҳиндуларнинг дастлабки бешаласи паст-га сакраган эди, бамбук уларнинг танасини мисоли сар-еңқа санчилган пайпоқ түқийдиган симдек тешиб үтди. Мен энди бечора америкаликнинг скелетини эслаб ҳайрон бўлмайман. Ҳа, бу манзара ниҳоятда даҳшатли, айни вақт-да мороқли ҳамдир. Гарчи ҳар биримиз менинг ҳам нав-батим келади, деб ўйласак-да, бу сакрашларга маҳлиё бў-либ қараб турадик.

Аммо иш бунга бориб етмади. Ҳиндуларнинг бешовини бугунга олиб қолишиди, лекин бугунги томошанинг сабаб-корлари биз — Саммерли билан мен бўлардик, Челленжер эса бир амаллаб қутулиб қолардиёв. Маймунлар тилига тушуниш учча қийин эмасди, чунки улар асосан белгилар ёрдамида сўзлашишарди. Уларнинг гаплашувларига разм солиб туриб, ҳаракат қилиш керак, деган қарорга келдим. Ўзимнинг баъзи режаларим бор эди. Фақат ўзимнинг ку-чимга таянишим лозим эди, Саммерлидан ҳеч қандай фой-да йўқ, Челленжер ундан салгина дуруст, холос. Улар бир неча минутгина бир бўлдилар-у, шу заҳоти бизни ҳибсда тутнуб турган бўсаарни илмий тасниф этиш бо-бida жўшқин баҳсни бошлаб юбордилар. Бири уларни Ява дриопитеклари¹ деса, бошқаси питекантроплар² дерди. Ик-кови ҳам номаъқул бузоқнинг гўштини епти! Лекин нинг миямда бутунлай бошқа парса бор эди. Энг аввало шунга эътибор бердимки, бу жирканч махлуқлар текис жойда одамга қараганда секин югуради, чунки уларнинг оёқлари калта ва қийшиқ бўлиб, таналари оғир. Ҳатто Челленжер уларнинг энг чопағонидан ҳам тез юурса ке-рак, сиз билан бизни эса, уларга қараганда ҳақиқий чем-пионлар десаям бўлади. Кейин яна битта муҳим кузати-шимни айтиб қўйяй: улар ўтли қуроллар ҳақида тасаввур-га ҳам эга эмаслар. Менимча, улар мен яралаган бебаҳт маймунни эсларидан чиқариб юборишган чоғи. Хуллас, бизга милтиқлар етишмай турибди-да, бўлмаса уларнинг адабини берардиг, а!..

Мана шундай қилиб, бугун эрталаб аzonда қоровулим-нинг қорнига ўхшатиб бир тепдиму лагерга юурдим, сиз-ни учратдим, милтиқларни олдим... Қолгани ўзингизга маълум.

¹ Дриоптек — қолдиқлари қазилмаларда топилган одамсимон маймунлар, ҳозир ҳам яшайдиган горилла, шимпанзе, орангутанг сингари антропоидларнинг аждодлари.

² Питеқантроп — одамсимон маймун.

— Хүш, профессорларымиз нима қилишади? — даҳшат ичра қичқирдим мен.

— Уларни қутқариш керак. Улар мен билан бирга югурға олишмади,— Челленжер дараҳтда ўтираверди. Саммерлининг эса югуришга қуввати етмасди, шунинг учун мен аввал миљиқларни олиб келиб, кейин қолганларни қутқариш керак, деган қарорга келдим. Челленжерга улар тегишинаса керак, аммо Саммерлига кафил бўла олмайман. Очигини айтганда, шундоғам Саммерлини ўлим кутяпти. Мен бунга мутлақо аминман, чунки менинг қочишим аҳволни оғирлаштиргани йўқ. Лекин энди номус зиммамизга ўртоқларимизни қутқариш ёки уларнинг тақдирига шерик бўлиш вазифасини юклайди. Ҳар эҳтимолга қарши⁶, азиз навқирон дўстим, тавба-тазарру қилинг, гуноҳларингиздан покланинг, чунки кечга бориб тақдирингиз ҳал бўлади.

Билмадим, лорд Рокстон учун характерли бўлган гапириш тарзини — жумлаларининг узуқ-юлуқлигини, фикрларининг шарттакилигини, гаплари оҳангидаги чапаниларга хос истеҳзони тушунириб бера олдиммикин? Бу одам йўлбошли бўлиб туғилган аслида. Ҳавф-хатар яқинлашган сари унинг гаплари тобора бурролашар, совуқ кўзлари янада порлар, Дон Кихотники сингари мўйлови узун-узун бўлиб, тиккайиб кетарди. У таваккалчиликни севар, айниқса ўзига тааллуқли бўлган ҳолларда чинакам саргузаштлар шайдоси бўлгани учун қалтис дамлардан завқланарди, у ҳар бир хатарда ўзига хос спорт эҳтироси мавжуд, чунки одам бундай дамда ўз жонини тикиб, тақдири билан қалтис ўйин гирдобида бўлади, деб ҳисобларди. Бу фазилатларининг бари лорд Жонни беназир ўртоқ даражасига кўтарганди, дўстларимдан хавотир олмаганимда, бундай ўртоқ кетидан хурсанд бўлиб, ҳар қандай қалтис ишга ҳам бораверардим.

Қўналғамиздан энди чиқмоқчи бўлиб турганимизда лорд Жон дафъатан қўлимдан ушлаб олди.

— Қаранг — шивирлади у. — Югуриб келишаяпти!

Биз турган жойдан тепа шохлари чирмашиб, сидирға ям-яшил равоқ ҳосил қилган дараҳтлар орасидаги торгинна яланглик кўриниб турарди. Ана шу ялангликда одамсимон маймунлар гуруҳи кўзга ташланди. Уларнинг кўплари тўқмоқ билан қуролланганди. Жунлари ўсиб кетган, майиб одамларга ўхшаган буқри, сёқлари қийшиқ бу маҳлуқлар ҳар томонга олазарак бўлиб, баъзан узун қўлларини ерга теккизиб, диконглаб-диконглаб келишарди. Бу кирликлари бўйларини паст қилиб кўрсатса-да, чамалаб, камида беш фут келса керак, деб ўладим. Бир минутча-

дан сўнг уларни аниқ кўра бошладим. Кейин улар дараҳтлар танасида кўздан гойиб бўлишди.

— Йўқ, энди бари бир,— деди лорд Жон милтиғини тушириб.— То улар ўрмонни изғиб бўлмагунларича даминтизни чиқарманг. Шу изғишларига яна бир соат муҳлат берамиз, кейин кўрармиз, балки уларнинг шаҳарларига босиб бориб, гафлатда қолдирамиз.

Мана шу умримизнинг бир соатга узайғанлигидан фойдаланиб, ўзимиз билан олиб келган консерва банкаларининг бирини очдик-да, нонушта қила бошладик. Лорд Рокстон аzonдан бери, бир неча мевани ҳисобга олмагандан, ҳеч нарса емаганди, шунинг учун ҳозир иштаҳа билан тушираверди. Нонушта қилиб бўлганимиздан кейин чўнтакларимизни ўққа тўлдирдик-да, ҳар қўлимизга биттадан милтиқ олиб, дўстларимизни қутқаргани равона бўлдик. Чангальзордан чиқишидан олдин лорд Жон дараҳтларнинг танасини кесиб,— зарурат туғилиб қолганда Челленжер Форти қай томондалигини топиш осон бўлсин учун — бир неча белги қолдириди. Биз чурқ этмай дараҳтзор оралаб бориб, ўзимиз биринчи марта кўнган жар ёқасидан чиқиб қолдик. Лорд Жон шу ерда тўхтади-да, ўз режалари билан мени танишитирди.

— Қалин ўрмонзорда бу йиртқич ҳайвонлар бизни ҳар нима қила олишади,— деди у.— Улар бизни кўришади, биз эса кўра олмаймиз уларни. Очиқ жой бўлса бошқа гап, чунки биз улардан тез чопамиз-да. Шундай экан, бас, имкони борича очиқ жойдан юришга ҳаракат қиласлик. Ясситоғнинг чеккаларида дараҳтлар сийрак, демак, ҳужумни ўша ерлардан бошлаймиз. Шошибилмай, кўзингизга қараб, эҳтиёт бўлиб юринг, милтиқларингизни отишга тайёрлаб қўйинг. Энг муҳими эсингиздан чиқмасин: тирик қўлга тушиш ўйқ, сўнгги ўқингиз қолгунча отиб қолинг. Сизга берадиган охириг маслаҳатим, шу навқирон дўстим.

Жар бўйига келганимизда, пастга қараган эдик, тош устига ўтириб олиб, трубкасини чекаётган содиқ негримизни кўрдик. Уни чақириб, кўрган-кечиргандаримизни бирам ҳикоя қилиб бергим келдики, асти қўяверасиз! Лекин бу хатарли эди — фанимларимиз эшитиб қолишли мумкин. Ўрмонзорда одамсимон маймунлар фиж-фиж бўлиб, уларнинг қулоқни қоматга келтирувчи ўзига хос чийиллашлари бизга ҳам эшитиларди. Биз буталар орасига ётиб олиб, уларнинг чийиллашлари узоқлашиб, эшитилмай қолгунча турардик. Бу нарса олға силжишимизни секинлаштиради, маймунлар шаҳрига етиб олишмиз учун икки соат вақт керак бўлди. Энди у яқин қолди —

мен буни лорд Жоннинг эҳтиёткорлик билан юришидан пайқадим. Мана, у қўлини силкиб, ётиб олишимни буюрди, ўзи бўлса олға судралиб кетди, бироқ тезда орқасига қайтди. Юзи ҳаяжонланганидан учиб турарди.

— Тезроқ!— шивирлади у.— Тезроқ! Кечикмасак бўлгани!

Аъзои баданим қалтираганича у томон судралиб бордим-да, буталар орасидан орқамиздаги очиқ ялангликка қарадим.

Бу манзарани асло унутмайман. Бу манзара шу қадар ҳайратомуз, шу қадар ақлни шоширадиган даражада эдики, сиз ишонадиган даражада тасвирилашдан ҳам ожизман. Балки бу жойлардан эсон-омон чиқиб кетармиз; бир неча йиллар ўтар... мен аввалгидек «Ёввойи» клубининг меҳмонхонаси деразасидан зерикарли, ўзининг мавжудлигига шубҳа уйғотмайдиган Темза дарёсининг соҳилига тикилиб тураман.. Ана ўшандада шу воқеаларнинг гувоҳи бўлганимга ўзим ишонармикинман? Бўлиб ўтган реал воқеалар менга алаҳсираш онларида зоҳир бўлгандек туюлмасмикин? Мана шунинг учун ҳам ҳали кўрган-бильганинг эсимдан чиқмасидан, уларнинг ростлигини тасдиқловчи биргина одам бор экан — у ҳозир ҳам ўт-гиёҳлар устида мен билан ёнма-ён ётиби,— ҳаммасини ёзиб-чизиб қўймоқчиман.

Кўз олдимиизда кенглиги юз ярдча келадиган, жар ёқасигача ям-яшил қалин майса-гиёҳлар ва пастак папортниклар билан қопланган яланглик ястаниб ётарди. Бу ялангликни дараҳтлар яrim доира шаклида ўраб олганди, дараҳтларни эса шоҳ-шабба ва япроқлардан тўқилган бир неча қатор уйчалар қуршаганди.Қораялоқ инини кўз олдингизга келтиринг-а, ин ўрнига уйча бўлади, шуни тасаввур қилсангиз, нима деяётганимни тушунасиз. Уларнинг эшиклари олдида ва яқинидаги шоҳларда маймунлар ўтирибди, жуссаларининг чоғроқлигига қараганда, урғочи маймунлар ва уларнинг болалари бўлиши керак. Уларнинг ҳаммаси пастда бўлаётган воқеаларни мароқ билан томоша қилишаётганди, биз ҳам улардан кўз узолмай қолдик.

Яситоғ четига яқин очиқ жойда жунлари патила-патила, сариқ одамсимон маймунлардан бир неча юзтаси саф тортиб турибди. Баъзиларининг бўйлари жуда баланд, баъзилариники пастроқ, лекин уларнинг баридан истисносиз жирканниб, ҳазар қиласман. Маймунлар зич саф тортганларидан интизомга қаттиқ риоя қилишлари билиниб турди. Улар олдида бир неча паст бўйли, лекин таналарни

муносиб тузилган, терилари қүёшнинг ёрқин нурларидан жездек товланаётган ҳиндудар туршарди. Бу кичик тұда-да оқ танли одамнинг баланд, ориққина қомати ажралиб күринади. Бошининг қуи эгилганлиги, құлларини күкси-га чалиштириб олганлиги — туриш-турмуши ниҳоятда құр-қаётганлигини ва тақдирға тан берганлигини ифода қилас-ди. Биз бу одамнинг Сәммерли эканлигини қийналмай та-ниб олдик. Бир неча маймун баҳтиқаро асирлар ёнида қо-ровуллик қилишар, улар бандиларнинг қочишга заррача интилишларини ҳам босишига тайёр әдилар. Үнгроқда, яс-ситоғнинг шундоққина четида яна икки гавда ажралиб ту-рарди, улар шу қадар бесұнақай әдиларки, бошқа шаро-ит бүлганды масхарабозлар бұлса керак дердингиз, улар-дан күзимни узолмай қолдым. Улардан бири үзимизнинг дұстимиз, профессор Челленжер әди. Қамзулидан парча-пурча увадалар қолган, күйлаги беном йүқолган, соқоли алпона күкрагидаги жунга қоришиб кетган, саргардонлик-да юрган вақтимизда үсіб кетган соchlари эса, қора ёлдек шамолда ҳилпиарди. Ҳозирғи замон маданий оламининг бу ҳосиласини Жанубий Американинг әнг паст ёввойисига айлантириш учун бир күн кифоя экан-а!

Челленжернинг ёнида унинг ҳоқони — одамсімон май-мунлар қабиласининг сұлтоны турарди. Лорд Жой муболаға қилмаганды: у профессоримизнинг айнан нусхаси әди, фақат раңғи бошқача. Ұша пастак қомат: ұша кенг сүяк-дор яғынлар, ұша узун-узун құллар, ұша жундор күкрак-ка тушиб турған пахмоқ соқол. Бирдан-бир фарқи шундан иборатки, одамсімон маймуннинг япасқи, ясси пешонаси европаликка хос ажойиб бөш сүякнинг тамомила теска-риси әди. Қолган жиҳатларини назарда тутадиган бүлсак, маймунлар ҳоқони профессоримизнинг ажабтовур тасқара бир шакли, әди.

Бу ҳолатни қоғозда тасвиrlаш жуда күп жойни олган бүлур әди, лекин мен ана шу бутун манзараны бир лаҳ-зага жо қылдыму күз олдимизда рүй берган фожия даҳ-шатига маҳлиә бўлиб қолдим. Икки одамсімон маймун бир ҳиндуни тутиб, жар ёқасига судраб келди. Ҳоқон құлни силкиди. Йиртқич махлуқлар одамни құллари ва оёқларидан ушлаб, худди арғамчикдек уёқдан-буёққа тебратиб, жарга улоқтирилар. Зўр куч билан ирғитилган бебаҳт ҳинду ҳавода ёй ясаб учиб, тошдек пастга қулади. Пос-бонлардан ташқари барча маймунлар аламони жар томон отилди, жар ёқасида таҳликали жимликда қотиб турши-ди-да, бирдан тантанавор қичқириб юборишиди. Маймунлар қувониб, савдойилардек диконглаб сакрашар, узун-узун

сержун қўлларини кўтариб ўйнашар, ҳаяжондан увлашарди. Кейин улар қуюндеқ жар ёқасидан қайтишиб, ўз сағларига келиб туришди-да, навбатдаги қурбоннинг томоша-сига шайланишиди.

Бу сафар Саммерлининг гали эди. Икки пособон қўполлиқ билан уни қўлидан ушлаб, туртиб-туртиб, олға ита-ришди. Бояқиш бамисоли товуқхонадан судраб чиқарила-стган жўжадек силкинар, таталарди. Челленжер маймунлар ҳоқонига қараб, жонини жабборга бериб, имо-ишоралар билан ялиниб-ёлворарди. У илтимос қиласар, ўртоғимни қутқаринг, раҳм-шафқат қилинг, дея зорланарди. Лекин маймун ўз қиёфадошини бетакаллуф итариб, бошини сил-китди. Бу унинг сўнгги онгли ҳаракати бўлди: пақ этиб отилган ўқдан сариқ ҳоқон ичи тўла қопдек ерга думалаб тушди.

— Аламонга қараб от! Уқни аяма, ўғлим! — қичқирди лорд Жон.

Ҳар қандай ўртамиёна одам қалбининг ҳам энг чуқур жойларида ўзи англаб етмаган нарсалар бўлади. Мен ҳамиша раҳмдиллигим билан машҳур эдим: яраланган қуённинг фифонини эшитсан ҳам кўзларимдан ёш тирқираб отиларди. Лекин ҳозир қасос олиш ҳисси аъзойи баданимни чулғаб олганди. Дик этиб ўрнимдан турдиму аввалига битта милтиқдан кетма-кет ўқ узавердим, кейин иккинчи милтиқни ишга солдим, затворларни шарақлатиб милтиқларни ўқларканман, қаттиқ ҳаяжондан ўзимни унутиб, қийқирадим. Икковлашиб, тўрт милтиқдан отавериб, маймунлар сафини дув тўқдик. Саммерлининг иккала соқчиси тил тортмай ўлди, профессорнинг ўзи эса, афтидан, озод бўлганини фаҳмламай, маст қишидек каловланиб борарди. Ганимларимиз нима бўлаётганига тушуна олмай, но-гаҳоний ёпирилган ажал гирдобидан ҳанг-манг бўлишар, жонларини қўйишга жой тополмай, ялангликнинг ўғидан-буёғига зир югуришарди. Улар қўлларини дўлайтириб чи-йиллашар, ўликларга қоқилиб йиқилишарди. Кейин ин-стинкт амрига бўйсуниб, гала-гала бўлиб ўзларини дарахтлар паноҳига урдилар, ҳалок бўлганларнинг таналари дўппайиб-дўппайиб ётган яланглик бўшади-қолди. Унинг ўртасида асиirlарнинг кичкина гуруҳигина қолди.

Челленжернинг тез ишлайдиган қалласи дарҳол вази-ятни баҳолади. У меровсираб қолган Саммерлининг қўлидан тутиб, уни судраганча биз томонга югурди. Икки соқчи улар кетидан қувмоқчи бўлган эди, лорд Жон битта ҳам ортиқча ўқни исроф қилмай, аввал биттасини, кейин иккинчисини қулатди. Биз буталар орасидан югурниб, дўст-

ларимизга пешвоз чиқдик-да, ҳар бирига биттадан ўқланған мильтиқ тутқыздык. Лекин шу ерда Саммерли тамомила дармонаңдан кетди. У оёғини зўрға босар эди. Бу орада одамсизон маймунлар қўрқувларини босиб олишганди. Улар йўлимизни тўсиш мақсадида бўлса керак, буталар орасига сочилиб, ўрмалаб қолишиди. Челленжер иккови-миз Саммерлини қўлимизга кўтариб олдик, лорд Жон бўлса, буталар орасида тищларини қайраб келаётган даҳшатли тумшуқларни нишонга олиб, бизнинг қочишимизни панаалаб турди. Бу ярамас махлуқлар чинқириб, чамаси бир миль, балки ундан ҳам кўп масофагача, бизни изма-из таъқиб қилиб келишиди. Кейин бизнинг устунлигимизни сезишди шекилли, лорд Жоннинг бехато ўқига дучор бўлмайлик дейишдими, орқада қолиб кетишиди. Лагеримизга етиб келгач, орқамизга қараган эдик, бизни тинч қўйишганига қаноат ҳосил қилдик. Жилла қурса, бизга шундай туюлган эди, аммо хато қилган эдик. Биз эндиғина лагерга кираверишни тўсиб, бир-биримизнинг қўлларимизни сиқиб, яланглиқ ўртасидаги булоқ бўйига чўзилиб, ором оламиз деб турган эдик, ҳамки, иҳота орқасидан аллакимнинг шиддатли қадам товуши эшитилди, шу ондаёқ унсиз нолалар қулоққа чалинди. Лорд Жон мильтифи билан раҳна жойга келди-да, ташқарига қаради. Тўсиқ орқасида тирик қолган тўрт ҳиндунинг қизил-мисранг танаси юзтубан ётарди. Улар қўрқувдан титрашар, бизни ҳимояларингга олинглар, дея ёлборишаради. Улардан бири турдида, қўлини ифодали айлантириб, ўрмоннинг ҳаммаёғи хавф-хатарга тўла, демоқчи бўлди шекилли, кейин лорд Жоннинг оёғига йиқилиб, унинг тиззаларига юзини суртаверди.

— Бунисига нима дейсиз энди? — хитоб қилди бошлиғимиз ҳайронликдан нима қиларини билмай, мўйловини бураб.— Иўқ, чинданам, нима қиламиз бу дардисарларни? Тур, дўстгинам, тура қол, этигимни ўз ҳолига қўй.

— Уларга ҳам ғамхўрлик қилиш керак,— деди Саммерли трубкасига тамаки тиқаркан.— Сиз ҳаммамизни ўлим чангалидан қутқардингиз, ахир. Қойил қилиб қўйдингиз бу ишни! Сиз билан фахрланаман, тасанино!

— Жуда ажойиб иш қилдингиз-да! — хитоб қилди Челленжер.— Ҳайратомуз иш бўлди! Шахсан бизгина эмас, бутун Европанинг илм-фан аҳли умрбод сиздан қарздор. Йикиласдан айта оламанки, профессор Саммерли билан профессор Челленжернинг ҳалокати ҳозирги замон фани учун анча сезиларли йўқотиш бўлур эди. Сиз ва навқирон дўстимиз ҳар қанча мақтовга лойиқсизлар.

Челленжернинг лабларига оталарча табассум ёйилди. О, шу топда Европа илм-фан аҳли севимли фарзанди ва умидининг турқи-тароватини бир кўрганида борми! Сочлари патила-патила бўлиб кетган, кўкраги қип-яланғоч, кийимлари жулдур-жулдур. Илм-фан таянчи тиззаларий орасига очиқ консерва банкасини қисиб ўтирганича австралия қўйи гўштининг катта-катта бўллагини оғзига тиқарди. Ҳиндуда унга бир қаради-да, қичқириб, яна лорд Жон оёқларига йиқилди.

— Қўрқма, қичқинтой,— деди бошлигимиз тиззаларига суркалайтган қоп-қора каллани силаркан.— Челленжер, сизнинг турқингиз бу ҳиндунинг ўтакасини ёриб юборди. Менимча, бунда таажжубланадиган ҳеч нарса йўқ. Қўрқма, дўстгинам, бу киши ҳам бизларга ўхшаган одам.

— Аммо-лекин, сэр! — қичқириди Челленжер.

— Ҳечқиси йўқ, профессор, сизнинг ташқи қиёфангизни файритабиий қилиб яратгани учун худога минг-минг шукур қилишимиз керак. Мабодо маймунлар ҳоқони билан ҳайратомуз бир тарзда ўхшаш бўлмаганингиздами...

— Бас, бас, қилинг, лорд Жон Рокстон! Жудаям ҳаддингиздан ошаверманг!

— Факт фактлигича қолади-да.

— Илтимос, сэр, гапнинг мавзуини ўзгартирангиз! Сизнинг танбеҳларингиз мутлақо ўринсиз ва ишга алоқаси йўқ. Биз ҳиндуларни нима қилиш масаласини ҳал этишимиз керак. Афтидан, уларни уйларига элтиб қўйишимизга тўғри келар. Лекин улар қаерда яшашади? Бу жумбоқни ечинг.

— Бу саволингизга жавоб беришга уриниб кўраман,— дедим мен.— Ҳиндулар марказий кўлнинг нариги томонидаги форларда яшашади.

— Э, шунаقا денг! Навқирон дўстимизга уларнинг уйлари қаерда эканлиги маълум экан-ку. Бу ердан унчалик яқин бўлмаса керак, а?

— Иигирма милча бордиров, кам эмас! — жавоб бердим.

Саммерли инграб қўйди.

— Ҳар қалай, мен у ерга етиб бора олмасам керак. Эшитяпсизларми? Бу жирканч махлуқлар ҳамон изимизда изғиб юришибди.

Ҳақиқатан ҳам ўрмоннинг қоронғи бағридан одамсизмон маймунларнинг чийиллагани элас-элас эшитиларди. Ҳиндулар яна қўрқиб, изтироб ичра тўлғана бошладилар:

— Бу ердан кетиш керак, мумкин қадар тезроқ,— де-

ди лорд Жон.—Иигитча, сиз Саммерлига ёрдам берасиз. Ҳиндулар юкларни құтариб боришади. Қани, юринглар, бизни сезиб қолишимасларидан жұнаб қолайлик.

Ярим соатдан камроқ вақтда дов-дараҳтлар орасидаги жойимизга югурған бориб, бекиниб олдик. Фортимиз то-мондан одамсімон маймунларнинг ҳаяжонли қичқириқла-ри күн бүйі келиб турди, лекин үзләри бу ёққа келишмади, чарчаган қочоқлар — оқлар ҳам, қызил танлилар ҳам — ниҳоят, қаттиқ, узоқ үйқуга кетиши.

Кечқурун үйқу аралаш кимдир құлымдан тортаётгани-ни сезиб, зёр-базур құзимни очдим-у, олдимда Челленжер турганини күрдім.

— Мистер Мелоун, менга маълум бўлишича, сиз кун-далиқ тутасиз ва бир вақт келиб, уни эълон қилмоқчисиз, а,— деди у тантанавор оҳангда.

— Мени бу ерларга махсус мухбир сифатида юбориши-ганда,— деб жавоб бердим.

— Ҳа, баракалла. Сиз, албатта, лорд Жон Рокстоннинг ҳалиги. гүё мен билан.. аллақандай ўшашлilikлари бор... дегандай шамаларини эшитган бўлсангиз керак дейман...

— Ҳа, эшитдим.

— Бундай бемаъни гапларнинг эълон қилиниши ва умуман воқсаларнинг бомаслаҳат баён қилиниши мени ни-ҳоятда ранжитиши ҳақида сизга гапириб ўтиրмасам ҳам бўлар дейман.

— Мен фактларга қатъий риоя қилишга сўз бераман.

— Лорд Жон бўлса, бўлмағур хаёлларга бориб, май-навозчиликдан тоймайди, ҳатто энг маданиятсиз ирқлар-нинг вакиллари ҳам инсонлар шаънига ҳурмат билан қа-рашини ўзича талқин қилишдан тоймайди. Менинг фик-рим сизга тушунарлимий?

— Мутлақо, тушунарли.

— Демак, мен сизнинг одоб сақлашингизга ишонаман, — деди Челленжер ва узоқ сукутдан сұнг құшиб қўйди:— Аммо-лекин бу одамсімон маймунлар ҳоқони ажабтовор махлуқ экан-да, ўзиям... Одамни ҳайратда қолдирадиган ташқи қиёфасини қаранг, ақллилигини айтмайсизми! Тўр-рими?

— Жуда муносиб шахс,— деб жавоб бердим.

Профессор, афтидан, хотиржам бўлди шекилли, яна ух-лаш учун жойига чўзилди.

ҮН ТҮРТИНЧИ БӨБ.
«БУ ҲАҚИҚИЙ ҒАЛАБА ЭДИ»

Биз таъқиб қилувчиларимиз — одамсимон маймунлар буталар орасидаги ошиёнимиз борлигидан бехабар бўлишса керак, деб ўйлардик, аммо тезда хато ўйлаганимизга амин бўлдик. Ўрмон ниҳоятда жимжит — тиқ этган товуш йўқ, барглар ҳам қильт этмайди.. Ҳар қалай, аввалги ҳодисалардан орттирган тажрибамизга кўра, бу ифлосларнинг нақадар муғамбирлик, сабр-тоқат билан ўз ўлжаларини кузатишларини ва ҳужум қилиш учун қулай пайт пойлашларини эътибордан қочирмаслигимиз керак эди. Тақдирим бундан буён нима бўлишини билмайман-у, лекин ўша тонгдагидек ҳеч қачон ўлимга яқин бўлмагандирман. Ҳозир ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман.

Кечаги даҳшатли ҳаяжонлар ва очлиқдан роса ҳам чарчаб ҳолдан кетган эканмиз, бир кечалик уйқудан кейин ҳам ўзимизга келмадик. Саммерли шу қадар заиф эдики, оёғида зўрға турарди, аммо ўзига хос қатъият ва мардлик билан буни тан олгиси келмасди. Биз ҳарбий кенгаш чақириб, бу ерда яна икки соат ўтиришга, ниҳоятда зарури — тўйиб нонушта қилиб олиб, кейин бутун ясситоғни кесиб йўлга тушишга, марказий кўлнинг нариги томонидаги ғорларга киришга қарор қилдик; менинг кузатишларимга кўра, бу ғорларда одам яшши керак эди. Ўзимиз қутқарган ҳиндулар биз тўғримизда яхши гап айтишар, уларнинг ҳамқабилалари томонидан яхши кутиб олинишимизга умид қиласдик.

Бундай саёҳатдан сўнг Мепл-Уайт Мамлакати бизга сирларини янада кўпроқ очиши мумкин ва зиммамизга юқланган вазифани бажариб бўлиб, бутун диққат-эътиборимизни ўз ватанимизга яна қайтиб кетиш йўлларини излашга бағишлийдиган бўлдик. Ҳатто Челленжернинг ўзи ҳам, экспедициямиз мақсадига эришади, ва бундан кейинги бурчимиз — ажойиб кашфиётларимизни бутун маданий олам аҳлига тезроқ етказишдан иборатдир, деб тан олди.

Энди биз қутқарилган ҳиндуларга диққат билан қарашга фурсат топдик. Улар ўрта бўйли, мускулдор, эпчилик, кўринишдан ёввош, ҳар қандай тукдан холи юзлари юмалоқ шаклда, қайиш билан боғлаб, гарданларига турмакланган сочлари силлиқ, қоп-қора. Қийимлари сонларига ўралган бир парча теридан иборат, холос. Қони тинмаган қулоқларининг ситилганлиги уларга тақилган безакларничг душманлари — маймунлар қўлида қолиб кетганлигидан далолат берарди. Ҳиндулар бир-бирлари билан чуфур-

лашиб, биз тушунмайдыган тилда гаплашиб кетишиди, аммо биз бир амаллаб уларнинг қабилаларини «аккала» дейи-лишини билиб олдик. Улар бу сўзни бир-бирларини кўрса-тиб такрор-такрор айтдилар, кейин сиқилган муштларини қўрқув ва ғазаб ичра титраган ҳолда ўрмон томонга ўқ-талиб: «Дода! Дода!» — деб бақирдилар, афтидан, улар одамсимон маймунларни шундай дейишса керак-да.

— Булар ҳақида сиз нима дейсиз, Челленжер? — сўра-ди лорд Жон.— Менга ҳозирча фақат бир нарса аниқ: ҳув авави, пешонаси қирилган йигит — уларнинг бошлиги.

Ҳақиқатан ҳам бу ҳиндуда ўзини ҳамроҳларидан бошқа-чароқ тутар, гарчи қолгандари ундан катта ёшда бўлса-ларда, унга буюк эҳтиром билан муомала қилишарди. Йигитнинг ҳар бир ҳаракатида ифтихор билан мустақил-лик аломатлари сезилиб турарди, шунинг учун бўлса ке-рак, Челленжер улкан панжасини унинг бошига қўйганида у асов отдек тайсаллади-да, қора кўзларини ғазабли чақ-натиб, орқага тисарилди. Кейин кафтини кўксига қўйиб, иззат-нафсини писандадек, бир неча бор «Маре-тас» деган сўзни такрорлади.

Професор заррача ҳам тортинимай бошқа ҳиндуни бўй-нидан қучоқлаб, бамисоли кўргазмали нарсани намойиш қиласётгандек ўёқдан-бўёққа айлантириб, бизга лекцияси-ни ўқиб кетди.

— Бош суюгининг ривожланганлиги, юзининг бурчак-симон тузилганлиги ва бошқа белгилари бу қабилани паст ирққа қўшиш имконини бермайди,— ғўлдиради у йўғон товушини баралла қўйиб.— Биз ирқлар таснифи шкала-сида буларни Жанубий Америкадаги жуда кўп қабилалар-дан юқори қўйишимиз керак. Мен бу ерда, ясситоғда, бу қабиланинг пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкин эмас-лигига қаттиқ ишонаман. Ваҳоланки, одамсимон маймун-лар билан бу ерда сақланиб қолган тарихимиздан олдин-ги давр ҳайвонлари ўртасида осмон билан ерча фарқ бор-лиги аниқ-ку. Бинобарин, улар ҳам Мепл-Уайт Мамлака-тида пайдо бўлишлари ва ривожланишлари мумкин эмас.

— Хўш, улар қаердан келиб қопти бўлмаса? Осмондан тушибтими? — сўради лорд Жон.

— Бу масала, шубҳасиз, Европа ва Америка олимла-ри ўртасида катта баҳсларга сабаб бўлади,— жавоб берди профессор.— Бу масаланинг талқинимдаги таърифи —тўғ-рими ёки нотўғрими — шундай бўлади: (бу сўзларни айти-ётганида кўкрагини ялангочлаб, ниҳоятда зўр виқор билан атрофни кўздан кечириб қўйди) — бундаги тамомила ўзига хос шароитларда эволюция умуртқалилар-даражаси

сига күтарилилган, айни чоғда эски шакллар янгилари билан ёнма-ён яшаб, ривожланавергандар. Шу сабабли ҳам юра даври шакллари билан бирга аждохлари мұътабар ҳисобланмиш ҳозирги замон тапири ҳам, йирик оху ҳам, чумолихүр ҳам бу ерда бир яшайверган. Буларнинг бар-часи равшан. Аммо сизлар: «Одамсимон маймунлар-чи, ҳиндулар-чи?»— деб сүрарсизлар. Уларнинг ясситоғда мавжудлигига илм-фан ақли нима дейди? Фикримча, бун-га биттагина жавоб бўлиши мумкин: улар бу ерга ташқа-ридан келган. Шуниси жудаям мумкинки, Жанубий Америкада мавжуд бўлган аллақандай одамсимон маймунлар жуда қадим замонларда буёққа келишиб олиб, ўз эволю-цияси натижасида ташқи кўриниши ниҳоятда баҳайбат, ва ёқимтой бўлган одамсимон маймунларнинг (Челленжер шу он менга тик қаради) айрим вакиллари тоифасини ярат-ганликлари эҳтимолга жуда яқин, уларнинг онги бўлгандা, ҳатто инсон ирқини ҳам яшнатган бўлур эдилар. Ҳиндуларга келганда эса, шуни айтиш мумкинки, бу қабила ё очликтан, ёки душман таъқибидан қочиб, текисликдан бу-ёққа келиб қолган. Бу ерда шу чоққача кўринмаган ба-ҳайбат йиртқич махлуқларга тўқнаш келишиб, навқи-рон дўстимиз айтган ғорлардан паноҳ топишган. Бироқ, шубҳасиз, улар ёввойи ҳайвонлар, жумладан, маймунлар билан ҳаёт-мамот жанглари олиб боришган; одам оралаганини ёқтиргмаган бу маймунлар бор ҳийла-найрангларни ишга солиб курашганлар, бу борада улар ҳар қандай каттароқ махлуқларга ҳам бўш келишмаган. Ҳиндулар қабиласининг оз сонли бўлишига сабаб, менимча, мана шу. Хўш, жентльменлар, энди нима дейсизлар? Бу жум-боқни тўғри ечдимми ёки масаланинг моҳияти хусусида бошқа эътирозларнинг борми?

Бироқ профессор Саммерли эътиroz билдиришга ма-жолосиз бўлгани учун норозилик белгиси сифатида калла-сини сарак-сарак қилиб қўя қолди. Лорд Жон туклари сийраклашиб бораётган пешонасини қиртиллатиб қаши-ди-да, мен бошқа вазн ва бошқа тоифадаги полвонман, де-яётгандек, Челленжернинг беллашувга чақирифини рад этди. Мен бўлсам, ўз одатимга содиқ қолган ҳолда, гапни бошқа муҳимроқ нарсага буриб, ҳиндулардан бири ғойиб бўлиптими, дедим.

— У кетди,— деди лорд Рокстон.— Биз унга консерва-дан бўшаган банка бериб, сув олиб келишга юбордик.

— Эски лагеримизгами? — деб сўрадим.

— Йўқ, булоққа. Узоқдамас, ҳув анави дараҳтларнинг

тагида. Юз ярдча келар-келмас жойда. Лекин миттивой шошилмаётган күринарди.

— Бориб қарай-чи, у нима қилаётган экан? — дедим-да, ўртоқларимни ғарифона нонушта тайёрлашга қолди-риб, ўзим мильтиқни олиб, ўрмонга равона бўлдим.

Менинг ҳатто мана шу қадар қисқа муддатга ҳам буталар орасидаги ишончли манзилимизни тарк этишга журъят этганим сизга хато бўлиб кўрингандир, ахир, маймунлар шаҳри биздан узоқда, душманлар ҳидимизни йўқотиб бўлишган, бундан ташқари қўлимда милтиғим бор эди-ку. Бироқ кейинчалик маълум бўлишича, мен одамсимон маймунларнинг макру ҳийласига ва кучига етарли баҳо бермаган эканман. Сой жилғаси жуда яқинда чулдирав, лекин дараҳт ва буталарнинг қалин шоҳ-шаббалари уни менинг нигоҳимдан яшириб турарди. Ям-яшил ўт-ўланлар орасидаги аллақандай қизил нарсага кўзим тушиб қолганида, ўртоқларимдан анча олислаб кетган эдим. Бу биз сувга юборган ҳиндунинг ўлиги эди. Уни кўриб, ўлгудек қўрқиб кетдим. Бечора ғужанак бўлиб ётибди, боши худди елкаси оша қараётгандек нотабий қайрилганди. Мен ўртоқларимни хавф-хатардан огоҳлантириш мақсадида бақирдимда, ҳиндунинг ёнига югуриб келиб, устига энгашдим. Шу топда худонинг ўзи мени бир ўлимдан сақлади — нажот фариштаси жонимга оро кирдими, ё инстинкт туйғуси иш бердими, ёхуд баргларнинг шитирлаши огоҳлантиридими, мундоқ юқорига қараб қоламанми! Бошим узра қалин япроқлар орасидан сариқ жун билан қопланган икки мускулдор қўл секин-аста мен томон чўзилиб келаяти-да. Яна бир секунд бўлганда, бу ғадор бармоқлар бўйнимни ис-канжага олиши тайин эди. Мен ўзимни орқамга ташладим. Аммо бу қўллар мендан ҳам эпчил экан. Тўғри, сакраш мени ўлимдан қутқарди-ю, бироқ битта панжа гарданимга ёпишди, иккинчиси — юзимга чанг солди, кейин томоғимни кафтим билан ёпган эдим — бармоқларимни тимдалади.

Назаримда, ердан кўтарилаётгандек бўлдим, бошимни зўр куч билан қайираётгандарини сездим... Яна бир минутдан сўнг бўйнимнинг томирлари узилиб кетадигандек эди. Миям айлана бошлади, лекин мен бу даҳшатли қўйни қўйиб юбормадим, ниҳоят уни иягимдан ажратиб ташладим. Бошим узра совуқ кўк кўзли тумшуқ эгилди, унинг бешафқат кўзлари жодулаб қўяётгандек таъсир қиласарди менга. Курашишга куч-мадорим қолмади. Ёвуз махлуқ дармондан кетаётганимни сезиши биланоқ жирканч жағлари очилиб, қиличдек тишлари ялтиллаб кетди, панжаларини

янада қаттиқроқ сиқиб, бошимни орқамга эга бошлади. Кўз олдимдан хира доиралар сузиб ўта бошлади, қулоғимда кумуш қўнгироқчалар жарангларди. Қаердадир узоқдан ўқ товуши эшитилди — оғриқни қарийб сезмай, шилқ этиб йиқилдиму ҳушимдан кетдим.

Ҳушимга келиб, қарасам, ошиёнимизда, буталар орасидаги ўт устида ётибман. Кимdir булоққа чопиб бориб сув олиб келган бўлса керак, лорд Жон бошимни ҳўлларди, Челленжер билан Саммерли бўлса икки томонимдан ушлаб туришарди. Уларнинг ташвишли чеҳраларини қўриб, биринчи марта профессорларимизнинг илм-фан кишиларигина эмас, оддий инсоний ҳиссиёт соҳиблари эканликларини англадим. Баданимда ҳеч қандай жароҳат ўйқ экан. Ҳушимдан кетишумга сабаб, қаттиқ таъсирланганим бўлса керак, чунки орқа миям билан бўйнимдаги оғриқни ҳисобга олмаса, ярим соатдан кейин бутунлай ўзимга келдим.

— Оббо, навқирон дўстим-еїй, бу сафар ўлишингизга бир баҳя қолди-я,— деди лорд Жон.— Қичқириғингизни эшитиб, сиз томон юрганимда, бу йиртқич маҳлуқ бошингизни қайираётган экан, оёқ-қўлларингизни осмонга чўзганингизни кўрдиму биттамиз у дунёга равона бўлипти-да, деган фикр ўтди миямдан. Шошиб қолганимдан ҳатто мўлжалга ҳам уролмадим, лекин хайриятки, бу ярамас сизни қўйиб юбориб, қочиб қолди! Вой, иблис-еїй! Қани энди, менга милтифи билан эллик кишини беришса, бу ерда дарров тартиб ўрнатардик-да, бу жирканч маҳлуқларнинг изини ҳам қолдирмасдик.

Одамсимон маймунларнинг бир амаллаб бизнинг ошиёнимизни кўриб қолишгани ва ундан кўз узмаётганликлари энди мутлақо равшан бўлди. Кундузи улардан қўрқмаса бўлади, лекин кечаси ҳолимиз нима кечади? Улар бу ерга албатта ёпириладилар. Демак, кетиш керак, қанча тез бўлса, шунча яхши. Уч томонимизни ўрмон қуршаб олган, унинг ҳар бир жойида пиистирмага дуч келишимиз мумкин, тўртинчи томонида эса марказий қўлга олиб борадиган қия сой йўли бошланади, унинг у ер-бу ерда очиқ ялангликлари бўлган пастак бутазорлар бор. Бу қиямаликдан мен ўша кечаси юргандим, у тўппа-тўғри ҳиндуларнинг форларига олиб боради. Демак, биз шу ёққа юришимиз керак.

Ачинадиган ягона нарса — лагеримизнинг қолиб кетаётгани эди, унда ғамлаган нарсаларимизнинг қолаётгани учун эмас, балки бизни ташқи олам билан боғловчи сўнгги ҳалқа — негр Самбони ташлаб кетаётганимиз учун юра-

гимиз ачириди. Сирасини айтганда, милтиқларимизни ол-волганимиз, ўқлари ҳам етарли, бир оз муддатга амаллаб турсак бўлади, кейин, балки, эски жойимизга қайтиб келиш ва яна негримиз Самбо билан алоқа боғлаш мумкин бўлар. Самбо бизни ташлаб кетмасликка қаттиқ сўз берган, шунинг учун сўзининг устидан чиқишига имконимиз комил эди.

Эрталаб аzonда экспедициямиз йўлга равона бўлди. Олдинда йўлбошловчи бўлиб ёш қабила бошлиғи борди. У бирор юкни кўтариб боришдан ғазаб билан бош торти. Унинг кетидан тирик қолган икки ҳинду экспедициянинг озгина қолган юк-япағини орқалаб боришарди. Биз тўртовлон милтиқларимизни осиб олганча издиҳомнинг орқасида кетардик. Бутазордан чиқишимиз биланоқ бу чоққача жимжит бўлган ўрмонни бирдан одамсимон маймунларнинг ваҳшиёна қий-чуви тутиб кетди. Улар кетаётганимиздан ё хурсанд бўлишиб, ёки аламларидан қичқиришаётганди. Орқамизга қараб ҳеч нимани кўрмадик, лекин бу чўзиқ қий-чув чор атрофимизни ўраб олган ўрмоннинг ям-яшил деворни орқасида қанчадан-қанча душманимиз яшириниб олганидан аниқ далолат бериб турарди. Бироқ маймунлар бизни қувишини ўйламасдилар шекилли, шунинг учун биз очиқ ерга чиқиб олгач, улардан қўрқмай қўйдик.

Мен ҳаммадан кейинда борарканман, ўртоқларимга қараб, беихтиёр жилмаярдим. Наҳотки, бу одам ўша яқинда Олбенидаги эрон гиламлари тўшалган, деворларига суратлар осилган, қизил рангли ҳашамдор кошонасида мени қабул қилган лорд Жон Рокстон бўлса? Наҳотки, шу киши Энмор-паркдаги каттакон ёзув столи ёнида савлат тўкиб, виқор билан ўтирган ўша профессор бўлса? Ва, ниҳоят, Зоология институтидаги мажлисда шафқатсизлик билан ҳеч кимга сўз бермай гапирган ҳарфҳўр олим қаерда қолди? Англиянинг қишлоқ йўлларида учраб қоладиган дайди гадойлар ҳам бунчалик ғарип ва ғамгин бўлмас! Биз ясситогда бор-йўғи тўрт ҳафта бўлдик, лекин бизнинг алмашиб киядиган лиbosларимиз пастда қолган, сўнгги ҳафта эса ниҳоятда оғир бўлганди-да, аммо мен ўша кеча маймунлар чангалига тушмаганим учун зорланишга ҳаққим йўқ эди. Ҳамма ўртоқларим шляпаларидан айрилганликлари учун бошларини рўмолча билан тангиф олишганди; кийимлари жулдуровоқи, афти-бошлари кир, лой бўлиб, соқоллари ўсиб кетганидан уларни таниб бўлмасди. Саммерли билан Челленжер қаттиқ оқсаншар, мен ҳам эрталабки қўрқувдан ҳалиям ўзимга келмай, оёғимни зўр-



ға күтариб босардим, маймун чангалида ээилган бўйнимни қимирлата олмасдим. Ҳа, ҳаммамизнинг кўринишимиз ниҳоятда афтодаҳол бўлиб, ҳамроҳларимиз — ҳиндуларнинг ўқтин-ўқтин орқаларига қараб, бизни кўрганларида ҳайрон бўлишларига, ҳатто қўрқиб кетишларига асло ажабланмасдим.

Тўқайдан чиқиб, кўл бўйига етганимизда ярим кечадан ошиб қолган эди. Ҳиндулар кўлнинг кенг сатхини кўриб, қувонч садолари билан қўлларини силкитиб, бизга сувни кўрсатишди. Манзара ҳақиқатан ҳам мафтункор эди. Енгил қайнұларнинг бутун бир флотилияси тўпта-тўғри биз турган томонга сузиб келарди. Кўлни қувончли садоларнинг гулдироси тутиб кетди. Ҳиндулар жойларидан сапчиб туриб, эшкак ва найзаларини силкита бошлиашди. Кейин яна ўтириб эшкакларини ишга солиши, қолган масофани кўз юмиб очгунча босиб ўтишида-да қайиқларини соҳиленинг қиямалик қумлоқ жойига қўйиб, ёш бошлиқлари қаршисида қувонч билан қичқириб, таъзим бажо этиб, тиз чўқдилар. Кейин оломон орасида йирик ялтироқ шишалярдан маржон ва билакузук таққан, елкасига зумрад рангда товланувчи ажойиб хол-хол терини ташлган анча ёшлардаги ҳиндуда олдинга чиқди. У ёш бошлиқнинг олдига югуриб келди-да, йигитни меҳр билан бағрига босди, кешин биз томонга қараб, ундан ниманидир сўради-да, ёнимизга келиб, мулозамат қилиб турмай, навбатма-навбат ҳаммамизни қучоқлаб чиқди. Унинг бир оғиз сўзи билан қолган ҳиндулар бизга ҳурмат бажо қилиб, ерга эгилардилар. Бундай қулларча таъзим менинг ҳам, лорд Жон билан Саммерлининг ҳам энсамизни қотирди, аммо бундан Челленжер бамисоли офтобда яйраётган гулдек яшнаб кетди.

— Балки бу маҳаллий халқ ривожланишда анча олдинга кетгандир,— деди у соқолини силаркан, олдида эгилган қора танларни кўздан кечириб,— аммо-лекин баъзи билимдон европаликлар ҳам олий мавжудотлар олдида ўзларини қандай тутишни улардан ўргансалар бўларди. Ибтидоий одамнинг инстинкти нақадар аниқлигини ўйлаб кўринг, а!

Афтидан, ҳиндулар ҳарбий сафарга отланган бўлишса керак, чунки уларнинг ҳар бирида учига суюқдан поянак ўрнатилган узун бамбук найзадан ташқари камон билан ўқлар, белида тўқмоқ ёки болта бор эди. Уларнинг биз чиққан ўрмон томонга ғазаб билан хўмрайиб қарашлари ва «дода» сўзини такрорлашлари бу сафарларидан мақсадлари кекса бошлиқнинг ўғлини (биз уларнинг ота-

болаликларини фаҳмладик) қутқариш ёки унинг үлими учун қасос олиш эди. Энди улар доира ясаб, чўнқайиб ўтиришида, ҳарбий кенгаш тузиши, биз бўлсақ, улар ёнидаги улкан базалт тош устида ўтириб олиб, бўлаётган воқеаларни кузата бошладик. Биринчи бўлиб жангчилар гапириши, кейин ёш дўстимиз ўз қабиласига қарата оташин нутқ сўзлади. Унинг имо-ишоралар, қўй ҳаракатлари билан оро берилган нутқи, гўё бу тил танишдек, бизга таомомила тушунарли эди.

— Хозир уйга қайтиб бориш керакмикн? — деди у. — Эртами-кечми душманимиз билан юзма-юз дуч келишимиз турган гап. Биродарларимиз ўлдирилди. Бошқалар ўлдирилгандан кейин менинг тирик ҳамда соғ-саломат юришмдан не фойда? Қайбиришимиз ўз ҳаётимиз учун хотиржам бўла оламиз? Хозир биз ҳаммамиз жамул-жаммиз. — У бизларни кўрсатди. — Бошқа ёқдан келган бу кишилар — бизнинг дўстларимиз. Улар буюк жангчилар, маймунларни биз каби ёмон кўришади. Момақалдироқлар ҳам, чақмоқлар ҳам уларга бўйсунади. — Шу гапни айтиб, у қўлини осмонга кўтарди. — Шундай имконият яна келармикн? Қани, олга юринглар, ё ўлармиз ёки хотиржам яшаш имконини қўлга киритамиз, ана ўшандада хотинларимиз олдига ёруг юз билан борамиз.

Кичкина-кичкина қизил танли жангчилар ўз бошликларининг гапларини жон қулоқлари билан тинглашарди, у нутқини тугатгач, тантанавор хитоблар янгради, ҳамма бир кишидек наизасини кўкка ирфитди. Иигитнинг отаси ўрмон томон ишора қилиб, биздан алланарсани сўради. Лорд Жон ишора билан сабр қилиб туришини таклиф этида, бизга мурожаат қилди.

— Ана энди, ҳар ким ўзи учун ўзи ҳал қилсин, — деди у. — Шахсан мен бу мартышкалар билан ҳисоб-китоб қилиб қўйиш тарафдориман, мабодо иш уларни ер юзидан қуритиши билан тугаса, хўп соз бўлади, бундай операциядан кейин ер куррамиз покланиб, янада гўзаллашади. Мен янги дўстларимиз билан бирга бораман, ғалабанинг сўнгги дамларигача уларни ёлғиз қўймайман. Хўш, сиз ни ма дейсиз, иигитча?

— Албатта, мен сиз билан бўламан!

— Сиз-чи, Челленжер?

— Менинг ёрдамимга умид қилишларинг мумкин.

— Сиз-чи, Саммерли?

— Биз экспедициямиз мақсадларидан борган сари узоқлашаяпмиз, лорд Жон. Сизларни ишонтириб айтаманки, мен одамсимон маймунлар колониясига қизил танли-

лар ҳуружини бошқарыб бориши учун бу ерга Лондондаги профессорлык кафедрамни ташлаб келган эмасман, асло!

— Ҳа, нимасини айтасиз, ҳақиқатан ҳам жуда тубанлашиб кетдик-да! — деди илжайиб лорд Жон.— Лекин вазият шундай бүлгач, нима ҳам қила олардик? Ҳүш, жавоб-ларингизни кутяпмиз.

— Жуда шубҳали иш-да, бу,— бўш келмади Сammerли,— лекин ҳаммаларинг боргудек бўлсаларинг, мен ҳам чор-ночор кетларингдан юришга мажбурман-да.

— Демак, борамиз,— деди лорд Жон, сўнг қабила бошлиғига юзланди-да, милтиғига шапплати уриб, ризолик аломати билан бош ирғади.

Чол ҳаммамизнинг қўлларимизни сиқиб чиқди, унинг ҳамқабилалари эса, янада зўр шоду хуррамлик билан қичкиришди.

Иўлга чиқиш учун кеч бўлиб қолганидан ҳиндулар наридан бери лагеръ қуришга киришишди. Ҳаммаёқда тутун буруқсиб, гулханлар гуриллади. Уч-тўрт ҳинду чангальзорга кириб, ёшгина игуанодонни олдиларига солиб, ҳайдаб келишиди, бу маҳлуқнинг ҳам елкасига асфальт ёпишганди. Ҳиндуларнинг бири унинг олдига келди-да, жониворни сўйишни буюрди, шундагина улкан игуанодонлар бамисоли биздаги туёқти моллар каби ҳиндуларнинг хусусий мулки эканлигини англадик. Бинобарин, сирли асфальт доғлар молларга қўйиладиган тамға ёки белгидек бир нарса экан. Бу ўтхўр жониворлар ниҳоятда улкан бўлишларига қарамай, миялари зигирттек бўлгани учун шу қадар ночор эдиларки, уларни ҳатто кичкина бола ҳам эпласа бўларди. Бир неча минут ўтар-ўтмай игуанодоннинг гўштини ним талаб, ювиб, аллақандай ийрик тангали балиқ билан қўшиб, гулханлarda кабоб қила бошлашди. Бу балиқларни ҳиндулар қармоқ ўрнига наизаларни ишга солиб, қўлда тутишганди.

Сammerли қирғоқча яқин саёзликка чўзилиб, пинакка кетди, биз учовимиз эса, бу ғаройиб мамлакат ҳақида мумкин қадар кўпроқ нарса билиш иштиёқида ёниб, кўл бўйида сайр қилгани равона бўлдик. Йўлимизда икки марта птеродактиллар ботқоғидагидай кўк рангдаги лойли ўрага дуч келдик. Ҳаракатсиз вулқонларнинг шу кратерлари нима учундир лорд Жонни ниҳоятда қизиқтириб қолди. Челленжер ҳам диққат-эътиборини ундан дариф тутмади — бу зўр куч билан отилиб чиқадиган гейзер — қайнарбулоқ бўлиб, оқимлари бақирлаб қайнаб, пуфакларидан аллақандай номаълум газ ажралиб тараларди. Челленжер ичи ғовак қамишини гейзерга суқди-да, гугурт чертиб, унга те-

гизиши биланоқ ёқилган газ портлаб, зангори алана ҳо-
сил қилиб ёна бошлаганини күргач, худди мактаб боласи-
дек қувониб қичқириб юборди. Кейин у қамишнинг учига
ҳамёнини тутди, уни газга тўлдириб, осмонга қўйиб юбор-
ди. Бу тажриба профессорни янада ҳайратлантириб юбор-
ди.

— Ёнар газ! Яна қанақа денг — ҳаводан ҳам енгил!
Энди ишонч билан айтишим мумкинки, унинг таркибида
эркин водороддан анчагина миқдорда бор. Тўхтаб туринг-
лар, дўстларим! Жорж Эдуард Челленжер ҳали ҳамма
имкониятларини ишга солиб бўлгани йўқ. Буюк ақлу за-
коват табиатни ўзига бўйсундиришга мажбур этади. Сиз
ҳали буни ўз кўзларингиз билан кўрасизлар! — У мағру-
рониа кўкрагини кериб кеккайди-ю, аммо пинҳоний фикр-
ларини бизга зоҳир қилмади.

Ўзимга келсақ, бу соҳил мен учун кўлга қараганда ун-
ча қизиқарли кўринмасди. Ҳиндуларнинг пайдо бўлиши
ва қўналғадаги шовқин-суронлар атрофдаги жон зотини
қўрқитиб, ҳар томонга питратиб юборганди, ўлакса излаб
осмони фалакда парвоз қилиб юрган бир неча птеродак-
тилни ҳисобга олмаганда, лагеримиз чор-атрофидаги суку-
натни ҳеч нарса бузмасди. Лекин марказий кўлнинг пуш-
тиранг сувидаги ҳаёт ўз маромида кечарди. Аллақандай
жониворларнинг улкан тимқора беллари, тиҳсимон суз-
гичлари аҳён-аҳёнда ялт этиб кўриниб, сувнинг кумуш зар-
раларини сачратиб, яна шўнғиб фойиб бўлишарди. Қум-
лоқ саёзликларда улкан тошбақагами, калтакесакларгами
ўхшаган сўпоқ мавжудотлар фиж-фиж бўлиб, улар ораси-
да бир бадбашара махлуқ — юмaloқ пўстакдек жонивор,
айниқса эътиборимизни ўзига тортди; устида қуёш нурла-
ри ялтираб турган бу жонзот бутун бадани билан тири-
шиб, қум устида секин ўрмаларди. Вақти-вақти билан
қўққисдан илонсимон махлуқларнинг бошлари сувдан кў-
тирилиб қоларди-ю, шу он улар чиройли сузиб кетишар,
кейин орқа томондаги кўпирниб турган гирдоб қўйнига ки-
риб фойиб бўлишарди. Лекин, маълум бўлишича, улар ас-
ло илон эмас экан. Шундай махлуқлардан биттаси сув-
дан чиқиб, олдимиздаги қумлоқقا чўзилган эди, яхшилаб
кўриб олдик: унинг узун бўйни улкан пардали сузгичлари
бўлган цилиндр шаклидаги танаси билан туташиб кетган-
ди. Энди бизга этиб олишган Челленжер билан Саммерли
ҳайрат ва шодонликдан ўзларини йўқотиб қўяёздилар.

— Плезиозавр¹! Чучук сувда яшайдиган плезиозавр! — хитоб қилди Саммерли.— Наҳотки, уни ўз кўзларим билан кўраётган бўлсам! Азизим Челленжер, зоологлардан қай бири бундай баҳтга мұяссар бўлгани билан мақтана олади?

Ибтидоий кўлнинг ажойиботлари сеҳрига мафтун бўлиб қолган иккала профессоримизни аранг ажратиб олиб, кетишига кўндирганимизда, қоронги тушиб қолган, зим-зиё кечада қизил танли итифоқдошларимизнинг гулханлари кўзга ташланарди. Гарчи биз сувдан анча узоқда, соҳилда ётган бўлсак-да, кўлнинг ичкарисидаги баҳайбат маҳлуқларнинг шалоплашиб пишқиришини ҳамон эшитардик.

Фира-шира тонг отиши биланоқ бутун лагерь оёққа турди, бир соат ўтгач, бемисл сафарга йўл олдик. Мени ҳам фронтга ҳарбий мухбир қилиб юборишармикин, деб доим орзу қилиб юрадим. Ҳар бир хаёлпарат мен эришган баҳтга мұяссар бўлса, мен билан ҳамроҳ бўлса, жон дерди-я! Шундай қилиб, мен ўз вазифамга киришиб, «жангоҳдан биринчи хабаримни йўллашга отландим».

Кечаси билан лашкаримиз маҳаллий аҳоли вакилларни ҳисобига кўпаяверди, эрталабга келиб жангчиларнинг сони беш юзга яқинлашиб қолди. Олдинга разведкачилар юборилди, улар кетидан эса, асосий қучлар зич ва қаторқатор бўлиб йўлга тушди. Буталар ўсиб ётган қиялиқдан юқорига юриб, чангальзорга етдик. Найзабардорлар билан камончилар ўрмон этагига занжирдек ёйилишди. Рокстон билан Челленжер ўнг қанотдан, мен билан Саммерли эса чап қанотдан жой олдик. Шундай қилиб, биз милтиқ техникасининг сўнгти намуналари билан қуролланган ҳолда тош даврининг ёввойилари тўдасига қарши жантга кирдик.

Душман ҳам жим ётмади. Ўрмонни чўзиқ чинқириқлар тутиб кетди, тош ва тўқмоқлар билан қуролланган одамсимон маймунлар галаси нақ ҳужум қилаётган ҳиндулар ўртасига ёпирилди. Бу дадил, лекин ўтакетган бемаъни ҳужум усули эди, чунки қўпол, оёқлари қийшиқ жирканч маҳлуқлар мушукдай чаққон маҳаллий аҳоли жангчиларига бас кела олмасдилар.

Қўз ўнгимизда даҳшатли манзара намоён бўлди, ғазабга келган маймунлар офиزلаридан кўпик сачратиб, қутурган кўзларидан ўтлар сочиб, тутқич бермай ўқ-ёйдан мо-

¹ Плезиозавр — танаси йўғон, оёқлари катта, бўйни узун ўрмаловчи денгиз йиртқичи. Ҳозирда қирилиб битган бу маҳлуқлар юра ва бўр даврларида яшаган бўлиб, айрим вакиллари ниҳоятда йирик, узунлиги ўн беш метр бўлган.

жирлик билан отиб қираётган душманлари устига ташла- нишди. Шундоққина олдымдан күккрак ва биқінларига үқ- лар санчилған баҳайбат махлуқ бўкирганча ўқдек ғизил- лаб ўтди. Ушга раҳмим келиб, ўқ уздим, махлуқ алоэ (са- бур) пояси тагига қулаб, ер тишлади. Лекин бошқа оти- шимга тўғри келмади, чунки ҳужум нақ ғанимлар занжи- рининг ўртасига қаратилгани учун ҳиндударнинг ўзлари бизнинг ёрдамимизсиз уларни даф қилишга қодир эди- лар.

Бу ҳуруждада қатнашган маймунлардан битта-яримта- сигина бешикаст дараҳтлар панасида ўз маконига қочиб олган бўлса ҳам катта гап.

Лекин биз ўрмон ичига кирганимизда иш ниҳоятда жиддий тус олди. Шиддатли жанг бир соатдан ортиқ да- вом этди, айрим дамларда, назаримда, енгилиб, ўлиб кет- масак гўрга эди, деган ваҳима босарди мени. Маймунлар дараҳтлар орасидан лип этиб чиқиб, тўқмоқлари билан бир йўла уч-тўрт ҳиндуни гум қилишар, уларга найзала- рини ишга солиши имконини ҳам беришмасди. Тўқмоқла- рининг зарби ниҳоятда қаттиқ бўлганидан тушган жойи- ни пачақ қилиб юборарди. Тўқмоқ зарбаларидан биттаси Саммерлининг милтиғига тегиб, уни дабдала қилди. Яна бир минут бўлгандага унинг боши ҳам мажақланган бўлар- ди, лекин ўз вақтида этиб келган ҳинду Саммерлининг бо- шига тўқмоқ туширай деб турган душманга найза санчди. Дараҳтларга чиқиб олган маймунлар тепадан бизга тош отишар, қуруқ шохларни ирғитишар, нақ жиққамушт бў- либ турган жойга ўзларини ташлашарди-да, сўнгги томчи қонлари қолгунча ашаддийлик билан уришардилар. Ҳин- дулар саросимага тушиб қолишиб, агар ғанимларга катта талафот етказаётган милтиқларимиз иш бермаганда бор- ми, уларнинг тирақайлаб қочиши турган гап эди. Лекин қабила бошлиғи ўз жангчиларини яна тўплади-да, шиддат- ли ҳужумга бошлади, энди одамсимон маймунларнинг қо- чишини кўрсангиз эди! Саммерли милтиғидан айрилганди, мен бўлсам, кетма-кет отиб турдим, чап қанотда ҳам тўх- товсиз ўқ отилаётгани эшитиларди.

Ниҳоят, маймунлар васвасага тушиб қолишибди. Улар чинқириб, ўкириб, сочилиб қоча бошлашди, бизнинг итти- фоқчиларимиз эса қийқириқ билан уларни қувиб кетишибди.

Бу голибона кун инсон ниятининг қашшоқ тарихида ни- хоятда сероб бўлган, асрлар мобайнинда тинмай келаётган ўзаро адоват, низолар, таъқиблар туфайли кўрган-кечир- ган хўрликлари эвазига оллоҳнинг инояти бўлиши керак эди. Шу кундан бошлаб бу ерлик инсон мангуга ясситоғ-

нинг хўжайинига айланди, одамсимон ҳайвон эса унга бўй-сунадиган бўлди; ҳақиқат қарор топди.

Мағлублар ҳар қанча югурмасинлар, уларни ҳиндулардан ҳеч бир нарса сақлай олмади, ўрмон канорасида ўқтин-ўқтин ғолибона қичқириқ садолари, тараанг тортилган камонлар жаранги янгради, дараҳтлар тепасидан йиқилиб тушаётган гавдалар гурсиллаши эшитилиб турди.

Мен ҳам барчанинг кетидан югуриб кетаётган эдим, бирдан бизни қидириб юрган лорд Жон билан Челленжерга дуч келиб қолдим.

— Ҳа, албатта-да! — деди лорд Жон. — Ҳал қилувчи зарбани ҳиндуларнинг ўзларига қўйиб берсак ҳам бўлади. Ёмон қирғин бўлади-да. Бу хунрезликни қанча камроқ кўрсак, шунча тинч ухлаймиз.

Челленжернинг кўзларида ғолибкорлик ўтлари чақнарди.

— Дўстларим! Бизга тарихнинг бундан бўёнги тараққиётини, жаҳон тақдирини белгилайдиган жанглардан бирига гувоҳ бўлиш бахти насиб этди! — эълон қилди у мағрурони қиёфада керилиб, олдимиизда ўёқдан-буёққа юраркан. — Бир ҳалқнинг иккинчи бир ҳалқ устидан ғалабаси нима дегани? Ҳеч нима эмас бу. У ишнинг моҳиятини ўзгартирмайди. Лекин форларда истиқомат қилгай одамлар арслонларни мағлуб этиш тонгидаги беомон жанглар ёки филлар зулмкор хўжайнинлари борлигини англаб етган палладаги зафарлар тарихда из қолдирувчи ҳақиқий ғалабалардир.

Бу каби қирғинларнинг беаёвлигини оқлаш учун нақадар зўр ишонч соҳиби бўлмоқ керак!

Ўрмон ичра борар эканмиз, ҳар қадамда ҳиндуларнинг найзаси ва ўқи санчилиб ҳалок бўлган маймунларнинг ўлигига дуч келардик. Соғ жойини билиб бўлмайдиган, абжағи чиққан инсон танаси айниқса, зўр олишув бўлганидан, унинг эгаси ўз жонини осонликча таслим қилмаганидан далолат берарди. Олдинда ҳаммавақт қичқириқ ва бўкиришлар эшитилиб турарди, биз шунга кўра ёвни қувиш қай томонда бораётганини аниқлардик. Одамсимон маймунларни ўз ошиёнлари — шаҳарларига қисиб қўйишиди, улар ўз маконларида сунгги кучларини тўплаб, қаршилик кўрсатдилар, аммо мағлуб бўлдилар, биз пайтида келиб, охирги даҳшатди қирғинбарот жангининг гувоҳи бўлдик. Икки кун бурён ҳиндулар, ўша жар ёқасида бизнинг жасоратимизга шоҳжд бўлган ҳиндулар худди ўша ялангликка жанглarda омон қолган юзга яқин маймунни ҳайдаб келдилар. Биз ҳиндулар бу тўдани найзалар билан

туртиб-нуқиб, ярим доирага қисиб қўйишган бир чоғда етиб келгандик. Уларнинг тақдири бир неча секундда ҳал бўлди-қўйди. Ўттиз-қирқ маймун шу жойнинг ўзида ер тишлади. Қолганлари наизалар таъқибига дosh беролмай таталанаар, ғингширди. Аммо бу ёрдам бермади. Уларни жарга улоқтирилар; бу маҳлуқлар ҳам пастда, олти юз футча қўйида ўсиб ётган ўткир бамбукларга санчилиб, аввалги қурбонлари аҳволига тушдилар.

Челленжер ҳақ эди — шу кундан бошлаб инсон Мепл-Уайт Мамлакати устидан ўзининг абадий ҳукмронлигини ўрнатди. Маймунлар қабиласининг эркаклари битта ҳам қолдирилмай қириб ташланди, маймунлар шаҳри вайрон қилинди, урғочилари билан болалари асир қилиб, ҳайдаб кетилди. Сўнгги қирғинбарот жанг одамлар билан маймунлар ўртасидаги асрий қирғинларга барҳам берди.

Бу ғалаба бизни халос этди. Биз Челленжер Фортига, қолдириб кетган нарсаларимизга қайтиб келдик, негримиз билан алоқа ўрнатдик. У бўлса маймунлар дўлдек ёғилиб пастга думалаб тушаётганликларини кўриб, тозаям қўрқиб ўтирган экан.

— Ўёқдан кетинглар, кетинглар ўёқдан! — дея қичқиради у кўзларини ола-кула қилиб. — У ерда иблис бор, у сизларни ўлдиради!

— Ҳақиқат негр тилида сўзлаяпти, — ишонч билан деди Саммерли. — Шунча саргузаштларни бошимиздан кечирганимиз етар, айниқса, бунақа ишлар бизнинг тоифамиздаги кишиларга ярашмайди. Челленжер, ўзингизнинг сўзларингизни эслатаяпман. Ҳозирдан бошлаб сиз бу даҳшатли мамлакатдан чиқиб олишимиз ва маданий оламга қайтишимиз ҳақидагина ўйлашингиз керак.

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

«ҚУЗ ОЛДИМИЗДА ОЛАМЖАҲОН МУЪЖИЗАЛАР НАМОЁН БҮЛДИ»

Кундаликларимни ҳечам хато қилмасдан ёзиб борарканман; бошимиздаги булутлар тарқалиб, қуёш жамолини кўрдик, деб битадиган дамларни орзиқиб кутардим. Шу чоққача биз бу ердан чиқиб кетиш йўлини тополмай гранг бўлиб, тақдиримиздан нолирдик. Лекин бари бир шуни яхши тасаввур қиласманки, бизга Мепл-Уайт Мамлакатининг янги-янги мўъжизалари ва унда истиқомат қилувчиларнинг ҳаётини кузатиш имкониятини бергани учун яситоғда мажбуран қолиб кетганимизни мамнуният билан эслаб юармиз ҳали.

Ҳиндуларнинг одамсимон маймунлар қабиласи устидан ғалабаси бизнинг аҳволимизни тубдан ўзгартириб юборди. Ўша ондан бери биз ясситоғнинг чинакам хўжайинлари бўлиб қолдик, чунки маҳаллий аҳоли бизнинг мўъжизакор куч-қувватимиз уларнинг азалий душманларини яксон қилишда ёрдам берганлигини ёдда тутиб, биздан қўрқиб, ҳурматимизни бажо келтирадиган бўлишганди. Улар биздек қудратли ва сеҳрли мавжудотларнинг ясситоғдан кетишларига қарши эмасдилар чоғи, аммо пасттекисликка тушиш йўлидан хабарлари бўлмаса керак. Уларнинг имо-ишораларидан илгари ясситоғ билан туннель орқали боғланишганини тушундик, унинг пастки оғзини тоштепа силсиласини айланиб ўтганимизда кўргандик. Бир замонлар бу йўлдан одамсимон маймунлар ва ҳиндулар юқорига кўтарилишган бўлишса, яқингинада ундан Мепл-Уайт ўз ўртоқлари билан фойдаланганди. Лекин бир йил муқаддам бу ерда қаттиқ зилзила бўлиб, туннелнинг юқори қисмини қоятошларнинг парчалари кўмиб юборганди. Биз бу туннелдан пастга, текисликка тушмоқчи бўлганимизни изҳор қўлганимизда ҳиндулар фақат елкаларини қисиб, сарак-сарак қилиб қўйишди, холос. Уларнинг бизга ёрдам бера олмасликларини ҳам, кўмаклашмоқчи эмасликларини ҳам билиб бўлмасди.

Ҳиндулар ғолибона жангдан сўнг омон қолган маймунларнинг бир қисмини ясситоғнинг бошқа қисмига ҳайдаб кетишид (вой, худо, уларнинг йўл-йўлакай бўкириб борганларини эшитсангиз эди!) уларни ўз форлари яқинига жойлаштирилар. Шу кундан бошлаб маймунлар қабиласи тамомила одамларга қуллик хизматига ўтди.

Кўпинча аллақандай ибтидой Иезекилнинг аввалги шон-шұхратини ва маймунлар шаҳрининг собиқ улуғворлигини қўмсаб, зор-зор йиғлагани, чўзиб нола қилаётгани эшитилиб қоларди. Бугундан эътиборан мағлуб маймунлар ўз хўжайнлари — одамларнинг уйида ўтинчи, сувташувчи сингари хокисор вазифаларни бажаришлари кепрак эди.

Жангдан икки кун ўтгач, биз яна ясситоғни кесиб ўтиб, қизил қоялар этагида лагерь қуриб жойлашдик. Ҳиндулар бизга форларга жойлашишини таклиф қилган эдилар, лекин лорд Жон, мабодо улар бизга қарши бирор шум ниятни амалга ошироқчи бўлиб қолгудай бўлсалар, уларнинг ҳукмларида бўлмайлик тағин, деган андиша билан розилик бермади.

Биз ўз мустақиллигимизни сақлашни афзал кўрдик, шунинг учун иттифоқчиларимиз билан яхши муносабатлар-

да бўлган ҳолда ҳар эҳтимолга қарши қуролларимизни шайлаб турдик. Биз уларнинг ғорларида тез-тез бўлардик. Воажаб, бундай ажойиб маконни яратган уларнинг ўзларими ёки табиятми? Буни аниқлай олмадик. Бу ғорлар бир хил баландликда қояларнинг пойдевори ҳисобланган қаттиқ гранит билан вулқон отилган пайтда ҳосил бўлган қизғиш базальт ётқизиқларига тўшалган аллақаёндай юмшоқ тупроқни ўйиб ясалганди.

Ер сатҳидан тахминан саксон фут баланддаги ғорларга биронта ҳам йирик ҳайвон чиқа олмайдиган қилиб ишланган тор ва тик тошзиналардан юриб чиқиларди. Ғорларнинг ичи иссиқ ва қуруқ эди. Ғорлар тоғнинг ичига турли чуқурлиқда кириб борган бўлиб, уларнинг силлиқ, кўқимтири деворларига қоракосов билан ясситоғда учрайдиган ҳайвонларнинг ажойиб тасвирлари чизилган эди. Мепл-Уайт Мамлакатида битта ҳам тирик жон зоти қолмаган тақдирда ҳам келажакнинг тадқиқотчиси бу ғорларнинг деворларига ишланган расмларга қараб, унинг ғаройиб маҳлуқлари ҳақида батафсил маълумота эга бўлиши мумкин эди, чунки бунда ҳамма нарса: динозаврлар ҳам, игуанодонлар ҳам, ихтиозаврлар ҳам тасвирланганди.

Баҳайбат игуанодонлар ҳиндударнинг уй ҳайвонлари ёки бамисоли кўчма гўшт сандиқларидай бир нарса эканлигини фаҳмлаганимиздан кейин бизда ҳатто ўқ-ёй каби энг ибтидоий қуролга эга бўлган инсон ясситоғнинг ҳукмдори бўлиб олганини англадик. Бироқ тезда бу фикримиз хато эканлигини тушундик, бунда улардан ҳам зўрроқ мавжудот борлигига амин бўлдик.

Талотўп ғорлар этагига жойлашганимизнинг учинчи куни рўй берди. Челленжер билан Саммерли эрталаб маҳаллий аҳоли уларга найзалари билан саншиб, калтакесак тутиб берадиган кўлга равона бўлишганди. Мен лорд Жон билан лагерда қолувдим; яқинимизда, ғорлар олдидаги майса билан қопланган қиямалика ўз юмушлари билан овора бўлган ҳиндудар кўриниб турарди. Қўйқисдан юзлаб овозлар шиддат билан: «Стоа! Стоа!» деб бақираётганликларини эшитиб қолдик. Ёшу қари ҳар томондан югуриб келиб, бир-бирини итариб, тутиб, ўзини ғорга ураг, тошзиналардан юқорига ўрмаларди.

Улар маконларига кириб олишиб, бизга қўлларини силкишиб, тезроқ ёнимизга келиб қўшилинглар, дея таклиф қилишарди. Биз милтиқларимизни олиб, нима гаплигини билиш учун югуриб кетаётган эдик, кичикроқ ўрмонзорта икки баҳайбат маҳлуқдан кучининг борича қочиб келаёт-

ган ўн-ўн беш ҳиндуга дуч келдик. Ҳиндуларга етиб олай-етиб олай деб югураётган бу махлуқлар бизнинг эски лагеримизга ташриф буюрган ва мени кечаси қувлаган йиртқичларнинг айнан ўзи эди. Улар сакраб-сакраб ҳаракат қиласи, улкан жирканч чўлқурбақаларига ўшшарди. Кўз олдимизда рўй берадиган бу ҳангомага қараб маҳлиё бўлиб, қотиб қолибмиз. Бу йиртқич махлуқларнинг хол-хол бадбашара терилари қуёш нурида жамики камалак рангларида товланар, балиқ тангасидек ялтилларди. Лекин узоқ кузатишими мумкин бўлмади, чунки каттакон чўлқурбақалари бир неча марта сакраб, бебаҳт ҳиндуларга етиб олишди. Мана шунда ниҳоятда даҳшатли ҳодиса рўй берди. Энг яқин ўлжасига бутун оғирлигини ташлаган йиртқичлар бечораларни янчиб-мажақлаб, яна бошқала-рига ўзларини отардилар. Ҳиндулар жон аччиғида қичқириб, кучларининг борича фор томон чопишаради, аммо таъқиб қилувчиларидан қтулиб кета олишмади. Улар бирин-кетин ҳалок бўлардилар, биз лорд Жон билан ёрдамга етиб келганимизда уларнинг гуруҳидан нари борса беш-олти киши омон қолган эди. Аммо биз уларга ёрдам беришдан кўра ўзимиз ҳам ўлиб кетишими зига оз қолди. Бу жирканч махлуқларга кетма-кет отган ўқларимиз унча кор қилмасди, бамисоли найча шаклида ўралган қоғоз пуллаб отган-дек таъсирсиз эди. Ваҳоланки, икки юз қадамча масофа-дан отардик! Баҳайбат ўрмалаб юрувчилар яраланганликларини писанд ҳам қилмасдилар, марказий мия аппаратлари бўлмагани уларга қарши ҳар қандай замонавий қуролни ҳам фойдасиз қилиб қўйган эди. Биз эришган ягона нарса — тасир-тусур отишмамиз ва милтиқларимиздан чиққан ялтюлт олов йиртқичларни чалғитиб, ҳиндуларга халаскор зиналарига етиб олишларига кўмаклашишдан изборат бўлди, холос.

Иигирманчи асрнинг портловчи ўқлари иш бермаган жойда ёввойиларнинг строфант қиёмига ботириб олинган ва мурда заҳари сурилган огули ўқлари иш берарди. Бундай ўқлар ов пайтида бефойда эди, чунки уларнинг заҳарини махлуқ сезиб ултургунича ўлжасини бурда-бурда қилиб ташлаган бўларди. Лекин ҳозир аҳвол бошқача эди: таъқиб этувчилар горларга элтадиган тош зиналарга етишлиари биланоқ тоғнинг ҳар бир ёриғидан ҳуштак чалиб физиллаётган ўқлар ёғилаверарди. Ёвуз махлуқларга қадалган бу ўқлар худди қушларнинг патидек бўлса-да, улар дастлабки минутларда оғриқни сезмасдилар шекилли, заиф бир ғазаб важоҳатида ўлжани қўлдан чиқармаслик учун зиналардан тепага сакраб-сакраб бир неча поя юқо-

рига күтарилилар-у, шу он пастга думалайвердилар. Нижоят, заҳар таъсир қила бошлади. Ҳайвонлардан биттаси бўғиқ бўкириб, улкан япалоқ боши билан ерга гурсиллаб тушди. Иккинчиси чинқириб тикка отилмоқчи бўлди-ю, бир неча марта сакради-да, кейин аввалгисининг олдига ғужанак бўлиб тушди, сўнг у ҳам жимиб қолди. Шунда ҳиндулар тўёда-тўёда бўлиб ғорларидан сочилиб чиқишиб, тантанавор қичқириқлар билан мурдалар атрофини ўраб олишиб, энг ҳавфли икки душманлари устидан қозонган ғалабалари шодиёнасини бошладилар.

Оғу ҳамон таъсир қилаётганидан бу маҳлуқлар гўштини ейиш мумкин эмасди, шу сабабли ҳиндулар икки маҳлук танасини бурдалаб, бу ернинг ҳавосини заҳарламасин деб, ўрмонга элтиб чуқурга ташладилар. Ғорлар олдида ҳар бири ястиқдек келадиган иккита юрак қолди, холос; уларнинг ҳар бири ўзича мустақил равишда секин ва бир маҳромда сиқилиб-кенгайиб яшашда давом этарди; бу мудҳиш юрак уриши бир кун, икки кунгача давом этди, фақат учинчи кунга бориб тўхтади.

Бир кун эмас-бир кун стол ўрнини босаётган консерва яшиги эмас, ҳақиқий столим, қалам қолдиги билан ти-тилиб кетган қўйин дафтарим эмас, энг яхши қофоз-қаламларим бўлганида, аккала қабиласига мансуб ҳиндуларни, улар орасида кечган ҳаётимизни ҳикоя қилиб бераман, бизга секин-аста сири асрорларини очаётган Мепл-Уайт Мамлакати сеҳрли оламини батафсил тасвиirlаб ёзаман. Бу нарсалар хотирамдан асло ўчмайди; бизнинг ясситогда ўтказган ҳар бир дақиқамиз болалигимдаги илк таассуротларим каби умрбод яшайди, бошқа ҳеч бир нарса бу хотиротларни сиқиб чиқара олмайди. Бир кун келарки, мен унда марказий қўлда ҳиндулар тўр билан, оз бўлмагандана бизнинг қайиғимизни ағдариб юборай деган навқирон ихтиозаврни¹ тутиб беришган ўша ойдин кеча тавсифларини ёзиб чиқарман: тюленгами, балиқами ўхшайдиган бу маҳлуқнинг учта кўзи бўлиб, учинчиси қаншарининг ўргасидаги чуқурчада, қолган иккитаси эса суяқ пластинкалари билан муҳофаза қилинганди. Ўша кечада кўм-кўк сув илон қамишлар орасидан биз томон ўқдек отилди-ю, Челленжернинг қайиқчисини ҳалқаларига чулраб, уни ҳам ўзи билан судраб, сув остида ғойиб бўлганди.

Мен оппоқ ғаройиб жонивор ҳақида ҳикоя қилиб бе-

¹ Ихтиозавр — кўринишдан дельфинга ўхшаш, айни балиқ шаклидаги мавжудот. Мезозой эрасида яшаган бу ўрмаловчи маҳлуқ денигизларда истиқомат қилган.

ришни ҳам унутмайман — ҳанузгача унинг нималигини — ўрмалаб юрувчими ёки ҳайвонми эканлигини билолмаймиз,— бу мавжудот марказий кўлнинг шарқроғидаги сассиқ ботқоқликда истиқомат қилиб, кечалари буталар орасидан мўралаб, заиф фосфор ёғдуси таратарди. Ҳиндулар ундан шу қадар қўрқардиларки, ҳатто бу ботқоққа яқин ҳам йўламасдилар, биз бўлсак шу ботқоққа икки марта бориб, мазкур ҳайвонни икки марта кўрдик, аммо атала-балчиқ йўлимизга ғов бўлгани учун унга етиб бора олмайдик. Фақат шуни айта оламанки, бўйи басти сигирдан каттароқ бўлиб, кўланса ҳид таратиб туради.

Менинг кейинги ёзувларимдан улкан тез чопар қуш ҳақидаги сатрларни ҳам ўқийсиз. Бир марта Челленжер бу қушдан қочиб, қоялар тагидан паноҳ топганди. У тияқушдан анча баланд бўлиб, бош суягидек хунук калласи қипяланғоч узун бўйнида қўнқайиб турарди. Челленжер тошлилар узра эмаклаб бораётганида ҳалиги қуш пиҳи қайрилган серзарда тумшуғи билан бир чўқиб, пошинасини узиб олганди. Бу сафар замонавий қуролимиз ўз хизматини аъло дараражада бажарди: бўйи ўн икки фут келадиган фороракос¹ (хурсанд бўлиб кетган профессор нафасини ростлашга ҳам улгурмай, бизга унинг номини маълум қилганди) лорд Жоннинг ўқига учиб, ерга қулади-ю, сап-сариқ ғазабинок, кўзларини биздан узмаган ҳолда оёқларини тапиллатиб, патларини осмон билан битта қилди. Қани энди бу баджаҳл япасқи калла Олбенидаги кабинетни безаган бошқа ўлжалар қаторидан жой олганини кўришга муяссар бўлсан!

Ниҳоят, токсадон² деган махлуқ ҳақида ҳам албатта тўхталиш, керак. Бўйи ўн фут келадиган, сўйлоқ, ўткиртишлари чиқиб турган бу баҳайбат денгиз чўққасининг биттасини ҳайвонлар сув ичадиган жойда отган эдик.

Ўз вақтида буларнинг барчаси тўғрисида муфассал ҳикоя қилиб бераман, бошимиздан кечган ғаройиб воқеалар билан бирга тўртовимиз ўрмон четидаги бунгача бизга таниш бўлмаган ёрқин анвои гуллар қучоғида, сўлим ёз кечалари ётиб олиб кўрган нарсаларимиз тўғрисида мароқ билан сўзлагумдир. О, нималарни кўрмадик ўшанда: тўлишиб пишган меваларининг оғирлигидан эгилиб турган

¹ Ф о р о р а к о с — ўлиб битган баҳайбат қуш, учмайдио тияқушга ўхшаб югурарди. Боз суягининг узунлиги 0,5 метр, пиҳи қайрилган илгаксимон улкан тумшуғи бор.

² Т о к с о д о н — ўлиб битган йирик ўтхўр сутэмизувчи, бўйи каркидондан баландроқ. Токсадонлар Жанубий Америкада кайнозой эрасининг охирида яшаганлар.

шохлараро қараб, мовий осмони фалак қўйнида чарх уриб учайдан ғаройиб қушларга тикилиб ҳайратга тушдик, ке-йин нигоҳимизни майса-гиёҳларга буриб, бизни кўриш учун инларидан чиқсан жониворларни кузатдик; қайиқларда сузиб, кўлнинг ўртасида саир этган чоғларимиздаги таҳлика билан сув сатҳига боққанимиз ўша тунларнинг гаштини тасвирлагайман; мана, афсонавий бир қўрқинчли маҳлуқ шалоп этиб сувдан сакраб чиқдию яна шўнгиф, катта-катта ҳалқалар ҳосил қилиб, ғойиб бўлди; мана, бизга нотаниш бир жонивор сувнинг тагидан ўтаётганини кўрсатувчи йўл яшил рангда ёришиб кўринди.. Мен бу манзараларнинг ҳамма тафсилотларини эслаб қолдим, бир кун эмас-бир кун хотирам билан қаламим, уларни тасвирлаб берур.

Лекин сиз, эҳтимол: «Ўзларингиз кечаю кундуз маданий оламга қайтиш йўлларини тинмай излаётган бўлсаларингиз, бундай кузатишларга қандай вақт топдиларингиз?» — деб сўрарсизлар. Сизга жавоб бериб айтаманки, биз доимо юртимизга қайтиб кетиш йўлларини излаб гаранг эдик, аммо улардан ҳеч фойда чиқмасди. Фақат бир нарса аниқлашди: ҳиндуларнинг ёрдамига умид боғлаш мумкин эмас экан. Улар бизга дўст бўлиб, қариyb қулларча садоқат билан муносабатда бўлар эдилар, лекин биз ёрдам ҳақида оғиз очишимиз биланоқ, масалан, бирор узун тахтани жар ёқасига олиб боришга қарашиб юборишни илтимос қилсак, ёки қайиш ва чирмовиқлардан узун арқон эшишга ёрдамлашишини сўрасак, ҳиндулар секингина ўтириб олишиб, қатъян рад этардилар. Ҳиндулар жилмайшиб, кўзларини қисиб, бошларини сарак-сарак қилишарди, холос, иш бундан нарига ўтмасди. Қабиланинг оқсоқоли ҳам қайсарликда бўш келмасди, фақат унинг ўғли Маретасгини оқ танли одамларга маъюс боқиб, самимий ҳамдардлигини имо-ишоралар билан тушунтиради.

Маймунлар билан бўлган жангдан сўнг ҳиндулар бизга сеҳрли найларидан ўт пуркаб, ўлим сочувчи мўъжиза-кор одамлар сифатида ғалаба гарови деб қаардилар ва биз улар билан бирга бўлсак, баҳт ўзларидан юз ўғирмайди, деб ўйлардилар. Улар бизга қизил танлиларни хотинлика олинглар, форларни макон қилиб, шу ерда ясситогда мангу қолиб, тинч-осойишта яшанглар, бунинг эвазига ўз халқларингни унучсаларинг бас, деб таклиф қилишди.

Ҳозирча ҳаммаси тинч-тотувлик билан бораиди, лекин биз режаларимизни сир тутиш лозимлигини билардик, чунки ҳиндулар ундан воқиғ бўлиб қолсалар, куч ишлатиб бўлса ҳам бизни олиб қолишлари мумкин эди-да,

Динозаврлар билан учрашув хавфи мавжуд бўлишига қарамай (аслини олганда бу хавф-хатар унчалик катта эмасди, чунки динозаврлар, юқорида айтганимдек, асосан кечалари ов қилишарди), кейинги уч ҳафта ичida мен аввалгидек қоятош этагидаги постида турган Самбони кўргани эски лагеримизга бордим. Кўзларим бепоён текисликка жовдираб, узоқ кутилган ёрдам келётганмикин деган ишинж билан боқарди. Лекин кактуслар ўсиб ётган далаларда инсон боласи кўринмасди, далаларнинг, бу ердан элас-элас кўринаётган бамбуқзор девори осойишталиги ни ҳеч нарса бузмасди.

— Улар тезда келишади, мистер Мелоун. Яна бир ҳафта кутинглар. Ҳиндулар арқон олиб келиб, сизларни у ердан тушириб олишади! — Ажойиб Самбомиз мени шу сўзлар билан дадиллантириди.

Иккинчи марта борганимда, эски лагеримйизда тунаб қолдим, эрталаб эса йўлимда мени бир тасодиф кутиб турган экан. Мен яхши таниш йўлдан қайтайдиганимда, птеродактиллар ботқоғига яқинлашганимда, олдинда — буталар орасида тўсатдан аллақандай ғалати шарпа пайдо бўлди. Яқинроқ келиб, мундоқ қарасам, филофга ўхаш нарса кийган ёки ҳамма тарафдан ҳимоя қиласиган қамиш қафас ичидаги бир одам юриб кетаяпти. Бу одамнинг лорд Жон Рокстон эканлигини билганимдаги қанчалар ҳайратланганимни билсангиз эди! У мени кўриши биланоқ бу беўхшов ишшоотида чиқиб, кулиб юборди, лекин унинг қиёфаси ўзининг шу ахволидан хижолат чекаётганини айтиб турарди.

— Э, сизмидингиз, йигит? — деди лорд Жон.— Бундай учрашувни асло кутмагандим.

— Нима қиласигиз бу ерда? — сўрадим мен.

— Дўстларим, птеродактиллардан хабар оляяпман,— бамайлихотир жавоб берди у.

— Бунинг нима кераги бор эди?

— Жуда алломат жоноворчалар-да! Лекин жудаям одамови бўлишади. Кутилмаган меҳмонларни қандай кутиб олишларини ўзингиз ҳам биласиз-ку. Шунинг учун маана шунаقا сават тўқиб, уларнинг силаб-сийпашидан қўриқланаман-да.

— Бу ботқоқликда нима керак бизга?

Лорд Жон юзимга синовчан назар билан боқди, мен унинг алланарсадан иккиланиб, изтироб чекаётганини пайқадим.

— Сизнингча, қизиқиш фақат профессор унвони борларга хосми? — деди у ниҳоят.— Мен ана шу ювош жо-

ниворларни ўрганаяпман, вассалом. Шу иқорим кифоями сизга?

— Кечириңг мени,— дедим.

— Хафа бўлмайсиз, йигит. Мен Челленжерга бу маҳлуқнинг кичкинагина жўёжасидан тутиб, олиб бормоқчи-ман. Бу менинг асосий вазифам. Йўқ, раҳмат, сизнинг ёрдамингиз менга керак эмас. Мен бу саватни кийиб олсан, ҳеч кимдан қўрқмайман, сиз эса ҳимоясизсиз. Хўп, майли, хайр, мени кечқурун кутинглар.

У беўхшов саватини бошига илди-да, ўгирилиб, ўрмон ичига равона бўлди.

Лорд Жоннингки хулқ-автори бунчалик ғалати бўлипти-ю, Челленжерга худо паноҳ берсин. Шуни айтиш керакки, профессоримизда куркаларни ўзига жалб қилувчи бир жозиба бор эди, шу сабабли ҳам бу жониворлар хира пашшадек жонига теккан пайтларда қўриш учун каттакон пальма шохини олиб юради. Бу нақадар аломат кулгили манзара эканлигини тасаввур қиласангиз эди! Бу мен Мепл-Уайт Мамлакатида кўрган ҳамма гаройиботларнинг энг антиқаси эди. Пайпоқларини ечиб ташлаган Челленжернинг ҳукмдорлик белгиси туширилган билагини яланғочлаб, виқор билан юришини кўрсангиз, унинг кетидан худди масхарабознинг серсоқоллар сultonидек канизаклари ўсимлик пояси толасидан тўқилган майнин матога ўралган ҳинду қизлари тизилиб борарди.

Саммерли бўлса Мепл-Уайт Мамлакати ҳашаротлари билан қанотлилари дунёсини ўрганишга муккасидан кетган, бутун вақтини тутган нусхаларига ишлов бериш билан ўтказарди (унингча, бизни бу қийин аҳволдан қутилишиш йўлини асло изламаётган Челленжер билан фижиллашиб ўтказган соатлари бундан мустасно эди, албатта).

Челленжер ҳар куни эрталаб ғойиб бўлиб қоладиган қилиқ чиқарди, ҳар куни пешинда гўё аллақандай фавқуллода жиддий ишнинг бутун оғирлиги менинг елкамда деяётгандек, савлат ва виқор билан келиб қоларди.

Ажойиб кунларнинг бирида Челленжер пальма шохидан айрилмагани ҳолда бизни бошлаб кетди-да, ўзининг пинхоний режаларини тўкиб солди.

Биз пальмазор ўртасидаги кичикроқ ялангликка чиқиб, илгари тасвирилаб берганим қайнарбулоқлардан бирини кўрдик. Ҳар тарафда игуанодонлардан тилиб олинган жуда кўп қайишлар ивирсиб ётарди: шу жойнинг ўзида пардасимон пўстнинг каттагина бўллаги ётарди — кейинчалик маълум бўлишича, бу яхшилаб қириб, қуритилган балиқ-калтакесак ошқозонининг айнан ўзи экан. Бу парда-

нинг четлари тикилган бўлиб, бамбук найчалари сиғадиган кичкина тешикчалар қолдирилганди; Челленжер уларнинг икки учини лой воронка билан бирлаштириб, унинг ичига қайнарбулоқдан ажралиб чиқаётган пуфак-пуфак газларни йиға бошлади. Тезда сўлғин халта ҳаракатга келиб, секин-аста қаппайиб, шишиб, шу қадар зўр куч билан осмонга интилардики, Челленжер унинг қорнидан ўтқазилган камарни дараҳтларга боғлаб қўйишга мажбур бўлди. Ярим соатдан сўнг у чинакам ҳаво шарига айланиб, катталашди, унинг қайишларни тортқилаб осмонга интилаётганини кўриб, кўтариш кучи нақадар катта эканлигини билиш мумкин эди. Челленжер ўз даҳосининг маҳсулига индамай тикиларкан, соқолини мамнуният билан силаб турарди — бамисоли тўнғич ўғлини кўриб қувонаётган баҳтиёр отага ўхшарди.

Ўзоққа чўзилган сукунатни Сammerли бузди.

— Наҳотки сиз мана шу нарсада парвоз қилишимизни таклиф этмоқчи бўлсангиз? — сўради у муздек совуқ товуш билан.

— Ҳозирча мен сизларнинг олдингизда унинг қувватини намойиш қўймоқчиман, азизим Сammerли, токи бу нарсага сизларда ҳеч қандай шак-шубҳа қолмасин.

— Ундай бўлса, бу бемаъни ниятии каллангиздан чиқариб ташланг,— деб маслаҳат бераман, деди қатъият билан Сammerли.— Бундай аҳмоқона ишга мени ҳеч қандай куч билан мажбур қила олмайсиз. Лорд Жон, ишонаманки, бу дўттибозликни сиз ҳам қўлламасангиз керак.

— Жуда ажойиб, оқилона нарса! — деди йўлбошлими. — Унинг ҳаракатланганини кўриш мароқлидир дейман.

— Ҳозир кўрасизлар,— деди Челленжер.— Кейинги кунларда мен ақлимнинг жами кучини тўплаб, бу ердан қандай чиқиб кетиши муаммосини ҳал қилиш устида ўйладим. Биз шунга амин бўлдикки, қия қоялардан тушиш мумкинмас, туннель эса йўқ бўлиб кетган. Қоятошга кўприк ташлашнинг ҳам иложи йўқлиги шубҳасиз. Хўш, унда нима қилиш керак? Мен бир куни навқирон дўстимга бу қайнарбулоқларнинг эркин ҳолатдаги водород ажратиб чиқаришларини айтган эдим. Ана шундан ҳаво шари ясаш хақидаги фикр ўз-ўзидан келиб чиқади. Тан олишим керакки, газни йиғадиган нарсани қаердан оламан деб гаранг эдим, лекин кўзим у бу ердан ўрмаловчиларнинг улкан ички аъзолари чиқариб ташлангандан кейин, менда шак-шубҳага ўрин қолмади. Мана, меҳнатларим самарасини кўриб турибсиз.

Челленжер бир қўли билан йиртиқ камзулишинг ёқасидан тутиб, иккинчи қўлини виқор билан олдинга кўтарди.

Бу орада шар тамомила думалоқ шаклга кирди, қайишлар уни зўрба-зўр тутиб турарди.

— Сафсата! Бориб турган бемаънилик! — пўнгиллади Саммерли.

Лекин лорд Жон Челленжернинг ғояларига қойил қолиб, қувончини ичига сиғдира олмасди. Кейин баланд товуш билан деди: — Бунга саватни қаердан оласиз?

— Энди сават ҳақида ўйлайман. Бу масалада баъзи мулоҳазаларим бор. Ҳозирча аппаратим сизларни кўтаришга қодир эканлигини намойиш қиласман.

— Сиз ҳаммамизни бир йўла кўтаради демоқчимисиз?

— Йўқ, биз бамисоли парашютда тушгандек галма-гал тушамиз. Қайта кўтарилиш учун мосламани ҳам ўйлаб топаман. Мабодо аппаратим битта одамнинг оғирлигини кўтара олса ва ерга аста қўндира олса бас, ҳаммаси жойида деяверинглар. Ҳозир биз уни синааб кўрамиз.

Челленжер жуда катта базальт парчаларидан биттасини суриб олиб келди-да, уни арқон билан — биз қоятошга осилиб чиққан арқон билан боғлади. Арқоннинг узунлиги юз футча бўлиб, йўғон бўлмаса-да, жуда маҳкам эди. Кейин бизга юк осиш учун узун-узун арқонлари бўлган бўйинбогсимон нарса намойиш қилинди. Челленжер бу бўйинбогни ҳаво шарига кийгизди, юкнинг оғирлиги шарнинг сиртига баравар тақсимланадиган қилиб, осилиб турган арқонларнинг учини бўғиб, унга ҳалиги базальт парчасини боғлади ва ниҳоят арқоннинг учини қўлига ўради.

— Ҳозир мен сизларга ҳаво шаримнинг қанча юк кўтара олишини намойиш қиласман, — деди у ғалабасининг тантанасин муқаррарлигидан масрур бўлиб. Шу сўзларни айта турни, таранг қайишларни қирқиб юборди.

Бизнинг экспедициямиз ҳеч қачон ҳалокатга бунчалик яқин бўлмаганди. Газга тўлган қоп Челленжерни ҳам қўшиб осмонга шиддат билан кўтарилиди. Мен унинг белидан маҳкам қучоқлаб олишга зўр-базўр улгургандим, шар мени ҳам осмонга кўтарди. Лорд Жон худди канадек оёқларимга ёпишиб олганди, у ҳам биз билан бирга кўтарилиди. Бир секундча тасаввуримда антиқа бир манзара лип этиб ўтди: тўрт жасур сайёҳ бамисоли бир шода бақлажондек сир-асрорларини ўрганишга беҳуда уринган мамлакат узра осилиб борарди. Лекин, бахтимизга, арқоннинг қуввати чегараланган экан; аммо ажойиб аппаратимизнинг кўтариш кучи ниҳоятда зўр эди. Мана, ар-

қонлар шарт-шурт узилиб, сайдынлар ерга тошдек қулай бошладилар. Биз узуқ-юлуқ арқонларга ўралиб-қоқилиб, зўр қийинчилик билан ўрнимиздан турдик, шу он базалът парчасининг нилий осмонда кўзга кўринар-кўринмас нуқтадек бўлиб, осмони фалакка учуб кетаётганини кўрдик.

— Жуда зўр! — хитоб қилди тушкунликка тушмайдиган Челленжер лат еган қўлини силаркан.— Тажриба кутганимдан ҳам зўр чиқди. Бундай муваффақият қозонишимизга ўзим ҳам умид қилмаган эдим. Сизларга ваъда берип айтаманки, жентельменлар, янги шар бирон ҳафтадан кейин тайёр бўлади, сўнг биз хотиржамлик билан ватанимизга қайта элтадиган сафаримиздаги масофанинг биринчи босқичини учуб ўтамиш.

Шу чоққача мен кундалигимдаги ёзувларни воқеадан-воқеагача йўсингда ёзиб келардим, мана энди бўлса ҳамма машаққатларимиз, хавф-хатарларимиз тушдек ўтиб кетган бир пайтда эса, мен ўз қиссамни Самбо бизни кутиб турган қизил қоялар этагидаги лагеримизнинг ўзида тугалламоқчиман.

Тепадан пастга тушишимиз осонгина бўлди, бироқ худди шундай бўлиши кимнинг ҳам хаёлига келипти дейсиз? Бир яirim ойдан сўнг биз Лондонда бўламиз, балки ўзим хатимдан олдинроқ стиб борарман. Қарабсизки, бутун ҳистойғуларимиз, фикр-ўйларимиздан жой олган, ҳар биримиз учун севимли, қадрдон, ардоқли бўлган жонажон шаҳримизда, ўз уйимизда ўтирибмиз-да.

Тақдиримиздаги бурилиш нұқтаси Челлёнжер қўлбола ҳаво шарини ясаш устидаги қалтис тажрибаларини амалга оширган ўша кунда юз берганди. Бизнинг ясситоғдан чиқиб кетишимизга ҳайриҳо бўлган ягона ҳинду — қабила бошлиғи чолнинг ўғли, биз қутқазган йигит эканлигини аввал айтган эдим. Унинг ифодали имо-ишораларидан, бегона мамлакатда қолиш иштиёқингиз бўлмагани учун сизларни ортиқ ушлаб тура олмайман, деганини англадик.

Ўша унунтилмас оқшом чоғи, ҳаммаёққа қоронги тушганда, Маретас лагеримизга яширинча, ҳеч кимга билдирамай кириб, дарахт пўстлоқлари ўралган кичикроқ тугунни берди (у нечундир мен билан алоқа қилишни афзал кўрарди, балки иккөвимизнинг бўйимиз баробар бўлганидан-дир), кейин улуғворлик билан лагерь томонга ишора қилиб, дамларингни чиқармаларинг, деган маънода бармоғини лабига олиб борди-да, қандай пинҳона келган бўлса, ўз одамлари сари шундай ғойиб бўлди.

Мен гулханга яқинроқ ўтириб олиб, менга тақдим этилган тугунни очиб қарай бошладим. Бу квадрат шаклидаги

бир дарахт пўстлоғининг ички оқ томонида бўйига ҳам энiga ҳам бир футли тўртбурчакка кўмир таёқча билан ибтидоий нота ёзувини эслатувчи нарсалар чизилган эди.

— Унинг аъзои нақадар маънодор бўлганлигига эътибор бердиларингми? — сўрадим мен ўртоқларимдан.— Бу нарса биз учун жудаям мұхим бўлиши керак.

— Балки бу ёввойи бизларни бир калака қилмоқчи бўлгандир? — деди Саммерли.— Инсон тараққийси мана шундай ибтидоий эрмаклардан бошланса керак-да.

— Бу аллақандай шифрга ўхшайди,— деди Челленжер.

— Балки ребусдир,— гапни илиб кетди лорд Жон елкам оша қааркан, сўнг бирдан пўстлоқни юлқиб олди.— Чин сўзим, унинг жумбоғини ечганга ўхшайман! Иигитча ҳақ. Қаранглар. Бу ерда манави тўғри чизиклар нечта? Ўн саккизта. Қоянинг нариги томонидаги ғорлар-чи? Улар ҳам ўн саккизта.

— Ҳақиқатан ҳам шундай! Ахир Маретас уларга ишора қилган эди-ку! — дедим мен.

— Демак, тўғри экан. Бу ғорларнинг плани. Қаранглар, бор-йўғи ўн саккизта чизик — баъзилари қисқа, баъзилари узун, айримлари иккига ажралади. Биттасининг тагида кичкина қўшув аломати. Нега? Балки, бошқаларидан чуқурроқ бўлган бу ғорни ажратиб кўрсатиш учун белгилангандир?

— Бу ғордан ғорга ўтиладиган йўлак-ку! — қичқирдим мен.

— Навқирон дўстимиз ҳақ бўлса керак,— қувватлади мени Челленжер.— Бўлмаса бу ҳинду ўша ғорни белгилаб ўтирасди. Ахир, унинг бизга яхши муносабатда бўлиши учун ҳамма асоси бор-ку. Лекин мабодо ғорда ҳақиқатан ҳам йўл бўлиб, худди шу баландликда нариги томондан чиқадиган бўлса, ерга юз футдан кам қолади.

— Юз фут бўлса гўрга-я, ҳеч нима эмас! — вайсади Саммерли.

— Ахир, бизнинг арқонимиз ундан узунроқ-ку! — хитоб қилдим.— Ҳеч қийналмасдан тушамиз ерга.

— Ҳиндуларни эсларингдан чиқариб қўйдиларинг чорғи? — бўш келмади Саммерли.

— Бу ғорларда ҳеч ким яшамайди,— дедим.— Улар склад, омбор вазифасини бажаради. Қелинглар, ҳозироқ у ерга чиқиб, разведка қилиб келайлик.

Ясситогда қаттиқ ёғочли, елим чиқарадиган дарахт — ботанигимизнинг сўзларига қараганда, араукарияning бир тури ўсади, унинг шохини ҳиндулар машъала қиларканлар. Ҳар қайсимиз бир боғдан шох олиб, пўпанак босган зина-

лардан юқорига күтарилилдиң-да, планда құшув аломати билан күрсатылған ғорни топдик. Мен ўйлаганимдек, уларда ҳеч ким яшамас экан, фақат жуда катта күршапалак-лар күп экан, улар улкан қанотларини шалоплатиб, боши-миз узра чарх уриб айланишарди. Ҳиндуларнинг эътибо-рини жалб қымаслик учун биз анча вақтгача туртиниб, муюлишларни тимирскилаб юрдик, ғор оғзидан анча узоқ кетганимиздан кейингина машъалаларни ёқдик. Нигоҳимиз қаршиисида шиплари равоқсимон, йўлига оппоқ майда ша-ғал тўшалган, силлиқ кулранг деворларига ҳайвонларнинг расмлари чизилган туннел манзараси намоён бўлди. Биз шиддат билан олға интилдик, лекин бирдан ҳафсаламиз пир бўлиб, қичқириб юбордик; рӯпарамизда силлиқ тош деворга дуч келгандик; на тирқиши бор, на дарз кетган жойи, сичқоннинг боласиям чиқиб кета олмайди. Бу ердан чиқса бўладиган туйнук ҳам йўқ.

Кутилмаганда йўлимизга ғов бўлган бу тўсиққа ғам-андуҳ билан тикилиб қолдик. Бу девор туннелнинг ён деворларидан асло фарқ қымасди, бинобарин, бу ерда биз еости йўлида дуч келган ўпирилиш бўлмаган. Биз ҳа-қиқий боши берк кўчага кириб қолгандик.

— Хафа бўлманглар, дўстларим,— деди тушкунликка тушмайдиган Челленжер.— Ахир, мен сизларга иккинчи ҳаво шари ясаб беришга ваъда қилганман-ку.

Саммерли ғингшиди.

— Балки биз янгилишиб бошқа ғорга кириб қолгандир-миз? — дедим мен.

— Бўлмаган гапни қўйинг, йигит! — деди лорд Жон бармоғини планга нуқиб.— Үн еттинчи ғор ўнг томонда, бу бўлса чапдан иккинчи. Йўқ, хато бўлиши мумкин эмас.

Мен қўшув аломатига тикилиб, қувончдан ўзимни йў-қотиб, қичқириб юбордим:

— Биламан! Биламан! Юринглар орқамдан, тезроқ! — Машъалани бошим узра кўтарганча ортга ташландим.— Мана бу ерда,— мен қум устида ётган чақиб ташланган гу-гурт чўпларига ишора қилдим,— мана шу ерда биз машъа-ла ёқкан эдик.

— Мутлақо тўгри.

— Ахир, ғорнинг иккига бўлиниб кетиши расмда аниқ кўрсатылған эди-ку! Демак, қоронфиликда бу жойни пай-қамай ўтиб кетибмиз-да. Чап томондан юрсак, йўлни то-пиб олишимизга ишонаман.

Мен айтганимдек бўлиб чиқди. Ўттиз қадамча юргани-миздан кейин деворда катта бир тешик қорайиб кўринди. Биз у томон бурилган эдик, жуда кенг туннелга чиқдик.

Сабрсизлик бизни олға қуварди. Яна юз қадам юрдик, иккі юз, уч юз... құққисдан рүпарамизда қызғыш ранг жило-ланди. Бу нима бұлиши мүмкін? Текис, сидирға аланга йүлімизни тұсанды. Биз қадамимизни теззлатдик. Бу олов-нинг иссиги сезилмасди. Ҳаммаёқ жимжит: на шитир этган, на тиқ этган товуш бор... Нур пардаси йүқолмади, уннинг заррин ёғдуси туннелни тұлдириб, оппоқ құмни ялтироқ ол-мосларга айлантирганды. Биз яна ҳам яқинроқ келдік, нур пардасининг гардиши құзимизга думалоқ бўлиб қўринди.

— Бу ой, худо ҳаққи! — қичқирди лорд Жон.— Биз озод-миз, дўстлар! Озодликка чиқдик!

Ҳақиқатан ҳам, тоғ қоясининг нариги томонига олиб чиқадиган ёриқдан ой нури тушиб турарди. Ёриқ унча катта эмас, дераза туйнугидек, лекин шунинг ўзи ҳам бизга кифоя эди. Ундан бошимизни чиқариб қарасак, тушиладиган жой унча қийинчилек туғдирмайды, ерга яқин экан. Ясситогни айланиб ўтганимизда, бу туйнукни ҳеч қачон пайқаш мүмкін эмасди-да. Жуда паст бўлиб осилиб ётган бу қоялар орасида юқорига кўтариладиган жой борлиги кимнинг ҳам хаёлига келарди дейсиз? Биз ана шу ердан арқонга осилиб ерга тушиб мумкинлигига амин бўлиб, баҳтиёрлигимиздан яшнаб лагеримизга қайтдик-да, эртаги оқшом сафаримизга тайёрлана бошладик.

Пинҳоний равишда, шошилиб ҳаракат қилиш керак эди, чунки ҳиндулар ҳатто охирги дақиқада ҳам бизни тутиб қолышлари мүмкін эди. Биз милтиқларимиз билан ўқшаримиздан бошқа барча асбоб-анжомларимизни ташлаб кетишга қарор қилдик. Тўғри, Челленжер қандай бўлмасин бир неча қўполдан-қўпол нарсасини олиб кетмоқчиди, улардан биттаси бизга росаям дардисар бўлди. Лекин мен ҳозирча бу ҳақда кўп галирмайман.

Кун ниҳоятда узоққа қўзилгандек туюлди, қани энди кеч кира қолса. Ниҳоят қоронғи ҳам тушди. Ҳамма нарсани жўнашимизга тахт қилиб қўйдик. Барча эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда юқ-япақларимизни зиналарнинг энг юқорисига, форларнинг оғзига олиб чиқиб қўйдик-да, бизни романтик парда тортилгандек бўлиб қўринган бу сирли мамлакатга сўнгги бор тикилдик. Биз жуда кўп изланишлар олиб бориб янгиликлар очган, бизни кўп машаққатлар чектирган ва кўп нарсага ўргатган бу мамлакатни,— биз суюб ватанимиз деб атайдиган бу мамлакатни овчилар, қаланғи-қасанғи тадқиқотчилар тезда босиб кетмасайди, деб қўрқаман.

Чап томонимиздаги қўшни форлардан гулханларнинг қувноқ ёлқинлари тун зимзиёсига таралиб турарди. Паст-

дан ҳиндуларнинг овозлари ва қўшиқлари эши билан. Узоқда ўрмон худди девордек қад кўтарган, у билан қояшлар силсиласи орасида эса, ғаройиб маҳлуқлар ошиёни — катта кўл жилваланиб ётибди. Мана, аллақандай бир ҳайвон тун қаърини ёриб ўкирди. Бу сас биз билан хайрлашиб, ўзининг сўнгги «узри»ни айтаётган Мепл-Уайт Мамлакати садосидек янгради. Биз бурйдик-да, уйимизга элтадиган йўлга равона бўлиш учун горга кирдик.

Икки соатдан кейин биз юк-япағимиз билан тоғ қоясининг этагида эдик. Челленжернинг нарсаларини кўтариб қийналганларимизни ҳисобга олмагандан, пастга тушиш қийин бўлмади. Юкларимизning ҳаммасини ерга қўйиб, енгил-елпи кийиниб, Самбо қароргоҳига равона бўлдик. Субҳидам нурига чўмган текислик қўйнида бир эмас, камида ўнта гулханни кўриб, ҳангук манг бўлиб қолдик! Ҳар қалай қутқарувчилар гуруҳи етиб келибди. Амазонкалик йигирма ҳиндудан ташкил топган бу группа жарга кўприк ташлаш учун керак бўладиган ҳамма нарсани — ходачалар, арқонларни олиб келган экан. Мана энди юкларимизни Амазонка соҳилларига етказиб олиш учун ҳечам қийналмаймиз, эртага ўшаёққа жўнаймиз!

Шу билан, тақдиримизга минг-минг шукурлар қилиб, ҳикоямни тугатаман. Қўзларимиз қаршисида ҳисобсиз мўъжизалар намоён бўлди, кўплаб синовларда тобланган кўнгилларимиз покланди. Ҳар биримиз, ҳаммамиз, ўзимизча яхшироқ, жиддийроқ бўлиб қолдик, камол топдик.

Эҳтимол, Пара шаҳрида тўхтармиз, чунки зарур нарсаларни олишимиз лозим. Бу ҳолда мазкур мактуб бир трансатлантик рейс фурсатича биздан олдин боради. Борди-ю, дарҳол йўлга тушадиган бўлсак, хат ўзимиз билан бир вақтда етиб боради. Ишқилиб, азизим мистер Мак-Ардл, тез орада қўлингизни қисиб кўришарман, деган умиддаман.

УН ОЛТИНЧИ БОБ

«ҚҰЧАГА! ҚҰЧАГА!»

Мен бизни шунчалар хушнудлик билан кутиб олган ва бизга катта илтифот кўрсатган амазонкалик барча дўстларимизга чуқур ташаккур айтишни бурчим деб ҳисоблайман. Сенъор Пеналоса ва Бразилия ҳукуматининг бошқа мансабдор шахслари алоҳида миннатдорчилик билдиришимизга сазовордирлар, чунки уларнинг ёрдамлари туфайли биз уйимизга етиб олдик. Шунингдек, ҳаммамизга

кийим-кечаклар тайёрлатиб берган Пара шаҳридаги сенъор Переира ҳам тахсинга лойиқ. Энди биз бу либосларда маданий оламда кўринисак, уялмаймиз.

Афсуски, саҳоватли мезбонларимизга самимий меҳмон дўстликлари учун қарздор бўлиб қолдик. Нима ҳам қилардик! Имкониятдан фойдаланиб, уларни ишонтириб айтишм керакки, мабодо улар бизнинг изимииздан Мепл-Уайт Мамлакатига боришни ният қиласалар, бу нарса беҳуда вақт ва пул сарфлаш бўлур эди. Биз ўз ҳикояларимизда ҳамма номларни ўзгартириб ёзганмиз, экспедиция ҳисоботларини ҳар қанча синчилаб ўрганмангиз, бари бир биз бўлган жойларга яқин ҳам кела олмайсиз.

Жанубий Америкада бизга катта қизиқиш билан қаралганлиги маҳаллий аҳамиятга эга бўлса керак деб ўйлагандик, аммо бизнинг саргузаштларимиз ҳақидаги ноаниқ шов-шувлар Европани бунчалар ҳайратга солиши кимнинг хаёлига келибди дейсиз! Ваҳоланки, илм-фан аҳлларигина эмас, балки кенг афгор омма ҳам бизга зўр қизиқиш билан қарап экан, буни биз кейин билдик. Биз тушган «Иберия» кемаси Сауткемптондан эллик миль масофа га етиб келганида, симсиз телеграф турли газета ва агентликларнинг хабарларини кетма-кет бераверди. Улар ҳатто экспедициямиз натижалари ҳақидаги энг қисқа хабарларга ҳам катта гонорар таклиф қилишарди. Аммо бурчимиз бизни даставвал тадқиқот олиб боришни топширган, Зоология институтига ҳисоб беришимизни тақозо қиласар эди, шунинг учун биз ўзаро маслаҳатлашиб, матбуотга бирор маълумот беришдан бош тортидик. Сауткемптонда жуда кўп мухбирлар бизни кутиб туришган экан, бироқ улар биздан ҳеч нарсани била олишмади, шунинг учун еттинчи ноябрь кечкурунга тайинланган мажлисни улар қанчалик зўр қизиқиш билан кутишаётганини тасаввур қилиш қийин эмас эди.

Зоология институтининг зали — худди ўша тадқиқод қилиш учун комиссия тузилган жой торлиқ қиласади деб, мажлисни Рижент-стритдаги Куинз-холл залига кўчиришди. Эндиликда мажлисни ўtkазиш учун Алъберт-холни ижрага олишганда ҳам унда қатнашишни хоҳловчиларнинг ҳаммасини сифдира олмаслиги равшан бўлди.

Унтуилмас мажлис биз Лондонга етиб келадиган куннинг эртасига, оқшомга белгиланганди. Биринчи кунимиз шахсий ишларимиз учун ажратилганди. Ўз ишларим ҳақида ҳозирча ҳеч нима демайман. Вақт ўтиши билан, балки, булар ҳақида мулоҳазалар юритишим ва ҳатто гапиришм ҳам осон бўлиб қолар. Қиссамнинг бошида муҳтарам

китобхонларга мени ҳаракат қилишга даъват этган омиллар ҳақида гапириб бергандим. Энди булар қандай натижада берганлигини кўрсатиш чоғи келди чамамда. Ахир, бир кун эмас, бир кун қилган ишларимдан асло пушаймон қилмаслигимни барадла айтаман-ку. Ажиб бир куч мени бу сафарга йўллаган ва мен ҳақиқий саргузашт гаштини сурганим учун ундан миннатдор эканлигимни ул маҳбубага изҳор этишга мажбурман.

Мана энди саёҳатномамизни якунловчи сўнгги воқеага ўтаман. Бу воқеани қандай баён қилсан экан, деб гаранг бўлиб турганимда, кўзим «Дейли-газетт»нинг 8 ноябрьсонига тушиб қолди. Унда дўстим ва ҳамкасабам Макдона ёзган Зоология институти мажлиси ҳақидаги батафсил ҳисобот босилганди. Бу ерда уни тўла келтираман,— ахир, бари бир ундан яхши нарсани ўйлаб топиш амримаҳолда. Албатта, «Дейли» газетамиз ўзининг муҳбири экспедиция ишларида қатнашганидан ғуурланиб, Зоология институтидаги воқеаларга кўп жой ажратганди, аммо бошқа йирик газеталар ҳам бу воқеани эътиборсиз қолдирмадилар.

Шундай қилиб, сўзни дўстим Макдонага бераман:

«ЯНГИ ОЛАМ
КУИНЗ-ХОЛДА КЎП КИШИЛИК ЙИҒИЛИШ
ЗАЛДАГИ ЖУШКИН ҲОЛАТЛАР
ФАВҚУЛОДДА ВОҚЕАЛАР
НИМАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ?
СТРИДАГИ ТУНГИ НАМОЙИШ
(МАҲСУС МУХБИРИМИЗДАН)

Зоология институтининг узоқ орзиқиб кутилган мажлиси кечаки Куйнз-холлда бўлиб ўтди. Дадиллик билан шунни айта оламизки, бу кун фан тарихига киради, чунки ундиндаги воқеалар фавқулодда антиқа ва ҳайратомуз бўлиб, иштирокчилар хотирасидан асло ўчмасдир. (Азиз қаламкашим Макдона! Дебочангиз мунча ҳам узун бўлмаса!)

Таклифномалар расмий равишда институт аъзолари ва уларнинг яқинлари орасидагина тарқатилган бўлса-да, кейинги тоифага жуда кўп одамлар мансуб бўлиб, кечқурун соат саккизга белгиланган мажлис бошлиномасдан анча олдинроқ Куйнз-холл зали лиқ тўлган эди. Бироқ кенг афгор омма, гарчи бунга асоси бўлмаса ҳам — ранжиб, полициячилар билан узоқ давом этган олишувдан сўнг залга ёриб кирди, бунинг натижасида бир неча киши жароҳатланди,

шу жумладаң, инспектор Скоблининг оёғи синди. Йұлактарнігина әмас, балки матбуот ходимлари учун ажратылған үрінларни ҳам банд қылған бу исөнчиларни құшыб ҳисоблаганда, тахминан, камида беш минг киши сайёхларнинг келишини кутарди. Ниҳоят, улар залда пайдо бўлишди, уларни саҳнага олиб чиқишли, бу пайтда супада фақат Англиянынггина әмас, Франция ва Германиянынг ҳам йирик олимлари тұпланишганди. Швеция ҳам машхур зоолог, Упсал университети профессори жаноб Сергиус сиймосида қатнашмоқда эди. Шу куннинг тұрт қаҳрамони пайдо бўлиши билан гулдироқ қарсаклар янгради: бутун зал бир кишидек оёққа қалқди, уларни қичқириқ ва қарсаклар билан кутиб олди. Аммо-лекин сезғир кузатувчи бу ҳаяжон бўронида қуюшқондан чиқадиган садолар ҳам борлигини пайқаб, мажлис тинч-осойишта ўтмаса керагов, деб ўйлаши мумкин эди. Лекин ҳақиқатан нималар бўлишини йиғилганлардан бирортаси ҳам олдиндан айтиб бера олмасди.

Бу ерда тұрт жасур сайёхнинг ташқи қиёфасини тасвирлаб үтиришнинг асло хожати йұқ, чунки уларнинг фотосуратлари ҳамма газеталарда босилған. Айтишларича, улар чеккан оғир мاشаққатлар ва азиятлар, гарчи улар бизнинг соҳилимизни тарқ этгандарыда бунчалик қораймаган бўлсалар-да, кўринишларига нуқсини урмаган. Профессор Челленжернинг соқоли янаям пахмоқлашиб кетибди деса бўлади, профессор Саммерлининг юзлари эса салқиган, лорд Жон Рокстон салгина озган, лекин умуман уларнинг сиҳат-саломатларни бинойидек. Газетамизнинг вакили, таниқли спортчи, ҳалқаро классдаги регби ўйинчиси Э. Д. Мелоунга келсак, у бешикаст, бақувват, кўркам бўлмасада, беғубор, одилона чеҳрасидан табассум аримайди (Ҳа, майли Мак, қўлимга тушиб қоларсан!)

Залга жимлик чўкиб, ҳамма жой-жойига үтиргач, раислик қилувчи, герцог Дархемский йиғилиш аҳлиға нутқ билан мурожаат этди. Герцог нутқининг бошидаёт, сайёхларнинг ўзлари билан учрашиш шарафига мұяссар бўлаёт-ганларингиз учун, бизга маълум бўлған хабарларга қараганда, меҳнатлари ажойиб муваффақият билан якунланған тадқиқот комиссиясининг раиси профессор Саммерлининг маърузасидаги қувончли гапларни олдиндан айтиб қўймоқчи әмасми, деб айтди. (Қарсаклар.) Афтидан, романик давр ҳали ҳам мавжуд бўлиб, шоирларнинг жўшқин хаёлот олами ҳамон фаннинг мустаҳкам заминидан озуқлашмоқда. «Пировардида,— деди герцог,— ўзимнинг чексиз қувончимни изҳор қилмоқчиман — ҳозир бўлганларнинг

барчаси бу қувончимни баҳам кўришига шубҳам йўқ,— чунки шоввозларимиз қийин ва хатарли саёҳатларидан эсон-омон қайтиб келишиб, зероки, бу экспедиция ҳалок бўлганида, илм-фан ўрни тўлдириб бўлмайдиган йўқотишига дучор бўлур эдия. (*Шовқин-суронли қарсаклар. Ўнга профессор Челленжернинг ўзи ҳам қўшилиб кетади.*)

Минбарда профессор Челленжернинг пайдо бўлиши яна гулдурос олқишиларга сазовор бўлди, унинг нутқи чапаклар билан бўлинниб турди. Биз унинг нутқини сўзма-сўз келтириб ўтирамаймиз, чунки мухбиримиз қаламига мансуб бўлган экспедиция ишлари ҳақидаги батағеиҳ ҳисобот «Дейли-газетт» томонидан маҳсус рисола тариқасида босиб чиқарилади. Шунинг учун профессор Саммерли докладининг қисқача баёни билан кифояланамиз.

Нотиқ йиғилиш аҳлига экспедиция юбориш фикри қандай туғилганини эслатиб ўтгач, профессор Челленжер иззатини бажо келтириб, ҳаққига яхши гаплар айтиб, аввалги йиғинда унинг сўзларини шубҳа остига олгани учун узр сўрагач, улар энди тўла-тўкис тасдиқланганини таъкидлаб, улар борган ясситоғнинг географик ўрнини белгиловчи маълумот ошкор этилмаслигининг эҳтиётини қилиб, саёҳат маршрути ҳақида умумий гапларни айтиб ўтди. Кейин профессор Саммерли ҳассослик билан бир неча оғиз сўзда Амазонка соҳилларидан тоғ тизмасига ўтилганини баён қилди-да, экспедициянинг икки содиқ йўл кўрсатувчиси — икки метис ўлимни эвазига ясситоғ устига кўтарилишга урицилганини айтиб, тингловчиларни ҳайратда қолдирди. (Воқеаларни кутилмаган тарзда баён қилгани ва баъзи ноҳуш муаммоларни четлаб ўтгани учун Саммерлидан миннатдор бўлдик.).

Тоғ тизмасининг чўққисига чиққан ва тўрт саёҳ учун ташқи дунё билан алоқа қилишнинг ягона воситаси бўлган кўпрайкнинг босиб тушгандаги аянчли ҳолатнинг ваҳшатини тингловчилар билан баҳам кўришга эришган профессор энди бу ғаройиб мамлакатнинг даҳшатлари ҳамда кўркамликларини тавсифлашга киришиб. У ўзининг саргузаштлари ҳақида кам галирган бўлса-да, экспедициянинг ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари устидан олиб борган кузатишлари натижасида фанга катта ҳисса қўшганини ҳар томонлама таъкидлаб ўтишга ҳаракат қилди. У ернинг ҳашаротлари олами, айниқса қаттиқ қанотлилар, тангасимон қанотлиларга ниҳоятда бой бўлганидан экспедиция бир неча ҳафта мобайнида биринчи оиласа мансуб қирқ олти нусхани, иккинчи оиласа мансуб тўқсан тўрт нусхани аниқлашга муваффақ бўлди. Бироқ, кутилганидек,

йиғилғанлар асосан йирик ҳайвонлар, хусусан аллақачон қирилиб кетган деб ҳисобланувчи баҳайбат махлуқлар ҳақидаги гапларга қизиқарди. Профессор тарихдан аввалги бундай баҳайбат махлуқларнинг узундан-узоқ рўйхатини келтирди-да, тинловчиларини, ясситоғ синчиклаб ўрганилгач, бу рўйхат янада тўлдирилади, деб ишонтирди. Профессор шу соққача илм-фанга маълум бўлмаган камида ўнга яқин улкан ҳайвон зотини ўзим ва ҳамроҳларим ўз кўзимиз билан кўрдик, тўғри, уларнинг кўпчилигини узоқдан кузатдик, деб айтди. Вақти келиб улар, шубҳасиз, муносиб равишда ўрганилади ва тасниф қилинади. Профессор мисол тариқасида узунлиги эллик бир фут бўлган тўқ-қизил илонни, сутэмизувчилар оиласига мансублиги аниқроқ бўлган, қоронфида фосфор нури сочиб турадиган ғалати оқ жониворни ва каттакон қора капалакни келтирди; ҳиндуларнинг гапига қараганда, бундай капалакларнинг чақиши заҳарли экан.

Ясситоғда жониворларнинг мутлақо янги навларидан ташқари илм-фанга маълум, қадимги даврларга мансуб жонзотлар ниҳоятда кўп бўлиб, уларни дастлабки юра даврида яшаганлар сирасига киритиш лозим. Шу ерда бир куни кўлнинг ҳайвонлар келиб сув ичадиган жойида мистер Мелоунга дуч келган баҳайбат стегозавр тилга олинди. Бизнинг экспедициямиз бормасданоқ бу мамлакатга оёқ босган америкалик рассомнинг альбомида худди шундай ҳайвоннинг сурати чизилганди. Профессор Саммерли уларга биринчи бўлиб ясситоғда учраган улкан йиртқич махлуқ — игуанодан билан птеродактилни ҳам тавсифлаб берди, бу оламда истиқомат қилувчи, экспедиция аъзоларини неча марталаб бирма-бир таъқиб қилган энг даҳшатли йиртқичлар — динозаврлар ҳақида гапириб, тинловчиларининг этларини жимиirlаштириб юборди. Кейин профессор форораккос деган улкан йиртқич қуш тўғрисида, бизнинг ясситоғларимизда ҳамон учраб турадиган баҳайбат буғулар оиласига мансуб бутсоқшоҳли махлуқлар — лослар ҳақида батафсил гапиради.

Лекин профессор марказий кўлнинг сиру асрорлари ҳақида сўзлаганда мажлис аҳлиниң ҳайрати энг олий нуқтага етди. Бу ҳушёр олимнинг сокин нутқини тинглар эканман, наҳотки ўша сирли чуқурликларда яшовчи ғаройиб, уч кўзли балиқсимон калтакесаклар ва улкан сув илонлар ҳақидаги гапларини тушимда эмас, ўнгимда эшитаяпман деб ишонч ҳосил қилиш учун ўзимни чимчилаб олгим келарди.

Кейин профессор маҳаллий аҳоли билан одамсимоқ

маймунларни тасвирлашга ўтди; Яван питекантропи эволюциясининг маҳсули бўлган бу мавжудотлар олимлар фарз қилган, «одам ва маймун ўртасида учраши лозим бўлган» жонзотларга ҳайвонот оламининг барча ҳар қандай турларидан ҳам яқин келади.

Ниҳоят, профессор Саммерли фавқулодда хавфли ҳаво шари аппаратини — Челленжернинг кашфиётини — тавсифлаб, ўтирганларни роса кулдирди, ниҳоятда қизиқарли маърузасининг пировардида экспедициянинг маданий оламга қандай қайтиб келганиligини ҳикоя қилиб берди.

Аввалига мажлис шу билан тугайди, профессор Сергиус таклиф этган тадқиқ қилувчи комиссияга ташаккур билдириш ҳақидаги резолюция муносабиравишда овозга қўйилиб, қабул қилинади, деб тахмин қилинганди. Лекин иш ҳамма кутганидек силлиқ бўлиб чиқмади. Мажлис бошлинишиданоқ йигилганларнинг душманчиллик кайфиятидағи қисми қитмирлик қиласерди, профессор Саммерли маърузасини тугатиши биланоқ эдинбурглик доктор Жеймс Иллингворт ўрнидан турди-да, раислик қилувчига қараб: «Резолюция овозга қўйилишидан олдин унга тузатиш киритиш масаласини муҳокама қилсак бўлмасмиди?» — дея мурожаат этди.

Раис. Ҳа, мумкин, сэр, агар шундай тузатиш жоиз бўлса.

Доктор Иллингворт. Муҳтарам раис, менда тузатиш бор.
Раис. Ундай бўлса, марҳамат, баён қилинг.

Профессор Саммерли (ўрнидан дик этиб туриб). Муҳтарам раис жаноблари, рухсатингиз билан ҳаммага маълум қилиб қўйаки, бу одам «Илмий фикрлар» журнали саҳифаларида у билан баҳслашганимиздан бери менинг шахсий душманимга айланган.

Раис. Шахсий масалалар, адоватлар бизни қизиқтирамайди. Давом этаверинг, доктор Иллингворт.

Сайёҳларимизнинг дўстлари шундай шовқин-сурон кўтаришники, доктор Иллингвортнинг овози баъзан эшитилмай қолди. Аллакимлар уни минбардан тортиб туширмоқчи ҳам бўлишди. Лекин ҳирсдек кучли, баланд овоз эгаси бўлган доктор Иллингворт барча тўсиқларни енгиб, ўз нутқини охирига етказди. У ўрнидан туриши биланоқ тарафдорлари кўплиги аён бўлди, аммо улар жамъи йигилганларнинг камчилигини ташкил қилишарди. Халойиқнинг анчагина қисми эса қай томон босиб кетишини кутиб, бетарафлик қилиб туришди.

Профессор Иллингворт аввалига профессор Челленжер билан профессор Саммерлининг илмий фаолиятларига

кatta ҳурмат билан қарашини изҳор қилган бўлса ҳам, кейинчалик менинг тузатишим нима учундир шахсий адoват натижаси деб эълон қилинади, ваҳоланки, мен ҳақиқатни юзага чиқаришга интиlamан, холос, деди қаттиқ ранжиган бўлиб. Аслини олганда у ҳам илгариги мажлисида профессор Саммэри изҳор қилган нуқтаи назарни айтиётганини маълум қилди. Ўшанда профессор Челленжер олдинга сурган бир қатор тезисларга унинг ҳамкасабаси шубҳа билдирган эди. Энди бўлса ўша ҳамкасабасининг ўзи барі бир ҳеч ким эътиroz билирмайди, деган ниятда худди ўша фикрларни баён қилмоқда. Бу майтиқданми? («Ҳа!», «Иўқ!»—деган қичқириқлар эшитилади. Матбуот вакиллари учун ажратилган ложа томондан профессор Челленжернинг доктор Иллингвортни залдан ҳайдаб чиқариб юборишни сўраб, раисга мурожаат қилган овози эшитилади.) Бир йил муқаддам бир одам ғалати нарсаларни даъво қилган эди. Энди бўлса тўрт киши худди шундай даъвони қиласяпти, тағин зўр қатъият билан даъво қилишяпти. Ваҳоланки, фандаги тўнтариш ҳақида сўз бораётган бир пайтда бундай даъволарни исботлашга шу гаплар ҳал қилувчи омил бўла олариди?

Сайёхлар одам боласи оёқ босмаган мамлакатлардан қайтиб келишаётганда, ҳамма чипла-чин ишонадиган анови ёлғон-яшиқларни тўқиб тарқатишлиари барчанинг ёдида эди. Наҳотки Лондон Зоология институти ёлғон-яшиқларга лаққа тушадиган даражага тушиб қолса? Тадқиқот комиссиясининг аъзолари — муносиб кишилар, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Лекин инсоннинг феълу автори ниҳоятда мурракаб нарса. Юқори поғонага кўтарилиш истаги ҳар қандай профессорни ҳам йўлдан оздиради. Ҳаммамиз ҳам бамисоли парвонадек шон-шуҳрат ўтига урамиз ўзимизни. Катта ўлжа ишқибозлари ҳақиқатга хиёнат қилишдан тоймайдилар, ўз мухолифларини бир амаллаб ерга қорсалар бас, ҳар қандай шов-шувга ўч журналистлар эса, нуқул фактларни уйдирмалари билан бойитиб, ҳайратомуз гапларни тарқатадилар. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси экспедиция натижаларини ўз билгича кўпиртириб гапиришдан тиёйилмаяпти. («Шармандалик!», «Ўялинг!»). У ҳеч кимни таҳқиқирламоқчи эмас. («Лекин таҳқиқиляяпти!» Залда шовқин-сурон.) ...Лекин бу мўъжизаларнинг ҳаммасини тасдилаш учун келтирилган далилларнинг ҳаммаси бўш, ишончили эмас. Хўш, бу далиллар нималардан иборат ўзи? Бир неча фотосурат, холос. Бизнинг давримизда сохталаштириш санъати шу қадар юқори даражага етганки, фотосуратларнинг ўзига қараб ҳукм чиқариш мумкин эмас. Яна ки-

малар билан бизни ишонтироқчи бўлишади? Шошиб-пизиб қочганлари ҳақидаги афсоналари билан, арқонга осилиб тушганлари учун ўша ажойиб мамлакатнинг ҳайвонларидан йирик нусхалар олиб келиша олишмаган эмишлар. Гапни қаранг, жудаям оқилона-ю, лекин мутлақо ишонтираси эмас. Лорд Жон Рокстонда форорак-коснинг бош суюги бор дейилди. Бироқ қани ўша бош суюги? Бир кўрсак бўлармиди дейман.

Лорд Жон Рокстон. Бу одам мени ёлғончиликда айбланипти шекилли? (Залда шовқин-сурон).

Раис. Жим! Жим! Доктор Иллингворт, марҳамат қилиб, тузатишиңгизни баён қилиб беринг.

Доктор Иллингворт. Гарчи яна баъзи нарсаларни айтишим лозим бўлса-да, амрингизга бўйсунишга мажбурман. Шундай қилиб, менинг таклифим қуйидагича: қизиқарли маърузаси учун профессор Саммерлига ташаккур изҳор қилсан-да, бироқ у маълум қилган фактларни исбот учун ожис деб ҳисоблаб, Челленжернинг даъволарини текшириш учун бизнинг ишончимизга кўпроқ молик бўлган бошқа комиссияни юборсак.

Бу нутқнинг залда қандай тўфон кўтарганини тасвирлаш амримаҳол. Ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги сайёҳларимиз шаънига қилинган бундай тухматдан дарғазаб бўлиб: «Йўқолсин тузатиш!», «Ўнга овоз берманглар!», «Доктор залдан чиқиб кетсин!», — дея қичқирдилар. Айни чорда бу қичқириқлардан норози бўлганлар: «Бу адолатдан эмас!», «Раис! Тартибга чақиринг!» — деб бақирдилар. Студент-медиклар ўтирган охирги қаторларда ур-ийқит, тартибсизликлар, муштлашувлар бошланди. Халойиқ орасида аёлларнинг борлигигина умумий ур-ийқитга йўл қўймади. Бирдан бақириқ-қичқириқлар тўхтаб, зал жимжит бўлиб қолди. Саҳнада профессор Челленжер турарди. Бу одамнинг ташки қиёфасию ҳатти-ҳаракатлари шу қадар салобатли әдикни, у қўлини кўтариши биланоқ ҳамма ўз жойига ўтириб, унинг нутқини тинглашга тайёрланди.

— Бу ерда ҳозир бўлганларнинг кўплари яхши эсласалар керак,— дея бошлади гапини профессор Челленжер,— мана шундай номақбул тўполон биринчи мажлисимизда ҳам рўй берган эди. У сафар мени хафа қилган одам асосан профессор Саммерли бўлган эди, гарчи у энди тузалганд, ўз гуноҳларига тавба-тазарру қилган бўлса ҳам бунақа номақбул ҳатти-ҳаракат эсдан чиқмайди. Бугун мен ҳозиргина саҳнадан тушиб кетган зот томонидан ундан ҳам таҳқирили хуружларни эшийтдим. Мен зўр қийинчилик билан ўзимни мажбур қилиб, ўзимни бу зотнинг ақлу за-

коси қадар пастга туширамап, лекин бу шарса шу ерда ҳозир бўлганларнинг батъиларида ҳамон сақланиб қолган-шубҳаларни тарқатиб юбориш учун ҳам керак. (*Кейинги қаторлардан қулги, шовқин, қичқириқлар эшитилади.*)

Профессор Саммерли бу ерда тадқиқ қилиш комиссиясининг бошлиғи сифатида гапирди, аммо барча ишларнинг илҳомчиси мен эканлигимни, сафаримиз асосан мен туфайли муваффақият билан якунланганини эслатиб ўтиш зарур бўлмаса керак дейман. Мен бу уч жентельменни керакли жойга олиб бордим-да, ўзларингиз эшитганларингиздек, фикрларимнинг тўғрилигига ишонтирдим. Биз биргалиқда чиқарган холосаларимиз аввалги сафардагидек нодонларча ва қайсарлик билан шубҳа остига олинишини кутмагандик. Лекин ҳаётда аччиқ тажриба орттирганим учун бу гал ҳар қандай соғлом ақлли кишини ишонтира оладиган баъзи далиллар билан қуролланиб олдим. Профессор Саммерли бу ерда фотокамерамизнинг одамсимон маймунлар панжасига тушганини, негативларимизнинг кўпчилиги нобуд бўлганини айтиб ўтди. (Шовқин, истеҳзоли қулги, орқада ўтирганлардан кимдир: «Буни бувингизга айтинг!» деб бақиради.) Ҳа, айтгандай одамсимон маймунлар ҳақида. Менинг қулоғимга ҳозир ҷалинаётган баъзи овозлар бизнинг бу антиқа маҳлуқлар билан учрашувимизни эслатади. (Кулги)

Қимматли негативлардан кўпи йўқолиб кетган бўлса ҳам ҳар қалай, бир неча фотосурат қолганки, уларга қараб, ясситоғдаги ҳаёт шарт-шароитлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Негативлар эксперталар эътиборига ҳавола қилинди. Комиссия яна қандай далилларни тақдим этиши мумкин? Комиссия ясситоғдан қочиб қутулишга мажбур бўлгани сабабли ҳам оғир юқ олиш имкониятига эга бўлмади, аммо шунга қарамай профессор Саммерли капалаклари ва қўнғизлари коллекциясини сақлаб, олиб келишга муваффақ бўлди, унда эса ҳашаротларнинг янги-янги намуналари жуда кўп. Бу кифоя эмасми? (*«Йўқ! Йўқ» деган садолар эшитилади.*) «Йўқ» деган ким?

Доктор Иллингворт (Ўрнидан туриб). Бу коллекцияни сизнинг тарихгача мавжуд бўлган ясситоғингизда эмас, балки ҳамма жойда йиғиш мумкин. (Карсаклар.)

Профессор Челленжер. Шубҳасиз, сэр, сиздек йирик мўътабар олимнинг бир оғиз сўзи биз учун қонун. Бироқ фотосуратлар билан энтомология коллекциясини қўйиб турайлик-да, ҳали ҳеч қаҷон ва ҳеч ким томонидан ёритилмаган масалаларга ўтайлик, Масалан, бизда птеродактил-

лар ҳақида мутлақо аниқ маълумот бор. Бу ҳайвонларнинг яшаш тарзи... («Сафсата!!» деган қичқириқлар. Залда шовқин-сурон.) Мен ана шу жониворларнинг яшаш тарзи энди сизларга мутлақо аён бўлади демоқчиман. Менинг портфелимда бир расм бор, ўша нарсанинг ўзига қараб чизилган бу расмга асосланиб...

Доктор Иллингворт. Расмлар бизни ҳеч нимага ишонтира олмайди!

Профессор Челленжер. Ўша маҳлуқнинг ўзини кўрмоқчимисиз?

Доктор Иллингворт. Шубҳасиз!

Профессор Челленжер. Ўшанда менга ишонасизми?

Доктор Иллингворт (кулгига олиб). Унда-ми? Зўр бўларди-я!

Мана шунда биз кечанинг энг ҳаяжонли, энг мароқли эпизодига келдик, бу воқеанинг таъсир кучи бемисл бўлиб, ёдимиздан асло ўчмайди. Челленжер қўлини кўтарган эди, бизнинг ҳамкасабамиз мистер Э. Д. Мелоун дик этиб ўринидан турди-да, саҳнанинг ичкариси томон юрди. Бир минутдан сўнг у баҳайбат бир негр билан бирга яна пайдо бўлди; улар икковлашиб, афтидан, жуда оғир бўлган квадрат шаклидаги каттакон яшикни кўтариб келишарди. Яшик профессорнинг оёғи тагига қўйилди. Юз бераётган воқеанини дикқат билан кузатадиган халойиқ жим бўлиб қолганди. Профессор Челленжер яшикнинг сурма қопқоғини итариб очди-да, ичига қараб қўйгач, бармоқларини шиқиллатиб олгач, ёқимли товуш билан деди (журналистлар ложасида унинг овози барадла эшитилиб турарди): «Қани, жажжигинам, чиқ, чиқа қол!» Аллақандай тапир-тупир, бесарамжомлик, тимдалашга ўхшаган садолар эшитилиб, ақл бовар қилмайдиган даражада қўрқинчили, хунук, жирканч бир маҳлуқ яшикдан чақиб, унинг бир чеккасига ўтириди. Ҳатто герцог Дархемскийнинг оркестр чуқурига қулаб тушиши ҳам даҳшатдан ҳангуманг бўлиб қолган халойиқнинг диққатини бўла олмади. Қичкина кўзлари чўғдек ёниб турган ваҳшиёна боши фақат ўрта аср рассоми хаёлхонасидағина туғилиши мумкин бўлган баҳайбат маҳлуқни эслатарди. Унинг узун ярим очиқ тумшуғида икки қатор тиш терилган. Сал титраётган елкаси кулранг шол рўмолга ўхшаш нарса қатларига яширинган. Хуллас, бу ўша бизни ёшлигимизда қўрқитишадиган олабўжининг ўзгинаси эди.

Йигилганлар саросимага тушишди. Кимdir қичқириб юборди, олдинги қатордаги икки хонимнинг кўнгли озиб ҳушидан кетди, саҳнада ўтирган олимлар раисга эргашиб

оркестр чуқурига құлай бошлашды. Яна бир секунд бўлса, бутун зал ваҳима гирдобига шўнғириди.

Профессор Челленжер халойиқни тинчтитаман деб қўлини кўтарган эди, унинг ёнида ўтирган қўрқинчи махлуқ чўчиб кетди. У ҳалиги шолрўмолини ёзувди, маълум бўлдики, бу бир жуфт пардали қанотнинг ўзи экан. Профессор унинг оёғига ёпиши-ю, аммо жониворни тутиб қола олмади. Махлуқ яшиқдан парвоз қилиб, ўн футли қанотларини шилдиратиб, атрофига бадбўй ҳидлар таратиб, зал узра секин айланди. Бу ёнар кўзлар билан жирканч тумшуқнинг яқинлашиб қолганидан ўлгудек қўрқиб кетган галереяда ўтирганилар додлаб юборишган эди, махлуқнинг ўзи ҳам даҳшатга тушиб қолди. У зал бўйлаб тез уча бошлади, ўзини деворларга, қаңдилларга уриб оларди, афтидан, ўлгудек қўрқиб, шима қилишини билмай талпинаётган эди. «Дераза! Жами муқаддас нарсалар ҳақи, деразани ёпинглар!» — қичқирапди профессор қўрқиб кетганидан диконглаб, бармоқларини қирсиллатаркан. Афсуски, бу фикр унинг калласига кечроқ келганди. Махлуқ чироқ қалпоғига урилаётган улкан капалакдек ўзини деворларга ура-ура дераза рўпарасига келди-да, беўхшов, бадбашара гавдасини унга суқди... биз фақат шуни кўриб қолдик. Профессор юзини кафтлари билан тўсиб, курсисига шилқ этиб тушди, хавф-хатар даф бўлганига ишонч ҳосил қилган зал аҳли худди бир одамдек эркин нафас олди.

Ана энди бўлди ҳангома... Залда бўлган воқеаларни, тарафдорларининг қувончи-ю, Челленжерга яқингинада мухолиф бўлганиларнинг ҳижолатпазлигини, кейин уларнинг апоқ-чапоқ бўлиб кетганини тасвиrlашга қалам ожиз. Қудратли шодиёна тўлқини охирги қаторлардан оркестр томон мавжланиб келиб, саҳнада авжга чиқди-да, қаҳрамонларимизни эпкинида кўкка кўтарди! (Қойил-е, Мак!) Шу пайтгача залдагилар тўрт жасур сайёҳга адолатсизлик қиласётган бўлса, энди ҳар ким ўз гуноҳини ювишга ошиқарди. Ҳамма ўрнидан туриб олган. Ҳамма қичқириб, қўлларини силкитиб, саҳнага интилади. Қаҳрамонларни зич ҳалқадек ўраб олишди. «Кўтаринглар уларни! Бошга қўйинг уларни!» — деган юзлаб садолар эшитиларди. Мана тўрт баҳодир сайёҳ аламон боши узра суза бошлади. Уларнинг бу ирғитишлардан қутулиш учун қилган ҳамма ҳаракатлари зое кетди. Ҳа, уларнинг ерга тушиш ниятлари беҳудалиги аниқ эди, чунки саҳнани лиқ тўлдириб турган одамлар орасида тангадек жой қолмаганди-да.

«Кўчага! Кўчага слиб чиқинглар!» — деб бақиришарди ҳаммаёқдан.

Аламон ҳаракатга келди, ҳалойиқ оқими түрт қаҳрамонни күтартганча ташқарига силжиди. Майдонда камила юз минг киши йиғилганди. Ленгем мәхмөнхонасидан то Оксфорд майдонигача ер-күкни тутган одамлар елкама-елка сиқилишиб турарди. Дарвозахонадаги фонарлар ала-мон боши узра сузиб келаётган түрт қаҳрамонни ёритиши биланоқ янграган табрик хитобларидан осмон ларзага келди. «Издихом Рижент-стритга қараб юрсин!» — дея талаб қиласарды ҳамма бир овоздан. Издихом күчани тұлдириб, Рижент-стрит күчасидан Пелл-Мелл, Сент-Жеймс-стрит ва Пикадилли томон олға юраверди. Лондон марказида күча ҳаракати тұхтади. Бир томондан намойишчилар, иккинчи томондан полициячилар ва шоферлар үртасида бир неча бор тұқнашув бўлди. Ниҳоят тун яримдан оққанда, ала-мон түрт сайдени Олбенига, лорд Жон Рокстон уйи осто-насиға етгач, ерга тушириб, ҳайрлашув чоғи «Азамат йи-гитларимиз» деган гимнни айтишди. Кейинги ўнлаб йил-лар мабайнода Лондон шоҳиди бўлган эпг ажойиб кечаларнинг бири ана шундай яқунланди.

Дўстим Макдона шуларни ёзибди, жумлаларининг тумтароқлигини демаса, бу ҳисоботда воқеаларнинг бориши анча аниқ баён қилинган. Ҳисобот қўзғаган шов-шувга келганды шунни айтиш керакки, у гарчи афкор оммани ҳайратга солған бўлса ҳам, экспедиция қатнашчилари бўлмиш бизлар учун кутилмаган нарса эмасди. Муҳтарам китобхоннинг ёдида бўлса керак, лорд Жон Рокстонни бошига саватдек бир қағасни кийиб олиб, профессор Челленжер учун «жўжача» тутиш учун кетаётганида учрашганимизни ҳикоя қилган эдим. Шунингдек, Челленжернинг юклари ясситордан тушишимизда жудаям қийнади-да, деб нолиганларимизни ҳам эслаб кўринг, а. Шу ҳақдаги ҳикоямни давом эттирганимда, йўл-йўлакай иштаҳаси унча зўр бўлмаган ҳамроҳимизни сассиқ балиқ билан боқиб келганимизни баён қилишга жуда кўп жой керак бўларди. Бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз айтмагандим, чунки профессор Челленжер, бу рад этиб бўлмайдиган далил билан душманларимни ер билан яксон қилмагунимча маҳлуқни олиб келганимиз ҳақидаги маълумот ҳалойиқнинг қулогига бо-риб етмаса гўрга эди, деб хавотирланган эди.

Лондонга келтирилган птеродактилнинг тақдирни ҳақида икки оғиз сўз. Бу борада бирор нарсани аниқлаб бўлмади. Қўрқиб, ўтакаси ёрилган икки хотин уни Кўнин-Холл томида кўришганини, даҳшатли яжуж-маъжуждек бир неча соат қимир этмай ўтирганини таъкидлайди. Эртаси куни оқшомги газеталарда қўйидаги мазмунли қисқа ха-

бар босилиб чиқди: Молборо-Хаус соатинциг посбони гвардиячи Майлз ўз постини ташлаб кетгани учун ҳарбий судга берилган. Майлз судда түнгги навбатчилик вақтида тасодифан осмонга қараганида ойни түсіб турған иблизисга күзи тушади-ю, милтиғини ташлаб Пелл-Мелл томонга урра қочади. Судланувчининг гаплари эътиборга олинмаган бўлса ҳам, унинг гаплари бизни қизиқтирган масалага бевосита тааллуқли эди.

Америка-Голландия кемачилиги ширкатига қарашли «Фрисланд» кемаси дафтаридағи бир ёзувни қўшимча шаҳодат сифатида келтираман. Унда ёзилишича, Старт-Пойнт кемаси бир куни эрталаб соат тўққизларда Старт-Пойнта га ўн милча қолганда, ўнг томондан кеманинг устидан шиддатли тезлик билан жануби-ғарб томон йўналган қанотли эчки ёки улқан кўршалалакка ўхшаш бир нарса ғиз этиб учиб ўтди. Птеродактилимизнинг инстинкти йўлни тўғри кўрсатган бўлса, жонивор Атлантика океани тўфонларида ҳалок бўлгани шубҳасизdir.

Менинг Глэдисим-чи? Сирли кўлга номи қўйилган Глэдис қайда? Ахир, бундан буён ўша ажойиб кўл Марказий номи билан юритилади, чунки мен унга мангуликнираво кўрмайман-да. Бу аёлнинг табиатида бағритошлилик борлигини илгари сезмаганимидим? Кишини муқаррар ўлимга йуллаган ёки ҳаётини таҳлика остига қўйишга мажбур этган таннознинг амрини бажаришга ифтихор билан киришганимда, ўзи шундай муҳаббатга лойиқмикин, деб ўйлаганмикинман? Бу аёлнинг ташки қиёфаси гўзал бўлгани билан унинг қалбига худбинлик ва бекарорлик соя солиб турибди-ку, деган фикрни кўнглимдан қувиш учун курашмадимми? Нима учун у нуқул қаҳрамонликлар асираси эди? Бу танноз ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламай, қурбон бермай, олижаноб ишларнинг буюк шуҳратига шерик бўлмоқчи эмасмиди, ахир? Ё бу фикрларим қуруқ хомхаёлларнинг ўзимикин? Шу кунларда ўзимга кела олмай юрдим. Бевафонинг зарбаси бутун қалбимни огулаган эди.

Ўшандан бери бир ҳафта вақт ўтди, лекин шу кунлар ичida лорд Жон Рокстон билан ўртамиизда битта жуда муҳим сұхбат бўлди... Ишларимизнинг унчалик ёмон эмаслиги менга секин-аста аён бўла борди.

Бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бир бошдан гапириб бера қолай. Саутгемптонда менинг номимга на хат, на телеграмма бор эди, ўша оқшом соат ўнда Стритендаги кичикроқ вилланинг эшиги олдида турардим. Балки Глэдистирик эмасдир. Қулоқ очиб бағрига босишлар, табассумли чехраси, ўз маҳбубасининг амри-фармонини бажо қилиб

келган қаҳрамон шаънига айтилган ҳисобсиз жўшқин ол-қишилар тушларимга кирмай қўйганига анча бўлдиёв! Лекин ҳаёт ҳақиқати мени осмони-фалакдан ерга улоқтирганди. Бироқ яна осмони-фалакда парвоз этишим учун муҳаббатини изҳор қилиб бир оғизгина сўз айтиши кифоя эди. Шуларни ўйлаб шитоб билан боғ йўлкасида чопиб бориб, эшикни тақиилладим. Глэдисимнинг овозини эшитишим биланоқ шошиб қолган чўри хотинни бир томонга итариб ўтиб, меҳмонхонага отилдим. Глэдис рояль билан тикка турган баланд лампа ўртасидаги диванчада ўтирган экан. Мен уч ҳатлашда хонани кесиб ўтдиму унинг иккала қўлини кафтларим орасига қисиб олдим.

— Глэдис! — қичқирдим.— Глэдис!

У ҳайрон бўлиб менга қаради. Охирги учрашувимиздан сўнг ўтган вақт ичидаги аллақандай билинраб-билинмас ўзгариш содир бўлганди унда. Қарашлари совуқ, лаблари маҳкам юмилган — буларнинг ҳаммаси менга янги, эриш туюлди. Глэдис қўлларини бўшатиб олди.

— Бу нима қилганингиз? — сўради у.

— Глэдис! — қичқирдим мен.— Сизга нима бўлди? Ахир, сиз менинг Глэдисимсиз-ку, менинг севимли дўндиқчамсиз-ку, Глэдис Хангертон!

— Йўқ, деди у.—Мен Глэдис Потсман. Рухсатингиз билан сизга эримни таништирсан.

Ҳаёт нақадар бемаъни нарса-я! Бир вақтлар фақат менга хизмат қилган юмшоқ креслога ястаниб ўтириб олган кичкинагина малла нусхага беихтиёр таъзим қилиб, унинг қўлини қисганимни сезмай ҳам қолибман. Биз бошлиларимизни қимирлатиб, аҳмоқона илжайиб, бир-биirimизга қараб турардик.

— Дадам ҳозирча шу ерда туришимизга рухсат берди. Бизнинг уйимиз ҳали битмаган,— тушунтириди Глэдис.

— Э, шундай денг! — дедим мен.

— Менинг хатимни Парада олмаганимдингиз?

— Йўқ, мен њеч қанақа хат-пат олганим йўқ.

— Э, аттанг, чакки бўпти-да! Олганингизда ҳаммаси сизга аён бўларди-қўярди.

— Менга шундоғам ҳаммаси аён,— дедим ғўлдираб.

— Мен сизнинг ҳақингизда Вильямга гапириб берганман,— давом этди Глэдис.— Бир-биirimиздан яширадиган сиримиз йўқ. Шундай бўлганига ўзим ҳам ачинаман, мени бунда ёлғиз ташлаб аллақайси гўрга кетиб қолишга журъат қилган экансиз, демак, менга нисбатан ҳис-туйғуларини гиз чуқур эмас экан-да. Мени койимассиз?

— Йўқ, нималар деяпсиз асти..., Хўп, энди кета қолай...

— Чой ичмайсизми? — таклиф этди малла нуска, кейин ишонч оҳангиди қўшиб қўйди:— Ҳамиша шунаقا бўлади ўзи... Бошқа нимага ҳам умид боғлаш мумкин?! Иккни рақибдан бири ҳамиша ғолиб чиқади.

У телбаларча эшилиб куластган эди, мен тезроқ чиқиб кетишни роҳат деб билдим.

Орқамдан меҳмонхона эшиги ёпилган эди ҳамки, бирдан аллақандай бир шиддат аъзои баданимни туғёнга келтирди, шу шиддатнинг зўри билан баҳтиёр рақибим ёнига қайтиб келдим. У шу заҳотиёқ ташвишли нигоҳини электр қўнғироққа қаратди.

— Битта саволимга жавоб беринг, марҳамат қилиб,— дедим.

— Нима ҳам дердик, савол қуюшқондан ташқари бўлмаса, марҳамат.

— Сиз бунга қандай мусассар бўлдингиз? Ёмби топдингизми? Қутбни кашф эттингизми? Ёки денгизда қароқчилик қилдингизми? Ла-Маншдан учиб ўтдингизми? Сиз нима қилдингиз? Қандай романтик иш қилиб, қойиллатдингиз? Бунга қандай эришдингиз?

У менга кўзларини лўқ қилиб тикилиб турарди. Бу овсар, кўнгилчан башарада ҳеч нарсага тушунмаганлик аломатлари зоҳир эди.

— Бу гапларингизнинг ҳаммаси ҳаддан ташқари шахсий адоварат меваси деб ўйламайсизми? — деди у, ниҳоят.

— Яхши. Яна битта савол, охиргиси! — қичқириб дедим.— Кимсиз ўзингиз? Қасбингиз қанақа?

— Мен Жонсон билан Мервиль нотариал конторасида нозир бўлиб ишлайман. Адрес: Ченсери-Лейн, қирқ биринчи уй.

— Яхши қолинглар! — деб қичқирдиму ҳеч нарса овута олмайдиган қаҳрамонларга хос қатъият билан, ғазаб, ғам-андуҳ ва... кулги ўтида қовурилиб, қизарган ҳолда отилиб чиқиб, тун қоронғиси қаърида фойиб бўлдим.

Яна битта воқеани қисқача сўзлаб берай-да, қиссамни тамомлай.

Кеча кечқурун ҳаммамиз лорд Жон Рокстон уйида тўпландик, овқатдан кейин сигара чекишиб ўтиарканмиз, дўстона суҳбат чоғида яқингинада бошимиздан кечган саргузаштларимизни узоқ эслашдик. Менга яхши таниш бу қиёфаларни шунаقا самимий вазиятда кўриш алланечук ғалати туюлди. Мана Челленжер ўтирибди. Аввалги дек лабларида мулојим табассум ўйнайди, қовоқлари

ўшандагидек истеҳзоли чимирилган, соқоли тиккайган, ўзи эса кўкрагини кериб олганча тиришиб-тиришиб, Саммерлига насиҳат қиляпти. У бўлса калтагина трубкачасини сўра-сўра эчки соқолини селкиллатиб, Челленжернинг ҳар бир сўзи ҳақида куйиб-ёниб баҳслашиб ўтириби. Ва ниҳоят, мана бизнинг хўжайнимиз — юзи озғин, чуқур ботгани муздек бургут кўзлари совуқ боқади, бу кўзларниң тагида ҳамиша қувноқлик, ҳазил-мутойиба чўғлари ялтиллайди. Буларнинг учови худди ана шу тахлитда эсимда умрбод қолишади

Овқатдан сўнг биз лорд Жоннинг жонидан ҳам азиз, мўътабар жойига — қирмизи ёфдуга чўмилган, турли-туман ўлжалари осиб қўйилган хонасига ўтдик, бундан бўенги суҳбатимиз шу ерда кечди. Хона соҳиби шкафчасидан эски сигара қутиласини олди-да, ўз олдига, стол устига қўйди.

— Аслида сизларни бу ишдан анча олдинроқ хабардор қилишим керак эди-ю,— деди у,— лекин аввал ҳамма нарсани охиригача ҳал қилиб олмоқчи бўлгандим. Умидворлик билан ёниб, амалга ошмаганидан кейин куйиб ўтиришнинг нима кераги бор? Бироқ ҳозир олдимизда фактлар туриби. Ботқоқда птеродактилларнинг инини топган кунимиз эсларигизда бўлса ксрак, а? Шу десангиз, ана шу ботқоқликка қарайвериб-қарайвериб ўйланиб қолибман. Ўзларнинг пайқамаган бўлсаларингиз, ўзим айтиб бера қолай гап нимадалигини. Бу зангори лойли вулқон воронкаси эди.

Иккала профессор бошларини силкитиб, унинг гапи тўғрилигини тасдиқлашди.

— Ана шундай зангори лойли вулқон воронкасини умримда бир марта — Қимберлидаги олмос конларида кўргандим. Сизлар тушунаяпсизларми? Олмос миямдан кетмади. Мен ўша қўланса газандалардан ўзимни қўриқладиган саватга ўҳшаган нарса тўқиб, белкурак олиб, уларнинг инида вақтимни яхшигина ўтказдим. Мен у ердан ма-на буларни териб олдим.

У сигара қутиласини очиб, тўнтарди-да стол устига ҳали пардоzlамаган нўхатдан каштонагача катталиктаги ўттизга яқин олмосни тўқди.

— Сизлар бу кашфиётимни бизларга ҳам маълум қилишинг керак эди, дейишларингиз мумкин. Баҳслашиб ўтирмайман бу хусусда... Лекин тажрибасиз киши бу тошлиарни деб балога қолиши ҳеч гап эмас. Ахир, уларнинг қиммати катта-кичиклигагина қараб эмас, сувнинг тозалиги билан консистенциясига қараб ҳам белгиланади. Хул-

лас, уларни бу ерга олиб келдиму эртасига Спинканинг олдига бориб, бигта тошни пардозлаб, нархини белгилаб беришни илтимос қилдим.

Лорд Жон чүнтагидан чөгрөң дори қутисини чиқардида, ажиб бир тарзда жилваланиб турган бир жавоҳирни кўрсатди, бунақа чиройлисини умримда кўрмагандим.

— Мана меҳнатларим меваси,— деди у.— Заргар бу тошларни камида икки юз минг фунт баҳолади. Албатта, ҳаммамиз баб-баробар бўлашиб оламиз. Бошқа ҳеч нимага мен рози бўлмайман. Хўш, Челленжер, сиз ўзингизнинг эллик минг фунтингиз хусусида нима дейсиз?

— Сиз ҳақиқатан ҳам олижаноб қарорингизни амалга оширмоқчи бўлсангиз, анчадан бери қилиб юрган эзгу орзум рўёбга чиқаркан, шахсий музей учун асбоб-ускуналар олишга сарфлардим бу пулни.

— Сиз-чи, Саммерли?

— Мен ўқитувчиликни ташлаб, вақтимнинг ҳаммасини бўр даври топилмаларини тасниф қилишга бағишлиардим.

— Мен эсам,— деди лорд Жон Рокстон,— ўз улушимнинг ҳаммасини экспедицияни жиҳозлашга сарфлаб, қалбимизга аизу қадрдан бўлиб қолган ясситоғимизни яна бир кўриб келган бўлур эдим. Энди сизга келсак, йигит, пул сизга жуда зарур, ахир, сиз уйланмоқчисиз-ку.

— Э, йўқ, ҳозирча уйланмоқчимасман,— жавоб бердим ғамгин табассум билан.— Аммо-лекин йўқ демасангиз, сиз билан қўшилишиб борардим.

Лорд Жон менга бир тикилди-да, индамайгина метин-дек қорайган қўлини узатди.

АРТУР КОНАН ДОЙЛ

{1859—1930}

Таниқли инглиз адаби Артур Конан Дойл машхур изқувар айғоқчи Шерлок Холмс образи яратилган ўл-мас асари, ажайиб саргузашт роман ва қиссалари билан жаҳон адабиёти ҳазинасига бебаҳо ҳисса қўшган буюк сўз санъаткоридир. Узок умр кўрган бу ёзувчи етмиш жилдлик адабий мерос қолдириди. Бу асарларнинг ҳаммаси бадиий жиҳатдан бир хил юқори савияда бўлмаса ҳам, унинг кўпгина илмий-фантастик, саргузашт жанридаги китоблари зўр қизиқиш билан ўқилади. У яратган билимдон, топқир, инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган олижаноб изқувар Шерлён Холмс, унинг доимий ҳамроҳи, матонатли, камган доктор Ватсон, эҳтиросли олим, тиниб-тинчимас сайёҳ ва тадқиқотчи профессор Челленжер, жасур бригадир Жерар, кўркув нималигини билмайдиган сэр Нигель Лоринг сингари қатор образлар китобхонга яқин ва қадрдан бўлиб қолди. Бундай қаҳрамонларнинг кўпида муаллифнинг ўзига хос фазилатлар ўз ифодасини топган. Зоро Артур Конан Дойлнинг ўзи баланд бўйли, хушмўйлов, хушчақчақ, кўзлари тийрак киши бўлган. У ҳазил-мутойибани, шоду хуррамликни, ўйин-кулгини, майшатни севган, айни чоғда ниҳоятда ширин сўз, дилкаш одам бўлиб, бу фазилатларининг кўпини унинг асарларида персонаажлар характерларида учратамиз. У рақс санъати билан, спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланган, Чунончи, ўзи ўқиган университетнинг футбол командасида марказий хужумчи бўлган, графлик командасида маҳоратини кўрсатган, ёз ойларида Швейцарияга бориб, конекида учишни севимили машгулотларидан бири деб билган, бокс, хоккей, крикет, велосипед, елканли кема спорти соҳаларида ҳам муваффақият қозонган. Ўзи

максус буюртириб тайёрлатган пойга машинасида ет-
миш ёшдан ошганига қарамасдан елдек юришини
севган, Жанубий ва Шарқий Англия йўлларини кезган.
Унинг бу фазилатларини китобхон мазкур асардаги
моҳир овчи, сайёҳ, жасур ҳамроҳ лорд Жон Рокстон
киёфасида, ўз саргузаштларини эҳтирос билан ҳикоя
қилувчи муҳбир ва қўрқмас сайёҳ, фаройиб саргузашт-
лар ишқибози мистер Мелоун образининг турли қир-
раларида кўриб, билиб олади.

Артур Конан Дойл кема врачи сифатида Фарбий
Африка соҳилларини айланиб чиқкан, жуда кўп тури-
стик саёҳатларда қатнашган, бурглар урушида иштирок
этиб, кўплаб ярадорларнинг дардига малҳам бўлган.
Бошидан жуда кўп воқеаларни кечирган бу ажойиб
киши ниҳоятда одобли, мулоҳазакор, камсуқум, хаёл-
параст киши бўлган. У ўз ижодхонасида бунёд этган
фантастик оламида яшаган, ундаги жуда кўп қаҳра-
монлари орқали одамийликни, жасурликни, яхшиликни
улуғлаб, қабоҳатни, разолатни, хиёнат ва жиноятни
қоралаган, манфур одамларнинг кирдикорларини,
ғаламисликларини аямай фош этган.

У Шотландия пойтахти Эдинбургда туғилган, ўша
ерда мактабни битирган, университет таълимими олган,
умрининг асосий қисмини Англиядага ўтказган, Ирлан-
дия кўчаларини кезишдан чарчамаган. Шунинг учун ҳам
Артур Конан Дойл ҳарактерида Бирлашган қироллик-
нинг Англия, Шотландия ва Ирландия музофатлари
аҳлига хос фазилатлар мужассамланган эди. Ёзувчи ва
инсон Артур Конан Дойлда ирландларнинг романтизми
ва эҳтирослилиги, шотландларнинг гурури ва қатъияти,
инглизларнинг сабот-матонати ҳамда юморга мойил-
лиги каби ажаб фазилатлар омихта бўлиб кетганди. Бу
фазилатларнинг кўплари у яратган асарларнинг қаҳра-
монларини инжулардек безаб турибди.

Камбағал хизматчи оиласида туғилган Артур като-
никларнинг иезуитлар мактабида таълим оларкан, бу
мазхабнинг тартиботлари уни маҳдудликка, биқиқликка
мажбур этса ҳам, хаёлпараст, мушоҳадалари оламга
сифмайдиган бу болада китобга бўлган ҳавас жуда эрта
уйғонди. У дастлаб Майн Рид асарларини қизиқиб
ўқиди, кейинчалик Жюль Верн китобларига эҳтирос
кўйди, ўсмирлик чоғида эса Вальтер Скотт асарларини
чукур мутолаа қилди. Айниқса, унинг «Айвенго» рома-
ни Артур Конан Дойлнинг бир умрлик севимли китоби
бўлиб қолди.

Университеттә үкіб юрган Артур тарихни ниҳоятда севарди, шунинг учун ҳам Теккереининг XVII аср ҳаёти лавҳаларини жуда ифодали тасвирланган «Генри Эсмонд тарихи» асарини қўлидан қўймасди. Маколейнинг тарихий воқеалар ниҳоятда мароқли ҳикоя қилинган очерклари университет талабаси бўлган Артурда катта завқ ва ижодиётга иштиёқ уйғотди. Лекин у даставвал тезроқ медиклик дипломини олиб, ишга жойлашиб, муҳтоҗлиқда кун кечираётган оиласа қарашиши лозим эди. Медицина доктори унвонини олиб, ишга борган Артурнинг илк адабий машқлари секин-аста кучая борди, унинг дастлабки асарларини ноширлар суст қабул қилишар, ҳақни кам тўлашарди. Лекин унинг илк китоблари дўконларда туриб қолмас, уларга бўлган талаб эса ошиб борарди. Тез орада у Англиядаги энг катта пул тўланадиган ёзувчига айланди. Унинг ҳар бир сўзи учун бир шиллингдан тўлашадиган бўлишди.

Артур Конан Дойл тарихий романларини зўр эҳтирос ва муҳаббат билан ижод этди. Унинг Англия билан Франция ўртасидаги Юз йиллик уруш даврини тасвирловчи «Оқлар отряди», «Сэр Нигель», пуританларнинг герцог Монмаута бошчилигидаги ҳалқ қўзсонли лавҳаларини кўрсатувчи «Михей Кларк» романлари айниқса катта шуҳрат қозонди. Унинг неополитан романлари циклига кирган асарларининг қаҳрамони, ажойиб жанжалкаш ва мақтандек, ақлли ва дадил неополитан офицери бригадир Жерар образи миллион-миллион китобхонларнинг севимли персонажларидан бири бўлиб қолди.

Ўзи тасвирлаётган тарихий даврнинг ҳаёти лавҳаларини, тафсилотларини моҳирона кўрсата олган Конан Дойл гарчи идеаллаштиришга ўрин берса-да, лекин ҳалқ ҳаётини, тарихий воқеаларни ҳаққоний, ифодали, мароқли сюжетлар билан ниҳоятда ўқимишли қилиб баён этади.

Жаҳонга Артур Конан Дойл донғини таратган асари унинг тарихий романларидан ҳам кўпроқ машҳур изқувар Шерлок Холмс образи бўлди. Унинг Шерлок Холмс ҳақидаги биринчи китоби 1887 йилда чиқкан бўлса, сўнгиси қирқ йилдан кейин—1927 йилда чоп этилди. Таниқли айғоқчи изқуварнинг саргузашларига бағишиланган бу асарлар тўккиз жилдни ташкил этиб, тўрт роман, 56 ҳикояни ўз ичига олган беш тўпламни

ташкыл этди. Ёзувчи бу асарларини ижод этишга қирқ йилдан ортиқ умрени сарфлади.

Артур таълим олиб юаркан, Эдинбург университетининг профессори доктор Жозеф Белл деган кишининг муолажага келган кишиларнинг бир неча ташқи белгилариға қараб, унинг ҳәёти тарихини, касби-корини, характерини батафсил билиб олишига қойил бўлиб юарди. Артур Конан Дойл матбуотда бир неча марта Шерлок Холмс образининг прототипи ана шу доктор Жозеф Белл бўлганлигини тан олған эди. Белл эса Артур мени жуда кам билар эди, шунинг учун мен бу образга алоқадор эмасман, деб таъкидларди. Аммо масаланинг муҳим жойи шундаки Артур Конан Дойл синчковлиги, фаҳму фаросатининг ўтириклиги, ақлу заковатнинг тийраклиги билан ҳаммани қойил қолдириб, ана шундай эллар аро машҳур образни моҳирлик билан яратиб берди. Кўп адабиётчилар доктор Ватсонни ёзувчининг ўзи бўлиши керак деб таъкидлайдилар. Бироқ Артур Конан Дойл Шерлок Холмснинг вайнан ўзидир. Лондон полицияси, Миср ва Хитой ҳукуматлари бир неча марта ёзувчига мурожават қилиб, чигал жинонӣ ишларни тадқиқ этиб, айборларни топиш ва фош қилишни сўраганлар. Артур Конан Дойлнинг ажойиб топқирлиги, донишмандлиги, ақлу заковати ҳайратомуз жумбоқларни ечишга кўмаклашгани ҳаммани ҳайратга солган эди.

Шерлок Холмс ҳозирги замон дедектив жанрининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган образга айланди. Айниқса, у Фарбий Европа ва Америка адабиётларида сезиларли даражада из қолдири. Шерлок Холмс ҳақидаги асарларда машҳур изкувар кўзга илинтар-илинмас факталарни ниҳоятда аниқ тадқиқ этиб, жиноятнинг илдизини очади, унинг сабабларини аниклайди, айборни моҳирона фош этади. Шерлок Холмс ҳамиша оддий халқ вакиллари томонида бўлиб, мутасиб чиновникларни, бой ва зодагонларни таъкиб этади.

1954 йилда Лондондаги Бекер-стрит кўчасидаги 109-йга тантанали вазиятга ёдгорлик таҳтаси ўрнатилди. Унда шу йида 1881 йилдан 1903 йилгacha машҳур хусусий изкувар Шерлок Холмс яшаганилиги қайд этилганди. Адабиёт тарихида китоб қаҳрамонлари мусасар бўладиган ноёб бир воқеа! Бу ана шу образининг нақадар халқиц ва севимли бўлиб қолганидан шаҳсадат беради.

Конан Дойл ижодида турли мавзуларда ёзилган

мароқли ҳикоялар ниҳоятда күп. Лекин унинг фантастик асарлари алоҳида ўрин тутади. Ёзувчи бу жанрга қалами қайралиб, маҳорати камолга етган даврда мурожаат этди. Бу соҳада ҳам ёзувчи баракали мерос қолдирди. Унинг ўн ҳикояси, олти роман ва қиссаси ана шу жанрда яратилгандир. Ўзининг «Йўқолган олам», «Рафлз Хоунинг кашфиёти», «Захарланган камар» каби романларида Артур Конан Дойл бу жанрнинг новатори сифатида майдонга чиқади. У илм-фан кишиларининг ўз ишларига садоқат, фидоийлик билан қарашларини тасвирлайди, улар турли қийин, нажотсиз ҳолларда ҳам кутулиб кетиш учун курашадилар ва ҳамиша яхшилик ғалаба қилишига эришадилар. Улар ҳақ ишнинг ғалабаси учун курашдан толмайдилар.

Таникли адабий хизматлари учун Сэр Артур Конан Дойл деган юксак унвонга сазовор бўлган ва бу билан фаҳрланарди.

Үн биринчи боб	
Мен шу күннинг қаҳрамони бўлдим	124
Үн иккинчи боб	
«Ўрмонда бўлиш мунча ҳам қўрқинчли!»	140
Үн учинчи боб	
«Бу манзарани ҳеч қачон унутмайман»	154
Үн тўртинчи боб	
«Бу ҳақиқий ғалаба эди»	169
Үн бешинчи боб.	
«Кўз олдимизда оламжоҳон мўъжизалар намоён бўлди»	183
Үн олтинчи боб.	
«Кўчага! Кўчага!»	198

МУНДАРИЖА

Биринчи боб	
«Инсон — ўз шуҳратининг ижодкори» .	5
Иккинчи боб	
«Бахтингизга эришмоқ учун профессор Челленжердан мадад изланг»	11
Учинчи боб.	
«Мунча ҳам бадфөъл бўлмаса, қурғур» .	19
Тўртинчи боб.	
«Оlamдаги энг буюк кашфиёт»	27
Бешинчи боб.	
«Бу ҳали факт эмас»	44
Олтинчи боб.	
«Мени худонинг ғазаби дейдилар»	58
Еттинчи боб	
«Эртага биз нотаниш мамлакатга жўнаймиз»	68
Саккизинчи боб.	
«Янги олам бўсағасида»	77
Тўққизинчи боб.	
«Бу кимнинг ҳам тушига кирипти дейсиз?» .	90
Үнинчи боб	
«Мана ўша мўъжизалар»	111

Дойль, Артур Конан

Йүқолган дунё: (Илмий-фантастик роман)
Русчадан М. Яхеев тарж.— Т. «Ёш гвардия»,
1983.— 224 б.

Тит. в: Артур Конан Дойл.

Дойль, Артур Конан. Затерянный мир.
И (Ингл),

На узбекском языке

Артур Конан Дойл

ЗАТЕРЯННЫЙ МИР

Научно-фантастический роман

Перевод с издания издательства ЦК ВЛКСМ
«Молодая гвардия» «Избранные научно-
фантастические произведения», 1957 г.

Редактор **Х. Шайхов**

Рассом **В. Лебедев**

Расмлар редактори **А. Фуломов**

Техн. редактор **Л. Буркина**

Корректор **С. Сайдолимов**

ИБ № 1282.

Теришга берилди 6.05.1983 й. Босишга рух-
сат этилди 12.07.1983 й. Формати $84 \times 108^{1/32}$.
№ 3 босма қоғозга «Литературная» гарни-
турада ююри босма усулида босилди. Бос-
ма листи 7,0. Шартли босма листи 11,76.
Нашр листи 13,13. Тиражи 60000. Буюртма
№ 1095. Баҳоси 1 с. 10 т. Шартнома
№ 10—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш
гвардия» нашриёти, Тошкент, Навоий кў-
часи, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети наш-
риётининг Мехнат Қизил Байроқ орденли
босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока»,
кўчаси, 26-ый.